

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ИСЛОМЖОН ЁҚУБОВ

**БАДИЙ МАТН ВА ЭСТЕТИК
ТАЛҚИН**

ТОШКЕНТ – 2013

УЎК: 687.053 (072)

КБК 37.24-5

Ё-23

Ё-23 И.Ёқубов. Бадий матн ва эстетик талқин. –Т.: «Fan va texnologiya», 2013, 152 бет.

ISBN 978–9943–10–899–8

Ушбу монография филология фанлари номзоди, доцент Исломжон Ёқубовнинг Асад Дилмурод насрини уқиш ва англаш, ҳис қилиш йўлидаги янги изланишларини камраб олган. Муаллиф бадий матн эстетик талқини муаммосига Ғарб ва Шарқ эстетикаси ҳамда адабиётшунослиги илғор назарий қарашлари асосида ёндашган. У адабий матнга ёзувчи услуби, истъдоди, интеллектуал салоҳияти акс этган ўзига хос мураккаб қурилма - маънолар хазинаси сифатида муносабат билдираркан, романлар меҳваридаги серкатламликни кашф этишга уринган. Бинобарин, ушбу монография бадий матн ботиний сирларини ўзлаштириш нафосатшунослиги асосида тадқиқ этилган изланишлардан биридир.

Муаллиф илмий-адабий жамоатчиликнинг монография юзасидан билдирадиган фикрларини самимият билан қабул қилади ва кейинги ишларида инobatга олади. Бунинг учун Сизга олдиндан ташаккур билдиради.

Монография Олий ва ўрта махсус таълим тизими талабалари, магистрантлари, изланувчи-тадқиқотчилари, шунингдек, бугунги адабий жараён муаммоларини ўрганишга ихлосманд барча китобхонларга мўлжалланган.

УЎК: 687.053 (072)

КБК 37.24-5

Масъул муҳаррир:

ҚОЗОҚБОЙ ЙЎЛДОШЕВ – педагогика фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

ҚУРДОШ ҚАҲРАМОНОВ – филология фанлари доктори, профессор;

АДҲАМБЕК АЛИМБЕКОВ – филология фанлари номзоди, доцент

Монография Низомий номидаги ТДПУ Илмий кенгашининг 2013 йил 25 апрелдаги 11-сонли қарори билан нашрга тавсия этилди.

ISBN 978–9943–10–899–8

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2013.

Тангрининг марҳамати ва инояти ила битилган ушбу китобим туфайли ҳосил бўладиган савобни кайвони момоларим Шарифа Саидмаъсурхўжа қизи ва Робия Рўзимат қизлари (*Аллоҳ улардан рози бўлгай ва қомил муқофот ато этгай*) порлоқ хотираларига бағишлайман.

Муаллиф

ЎНГСЎЗ

Одам ва олам моҳияти

Сўнги йиллар адабий танқидчилигида бадий асарга герменевтик ёндашув усули, яъни поэтик матнни тушуниш ва маъно-моҳиятига етиб талқин ҳамда таҳлил қилиш ҳаракати кучаймоқда. Айтиш мумкинки, сўзлар маъноси ва матн моҳиятига эътибор танқидчилик методологияси асосий йўналишларидан бирига айланмоқда. Шарқда ўзлаштириш нафосатшунослиги (*рецептив эстетика*) ўзининг олис тарихига эга. Жумладан, *Қуръони Карим*ни тафсир қилиш, шунингдек, ҳадиси шарифларни шарҳлашга ҳаракат қилинган. Бобокалонларимиз нимани қандай тушунтириш (*талқин қилиш*) ни олдиндан аниқ белгилаб олишган. Шунинг учун ҳам тафсирларнинг *фикхий, луғавий, ақлий, тарихий, мутасаввифона* турлари юзага келган. Маҳмуд Қошғарий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий ва бошқа кўплаб олимларимиз ўз изланишларида сўзга эътибор бериш, талқин қилиш ва шарҳлашни ғоятда муҳим санашган. Уларнинг гипотеза ва таққослари, ҳукм ва хулоса чиқариш усуллари герменевтик тафаккурга дахлдор эди. Демак, ўзига хос фикрлаш тарзи бўлган бу жараён маданиятимиз тарихидаги муҳим илмий-фалсафий ҳодисадир.

Ғарбда ҳам бадий матнни тадқиқ қилиш, изоҳлаш, адабий-назарий асослаш ва методологик жиҳатдан тушунтириш ҳамisha долзарб саналиб келган. Зотан, талқин қилиш (*матнни имманент тушуниш*) унинг ўзига хос ички белги-хусусиятларини очиб беришдир. Аини муаммо Аристотель, Б.Спиноза, И.Кант, Э.Гуссерль, Р.Барт, Ж.Деррида, Ю.Кристева, М.Фуко ижодида кенг таҳлил қилинган.

Масалан, И.Кант макон ва замонни алоҳида шахс онги, ҳис туйғу ҳамда мушоҳадалари билан изоҳлаган. Борлиқни инсон онгига боғлаб тушунтириш ғояси дастлаб Э.Гуссерль феноменологияси, кейинчалик эса постмодернизм фалсафасида давом қилдирилди. Таълимотнинг кейинги ривожчи М.Хайдеггер, Г.Гадамер, П.Рикёр, М.Бахтин, Д.С.Лихачёв, Б.М.Каган, М.Б.Храпченко, Ю.Борев, П.Гайденко, Д.Урнов, В.Хализев хизматлари билан боғлиқдир.

Маълумки, таҳлил қилишнинг умумий назарияси бўлмиш герменевтика XIX асрдаёқ немис файласуфлари Ф.Шлейнмахер ва В.Дильтейлар томонидан гуманитар билишнинг методологик асоси сифатида майдонга ташланган эди. Ф.Шлейнмахер фикрича, матн ўз табиатига кўра икки ёқламадир. Яъни у: тил тизимига нисбатан қисм, индивидга нисбатан эса ижод маҳсулидир. Шунинг учун ҳам у талқинни икки (*грамматик ва психологик*) қисмга ажратади. В.Дильтей эса, герменевтикани “руҳ ҳақидаги” (*гуманитар*) фанларнинг асоси деб билади. Унинг фикрича, тушуниш бутунлик (*ҳаёт*) ни адекват ифодалаш (*идрок этики*) нинг ягона воситаси. Агар талқин қилувчи шахс ўз руҳий оламини қанчалик идрок этолса, ўзгани ҳам шунчалик тушуна олади. Демак, ижод маҳсули ижодкор тарихий-руҳий оламига монанд (*изоморф*) дир.

М.Хайдеггер тушуниш масаласига билиш эмас, балки мавжудлик усули деб қарайди. Зотан, мавжудият тушунишни тақозо этади. Ҳанс Георг Гадамер эса: бадиий матнни тушуниш ҳеч қачон охирига етмайди, дея таъкидлайди. Унинг лингвоцентриқ фикрича, чин ҳақиқат ҳиссий туйғулар воситасида эмас, балки матнни англаш орқали амалга оширилади. Зотан, мавжудликнинг ўзи: *билиш, фаолиятда бўлиш ва баҳолаш* асосида кечади. Инсон воқелиқни назарий жиҳатдан англайди. Яъни, оламга муносабат асосида тушуниш ётади. Одам боласи ўз тушунганларини ҳаётий ва амалий синовдан ўтказади. Бинобарин, кечинмалардан ташқарида ҳаётий тажриба тўпланиши мумкин эмас. Шундай экан, бадиий матн - инсон борлигининг тил орқали реаллашуви. Инсон “мен”ининг рўёбга чиқиш шакли. Тарих матно ва мазмунини ифодаловчи бадиий матн эса, авлодлар мулоқотидир. Бу мулоқот (*бадиий асар билан китобхон диалоги*) асносида матнда моддийлашган мазмун тушунилади. Бизнингча, олим тил масаласига алоҳида эътибор қаратар экан, талқин қилувчи шахсиятига хос ижодий фаолликка етарлича аҳамият бермайди. Немис кадриятшуноси Генрих

Риккерт таъкидлашича, тушуниш ва англашнинг ўзаро узвий боғлиқлиги структур-семантик таҳлилни тақозо этади. М.М. Бахтин: тушунишда икки онг (*икки субъект*), тушунтиришда эса бир онг (*талқин объекти*) ўзини намоён қилишини таъкидлайди.

Демак анъанавий (*теологик*) герменевтика ўз эътиборини матн зохирий мазмуни ва унда акс этган шахс руҳини англашга қаратади. Археологик герменевтика йўналишида эса, матннинг юзага келиш сабаблари ва ботиний мазмунини англашга эътибор берилади. Айрим Ғарб олимлари ташқи дунё ва инсон борлиғи (*иллюзор олам*) ни кескин ажратишади. Бадий матнда етарлича англамаган ёхуд атайин яширилган маънолар мужассам деб билишиб, ўз эътиборини символларга қаратишади. Бу фикрни умуман инкор этмаган ҳолда, Ф.Ницше, З.Фрейд сингари тадқиқотчиларнинг инсон мавжудлигини иқтисодий-сиёсий факторлар ва табий майлларга боғлаб тушунтириши шарқона дунёқарашга муайян даражада зидлигини ҳам таъкидлаш ўринлидир. Бунда талқин қилувчи, бадий матн ортидаги шахс (*субъект*) ва Тангри мулоқоти амалга ошмайди. Чунки, борлиқ ва тафаккур тараққиётининг уч босқичлиги (*ақл – руҳ – космос*) назардан қочирилади. Илло, азал-азалдан Шарқда матн талқини ягона уйғунликнинг қайси даражада қамралишига кўра амалга оширилган. Бизнинг давримизда эса, бу доирани ноанъанавий герменевтикага хос талқин усуллари билан янада бойитиш ўз ижобий самараларини беради.

Кўринадики, герменевтика классик гносеология (*билиш назарияси умумий қонуният ва усуллари*) нинг субъект-объект дихотомиясига зиддир. Герменевтикада инсон ҳаёти онг (*тафаккур*) га боғлаб тушунтирилади. Олам инсонга нисбатан талқин қилинади. Бошқачароқ айтганда, инсон борлиғига ниҳоятда катта эътибор қаратилади. Зотан, оламнинг мазмун-моҳияти ақл-фаросат орқали англанади. Яъни дунё инсон учун яратилган ва унга мослаштирилган деб қаралади. Бинобарин, инсон дунё тузилишининг асосий мақсади сифатида намоён бўлади. Илло, воқелик ва олам ниҳоятда кенг. У ўз ичига моддий-маънавий борлиқ ва йўқлик (*абадият*) сингари тушунчаларни қамраб олади. Демак инсон борлиғи унинг моҳиятини тушуниш, англаш ва таҳлил қилиш орқали реаллашади. Кўринадики, матнни талқин қилиш тамойиллари ҳақидаги таълимот бўлмиш герменевтика ҳақидаги қарашлар аксарият гуманитар фанлар сингари филологик

тадқиқотлар учун ҳам ўзига хос методологик асос вазифасини ўтай олади. У бадий матнда ўқувчи учун мавҳум бўлган жиҳатларни муфассал тушунтириш, изоҳлаш ва шарҳлаш имконини беради. Мавҳум ифода конткретлашуви эса, китоб меҳваридаги ботиний маъно тушунилишини осонлаштиради.

Истиқлол даври ўзбек адабиётшуносларидан Н.Каримов, У.Норматов, Б.Назаров, Н.Раҳимжонов, А.Расулов, Ҳ.Болтабоев, Қ.Йўлдошев, Д.Қуронон, Б.Каримов, Қ.Қаҳрамон, Т.Шермурод, У.Ҳамдамов тадқиқотларида қаҳрамон борлиги моҳиятини реаллаштиришда уни тушуниш, англаш ва таҳлил қилишга эътибор ортгани кузатилади. Муҳими шундаки, изланишлар жараёнида онг объектив реалликдан кескин ажратилмайди. Бадий ҳақиқат онгда мавжуд бўлган, яъни англаб етилган фактларга боғлаб изоҳланади. Демак, борлиқ мазмуни қаҳрамон онги, тасавури ва идрокдан изланади. Бизнингча, адабий-назарий билиш мантиғида юзага келган бундай ижобий силжишлар индивидум руҳияти кенг ва теран таҳлил қилиниши билан аҳамиятлидир.

Биз замонавий ўзбек романлари асосидаги анъанавий маданият илдизларини кузатишга, ёзувчилар олам илоҳий моҳиятини рамзли идрок этаётганига диққат қаратишга уриндик. Бадий матн талқини асносида ўша ягона уйғунлик қайси даражада қамраб олинганини тушуниш ва англашга интилдик. Изланишларимиз ана шу йўсиндаги бир ҳавасдир.

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН

Халқимизнинг адабий-эстетик эҳтиёжини қондириш йўлида самарали меҳнат қилаётган носирларимиздан бири Асад Дилмурод ижоди ўзига хослиги билан ажралиб туради, муҳими, адиб ижодида тарихий-ҳаётий ҳақиқатларни бадий талқин қилиш, одам ва олам моҳиятини янгича англаш ва идрок этиш етакчи ўрин тутди. Бугунгача ўқувчилар ҳукмига кўплаб ҳикоялар, “Шердор”, “Мулк”, “Гирих”, “Интиҳо”, “Мезон буржи”, “Оқ аждар сайёраси” қиссалари, “Маҳмуд Торобий”, “Фано даштидаги қуш”, “Паҳлавон Муҳаммад”, “Ранг ва меҳвар” романларини ҳавола этди. Уларда гоҳ тарихий зиддиятлар, гоҳ реаллик ва нореал ҳаёт бирлиги, яъни мистик-романтик ҳолатлар, гоҳида эса ўткир психологизм руҳи устунлик қилади. Бу эса у ўз қаламини тинимсиз чархлаётгани, мудом интилиш ва изланишда эканлигини кўрсатади.

Асад Дилмурод катта ижодий ўрганиш босқичини ўтагандан кейингина роман жанрига кўл урди. Унинг “Хилват” ҳикояси ва “Мезон буржи” қиссасида Амир Темур образи яратилди. Истиклолгача бўлган даврда китобхонлар кўлига теккан “Шердор” қиссасида XVII аср биринчи ярмидаги Самарқанд манзаралари, аштархонийлар сулоласи вакили – ҳоким Абу Карим Бойхожи ўғли Ялангтўшбий баҳодирнинг мураккаб шахси, унинг гўзал қизи Моҳбону билан меъмор йигит Муҳаммад Авазнинг изтиробли муҳаббати хусусида сўз боради. Шердор мадраса-масжиди гўзаллик ва эзгулик обидаси, ҳаёт карама-қаршиликлари ва халқ донолиги акс этган боқий тимсол сифатида талқин қилинади.

“Шердор”да Имомқулихон давридаги халқимиз ҳаётини маърифат ғоясига йўғириб тасвирлайди. Қаҳрамонлар табиий интилишларини инсоний зиддиятлари, маънавий комилликлари ва чекланганликлари билан ифода этади. Уларнинг кўнгил иқлимларини нафс масаласига муносабатлари фонида тафтиш этади. Қиссадаги *кошона* эзгулик ва нафосатнинг, *шоҳи рўмолча ва унга нақшланган тасвирлар* эса муҳаббатнинг рамзлари даражасига кўтарилади. Ижод ишқи ва яратувчанлик, гўзаллик ва нафислик, улуғворлик ва абадият барқарорлиги ҳақидаги етакчи фикрни тасдиқлашга хизмат қилади. Бу усул кейинчалик “Гирих” қиссасида *қадимий нақш - гирих* мажозий образ даражасига кўтарилишида ҳам бўй кўрсатади. Ниҳоят, “Фано

даштидаги қуш” романида услубий белги сифатида яхлитлашади. Муҳими, уларда адиб қалбидаги бунёдкорлик завқи, эзгулик соғинчи, нафосат эҳтироми ва ғайрати, эртадан умидворлик туйғулари, фалсафий мушоҳадалари мужассамлашган.

“Мулк”, “Гириҳ”, “Интиҳо” қиссаларида ҳам маърифат ва жаҳолат ўртасидаги кураш яқин ўтмиш ҳаёти мисолида бадий-фалсафий таҳлил этилади. Тарихий ўтмиш ва маданий меросга миллий манфаатлар нуктаи назаридан қаралиб, зўравонликнинг ҳар қандай кўриниши жохиллик сифатида баҳоланади. “Мулк” қиссаси бадий тасвирнинг кенглиги, мажозий образларга бойлиги билан эътиборни тортади. Носир унда XX аср бошидаги таназзулни қаламга олади. Муҳими, инсон ва унинг эътиқоди, моддий-маънавий бойликлари топталгани, шаъни камситилгани ҳақида миллат зиёлиси ўлароқ, куйиниб сўзлайди. Кейинги қиссаларида адиб тасвир доирасини янада кенгайтира боради.

Адибнинг “Маҳмуд Торобий”¹ номли илк романига ҳам руҳий-ижодий тайёргарлик босқичи миллий истиқлолдан анча илгари бошланган эди. Унинг “Яроқдаги битик” ҳикоясидаёқ Маҳмуд Торобийдаги саркардаларга хос барқарорлик ва жасорат туйғуси она қонидан ўтганлиги кўрсатилганди. Романга материал тўплаш жараёнида Асад Дилмурод адабиётимизда мазкур мавзуда 1941 йилда битилган Ойбекнинг “Маҳмуд Торобий” драматик достони тажрибаларига таянади. Зеро, Ойбек Маҳмуд Торобийга бўлган муносабатда биргина драматик дoston билан қаноат ҳосил қилмай, “Халқ қалқони” пьесасини ёзишга киришган, Александр Дейч билан ҳамкорликда шу мавзуда опера асари битган, “Ғалвирчи” насрий драмасига қўл урган, аммо улкан ижодий ниятларини тўла рўёбга чиқаришига мураккаб давр имкон бермагани сабабли бошқа ижодий режалари ижроси билан шуғулланган даҳо санъаткор эди.

Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна”, Мақсуд Шайхзоданинг “Жалолиддин” шеърий драмалари, миллий адабиётимиз ва дунё адабиётида яратилган кўплаб тарихий қиссалар ва романларни ҳам Асад Дилмурод маънавий-руҳий илҳомланган асарлар сирасига киритиш мумкин. Бу ҳақда тўхталаркан, адиб: “Ҳазрат ёзувчимиз Ойбек домла қўллаб юборди. Ойбек домла ва Александр Дейч сингари забардаст адиблар қўл урган, исёнкорона руҳга йўғрилган мавзу

¹ Асад Дилмурод. Маҳмуд Торобий. Тарихий роман. Т.: “Шарк”, 1998.

мураккаблиги, бинобарин, Маҳмуд Торобий сийрати ва сувратида мужассам улуғворлик мени хушёрлик ва холисликка ундади”, - дея Ойбек яратган ижодий мактаб сабоқларидан кучли таъсирланганини эътироф этади.

Тарихий романда Маҳмуд Торобий оддий косибликдан улуғ саркардаликкача кўтарилган, султонлик рутбасига мушарраф бўлган, хурриятга ташна инсон образи сифатида кенг кўламда ифода этилди. Маҳмуд Торобий – руҳан енгилмайдиган ўктам инсон. У халқ мусибатини шахсий майлларидан устун қўя олади. Ёзувчи унинг нафақат жисмоний, балки руҳий қудратини ҳам кўрсата билган. Бундай ҳолни романнинг Муҳиддин Камол ва Суйгуна Зебо ишқ-муҳаббати тасвирланган ўринларда ҳам учратамиз. Ёзувчи интим туйғуларни тасвирлашда қаҳрамонлар руҳиятидаги тебранишларга эътибор қаратади. Муҳиддин Камол билан Оловхон Юсуфни, Суйгуна Зебо билан Сузукни қарама-қарши қўйиб тасвирлаш орқали иймон поклиги ва руҳ мусаффолиги ҳақидаги концепцияни тасдиқлайди, китобхон туйғулар оламини ларзага солиб, гоҳ ғурур, гоҳ энтиқиш, гоҳида эса ачиниш, изтиробга тушиш ҳисларининг ўрнини алмаштира боради. Асар тасвирий йўналишидаги фалсафий мушоҳадакорлик, ғоявий концепциясидаги теран ҳаётий умумлашмалар ўқувчи онгида олам ва одам ҳақида теран мулоҳазалар уйғотади, ўша давр руҳини қалбига жойлайди.

“*Маҳмуд Торобий*” романи марказида жаҳолат ва ёвузлик, хиёнат ва қабоҳатнинг инкори орқали *эътиқод бутлиги, иймон мусаффолиги, эрк соғинчи, юртга садоқат* сингари ардоқли туйғуларни улуғлаш туради. Адиб Маҳмуд Торобийни идеаллаштирмайди. Бутун умри даҳшатли йўқотишлар ичида кечган саркарданинг дард-аламлари, изтироблари ҳаққоний тасвирланади. У муқаррар фожиясини англаган ҳолда катта мақсадлар йўлида мухорабага киргани билан улуғворлик касб этса, атрофини куршаганларнинг руҳий оламини билиб улгурмаганлиги жиҳатидан ожизлигини ҳам намоён этадики, у адабий қаҳрамонгина эмас, жонли одам сифатида қабул қилинади. Муаллифнинг романдан кўзлаган бош мақсади ҳам Чингиз қиличи яралаб, тиз чўктиришга уринган, буюк Ясо қонунлари хўрлаган исломий юрт Бухорода эртанги кун қайғуси билан яшаётган, ватан тупроғини муқаддас билувчи эътиқодли ботирлар кўплигини кўрсатишдан иборат эди. Шунинг учун бўлса керак, адибнинг асосий

этибори кўзголон тафсилотларига қаратилади. Маҳмуд Торобийнинг сўнгсиз ғиғонлари бошидан кўп жафоларни ўтказган элнинг ғиғони сифатида ифода этилади. Ёзувчи халқ конида яширин қудрат ва шижоатнинг уйғониши катта куч эканлигини, ҳар қандай разолатни маҳв этажанини ғоятда ишончли тасвирлашга эришади. У қаҳрамонлар руҳиятидаги зиддиятли эврилишларни кўрсатар экан, дунёнинг нотугаллигини, фароғатли ва эркин замонлар орзусини нафс ва иймон тушунчалари, ватан ва халқ туйғулари атрофига жипслаштиради.

Савдогар Маҳмуд Ялавоч шахси ва унинг ўғли Масъудбекка нисбатан тарихий-адабий манбаларда келтирилганидек стереотиплар асосида ёндашмайди, балки уларни мураккаб тақдир эгалари сифатида талқин ва таҳлил этади.

Адиб талқинича, мўғул хонлари, шахзодалар, амирлар, босқоқлар, доруғалар, ноиблар маҳаллий халққа нисбатан беписанд муносабатда бўлиб, раиятни аёвсиз тарзда эзишган. Тарихнинг мураккаб ўйинида кўғирчокқа айланган Маҳмуд Ялавоч, ҳар қалай, шу элнинг фарзанди эканлигини буткул унутмаган эди. Унинг қалбида ҳам эл-юрт, ватан, диндошлик ва қондошлик муқаддас туйғуси буткул йўқолмаган эди. Умр бўйи ваҳима ва шубҳа оралиғида тўлғониб яшаган, мол ва жон ташвишидан, юксакликка кўтарила олмаган, зулм олдида қўрқоқлик қилган, хиёнаткорликда Оловхон Юсуфдан-да хавфлироқ ноибни Асад Дилмурод тақдир етовидаги ожиз банда деб билади, уни икки ўт ўртасида қолган кўрнамак сифатида айблайди. Адиб наздида, Маҳмуд Ялавоч катта бойлик, иззат ва амалга эришган, тирик қолиб қолиб бўлган эса-да, аслида – мағлуб, улус озодлиги учун аёвсиз жангда шахид бўлган Маҳмуд Торобий эса мол-дунё ва мартабадан кадрлироқ иззатли ўлим топган, демак, маънан қолиб...

Чиндан ҳам Асад Дилмурод қаҳрамонларга бўлган муносабатини унчалик яширмайди. Асарда Маҳмуд Ялавоч сингари мураккаб характерларнинг руҳий ўртанишлар орқали кечувчи инқирози ҳаққоний таҳлил этилади. Бу орқали нафақат давр, балки аросатдаги инсон тақдирига хос фожиа ҳам кўрсатилади. Романда босқинчилар ва исёнчилар ўртасидаги кураш эзгулик ва ёвузлик кураши тарзида ифода этилади.

Мухими, адиб китобхонни ўйлаш ва фикрлашга ундайди. Алам ва изтиробга йўғрилган кўхна тарихни бутун даҳшатлари билан жонлантириш орқали Маҳмуд Торобий руҳида кечган жараёнларни

иймон поклиги, ният тозалиги билан туташтира билади. Сийнаси душман найзаларидан пора бўлганида ҳам “*Яшасин, Хурлик!*” – дея баралла хайқирган Суйгуна Зебо, жон таслим қилаётиб ватан тупроғини тавоф қилган Муҳиддин Камол, қилич сопини чалгаллаганича жон таслим этган Шамсиддин Маҳбубий, кўлида туғ билан жанггоҳга отилган ва шаҳид кетган Зор Жаҳон ва ниҳоят, ўлимга тик боқиб, хоин Оловхон Юсуф ханжарига мардона бошини тутиб берган Маҳмуд Торобий жасорати ва армонлари ғоятда ишонарли, эстетик таъсирчан тарзда чизилади. Ғазаб ва нафрат, даҳшат ва умид билан қоришган улуғ муҳораба тарихи халқ руҳининг энгилмаслиги тимсоли даражасида ифода этилади.

Лекин кўзғолон тафсилотларига бир қадар ортикча берилиб кетган муаллиф кекса Аминбек Бухорий, Гиёсхўжа Бухорий, Аъзамхон эшон, Шамсуддин Маҳбубий тақдири орқали масжидларни отхонага, муқаддас китоблар солинган сандиқларни охурларга айлантириб, илму урфон пешволарини сайислик ва ғуломликка тайинлаш билан боғлиқ жиҳатларни мўғул истилочиларининг маҳаллий халқдаги илмга ўчликни ҳазм қила олмаслиги тарзида тўғри изоҳласа-да, кенг таҳлил этмайди. Аъзамхон эшонни тошлоқ ерни шудгор қилишга мажбурлаб масҳара қилишган ҳолат-вазиятлар тасвирида адиб босқинчиликнинг маънавий зарарларини кўрсатишга уринади. Шамсуддин Маҳбубийни бош сайисликка тайинлашмоқчи бўлишганини эслатади. Агар ана шу жиҳат ҳам характерлар тақдири орқали кенгроқ ифодасини топганида ҳар қандай босқинчиликнинг қиёфаси якранг эканлиги билан боғлиқ яқин ўтмиш тарихимизга берилган урғу анча теранлашган бўларди.

Ёзувчи маънавий-маърифий инкирозни мамлакат таназзулга юз тутган XIII асрдаги мўғул босқини даври мисолида кўрсатиб, бу ҳолни мудҳиш жиноят сифатида баҳолайди. Олис тарих ҳақида сўзлаётиб, инсонни ва унинг шаъни, эътиқоди, моддий-маънавий дунёсига даҳл қилинган шакл ва мазмунан унга уйқаш тарихий ҳақиқатларни ҳам назарда тутати. Фитна ва фасод гирдобига шўнғиган, улуғ мақсадлардан бегона кимсаларнинг урчишини ҳам адиб халқ бошига тушган кўргиликлар, босқин, кўркув салтанати залвори, шахсий ожизлик сингари белги-аломатлар билан боғлаб талқин этишга эришади. Қадимият саҳифаларининг миллий тафаккуримизга нақадар туташ эканлигини кўрсата олади.

Таъкидлаш жоизки, бу мавзу ғоятда мураккаб, айна пайтда, миллий адабиётимиз ва миллий тафаккуримиз доирасида янгича англаниши, ифода этилиши мақсадга мувофиқ эди. Асад Дилмурод бу эстетик вазифани ички иштиёқ, маънавий-руҳий эҳтиёж орқали ифодалашга, тарихий далиллар билан хаёлот олами илғамларини туташтира олиш орқали адо этишга муваффақ бўлган. У етти ярим аср муқаддам ўтган исёнкор бир инсонни эмас, балки чинакам фидойилиги, жасурлиги, улуғворлиги, орифлиги билан барча даврларга ибрат бўла оладиган мураккаб характерни китобхонга тақдим этади. Шу маънода, зоҳиран кечмиш қайғуси, ох-фиғонлари, қонли сабоқларидан сўзлагандек туюлувчи “Маҳмуд Торобий” романи ботинан бугунги ва эртанги куннинг орзуси билан кечмиш армонлари фалсафий-эстетик синтезидан туғилган қаҳрамоннинг мураккаб руҳияти тарихидир.

Романда адиб Ясо қонунлари билан “Авесто”, “Қуръон” ғоявий концепциясида талай муштарак жиҳатлар мавжудлигини кузатишга муваффақ бўлади. Жумладан, сувнинг баракот ва тириклик манбаи эканлиги, ягона Аллоҳнинг эътироф этилиши, инсон абадий яратувчи (Қуёш) нинг сояси эканлиги, илоҳий ирода эгаси қудратли зотлиги, фано ва бақо оламлари мавжудлигига ишонч, эзгу ва ёвуз руҳлар кураши ифода этилиши, сеҳрли рақамлар (уч, етти) ва ранглар (оқ, қора, қизил) нинг муқаддас саналиши сингари кўплаб параллелликларни кўрсатадики, бу каби муштаракликларни чуқурроқ тадқиқ этиш, эҳтимол, илм-фанда ҳам янги-янги хулосаларга келиш имконини бериши мумкин.

Албатта, романда кўзғолон мағлубиятга учрайдигина эмас, курашчилар ўз саркардаларини асраб қола олмайдилар ҳам. У душман қўлида эмас, балки ўз қавмидан чиққан калтабин ва жоҳил кимса тифидан жон таслим қилади. Қаттол нафси зулматга етаклаган Оловхон Юсуф Чигатойнинг қўлида кўғирчоққа айланади. Зафар ва мағлубият, улуғворлик ва адашув, меҳр ва нафрат сингари туйғулар контрастлиги, бир-бири билан ўрин алмашинуви вақт аталмиш улуғ ҳакам зарбаларини писанд қилмай, ёзувчи хотирасида жойланади, турли ракурслардан туриб кузатилади.

Зоҳир ва ботиндаги тўқнашувлар тасвири “Паҳлавон Муҳаммад”² романида янада кенгроқ ифодасини топади. Асад Дилмурод ижодий услуби сайқаллашади ва ижодий позицияси янада кенгроқ кўламда

² Асад Дилмурод. Паҳлавон Муҳаммад. Роман. Т.: “Шарк”, 2006.

кўзга ташланади. 2006 йилда китобхонлар кўлига теккан ушбу романда Алишер Навоийдек улуг шахс фаолияти ва ижодининг йўналишида, тараққиёти ва такомиллида муҳим роль ўйнаган Паҳлавон Муҳаммад Абусаид сиймоси ўз ифодасини топган. Адиб унинг ҳаётини халқ ва ватан манфаатлари учун фидойилик намунаси, поэтик ижодини эса эзгулик ғояларининг ифодаси сифатида маънавий-маърифий ва ирфоний мазмунда ёритади. Инсон ва ҳаёт фалсафаси ҳақида теран фалсафий фикр-қарашларини илгари суради.

Асарда реалистик услуб етакчилик қилса-да, романтик-фантастик бўёқлар ҳам кўринади. Айни шу бўёқлар эпик тасвир таъсирчанлигини янада орттириш, қахраманлар дунёсини теран очиш ва бадиятни кучайтиришга ёрдам беради. Жумладан, Иброҳим Бекпўлат *ҳинд қоплони, филдай бақувват барзанги* сифатида таърифланади. Аҳмад Пирий *“депсинса ер ўйилгудек силкинар, наъра тортса ҳаво тебранар эди”* қабиллида гротеск усулида берилади. Али Рустой *дев сувратли, ёсуман сийратли* бўлиб, рақибига қарши *лалми дўқ уради*. У: *“истасам, ерни елкалашга қодирман”*, -- деб чиранади. Паҳлавон Муҳаммад силтанганида *мовут камзули чоки яғрини тарафидан тириллаб сўкилади*. Дарвеш Муҳаммаднинг *ўмровлари қоядек чўнг, ҳар елкаси бир одам сизадигандай кенг, пайлари таранг, мушаклари сандонда пешланган каби бўртиқ*, Муҳаммад Молоний рақиб рўпарасида кад ростлаганида *гўё ҳам бўйига, ҳам энига ўсади*. *“Одам сувратидаги дев”*нинг бир тепиб баҳайбат фил Манглусни кулатиши, ўзини кўйиб юборганида *гўё мушаклари ўйноқлаб, бўйин томирлари ўқлогдек бўртиб, кўзлари косасидан ирғиб чиққудай* бўлиши ҳолатлари, бир томондан, майдонда масиққан паҳлавонлар жунунини, иккинчи жиҳатдан, маънавий ва руҳий қудратнинг оний лаҳзалардаги бирикувини, учинчидан эса, ор талашган паҳлавонлар маънавий қиёфасини кўрсатишга хизмат қилади. Рақиб даҳшати ва ваҳимасига қарши турган куч-қудрат, мардлик ва жасорат кучини ифодалашга ва маълум даражада ҳажвий-юмористик қиёфалар чизишга хизмат қилади. Бундай тасвирлар романга анъанавий эпосга хос эпик қўламдорлик, бадий шартлилик, идеаллаштириш, муболага ва гротеск, ижодий тўқима каби кўплаб хусусиятлар сингдирилганлигини кўрсатади.

“Паҳлавон Муҳаммад” да бош қахрамон сиймоси талқини орқали донишманд, оқкўнгил, эътиқоди бутун ва иродали аллома ғояларининг инсонпарварлик моҳияти муфассал кўрсатилган, муаллифнинг унга

кечинмадошлик туйгулари ифодаланган. Қаҳрамонни маънавий-руҳий покланиш йўлларида олиб ўтиш орқали камолотга етаклашда ёзувчи унинг иймон-этикоди ва дунёқарашига алоҳида диққат қаратади. БУТУН ОДАМлардан маънавий-руҳий мадад олиб, озодлик сари талпинган қаҳрамон ўзининг жаҳолатга қарши курашиш маслагига сафдошларини ҳам ишонтира олади. У фақат файласуф алломагина эмас, элдошларининг ишончли ҳомийси тимсолида ҳам талқин қилинади. Руҳоний портретини чизиш орқали паҳлавон-валийлик характерида хос илоҳийлик қирраси ёритилади.

Бошқача айтганда, романдаги зиддиятлар нафақат шахс ва жамият, эзгулик ва ёвузлик, балки иймон ва нафс ўртасида ҳам кечади. Муаллиф жисмоний кучлар тўқнашувини давр руҳидан ажратмайди, ички коллизия фонида акс эттиради. Паҳлавон Муҳаммад шахсиятидаги эрка интилиш, сўфийлик, баланд инсоний ғурурдан келувчи андак кибр, қатъият, ишонч, юксак руҳоний улғворлик, йиғиқлик, алломалик, ошиқлик, оддийлик, чапанлик, ҳазилкашлик каби вазият талаби билан ўзгариб турувчи руҳий ҳолатлар унинг ижтимоий фаолиятидаги инсонпарварлик ва ватанпарварлик фазилатлари билан табиий уйғунликда жонли манзаралар воситасида маҳорат билан тасвирланади.

Ёзувчининг ўзига хос маҳорати қаҳрамон ижтимоий мавқеини унинг маънавий-руҳий олами бадий манзаралари тасвирлари орқали ёритиш, қўнгил кишисининг ички руҳий кучини кези келганда сабот билан жиловлай олиши, вазият талаби билан уни жисмоний кудратга айлантира билиши, ҳар бир қаҳрамоннинг бетакрор маънавий-руҳий ўлчамлари борлигини ифодалашда ҳам намоён бўлади.

Асад Дилмурод тарихий воқеликни бадий англаш ва қайта яратишда янгича тафаккур нуқтаи назаридан ёндашади ва ўтмиш мафкураси исломий этикоди туфайли узоқ йиллар қаламга олишга йўл қўймаган сиймонинг ботиний ҳамда зоҳирий сиймосини ишонарли тасвирлайди. Натижада, дунёвий ва реалистик йўналиш доирасини илоҳийлик мотивлари, романтик-хаёлий ҳамда фантастик руҳ ҳисобига бойитади ҳамда романчилигимизда мавжуд бўшлиқни тўлдиришга муваффақ бўлади.

Роман композицияси ва архитектоникаси ҳар тарафлама пухта ишланган бўлиб, бўлим ва бобларнинг ўзаро мувофиқлиги, яхлит узвий қурилиши таъминланган. Учта ҳукмдор (Абулқосим Бобур, Султон

Абусаид, Хусайн Бойқаро) даврида содир бўлувчи роман воқеалари Машҳад, Ҳирот, Астрабод каби шаҳар ва унинг қишлоғу кентларида кечади. Муаллиф ретроспектив сюжет орқали одамларга меҳр улашиб, пировардида ўзи ҳам меҳр топган, яралмиш бир банда сифатида фаний дунё сирларини тўла англаб етолмаган руҳ кишиси кўнгил ҳолларини теран англайди, кичик оламда суратланган катта оламни кўришга, ифодалашга эришади.

Абулқосим Бобур вафотидан кейин мамлакат тахтига келган Султон Абусаид зулми ҳаддан ошиши тафаккурнинг тушовланишига боис бўлганлигини тасвирлашда адиб Алишер Навоий асарларига таяниб иш кўради. Алишер Навоийнинг Паҳлавон Муҳаммад ҳақидаги маълумотлари, айрим ғазалларининг мазмуни романга сингдириб юборилади.

Шунга асосланиб айтиш мумкинки, улуғ мутафаккир шоир асарларида келтирилган тарихий қайд ва ривоятлар роман учун эпик замин вазифасини ўтайди. Асар баёнида бир қадар саргузашт-детективлик хусусияти ҳам кузатилади. Навоий ва чўри Давлатбахт, Навоий ва Биноий муносабатларида адиб тариқат пирини англашда ривоятлар мазмунидан чиқиб кетолмайди.

Ҳадича бегимга бўлган муҳаббати фарзандларига бўлган меҳрини тўсган, ҳам руҳи, ҳам кўли кишанлангани боис ўз-ўзидан қочиб қутула олмаган, аросат гирдобидида қолиб, беҳад чарчаган, оталик, ошиқлик ва ҳукмдорликни мувозанатга келтира олмаган, сўнгсиз изтироб гирдобидида умрдан нолиб, дил чигалини ёзмоқ тилагида дардларини майга чўктирмоқни тилаган Султон Хусайн романда кўнгил одами сифатида ишонарли чизилади. У ўз-ўзини узлуксиз равишда тафтиш этади, қилмишларини изоҳлашга уринади ва шу жараёнда характери очила боради.

Адиб сертўполон юришлару шикорлар, низою нифоклардан холи осуда оламни соғинган Алишер Навоий кўнглидаги орзу-ниятлар оламига қайтиш истагини, табиатидаги хонанишинлик ва ёлғизликка талпиниш туйғуларини инжалик билан англаган ва ифода этган. Паҳлавоннинг маъшуқаси Зулфизар ҳам кўнгил одами сифатида идрок этилади. У ўз бахтию тахтидан қоникмай, нотугал дунёда мажбурият юзасидан яшайди. Бир умр ошиғининг оламига интилиб, ундан руҳий мадад олиб умргузаронлик қилади. Паҳлавон Муҳаммад ва унинг шогирдлари инсоф ва диёнатни дастур, сабру бардошни қурол деб

билишади, рухий эркинликни ардоқлашади. Улар билак кучини шуур ва сезимлар кучи билан уйғунлаштира оладилар. Паҳлавон кўнгил кишиси эканлигини кенгроқ очишда унинг таъби ва ҳоли поэтик асосларда кузатилгани, табиатида андак риндона кайфият-ҳолатлар мавжудлигига эътибор қаратилгани ҳам муҳим роль ўйнаган.

Умуман айтганда, Асад Дилмурод яратган Мулла Абдужаббор, Маҳаммад Аваз, Назокатбону, Моҳбону (*“Шердор”*); Шамсиддин Маҳбубий, Маҳмуд Торобий, Субуҳа, Муҳиддин Камол, Суйгуна Зебо (*“Маҳмуд Торобий”*); Ёдгор валий, Саидбек Умар, Моҳина, Ҳазора момо, Эна Кўкбўри, Чақалок (*“Фано даштидаги қуш”*); Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Сайид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Дарвеш Муҳаммад (*“Паҳлавон Муҳаммад”*) сингари образлар характериға хос фазилатлар, улар руҳиятида ҳаётий зиддиятлар билан уйғунликда кечадиган тебранишлар муҳим эстетик аҳамият касб этади ва китобхонни мафтун эта олади.

КЎНГИЛ ВОДИЙСИГА ҲИЖРАТ

*Ёвузликка эрк бермаслик керак,
ўтинаман, кадхудолар, сўзамоллар,
ижодкорлар!*

Чингиз Айтматов

Ёзувчи адабий-эстетик концепцияси

Хаёл – инсон истак-тилакларини эркалатиш мумкин бўлган чегараси йўқ манзил-маъво. У табиатнинг энг гўзал инъоми. Хаёлий кенгликларда сайр этиш саодатини туйган Чўлпон: *“Хаёл... хаёл... Ёлғиз хаёл гўзалдир”*³, -- деб ёзган эди. Замондошимиз, таниқли ёзувчи Назар Эшонқул: *“Қани эди, хаёлнинг жилвалари ҳақида ёзсанг ёки жилваланаётган хаёл ёзсанг”*⁴, -- дея орзулайди. Инсоннинг нафақат хаёли, балки хотираси ҳам рухий жараёндр. Бунинг моҳияти яхши англаган оташнафас кўнгил шоири Икром Отамурод: *“Сен менинг*

³ Чўлпон. Яна олдим созимни. Т.: Ғофур Ғуллом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1991. - Б. 404.

⁴ Эшонқулов Н. Маймун етаклаган одам. Т.: “Янги аср авлоди”, 2004. - Б. 40.

*бобомсан – Хотира... Хотира – канглумнинг тоғлари... Хотира – менда бир чулпангман... Бир узун йўллар-а, Хотира*⁵, -- дея эътироф этади.

Асад Дилмуроднинг *“Ранг ва меҳвар”*⁶ романи билан танишиш асносида аён бўладики, бадий насрда образли ва ҳис-туйғуга тўйинган, шунингдек, мантикий далилланган хотира жуда қўл келади. Роман қаҳрамони мусаввир Комрон Вали руҳий фаолияти ижодий ишга қаратилгани билан характерлидир. Шунинг учун хотираси ихтиёрсиз ихтиёрийлик асосида кечади. Роман қаҳрамони *тошқин* билан боғлиқ турқум устида ишлаётгани учун руҳий фаолият ҳам давомийликда намоён бўлади. Қайсидир маънода, буни феноменал касбий хотира дейиш ҳам мумкин. Асарда аксарият руҳий таъсирлар ижодий қайта ишланади.

Роман талай жиҳатлари билан жаҳон адабиёти ва санъатида кечаётган ижодий жараёнлар, янгиланаётган миллий романий тафаккуримиздаги эврилишларга ҳамоҳангдир. *Онг оқими* фаолиятига асосланган бу асарда инсонга юксак қадрият деб қараш, психологик портрет яратиш, ҳаёт моҳиятини самимий ифода этиш ҳоллари ёрқин намоён бўлган. Бадий услубнинг янги шакллари фаол қўлланилган. Инсон онги бир неча қатламларини англаш ва ишонарли кўрсатишга интилиш кузатилади.

Асад Дилмурод санъат концепцияси негизида инсоннинг тақдир олдида ожизлиги, нафс ўпқонига ботган кимсалар қалбини ислоҳ қилиш Яратувчи ҳукмида эканлиги эътирофи акс этган. Ёзувчи бадий ҳукми ички *“мени”* таваллуд топмаган, ўй-фикрдан бегона, лоқайд одамлар устидан чиқарилган. Романда инсоният тақдирига дахл қилиш банданинг иши эмаслиги уқтирилган. Одамзодни бесамар мақсад сари етаклаган шўролар тузуми ва унинг малайларига энг катта айб қўйилган.

Асад Дилмурод фикрича, одам боласи ҳар қанча хўрлик ва зўрлик билан кўрkitилса ҳам, унинг руҳий интилишларида инсоний эътиқод тирик яшайди. Инсонни ўз хаёлий олами, хотираси ва гўзал туйғуларидан ажратиш мумкин эмас. Чунки ички кечинма-майиллар ва эътиқод – дахлсиз дунё. Яқин ўтмишдаги босқинчи зўравон мафкурачилар миллат вакилларида итоаткор манқуртлар яратмоқчи бўлишди. Улар одамни таҳқирлашда ҳарқанча бешафқат ва тубан

⁵ Икром Отамурод. Мукаддар. Ғафур Гулом номидаги нашриёт матбаа-ижодий уйи, Т.: 2012, -Б. 58.

⁶ Асад Дилмурод. Ранг ва меҳвар. Роман. “Шарқ юлдузи”, 2012 йил 5-6- сонлар.

усуллардан фойдаланган, хатто халқ ингроқ ва фарёдларидан руҳий лаззатланган бўлишса-да, ҳеч қачон миллатнинг курашчан, ижодкор ва бунёдкор руҳини сўндира олишмади.

Ёзувчи персонажлар ички дунёсини табиат орқали талқин қилишга интилган. Аммо унинг эътиқодига кўра, табиатнинг ўз Яратувчиси мавжуд. Бинобарин, кўнгилдаги туйғу юксаклиги азал ва абад меъмориға бўлган муносабатға кўра очилади.

Зотан, қайтар дунёда ҳар кимсанинг қилмишиға яраша ажру савоб ва жазо муқаррардир. Улуғ мутафаккир Жалололиддин Румий жилвакор оламни бежиз *хасу хашак билан тўлган кўпик* деб баҳоламаган. Асад Дилмурод ҳам ёруғ дунё омонатлигини билмай, нафс илинжида уни тубсиз зулмат маконига айлантиришни кўзлаган, дили моғорлаган Носир Охун ва Тўра Охун, Тарвуз домла, Азлар Ниёз, Зокир Гиёсий каби нобакор гумроҳларға бўлган нафратини яширмайди.

Адиб роман мазмунини ана шу каслар кирдикорларини фош қилувчи, дунё ҳақидаги тасаввуримизни бойитувчи илмоқли ишораю ҳажвиёт билан зийнатлайди. Айни шу мақсадини амалға ошириш учун мистик-мифологик характер касб этувчи, бинобарин, ёлғон ва макру хийла, хушомад ва хиёнат тегирмонига сув қуйиш орқали жаҳолат ва ёвузликка хизмат қилувчи Санам образидан фойдаланади. Чиндан ҳам Санам эзгулик кушандаси сифатида кўринади, асардаги рамзийлик хусусиятини кучайтириш баробарида, ўқувчини азалу абад моҳиятиға хос турли қабихликлар гирдобига ташлайди.

Биз романда милoddан аввалги, иккинчи минг йиллик даврида, юнон мифологияси ва динида Олимп худоси саналган Апаллон номини тез-тез учратамиз. Маълумки, Апаллон Кичик Осиё, Юнонистон, Римда санъат (*шеърят ва мусиқа*) ҳомийси ҳисобланган. Адиб ўз қаҳрамони Комрон Валини ўша мифологик қаҳрамон маънавий-руҳий қўллашини ва Санаму Носиру Тўра Охунлар эса унинг табаррук номини оёқ ости қилишини таъкидлайди. Бу билан асл санъат асари асроридан беҳабар бу “*ҳомий*” лар ҳар қандай тубанлик ва манфурликдан қайтмаслигиға урғу беради. Романнинг айрим ўринларида юнон афсонасиға кўра севги ва гўзаллик маъбудаси саналувчи Афродита (*Венера*) номи ҳам тилға олинади. Англашиладики, ёзувчи роман ёзишға киришар экан, Кичик Осиёдан тортиб, Кибрису Болқон оролларию Юнонистонгача тарқалган мифологик қарашларни назарда тутиб иш кўришға интилган. Бу билан

бутун инсоният севги ва гўзалликни ҳамиша ардоқлаб келганини таъкидлашга эришган.

Асад Дилмурод асарда умр бўйи мискинлик ҳамда ғуссаю армонга юкуниб яшаган буюк голланд рассоми Винсент Ван Гог (1853-1890) ҳаёти ва ижоди моҳиятига мурожаат этади. Бу адиб импрессионизм, постимпрессионизм, танқидий реализм услуби, портрет, манзараю гравюра асарларини яратиш сирларини изчил ўрганишга уринганидан гувоҳлик беради.

“*Ранг ва меҳвар*”да улуғ испан рассоми, халқаро тинчлик мукофоти совриндори Пабло Пикассо (1881-1973) ҳаёти ва ижодига урғу берилган ўринлар мавжуд. Демак, ёзувчи бу серкирра ижод соҳибининг рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика йўналишидаги асарларини эътибордан қочирмаган. Бундай изланишлар уни кубизм, неоклассика анъаналари, сюрреализм ва абстракт санъат ёрдамида фашизм моҳиятини фош этиш сари йўналтирган. Адиб примитивизм (*ибтидоийлик*) йўналишига хос хусусиятларни буюк грузин рассоми Нико Пиросмани ижодидан ўрганди. Зотан, у оддийлик сўқмоғидан буюклик чўққисига кўтарилганди. Агар эътибор берилса, Комрон Валининг амал-тақал қилиб яшаши, андак савдойи феъл кимса экани қайсидир жиҳатлари билан Пиросмани тақдирига ўхшаб кетади.

Асад Дилмурод гениал италян-француз рассоми ва ҳайкалтароши Леонардо да Винчи (1452-1519) ижодини ҳам синчковлик билан кузатган. Зеро, Леонардо да Винчи ўз даври инсонпарварлик ғояларига жавоб берадиган мукамал инсон қиёфасини яратишга эришган буюк санъаткор эди. У илк асарларидаёқ майин нурсоя воситасида шаклнинг оқувчан ҳажмини кўрсатишга эришганди. Юздаги зўрға илғаш мумкин бўлган ифодалар орқали одамлар чехрасини жонлантириб, уларнинг ички дунёси – нозик кўнгил ҳолатини ифодалаш маҳорати билан танилганди.

Романда Асад Дилмурод Мона Лиза исмлиқ офатихон сулувнинг ҳаёт меҳвари оламга суянгани туфайли боқий ва мукаррам эканига нозик ишоралар берувчи афсунгарона табассуми намоён айлаган *Жаконда* картинаси ҳақида тўлқинланиб сўзлайди. Адиб ўша рассом чеккан дард-ситам ва кечинмаларни ҳис этишга уринади. Леонардо да Винчининг дунё ҳалокати, бинобарин, табиатнинг даҳшатли офатлари олдида инсон ожиз экани ифодаланган *Тошқин* расмлар туркуми

(тахм. 1514-16) мазмун-моҳиятининг айрим кирралари романга сингдириб юборилгани англашилади.

Шубҳасиз, тасвирий санъат тарихини ўрганиш Асад Дилмуродга табиатдаги мусибатли жараёнлар такрорланишини ақлий тасаввур қилиш ҳамда кечмиш хотиралари билан қалб тебранишларини уйғунлаштириш имконини берган. *Тошқин* туркуми устида ишлаётган рассом образини яратишга киришган ёзувчи бу борада эришилган тажрибалар билан танишмаслиги мумкин эмас. Муаллиф романда буюк францз шоири Жак Приверни (1900 -1964) эслаши ва унинг рангтасвир кудратини ифода этадиган шеъри моҳиятини асарга сингдириб юбориши алоҳида аҳамият касб этади. Алҳол, романда буюк файласуф шоирлар Жалолиддин Румий, Алишер Навоий ўғитлари, исёнкор шоир Бобораҳим Машрабнинг ўтли сатрлари мазмун-моҳиятидан унумли фойдаланилгани яққол пайқаймиз. Бундай самарали изланишлар роман бадиий-эстетик руҳини кучайтириш, адиб эстетик идеали ва позицияси ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилган...

Ижодий ўзлаштириш ва поэтик ифода

Моддий ва руҳоний оламни, табиат-жамият ва инсонни қалб кўзи орқали кузатиш ва ҳис этиш, реал ва нореал воқелик ҳамда образларни мажозийлаштириш хусусиятини “Фано даштидаги куш” романидаёқ кузатган эдик. Юқорида келтирилган илмий-назарий хулосалар “Ранг ва меҳвар”, аввало, шу роман заминидан ўсиб чиққанини маълум даражада исбот этади. Дунё адабиётининг адабий-эстетик таъсири ва ижодий ўзлаштириш жараёнлари эса ҳар икки асар шаклан ва мазмунан ўзига хос қиёфа касб этишида муҳим рол ўйнаган, зеро, бу ҳол “Ранг ва меҳвар”да айниқса бўртиб туради.

Асад Дилмурод “Ранг ва меҳвар”да эзгулик ёки ёвузлик тарафида ҳаракат қилувчи турли мураккаб образлар қиёфаси бир-биридан ажралиб туришига катта аҳамият беради. Натижада романда эсда қоладиган, психологик драмани кучайтирувчи бетакрор характерларга дуч келамиз Масалан, етакчи қаҳрамонлардан саналган Тўра Охун карикатура портретда: *“Япалоқ ва бужир манглайда қорамтир якка шох бўртган, бурни тол қошиқдай осилган, кўзлари икки томонга бақрайиб қараган, бели майшишқ;.. қилтириқ бутларини йириб, соқол*

ўрнига сўғал босган иягини тутамлаб, тишламоқ қасдида ириллаётган баҳайбат кўптак сари хезланиб турарди” шаклида чизилади.

Маълумки, портрет тасвирий санъат жанри. Юқоридаги қиёфа Комрон Вали ҳаёлида тикланган. Унда ўткир психологик ҳолат (*руҳий драма*) тасвирланган. Эҳтимол, Асад Дилмурод чизган карикатуранинг муайян ҳаётий асослари, айтиш мумкинки, прототиплари ҳам бўлиши мумкин. Аммо, бизнингча романда келтирилган бу типдаги расмлар, характер тийнатидаги номукамал белги-сифатларни киноявий-сатирик йўсинда очишига кўра, умумлашма мазмун ташийди. Рассом болалик ва ўсмирлик хотиралари асосида атрофидаги айрим шахслар маънавий дунёси, ижтимоий ҳаётдаги ўрни, жамиятдаги мавқеини акс эттиради. Портретларга хос муҳим хусусият шуки, уларда ифодаланган ғоявий мазмун тасвирланган давр хусусияти, сиёсий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий аҳволи ҳақида маълумот беради.

Образлар характерини Асад Дилмурод услуби ва таянган методларидан келиб чиқиб белгилар эканмиз, замонавий романлардаги портрет тасвирида сифатий ўзгариш ва такомиллашиш жараёни кечаётганлиги аён бўлади. Хусусан, ижтимоий-тарихий, миллий ва индивидуал белгиларни чизишда батафсилликка риоя қилиш, инсонни давр ва ҳаёт тарзи билан боғлаш шулар жумласидандир. Жумладан, ёзувчи образ яратишида икки хил усул кўзга ташланади:

Биринчи усулда, инсон образи айрим штрихлар орқали ишоравий тарзда акс этади. Асар ғоявий-эмоционал жиҳатлари рамзий-мажозий планда кучайтирилади. Бундай ҳолларда қисман график усулга ҳам мурожаат этилади. Умуман, Комрон Вали чизгиларида рангтасвир доминатлик қилади ва у графика билан узвий боғланиб кетади.

Иккинчи усулда, инсон феълу атворидаги барча нозик ўзгаришлар иложи борича тўлиқ очилади. Ўй-хаёл, хотира ва тасавурлар муфассал берилади. Яъни, образнинг пластик томонлари кучайтирилади. Портрет персонажнинг ташқи ва ички руҳий-психологик қиёфасини яратиш воситасига айланади. Адиб сўз воситасида тасвирлаган портретларида характерлар моҳиятини улар ташқи кўриниши (*қиёфаси, жуссаси, кийими, юз-кўз ифодалари, тана ҳолати ва ҳаракатлари, қилиқлари*) ни китобхон тасавурида жонлантириш орқали очади. Яъни тўлақонли инсон образини яратади. Композицион усулнинг ўзига хос кўриниши бўлган бундай портрет-тавсифларда статик белгилар кўзга ташланади. Чунки муаллиф сюжет воқеаларини бот-бот тўхтатиб, айрим

персонажлар портретини муфассал деталлаштиришга интилади. Зотан, портрет чизгилари хотира ва хаёлни жамлаш орқали аста-секинлик билан ягона фокусга йиғилади. Романда яратилган портретлар муайян даражада динамик хусусият ҳам касб этади. Чунки ҳамиша ҳам муфассал портрет тасвирлар берилмайди. Улар Комрон Валининг ички маънавий-руҳий зиддиятлар оғушидаги ўртанишлари, бошқачароқ айтганда, баёнчи-персонаж ички ҳаракати жараёнида бериб борилади. Шу орқали муайян вазият-ҳолатда унинг руҳий дунёсида кечган пўртаналар шиддати кўрсатилади.

Кўринадики, бу ўринда Асад Дилмурод ўз бадиий нияти, тасвир услуби ва персонажларнинг романда тутган эстетик мавқеи билан узвий боғлиқ тарзда композициянинг анъанавий талабларига ижодий ёндашади. Яъни, у статик тасвирни персонаж асар воқелигига кириб келган илк паллада бериш ёхуд динамик портретни ремаркаларга жойлаш сингари одатий талабларни бузади. Зотан, адиб шунчаки портрет чизмайди. Балки портрет-тасвир воситасида персонажлар сийратини ифода этиб, улар маънавий-руҳий оламини китобхон тасавурида жонлантиради. Асад Дилмурод қўллаган ва интеллектуал китобхон ва қаҳрамонни ўзаро “*яқинлаштирувчи*” бундай бадиий-синкретик усул миллий романчилигимиз тараққиётининг илгариги боскичларида нисбатан кам кузатилади. Ёзувчи чизган портрет (*портрет-детал*) лар аҳамияти шундан иборатки, улар қандай ифода этилишидан қатъий назар, инсон образини ўқувчига тўлақонли тарзда тасаввур қилдира олади.

Романда бўёқлар жилвасига катта ҳақ берилади. Сўз воситасида рангтасвир яратиш, аслида, воқеликни бадиий тасвирлаш ва талқин қилишнинг ўзига хос йўлидир. Унда ранглар сеҳри орқали томошабин (*китобхон*) фикр-туйғуларига таъсир этилади. Муҳим ижтимоий мазмун, турли-туман ғоявий-ахлоқий вазифа-муаммолар ранглар ва оҳанглар зиммасига юкланади. Одатда, рангтасвир асарининг ғоявий мазмуни мавзу ва сюжетда мужассамлашади. Демак, муаллиф ижодий нияти *сюжет, композиция, расм, ранг, ритм* сингари ифода воситалари орқали юзага чиқади. Роман қаҳрамонлари Мерган ва Комрон Вали асосан мойбўёқ, қоғоз ва матодан фойдаланишади. Асарда миллий колоритни ўзида ифода этган ранглар бадиий тасвир ҳамда эстетик таъсир воситасига айланган.

Тўғри, Комрон Вали сувратлари зоҳирига қаралса, ҳаёлий-сирли дунё тасвирлангандек туюлади. Аммо, уларда борлиқ маконий чексизликда, моддий нарсалар эса, бениҳоя ранг-баранглик намоён бўлади. Инсон руҳиятидаги ўзгаришлар, мураккаб ҳиссий кечинма ва ўй-хаёлларни акс эттирган картиналар дилингизга ўрнашиб қолади.

Мухими шундаки, турли ғоялар аввал Комрон Вали тасаввури ва онгида пайдо бўлиб, кейин қоғоз ёки матога кўчади. Рассом асосан ҳажмли фазовий усулдан фойдаланиб, тасвири нурсоя ёрдамида ижтимоий муҳит билан боғлайди. Унинг дастгоҳ санъатига хос тасвири ғоятда таъсирчан тарзда тусланувчи ранглarga бойдир. Шу асосда муаллиф мураккаб композиция ва абстракт тушунчалар, мажозий образлар тизимини яратади. Нозик ва нафис чизгилар орқали салмоқли мазмун ифодалашга эришади.

Романда ифода тизими кўпқатламли. Ижтимоий ҳаётга теран кириб боришига кўра аниқ илмий-амалий асосларга эгадир. Тасвирларда инсон руҳий оламидаги нозик ўзгаришлар, инсон ва жамият, инсон ва борлиқ муаммолари ишонарли талқин этилган. Рассом дунёқарашининг ўзига хос маърифий жиҳати шундаки, у даврнинг мураккаб ва фожиали воқеалари, ижтимоий ҳаёт иллатларини ўткир танқид остига олган. Шунга мос нурсоя нисбатлари ифодаси ҳам анча кескин. Муносабатда эса, мислсиз шижоат намоён бўлади. Асарда ранглар кечинма ва таассурот, ҳаёл ва ўйлар ифодасига қаратилган. Аммо, унда борлиқдаги ранглар ҳам тусланади, бир-бирига таъсир этади. Натижада, миллий тарихнинг яқин ўтмиши ва макону замон муаммолари билан чамбарчас боғланади. Уларда шафқатсиз реализм билан бир қаторда, романтизм услубига хос белгилар ҳам гавдаланган. Зотан, замон ва маконда кечган қийноқлар туфайли дилларда йиғилиб қолган ғам-андух, армон ва ҳасратлардан пайдо бўлган, ниҳоят, Комрон Вали киндик қони томган қишлоқнигина эмас, бутун борликни кўмиб юборган даҳшатли *тошқин* ҳақида яратилган туркум ўзига хос мозаикадир. Ёки, романда поэтик нуқтари назар билан қайд этилганидек, ранглар тили билан куйланган марсиядир.

Эътироф этиш лозимки, ёзувчи ўрни билан реал нарса ва ҳодисаларни тасвирлашни рад этувчи абстракт санъатга хос мавҳумлаштириш усулидан ҳам фойдаланган. Маълумки, илгари мавҳумлаштириш усули рангтасвир, хайкалтарошлик, меъморлик, безак санъати, дизайн ва графикада қўлланилиб келинарди. Истиқлол

даври романларида рамзий-символик ифода кучайиши билан ранг-сифатлар уйғунлигини таъминлаш мақсадида бу усулга ҳам мурожаат қилинмоқда.

Тасвирий санъат эришган ютуқлар орқали бадий адабиётга кўчган абстракционизмга хос мавхумлик (*номаълумлик, узоқлашиш*) ўзи нимани англатади. Гап шундаки, бу оқимга мурожаат қилаётган адиблар адабиёт ва санъатда борлик эмас, балки ижодкор-инсон ҳис-туйғулари инъикос этишини ёқлашади. Улар кечинма ва хаёлни анъанавий тушунчадаги шакл ва мазмунда эмас, балки ўзаро бир-бирига сингиб кетган ҳолда акс эттирадилар.

Бадий адабиётда *антироман* деган тушунча мавжуд, зеро, адиб бу тушунча асосида иш кўради. Натижада романнинг мазкур кўринишида турли белги-ишораларга урғу бериш орқали руҳий воқелик яратишга интилиш кучайгани сезилади. Аммо қахрамонлар воқелиқдан буткул узилмайди. Демак, роман воқелик ва санъаткор ҳис-туйғулари ўртасидаги эркин ва табиий уйғунлашув маҳсули бўлиб, бу тасвир усули абстракционизм ҳисобига янада бойитилади.

Умуман, рангтасвир санъатидан адабиётга кўчган йўналишлар ҳақида сўз бораркан, импрессионизм услуги ҳам реалистик тасвир имкониятларини кенгайтирганини таъкидлашимиз лозим. Бу ҳол Ги де Мопассан, А.П.Чехов, И.А.Бунин ижодидаёқ кузатилган эди. Импрессионизм оламни янгича кўришга интилиш маҳсули. Бу услубда тасвирланган нарса реалликдагига монанд аниқ ва мукаммал акс этмайди. Чунки, у штрихлар билан чизилади. Ҳар бир штрих ўша нарсадан олинган оний таассуротни акс эттиради. Шубҳасиз, бутун таркибида бир-бири билан узвий алоқага киришувчи бу штрихлар таассурот бирлиги орқали ўша нарса ҳақидаги яхлит тасаввурни беради.

Бинобарин, сўз билан чизилган импрессионистик тасвирда ҳам оний таассурот қайд этилади. Гўё воқелиқдаги нарса ва ҳодисалар таассуротлар асосида тасодифий тарзда тасвирдан жой олади. Муҳим деталларни мақсадли жойлашдек реализм принципи бузилади. Зотан, унда барча деталлар бир-бирига боғлиқ бўлиши мутлақо шарт эмас. Тасвирланган нарса тасаввурда яхлит шакл-шамойили билан жонланмайди. Бутунлик деталлар ассоциатив алоқаси орқали ҳосил қилинади. Агар, “Ранг ва меҳвар” мисолида кузатилса, унда тасвир Комрон Вали субъектив нигоҳи орқали берилганини тушунамиз.

Персонаж оламини ўз қалбидан ўтказиб кўради. Бу ҳол тасвирга сержилолик, кўпмаънолилик, эмоционал тўйинтирилганлик бахш этади ва сўз таъсир кучини оширади.

Демак, услубдаги *реализм, натурализм, неоромантизм, символизм* каби адабий йўналиш ва оқимлар Асад Дилмурод эътиборини тортгани бежиз эмас. Адиб дунёни янгича кўриш ва идрок этишга интилар экан, инсон онгининг оний ҳолатларида ҳосил бўлувчи, фақат ҳис этилиши мумкин бўлган тутқич бермас таассуротларни ҳаққоний чизишга уринган. Шунинг учун ҳам у яратган образлар фаолияти моҳиятан сирли ишораларга асосланади. Адиб ишоравийлик негизида туғилган образлар орқали онги-шуур ва тафаккурнинг чуқур пучмоқларига назар ташлайди. Айнан шундай жиҳатларига кўра, роман *онг оқими* адабиёти сирасига киради.

Муҳими, Асад Дилмурод импрессионизм йўналиши таъсирида қолиб кетмайди. Адиб услуб ва архитектоникада француз рассомчилик санъатида пайдо бўлган *постимпрессионизм*га хос сифатларга ургуни кучайтиради. Яъни, Комрон Вали оний таассурот-кечинмалари ва ижодий ниятларини ижтимоий даврга ҳамоҳанг тасвир учун муҳим воситага айлантиради. Чунки, П.Сезани, Ван Гог, П.Гоген асарларига хос чуқур ҳис-туйғуга бой жўшқин тасвирларга эътибор орттириш санъат асари ғоявий пластик ривожланишига ёрдам беришини яхши англагани учун ҳам шу йўлдан боради.

Маълумки, роман қаҳрамонларидан бири бўлган Мерган тасвирий санъат бобида профессионал таълим олмаган. У халқ ичидан чиққан ва танилиб улгурмаган имонли ва лаёқатли ижодкор. Айрим ишораларга кўра биламизки, Комрон Вали – маҳсус таҳсил олган ва тасвирий санъат олаmidан воқиф рассом. Сираси, шунчаки ҳаваскор эмас, аммо Мерганга интилиб яшайди. Устоз-шоғирд рассомлар характерига хос умумийлик шундаки, ҳар иккаласи ҳам замонавий воқелик номарғуб жиҳатларини маъқуллашмайди. Ҳаёт дабдабаларидан қочиш, ижод кучоғида бўлишга талпинишади. Айниқса, Комрон Вали борлиқни эркин, болаларча бокира кўнглига хос содда ва самимий тарзда нафосатли идрок этади.

Ана шу ҳол романда XIX аср охири XX аср бошларида юзага келган авангард санъат оқими саналган примитивизм (*ибтидоийлик*) нинг ҳам муайян таъсирлари борлигини кўрсатади. Комрон Вали чизган тасвирий санъат асарларида образлар ички уйғунлиги замонавий

ҳаёт номутаносибликларига қарама-қарши қўйилади. Назаримизда, *неоклассицизм*га хос бу усул орқали бадий образлар моҳиятига объектив руҳ бағишланган. Романда жимжимадорлик ва шаклий ноаниқлик деярлик кузатилмайди.

Асад Дилмуроднинг киноявийликка урғу бериш концепциясида семиотик белгилар, аниқроқ айтганда, *постмодернистик* изланишлар ҳам кузатилади. Бинобарин, адиб мазмунни етказишда шаклий ислохотлар қилишдан чўчимайди. Мавжуд анъаналарни имкон қадар ўзлаштириш орқали олам ва одам моҳиятини англашга интилади. Адиб инсоният яратган барча маданиятларга хос илғор жиҳатларни миллий асосда ўзлаштирар экан, бутун олам ва ҳазрати инсон унинг объектига айланади. Шунинг учун ҳам асарда турфа жанрлар мутацияси содир бўлади ва у миллийликдан узилмаган ҳолда эстетик чегараларини кенгайтиради. Ёзувчи қаҳрамонларини ижод жараёнида тасвирлашга интилар экан, ўқувчини ижодий изланишнинг ҳам сирли, мураккаб жараёни ичига, *рассом (кенг маънода ижодкор)* лабораториясига олиб киришни кўзлайди.

Масалан, биргина анъаналарни ижодий ўзлаштириш масаласини кузатайлик. Агар эътибор берилса, романда шайтоннинг инсон териси ости – эт ва суюқлари қатига яширингани, томирлари бўйлаб оқаётгани ҳақидаги қадимий ривоятдан фойдаланилади. Калом ва ҳикмат, ранг ва мусиқа бандаси Ҳазрат Алишер Навоий, ўз даври Монийи сонийси Камолиддин Бехзод асарларига мурожаат этилади. Ўз-ўзи билан мурасасиз олишиб, ички туғёнларида адашмасликка талпинган, кўҳна оламни: *“хасу хашак билан тўлган кўпик”* деб билган, зоҳир кўзини юмиб кўнглини кўзга айлантира олган Мавлоно Жалолоддин Румий ижодий концепцияси етакчи тамойилларига қайта-қайта мурожаат этилади.

Асад Дилмурод барча яхшию ёмонга кўнги кўзи билан қараб, умр шомига қадар толиқмай жаҳон кезган: *Оҳима маҳшаринг ила етти дўзахинг ҳам куйар* дея куйлаган исёнкор Бобораҳим Машраб қалб нидоларини тинглайди. Муаррих Зайниддин Восифий ва не-не халқ масалларини ягона асосга бирлаштира олган Гулханий услубидан ўрганади. Оташқалб халқ бахшиси Эргаш Жуманбулбул, Чингиз Айтматов асарлари руҳи билан яқиндан танишади (*адибнинг “Ўтар кўш ноласи” ҳикояси назарда тутилмоқда*). Шунингдек, замондош шоиримиз Абдулла Орипов, Алишер Навоийни санъат дарғоҳи

эшигини супурувчи фаррош (*жорубкаш*) сифатида англаган Омон Мухтор изланишларини синчиклаб кузатади. Асарда ривоят ҳамда мифологик унсурлардан фойдаланишда Пиримқул Қодировнинг “*Она лочин видоси*”, баъзан номаълум сирли ўлчамлару туташ оламларни тасвирлашда Ҳожиакбар Шайхоннинг “*Туташ оламлар*”, Аҳмад Аъзамнинг “*Рўё ёхуд гулистонга саёҳат*” романлари тажрибасини ўзлаштиради.

Олам манзараси тубдан ўзгариб, дунё маданияти миллий асосда модернизацияга учраётган ҳозирги давримизда ўзбек романи доирасида кечаётган синкретизм адабий-назарий тафаккуримизга *метароман* терминини ҳам олиб кирди. Демокчимизки, Омон Мухторнинг “*Минг бир қиёфа*” си, Улуғбек Ҳамдамнинг “*Ёлғизлик*” қиссаси сингари “*Ранг ва меҳвар*” романи ҳам метаасардир.

Таъкидлаш ўринлики, бу ўринда гап постмодернизм учун жуда зарур бўлган роман-ривоя услубида кузатилувчи узук-юлуқлик (*фрагментаризм*) ҳақида эмас, аксинча, унга мутлақо зид бўлган миллий хусусиятлар хусусида кетмоқда. Масалан, Асад Дилмурод миллий анъаналарга содиқ колар экан, инсонни коинот кенглигида олиб қарайди. Оламни ўзлаштириш жараёнида уни неча минг йиллик Шарқ адабиёти тўплаган бадий-эстетик тажрибалар пойдевори устида кўради. Шунинг учун ҳам жаҳон маданиятини қадриятларимизга нечоғлик сингишига кўра баҳолайди. Адиб ижод жараёнида индивид ролини инкор қилмайди. Оламу одам, жамият ва жамиятлар тараққиётини тушуниш ҳамда тушунтиришда мавжуд анъанадан узилмайди. Адибнинг киноя ва инкори ҳаётбахш анъаналарга эмас, аксинча, инсон тийнатидаги тайрим нуқсонлар ҳамда улар келтириб чиқариши мумкин бўлган глобал маънавий-ахлоқий фалокатларга қаратилади. Демак, адиб “*экспорт*” қилинаётган маданият ва санъатни ялписига эмас, балки шакл ва услуб ҳодисаси сифатида ижодий ўзлаштиради, муҳими, унга қадриятларимиз мағзини ифода этувчи миллий руҳ билан жило беради.

Кўнгил сокинлиги

Юқорида кузатилган ҳолат истиқлол даври ўзбек романчилигига хос эстетик ҳодисадир. Масалан, Саломат Вафо қаламга мансуб

“Оворанинг кўрган-кечирганлари”⁷ романига назар ташлайлик. Асар бош қаҳрамони Салтанат Маҳмудова барча ҳаётӣ қийинчиликларга сабр-қаноат-ла бардош беради. У ҳар қанча ёлғиз бўлмасин, барибир кучли руҳ кишиси сифатида намоён бўлади. Қаҳрамон умумахлоқ нормаларига қарши боришдан чўчимаӣ, оқимга қарши сузишга куч ва ирода топаверади. Чунки, руҳ эркинлигига тўсик бўлувчи кишанларни парчалашига ишонади. У одатӣ ҳаётнинг жўн оқимига мослашмайди, мослашолмайди. Кўринадики, зохиран қаралса, Саломат Вафо ижодӣ концепцияси *позитивизм ва индивидуализмга* яқинлашгандай туюлади. Аммо, аслида ўша ғарбона қарашларга зиддир. Бу ҳақдаги сўзимиз куруқ бўлмаслиги учун роман қаҳрамонлари Салтанат ва Омонгул суҳбатидан ушбу парчани кузатамиз:

“-- Ўзингиз ўқиган “Мартин Иден” даги қаҳрамонни эсланг, яшаш учун қандаӣ курашади. Биласиз-ку, бир тийинга зор бўлиб, оч қолган пайтлари бўлган.

Кутубхоначи Омонгулда аламим бордай:

--*Барибир енгилган-да!* -- дейман қатъий.

У ҳам бўш келмасдан:

-- *Лекин барибир мақсадига етган, ҳамма уни тан олади.*

-- *Жуда қизик?! – дейман аламли кулиб. – Уни одам деб билишмаганда ҳаёти мазмуни бор эди. Ҳамма тан олганида эса ўзини ўлдиради. Нима истаган эди, ўзи, у? Ўзи шундай, одам истаган нарчасига эришгач, яна янги гоёлар ўйлаб топади. Унга етгунча балки умри зое бўлар?!”* (70 б.)

Агар эътибор берилса, роман қаҳрамонлари ҳаёт учун кураш ҳақидаги қарашлари турлича. Омонгул кураш замирида иқтисодӣ тўқисликка эришишни кўради. Салтанат бундай қарашдан сира қаноатланмайди. Унинг Омонгулга зарда қилиши ва у билан баҳслашиши бежиз эмас. Чунки, Омонгул масалага умумнинг бири сифатида қарайди. Салтанат эса, умр мазмуни, инсон интилишларининг моҳияти, тафаккурнинг умумоқимга қарши курашидан кўзланган бош мақсад ҳақида ўйлайди. Энг муҳими шундаки, у руҳ исёнкорлигини маъқулламайди. Чунки умр мазмунини жамият эътирофида эмас, балки қалб сокинлигида кўради.

Салтанат – Жек Лондон асари бош қаҳрамони каби қобилиятли ижодкор. Боз устига, у ҳам ижтимоӣ ларзаларга куч ва матонат билан

⁷ Саломат Вафо. Оворанинг кўрган-кечирганлари. Роман. Т.: “Шарқ”, 2008.

бардош бериб келади. Албатта, аёлда матрос Мартин Иден жисмоний қудрати йўқ. Аммо, маънавий кучда ундан баланд туради. Бу фикр қуруқ иддао эмас. Дикқат қилинса, Салтанат ва Мартин юксак маданият ва ахлоқ соҳиби деб тасаввур қилган устунлар битта-битта қулайди. Жумладан, сифинган тангриси бойлик бўлган банкир Морз ва унинг қизи Руфь муҳити учун Мартин мансуб йўқсил ғариблар кўпол, тарбиясиз, ҳатто фикри бузук кимсалардир. Морзнинг хотини бу камбағал йигит киёфасида дастлаб: *ялангоёқ, муттаҳам, ковбой, контрабандачи* матросни кўради. Бинобарин, уни ўзининг *нозик дидли* қизи Руфьга мос кўрмайди. Қиз ҳам ўзига порлоқ келажак яратишни бадавлат эркак билан ришталар боғлашда кўради. Тўғри, Руфь Мартин характерида кузатилувчи ғайрат-шижоат, қобилият, билимдонликни ёқтиради. Ҳатто унга *мешчан* одатларини сингдириб, ўз муҳитига мос тарбиялашни кўзлайди. Аммо, оғир дамларда яқин ҳамдам бўлиш ўрнига йигитдан воз кечадики, бу ҳол қиз маънавий олами ижтимоий нормаларни ёриб чиқишга ожизлигини намоён этади.

Маълумки, Мартин машҳур ёзувчи бўлиб етишади. Муҳими, у энди мўмайгина даромад соҳиби ҳам. Натижада, вазият тубдан ўзгаради. Муомала асносида маккорлик ва хушомадгўйлик ёрқин бўй кўрсата бошлайди. Руфь шуҳрат пиллапояларидан илгарилаётган Мартин қошига шошади. Қизиғи шундаки, бу ҳаракат энди унинг ота-онаси ва акаси учун ғоятда табиий туюлади ва қўллаб-қувватланади. Ғурур ва ҳаёни йиғиштирган гўзалнинг муҳаббати инсоннинг моддий аҳволи ва жамиятдаги мавқеи билан боғлиқ тарзда эврилади. Морзлар оиласи билан яқинлашишни тиламаган Мартин ўша чиркин муҳитдан нафратланувчи ижод кишисидир. Романнинг Мария Сильва, Жо, Жим, Лиззи Конолли сингари персонажлари етакчи қаҳрамон сиймосини тўлдиради. Чунки, уларнинг бош матлаби чин ахлоқ, севги, дўстлик, одамийлик, самимият эди.

Шубҳасиз, Жек Лондон адолатли ҳаёт ҳақидаги ғояларини сохталиклар авж олган жамият ахлоқининг реалистик бадий тадқиқи асосида кўрсатади. Морз ва Бэтлерлар муҳитига сиғмаган, ундан нафратланган Мартин руҳан ғоятда ёлғиз эди. Ғарб индивидуализми таъсиридаги адиб ўз қаҳрамонини зиддиятлардан омон чиқара олмайди. Йўлсизлик гирдобидаги қаҳрамон ўз тақдирига қарши исён қилади ва ҳалок бўлади.

Демак, Г.Спенсер ва Ф.Ницше индивидуализми таъсирида ёзилган “*Мартин Иден*” романида ғарбча *баркамол инсон* назарияси акс этади. “*Овора*” нинг бош қаҳрамони эса, паймонаси тўлган чоғларда ҳам яшашга бўлган иштиёқини сўндирмайди. Адиба ахлоқ инсон эркин руҳини сўндириши ҳақидаги ғарбона қарашларга эргашмайди. У диний ақидаларни инкор этмайди ҳамда банданинг Яратувчи қошидаги мусалламлик мақомини эътироф этади. Бинобарин, унинг ирода эркинлиги, қалб озодлиги ҳақидаги қарашлари Шарқона асосларга таянади. Шунинг учун ҳам роман қаҳрамони Салтанат Аллоҳ иродасига итоат этади.

Романда биз бот-бот “*Сахро ибодати*” асаридан келтирилган узиндиларга дуч келамиз. Китобхонни сахро ниманинг рамзи экан, деган теран ўйлар қийнайди. Биламизки, Саломат Вафо Хоразм кенгликларида, даштда улғайган. Роман қаҳрамони Салтанат ҳам иложсиз қолган дамларида ўша манзилларга, қадрдон отамаконга отланади. Лекин ҳамиша ҳам излаганини топмайди, тополмайди.

Демак, саҳронинг бундан теранроқ ўзга маъноси ҳам бор. Бизнингча, бу қаҳрамон руҳи ўзини эркин сезадиган манзил – кўнгили саҳроси. Романи ўқир эканмиз, зоҳиран шердек қудратли кўринган чидамкор руҳ бу манзил-маъвода гўдакдай беғубор, покиза хилқатга эврилганининг гувоҳи бўламиз. Не ажабки, энди у илгаригидек ёлғиз эмас. Чунки қаҳрамон ички оламида очилган Аллоҳ эҳроми покиза руҳ учун илоҳий шодлик улашади. Бошқачароқ айтганда, Салтанат комиллиги самовий ва заминий хислатлар уйғунлашувидан юзага келади.

Хўш, у нега шод ва хотиржам? Назаримизда, Салтанат руҳидаги изтироблар ариб, ички сокинлик пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам, эндиликда ҳаёт чигалликлари-ю, турфа ташки тўфонлар бу олам тинчлигига раҳна солломайди. Илло, Салтанат ички оламидан зиёланиб, илоҳий муҳаббат билан зирҳланган қалб хуррамликдан ўзга манзилни билмагай, қолаверса, чексиз даражада кенгайиб, илоҳий борлик билан бирлашган онгда самовий муҳаббат эҳтиросигина ҳоким бўлади.

Кўринадики, Саломат Вафонинг қадимий дунёни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиши ва ҳис этиши мутлақо тасодифий эмас. Адибанинг ифода йўсини янгича дунёқараш мезонлари асосида изоҳлашни талаб қиладиган поэтик ҳодисадир.

Энг ёқимсиздай туёлган ғаройиб ҳолатлардан гўзаллик топмоқ учун одатланилган фикрлар хира пардаси – хаосидан, ҳатто эҳтирослар жунбушидан-да юксалиб, Мирзо Бобур: *оёғим етгунча кетгайман*, -- дея ҳавасланган беғубор қалб саҳросига сафар қилмоқ талаб этилади. Ўшандагина поёнсиз олам ранг-баранг жилоларда товланади ва жонланади. Ҳатто табиат жисмлари руҳланади. Мўъжизакор олам кучоқ очади. Энг улуг мўъжиза ҳам унинг ўзидир.

Онгимиз марказига жойланган қалб жисмимизга қайноқ ҳарорат, ҳаётий куч ато этиш қудратига эга. Қудратки, бизни оламу коинот билан тенглаштиргай. Илоҳий ҳиссиёт бардавомлиги бизнинг руҳият билан робитамиз нечоғлик мунтазамлигига боғлиқ. Зотан, инсон фикрловчи робот ҳам, ижтимоий механизм ҳам, шунчаки биологик вужуд ҳам эмас. У улуг қудрат соҳиби яратиклари ичра шарафланган мавжудот, айни пайтда, уларнинг бир узвидир. Бинобарин, унинг тафаккури юксак руҳ измидан хорижда бўлмайди.

Англашиладики, *“Овора”*да Саломат Вафо ижодий позицияси Ж.Лондон, кенг маънода эса, унинг устозлари Г. Спенсер позитивизми ва Ф.Ницше индивидуализмини тўла қўллаб-қувватламаслигида намоён бўлади. Чунки, позитивист Г.Спенсер руҳий жараёнлар ва илоҳий қудратни етарлича изоҳлай олмайди. Демакки, инсон маънавий-руҳий ҳаётининг теран пучмоқларига киролмайди. Тарихий даврни инсон қалби орқали кашф этиш, алоҳида одам ахлоқий маърифати билан жамиятни тушунтиришга ожизлик қилади.

Инсон ва ахлоқ масаласига айрича диққат қаратган Ницше эса, нафс ботқоғига ботаётган одам боласини бу балодан кутқармоққа интилади. Заминий ва самовий ибтидо (*зулмат ва нур*) ларни ўзаро мурасага келмайди деб билади. Шарқ фалсафий қарашлардан таъсирланганида эса, қалб мутлақ хотиржамлиги ва фикр сокинлиги (*нирвана ҳолати*), алоҳида инсон кўнглидаги илоҳий руҳ хусусида сўзлайди. Инсон қалбини Яратганнинг эҳроми деб билади. Ҳақиқатни одам боласи қалбидан топишга интилган олим фикрича, *аъло одам* матлаби ботиндаги озодлик, ўзликни яратилганларга жо этмоқдир. Чин ҳақиқатни англаш йўлида тўсиқ бўлувчи қанонлар: ақидапарастлик, кўникилган ижтимоий ахлоқ, шунингдек, инсон тийнатида кузатилувчи кибр, иккиюзламачилик, лаганбардорлик, бемаъни ғурур, худбинлик каби ҳислатларни буткул бузиб ташлайди.

Маънавий қашшоқликни қоралаган файласуф ақл ички моҳиятига хос иккиланувчанликни кўрсатиб, янги инсон туғилишига умид назари билан қарайди. Олим бахт-иқбол тушунчаларини яратувчи инсон (*яъни ўз-ўзини, биринчиси галда ахлоқини ўзгартирувчи*) борлиги билан боғлайди. Қобигига ўралиб қолиб тобора майдалашаётган қавмга бўлган нафратини эса яширмайди. Унинг янги ахлоқ меъёри энг олий ҳакам бўлмиш – қалб ва виждон. Чунки инсон хатти-харакатлари айнан қалб назоратида бўлиши керак.

Танишганимиздай, Саломат Вафо романида ирода эркинлиги ахлоққа зид қўйилмаган. Аксинча, инсон руҳининг ичкин ҳолатлари поэтик тадқиқ этилган. Зотан, ёзувчи агар ботин оламига шохлик таъминланса, дунё ҳам ўзгача мазмун касб этади деб билади. Демакки, заминнинг мазмуни, олам яралиши моҳияти ЯРАТУВЧИ измидаги ОДАМдир. Унинг зиммасидаги бурч Яратувчиси билан зиддиятга киришиш эмас, балки руҳ поклиги орқали кўнгил хотиржамлигига эришмоқдан иборатдир, бинобарин, “Ранг ва меҳвар”да Асад Дилмурод ҳам айнан шундай бадиий-эстетик тўхташларга келганини алоҳида қайд этамиз.

Қисмат ва муносабат

Айни муаммога поэтик муносабат нуқтаи назаридан Зулфия Куролбой қизининг “*Армон асираси*”⁸ романида тасвирланган *донишмандлар давраси* (Беҳзод – Ҳаким – Ҳулқар триадаси) баҳс-мунозаралари ҳам айниқса характерлидир. Уларнинг олам ҳақидаги дунёқараш-тасаввурлари ғоятда кўламдор ва салмоқли. Жумладан, суҳбат мавзуси кўпинча И.Кант космогоник гипотезасидан Ф.Ницше ҳаёт фалсафасигача, *йўқотилган авлод адабиётининг* йирик вакили Э.М.Ремарқдан то воқелик ва инсон ички дунёсини унинг барча руҳий кечинмалари билан теран фалсафий идрок этган Ҳ.Рембрандт ижодигача бориб тақалади.

Зулфия Куролбой қизининг ўрни билан Ғарб адабиёти ва санъатига мурожаат этиши мутлақо тасодифий ҳол эмас. Агар диққат қилинса, И.Кант бутун оламни ривожланиб боровчи жараён сифатида олиб қарайди. Инсон эркини индивидуалликда кўрган олим катта

⁸ Зулфия Куролбой қизи. Армон асираси. Роман., Т.: “Янги аср авлоди”, 2009.

мақсадлардан чалғитилган, кичик ва кундалик ташвишлардан ортмайдиган одамлар улкан бунёдкорлик ишларига қобил эмас, деб ҳисоблайди.

Тафаккури юксак руҳга тўла бўйсунмаган бўлса-да, Шарқ фалсафий фикридан илҳом олган Ф.Ницше эса, одам боласини буюк руҳ соҳиби ва нурга талпиниб яшовчи мавжудот деб билади. Файласуф олим наздида, эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амал (*аслида бу фикр “Авесто”да илгари сурилган – И.Ё.*) бирлиги бузилганлиги оқибатида манфаатдорлик, худбинлик иллатлари олижаноблик хислатларини тобора сиқиб чиқармоқда. Илло, ҳар нарсадан моддий фойда олишга интиладиган ижтимоий жамиятда юксак руҳиятли инсон яшамоғи маҳолдир. Чунки, у мазкур муҳитга мослаша олмайди.

Э.М.Ремарк асарларида ҳам жисмоний-маънавий эзилган, ўзини жамиятдан бегоналашган деб ҳис қилувчи кишилар қисмати қаламга олинади. Улуғ мўйқалам соҳиби Рембрандт асарларида эса оддий одамлар маънавий бой олами жозибали ифодаланади. Образлар теран руҳий ҳолати қоронғилиқдан майин нур оғушида чиқиб келиш тарзида тасвирланади. Англашиладики, юқоридаги сингари қарашлар “*Армон асираси*” романи бош концепциясини конкретлаштириш ва етакчи пафосини белгилашда адибага ғоятда кўл келган.

Кези келганда, роман лейтмотивини ташувчи Хулкар Армон образи ўз тақдирини боғлаши мумкинлигига ишора қилинган Бехзод дунёқарашни ҳақида тўхталиш ўринлидир. Чунки, у биз таниган одатий адабий қаҳрамонларга ўхшамайди. Зотан, ўзи таъкидлаганидай, бошқаларга хос бўлган хусусиятлар унга бегоналиги Бехзод индивидуаллигини белгилайди. Бу мураккаб персонаж – фикрловчи зиёли. Аммо унинг тафаккурида бир-бирдан узоқ маданиятлар ва фаолиятлар дабдурустан ижодийлик касб этмайди ва миллий кадриятлар билан уйғунлашмайди. Масалан, у ҳаётда инсон озодлигини мутлақлаштириб тушунади. Унингча, аёл муҳаббати эркакни йўлдан оздиради. Хотини ва фарзандлари учунгина яшовчи эркак ола хуржун бўйнига илдирилган тутқундир. Бизнингча, унинг бундай тутумлари Н.В.Гоголнинг “*Уйланмиш*” комедияси финалида оила ва бола-чақа оёққа тушов деб билгани боис келин даргоҳидан жуфтакни ростлаб қолган қаҳрамонни эслатади.

Бехзод инсон ўз-ўзини бунёд этиши мумкинлиги, бунда индивид хоҳиш-истаклари муҳимлигини ёқлайди. Шундан келиб чиқиб, дастлаб

кисмат фалсафаси, демакки, Яратувчини ҳам инкор этувчи сифатида кўзга ташланади. Зоҳиран қатъиятлидай туюлган, аммо Ф.Ницше фикри, панд-насихату ўғитларига кўр-кўрона эргашувчи бу персонаж мушоҳадалари китобхонда хайрихоҳлик уйғотмайди. Аксинча, шахсий ҳаётини-да тузукроқ англаб етмаган Бехзодга хос *билимдонлик*, Пауло Коуло асарларидаги ошкора глобализмни инкор этган Е.Белякова таъбири билан айтганда, *таъмсиз йўғурт*⁹ эканлиги жиҳатидан кишини бездиради. Чунки, Бехзод ҳам миллий қадрият ва эътиқодий илдиэларидан ажралган ҳолда индивидуализмни ёклаши жиҳатидан глобалистдир. Аммо, муҳими шундаки, у пировардида руҳнинг ҳаёт устидан ҳукмронлигини эътироф этиб, қисмат етовига бош эгади.

Бинобарин, ҳар қандай янгилик ҳам миллий анъана доирасида тўласинча “ҳазм” қилинавермайди. Ҳаётдан маъно излаётган инсон маданий даражаси эса миллийлик заминидан узоклашмаган ҳолда ўзгармоғи лозим. Илло, романнинг вазифаси ўша жараёнларни англашдир.

Бехзод, Хулқарга ўхшаб, кўнглига қарши бориб, ҳаётда ўз ўрнини *топиш* йстагида куйинмайди. Эътироф этмоқ жоизки, аслида, ҳар қанча ўзаро фикрий зиддиятларига қарамасдан, ҳаётдан қониқмаслик, ўзига хос йўл излашлари жиҳатидан Хулқар ва Бехзод руҳан бир-бирларига яқин туради. Эҳтимол, айнан ўша инсоний яқинлик уларга барча машаққатларни матонат билан енгиб ўтишда куч ва ирода бағишлаган бўлса ҳам ажаб эмас.

Бехзоднинг инсон ҳамда замон ҳақидаги фикрлари мазмун ва оҳанг жиҳатидан анча кескин ва вазмин. Бу ҳол китобхонни инсоннинг ҳаётдаги ўрни ҳақида мулоҳазага чорлайди. Аксарият роман қаҳрамонларини дабдурустдан тушуниш ва англаш мушкул. Ҳа, ғоятда оддий одамлар қандайдир сирли табиати, маҳзун асрори билан бизни ўзига жалб этади. Улар сийратига хос ғурур, мавжуд вазият билан қониқмаслик ҳисси борлиғимизни қамраб олади. Масалан, зоҳиран оддий бир банда эканлигини унутгандай туюлувчи Бехзодни инсон аъмоли ва руҳияти, шиддат билан олға интилиб глобаллашаётган замонда кечаётган ўзгаришлар ташвишга солади. Эътиқодий эврилишлар генеологияси қалбини безовта, фикр-туйғуларини эса алғов-далғов этиб юборади.

⁹ Белякова Е. Шарбатга тўла мева ёки бемаза йўғурт. “Шарқ юлдузи”, 2012 йил, 5-сон. – Б. 120.

Назаримизда, Беҳзоднинг субъектив қизиқишларини ўз вақтида қондира олмаган, кечиккан омаддан юз ўгириш ҳолини англаш учун унинг ҳақиқат ва амалиёт бирлиги алоҳида одам (индивид) манфаатларида акс этишини исташини тушунмоқ лозим. Бинобарин, у ўзига хос прагматик. Шу сабабли бўлса керак, эътиқодий қарашларида манфаат масаласи марказий ўринни эгаллайди.

Бирок, Зулфия Қуролбой қизи бизни бу каби вазмин фикрлар қучоғида узоқ олиб қолмайди. У китобхонни муҳаббат бобида: *инсон туйғулари ҳар қандай фикрдан кучли эканлиги ҳақидаги одамзод тарихи қадар кўҳна ва оддий бир ҳақиқат билан юзлашишга ундайди.*

Демак “*Армон асираси*” романи иймон, эътиқод, диёнат, инсоф, кўнгилчанлик, меҳр-шафқат туйғулари билан уларнинг антиподлари ўртасидаги кураш асосига қурилган. Асарни ўқиш асносида юртдошларимиз ва замондошларимиз руҳиятини экстремал вазият-ҳолат – фавқулодда ва беаёв синовлар фонида кўрсатиш адиба услубининг ўзига хос хусусияти эканлиги англашилади. Муаллиф умумқарашлари ботинида ҳаётбахш оптимизм, эрк ва озодликка бўлган неқбин ишонч руҳи мужассам. Романда бу ҳол рамзий мазмунда, яъни пейзаж тасвири орқали: “... одамни сиқиб юборадиган бундай вазмин, оғир ҳаво момақалдиروق ва ёмғирдан дарак беради-да”, тарзида ўз ифодасини топган. (297 б.)

Зулфия Қуролбой қизи фикрича, асл сўз санъаткорида одам боласи ўз мавжудиятини таъминлаши йўлидаги ҳаракат-интилиш, фикр-ўй, қувонч-шодлик ва изтироб-аламларини кўрсатишдан ўзга аъмол бўлмайди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам, инсон ва ҳаёт, инсон ва воқелик, инсон ва борлиқ муносабатларида муаллиф нигоҳи имкон ва имконсизлик, ўзликни асраш йўлидаги эврилишлар, реал вазиятга мослашувчанлик фожеий оқибатлари масалаларига қаратилади.

Романда тасвирланган Насиба, Дониш, Талгат, Ҳаким, Беҳзод, Хулкар каби қахрамонлар янада муносиброқ ҳаёт тарзи яратиш учун мутгасил интилишади. Улар реал машаққатлар ва руҳий эврилишлар гирдобиди доимий тобланишади, ижтимоий-руҳий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан покланишади.

Зулфия Қуролбой қизи фикр-қарашлари ва бадий ифода тарзидаги шафқатсиз реализм ҳам мутлақо тасодиф меваси эмас. Қолаверса, роман ижтимоий-ахлоқий пафосида китобхонга таниш туйғулар

қаламга олинган. Шунинг учун ҳам улар бизни муҳокама-мунозарага чорлайди.

Юқоридаги келтирилган мулоҳазаларнинг барчаси, сўнги йиллар ўзбек романлари серқирра объектив алоқадорлик – эстетик зарурият меваси эканини тасдиқлайди. Хусусан, “*Ранг ва меҳвар*”, “*Оворанинг кўрган-кечирганлари*” ва “*Армон асираси*” асарлари миллий истиқлол даври ўзбек адабиётида яратилган ва яратилаётган романларнинг ранглар палитрасига мутаносиблигини кўрсатади.

Поэтик тафаккур ва синтезлашув жараёни

“*Ранг ва меҳвар*” да Асад Дилмурод етиб келган ҳақиқатларини ифода этаркан, ижодий ният асосида ўз поэтик концепциясини шакллантиради. Аммо, назаримизда, шу ўринда ўта нозик бир жиҳатга аҳамият қаратиш лозим, бинобарин, *ҳақиқат* кенг маънода *англанганлиги* ижодий ният ижроси олдиндан тўла белгилаб олинганини билдирмайди.

Тўғри, Комрон Вали реал олам воқе-ҳодисалари кечишида фаол иштирокчи эмас. У – ўз таассурот-кечинмалари дунёсида яшовчи алоҳида индивид. Бу жиҳатдан қахрамон талқинида постмодернистик услуб унсурлари кузатилади. Аммо, адабий қахрамон олами объектив мазмундан маҳрум эмас. Шунинг учун ҳам “*Ранг ва меҳвар*” ижодкордан ташқаридаги мустақил жараён бўлмайди. Илло, роман асосида анъанавий маданият ётади. Адиб мутлақ ҳақиқатлар – олам илоҳий моҳиятини рамзли идрок этади.

Ўз ўй-хаёли, ҳам-андуҳи ва изтиробари гирдобида яшагани учун ҳам Комрон Вали мавжуд реалликдан безади. У руҳий интилишларига қулоқ тутиб, оламни интуитив тарзда идрок этади. Фақат ижод онлари (*экстаз ҳолат*) лардагина моддий ва руҳоний олам моҳиятига чуқур кириб боради. Шу онларни мангуга муҳрлайди. Бироқ, у ўзини тийнатига ибтидода ижодий илҳом солган, доимо кўллаб турувчи Яратувчи эътибор-марҳаматидан ташқарида ҳис этмайди. Шунинг учун ҳам, дунёнинг *тузалиши* умидидан Мосуво бўлмайди. Чунки, ўз қалби олис буржларидаги ҳақиқатларни англари экан, рамзлар қатида милтираб турган эзгу ва латиф фалсафий-романтик фикрларни реалликка тадбиқ этишни тилайди.

Демак, Асад Дилмурод умумбашарий муаммоларни бадий-эстетик идрок этиш асносида ифода услубида қўллаган рамзийлик ижтимоий бухронлар, маънавий-ахлоқий таназзул билан чамбарчас боғланади. Муаллиф субъекти роман рационал мазмунини изчил шакллантиришга хизмат қилади.

Постмодернизм эса, нафақат реал ҳаёт, балки адабиёт ва санъатда ҳам субъект ролини инкор этади. Модомики, *муаллиф ўлими* содир бўлмас, анъанавий маданият асосидаги *логоцентризм* инкор этилмас экан, “Ранг ва меҳвар”, умуман, ўзбек романи шунчаки *интертекстуал ўйин* сифатида тушунилмайди.

Англашиладики, “Ранг ва меҳвар”да киноявий модус ва интертекстуал ўйин унсурлари кузатилса-да, бундай белгилар асарнинг на модернистик, на постмодернистик услубда битилганлигини кўрсатади. Бизнингча, романда илғор жаҳон адабиёт ва санъатининг турли оқимларига хос унсурлари миллий-адабий анъаналар негизида синтезлашган. Шубҳасиз, бу жараёнда доминантлик ролини Шарк адабиёти анъаналари асосида тобора кенгайиб бораётган ўзбекона поэтик тафаккур микёслари ўтамоқда.

Дарҳақиқат, адиб модернистик ва постмодернистик адабиётнинг бир қатор оқимларига хос хусусиятларни мужассамлаштирган авангардизм вакиллари каби кескин радикализмга йўл қўймайди. Бошқачароқ айтганда, бадий адабиётнинг реаллик билан алоқасини инкор этмайди. Уни ижтимоий ҳаётнинг мураккаб қирралари билан чамбарчас боғлайди. Анъанавийлик негизида бадий шаклда муайян янгиликлар яратишга уринади.

“Ранг ва меҳвар”да ўзаро низолар, хусусан, жаҳон урушини келтириб чиқарган муҳитга қарши исён мужассам. Адиб мавжуд қоидалар ҳамда тартиботларни қисман маънисиз (*абсурд*) сифатида инкор қилади. Бадий ижоднинг эстетик қийматини оширувчи омил бўлган иррационализмни ёқлайди. Бундай ўринларда унинг услубида *футуризм*, *дадаизм*, *сюрреализм*, *экспрессионизм* таъсири кўзга ташланади.

Аммо, Асад Дилмурод миллий адабиёт моҳиятини белгиловчи фалсафий-эстетик қарашлар ва адабий-маданий анъаналарни инкор қилмайди. У тезлашган ҳаёт ритми таъсирида дунёқараш, ахлоқ ва турмуш тарзи ўзгараётганини билади. Маънавий-ахлоқий таназзул сабаблари, хусусан шахснинг емирилиши ва оломонлашуви, ҳолат ва

таассуротларнинг кескин сийқалашиб бориши каби жиҳатларни зинҳор мутлақлаштирмайди. Зотан, адиб ғоявий-ҳиссий инкори муаммонинг ўнгланишига бўлган умидворликка асосланади.

Алоҳида қайд этиш лозимки, Асад Дилмурод қарашлари В.Хлебников, И.М.Северянин, Б.Постернак, Н.Асеевлар ижодида кузатилган футуризмдан кескин ажралиб туради. Ёзувчи Ғарб адабиётининг *одам одамга бўри, қучли одам ҳамиша ҳақ* қабилидаги ақидаларини тўласинча тасдиқламайди. У мозий ва келажак моҳиятини санъат воситасида идрок этишга уринар экан, гуманистик асослардан узоқлашмайди. Эскилик муқаррар тугашига ишонади. Поэтик ижод инсон руҳиятини поклаш, янги дунё яратишга қодир илоҳий неъмат эканига шубҳа қилмайди.

Масалан, Комрон Вали атрофини ўраган кўпгина нусхаларнинг қарашларини, нафс-тама ва хушомад йўлида мўйқалам тебратадиган ижодкорларни ҳақир ва тубан кимсалар сифатида инкор этадики, бу инкор уларни *замона кемаси* чегарасидан бутунлай улоқтириб ташлаш ҳақидаги бадий ҳукм бўлиб янграйди.

Сўнгги йиллар миллий романчилигимиз шакли ва мазмунида назарий асоси Ж.Беркли, И.Кант, Ф.Ницше, З.Фрейд таълимотларига туташувчи сюрреализм авангардистик йўналиши таъсири ҳам яққол кузатилмоқда. Унга кўра, тажрибага асосланувчи рационализм ва позитивизмга қурилган реализм инкор этилади. Чунки, инсон жонли сезимларини ҳамиша ҳам мантиқий далиллаб, ақлга мувофиқлигига биноан таҳлил этиб бўлмайди. Илло, бадий билиш тахайюл эркинлигига таянади. Бадий реалликда инсон онгининг чуқур қатламлари тасвирланади. Шунинг учун у биз ўрганган маънодаги объектив воқеликдан юксак туради.

Кузатишлар шуни тасдиқлайдики, мустақиллик даври ўзбек романнавислари одам боласининг фикр оқимини ақлу заковат назорати ва маънавий-ахлоқий андишалардан холироқ тарзда ўқиш ва ўқишга уринишмоқда. Бу типдаги романларда ижодкор ўзини холис позицияда тутаяди. Бироқ, энди у оламий кенгликларни қалби орқали кечинувчи, яъни объектнинг ажралмас бир қисмига айланади. Тил эса, субъект мақомини олади. Шу орқали китобхон *онг ости* қатламларига таъсир ўтказилади, яъни ўзига хос бадий мулоқот юзага келади.

Яхши аёнки, сюрреалистик образда тасвирланаётган нарсалар эркин ассоциативлик асосида бирлашиб, ўзи ҳақида ирреал таассурот

ва кайфият ҳосил қилдиради. Нарсанинг шакл-шамойили аслидагига ўхшамайди. Чунки, у фикр ва ассоциация – бир-бирига мантқан кўшила олмайдиган омиллар бирлашувига асосланади. Айни шу ўринда биз кўниккан сабаб-натижага асосланувчи ўзаро боғлиқлик йўқолади. Унинг ўрнини тасодиф, ғайриоддий ҳолат – ғаройиблик ва кутилмаганлик учун хос гўзаллик эгаллайди. Моддий мавжудлик сифатида тасаввур қилинган асар эстетик объект бўлмай қолади. Унинг эстетик таъсири ҳам жисм, ҳам рухга қаратилади. Воқелик киноявий, юмористик, сатирик идрок этилади. Бундай асарлар воқеликка муносабатига кўра абсурдга яқин туради.

Асад Дилмурод “Ранг ва меҳвар”да яқин ўтмишни бадиий-эстетик таҳлил этиб, унинг инсонийликка зид моҳиятини очиб беришга уринган ва ижтимоий воқеликка танқидий муносабатда бўлган, уни қисман ғоявий-ҳиссий инкор этган. Романда кузатилувчи инкор қаламга олинган давр ижтимоий-сиёсий томонига қаратилган мазмун қатламида намоён бўлади. Чунки, адиб талқини негизда боқий ва умуминсоний қадриятларни тасдиқлаш ётади. Демак, роман моҳиятини инкор руҳи тўла белгилай олмайди.

Бадиий тафаккур типи

Бизнингча, Асад Дилмурод романда ижтимоий ҳаётни бадиий акс эттириш принциплари жиҳатидан асосан реализм бадиий тафаккур типига амал қилган. Тўғри, роман бадиий воқелиги ҳамиша ҳам реал воқеликка мувофиқ эмас, унда реаллик билан нореаллик бирлашиб ҳаракат қилади. Гап шундаки, замонавий романчилик тажрибасида кузатилганидек, адиб реализми бағрида иррационал ассоциациялар кенг ўрин тутаяди. Зотан, Комрон Вали оламу одамни, айни пайтда, ўзини мистик-хаёлий, мифологик ва романтик ўлчамларда идрок этаётган ижодкордир. У ижодида ҳаётни бутун мураккабликлари билан кенг кўламда акс эттиришга интилади. Ҳар қанча муҳитдан қочишга уринмасин, унинг тақдири ва феъл-атвори ижтимоий-тарихий шароит таъсиридан мутлақо холи эмас.

Албатта, Асад Дилмурод инсон тақдири, орзу-интилиши, кураши ва амалларини илоҳий асосга эга деб билади. Бироқ, айни масалаларни изоҳлашда, тақдир-ёзуқ фалсафаси билан бир қаторда, ижтимоий-психологик таҳлилларга ҳам кенг ўрин беради. Илло, чинакам реализм

адабиёти инсонни ва унинг қисматини ҳеч қачон ижтимоий шароитга боғлаб қўймаган. Ҳамиша унинг ирода кучини шарт-шароитлардан юксак санаган. Ҳазрати инсонни оқимга қарши тура олувчи буюк куч соҳиби сифатида идрок этиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида тасвирлаб келган.

Ана шу мантиқдан келиб чиққан ҳолда, Асад Дилмурод яқин ўтмишнинг инсон ва жамиятни таназзулга етакловчи тенденцияларини танқидий идрок қилиш орқали қаламга олинган давр жорий ҳолатини кенг кўламада тасвирлайди. Воқеликнинг муайян давр ва муҳит учун характерли бўлган жиҳатларини типиклаштиради. Ижтимоий типларга ҳаёт бағишлайди, яъни воқеликни ижодий қайта яратади.

Ёзувчи бадиий ҳукми шуни кўрсатадики, романда адабиёт концептуал функцияси амалга ошган. Адиб бадиий шартланган рамзий образлар, ривоятлар ва бошқаларни роман матнига олиб киришда реалистик тасвир принципларидан чекинмаган. Илғор жаҳон адабиётига хос адабий йўналиш ва оқимлар, шаклий-услубий изланиш ҳамда тасвир принципларини қўллашда ўз поэтик имкониятларини синаб кўрган.

Кўплаб синовдан ўтган реализм доирасида, нафақат турлича дунёқараш, балки ранг-баранг бадиий-эстетик ҳодисалар ҳам ифода этилиши мумкин. Негаки, релизм догма эмас. Ўзбек романчилигининг айна босқичи амалиётини кузатиб, бемалол айтиш мумкинки, реализм сифат жиҳатидан тобора ўзгариб, такомиллашиб, тасвир ва ифода имкониятларини муттасил бойитиб бормоқда.

Сир эмаски, “*Ранг ва меҳвар*” да мавжуд ижтимоий вазият-ҳолатдан норози бўлган ижодкор қалбининг ўзига хос исёни бадиий жиҳатдан атрофлича акс этган. Шунинг учун ҳам асарда ўткир ижтимоий-танқидий пафос устуворлиги кузатилади. Адиб инсониятга беадад кулфатлар келтирган иккинчи жаҳон урушига, шахсни топтаб, эркини поймол этган ижтимоий адолатсизликка, Комрон Валини ёлғизлатиб қўйган, Мерган, Роҳила отин, Вали бахши, Нафисани хору зор айлаган қаттол муҳитга, кучайиб бораётган маънавий инқироз ва нафс балосига қарши норозилигини кескин поэтик бўёқлар орқали ифода этади.

Асад Дилмурод экспрессионизм модернистик йўналишига таянар экан, муаммога маърифий асосда муносабат билдиради. У образлар талқини ва ифода йўсинида драмага хос айрим хусусиятлардан самарали фойдаланади. Масалан, аксарият образларни драматик

зиддиятлар фонида чизади. Энг катта мухораба эса, Комрон Вали қалбида кечади. Қаҳрамон қалб нидоси орқали дунёни ўзгартириш зарурлиги эътироф этилади. Шунинг учун ҳам, романда муаллиф қалби, ички “мен”и устувор мавқеда туради. Аксарият ўринларда ифода тасвирдан, интуиция мантиқдан устун келади. Воқелик икирчикири билан тўласинча тасвирланмайди, унинг субъектив талқини берилади. Ижодкор қалби ифодаланганлиги боис Комрон образи ҳаммиша ҳам конкрет суратда тасаввур қилинмайди.

Ёзувчи маънавий-ахлоқий тушунчалар ва ғоялар ўрнини абстракцияларга бўшатиб берар экан, бадий концепция ифодаси негизига конкрет инсондан кўра, ижодкор зиёли умумлашма образини кўяди. Назаримизда, роман бадий воқелиги марказида бешафқат дунё зиддиятларидан садпора бўлган қалб туради. Чунки, роман бадий воқелиги реал воқеликнинг шаклан ўзгарган (*деформацияланган*) ва ғоят кучли эмоционалликка йўғрилган аксидир. Шунинг учун ҳам ижодкор қалби ижтимоий шарт-шароитларнинг кули бўлиб қолган нафс бандалари, кенг маънода инсон фожиасидан норозилигини баралла изҳор этиш орқали бизни жамият эртасидан огоҳ этади.

Бундай ҳол жаҳон адабиётининг Ф.Кафка, И.Бехер, Г.Гессе каби улкан намояндалари ижодида ёрқин намоён бўлган эди. Маълумки, австриялик ёзувчи Ф.Кафканинг “*Жараён*” (1915), “*Кўрғон*” (1922) романларида воқеалар муболағали ва рамзий тасвирлари орқали инсоннинг нодонлик ва жаҳолат қаршисидаги фожиавий ожизлиги акс эттирилган. Адиб қонун ва инсон, нур ва зулматни мавҳумлик ҳолатида берар экан, мавжуд вазиятдан қутулиш иложини тополмайди. Агар ёзувчининг “*Жараён*”, “*Отамга хат*”, “*Эврилиш*”, “*Очлик санъати*” битиклари ўзбек тилига ўғирилганлиги назарда тутилса, Асад Дилмурод улардан ижодий ўргангани эҳтимолдан йироқ эмаслиги ойдинлашади. Немис ёзувчиси Иоганнес Роберт Бехернинг “*Ҳаммага*” (1919), “*Доимий кўзғолонда*” (1920), “*Худо номи билан*” (1921) сингари асарларида адолатсизликка қарши кураш, инсонга хос яратувчилик ғоялари улуғланган. “*Люзит*” романида эса, фашизмнинг босқинчилик моҳияти кескин қораланган.

Таъкидлаш ўринлики, юқоридаги сингари бадий-эстетик усул ва воситалар романафисларимиз, хусусан, Асад Дилмурод томонидан ижодий ўзлаштирилаётгани ва жорий этилаётгани алоҳида эстетик ҳодисадир. Бундай узвий интилишлар экспрессионизм йўналиши

имкониятлари ўзбек романий тафаккури, жумладан, Асад Дилмурод ижодига чуқур сингиб, унинг изланишлари муайян даражада бойитаётганини кўрсатади. Умуман, “*Ранг ва меҳвар*”да кузатилувчи шартлилик, мажозийлик ва гротеск муаллиф учун муҳим бўлган поэтик ғоя мезони – ҳаёт мураккабликлари, муаммо ва зиддиятларидан олинган таассурот, изтироб ва аламларни ифодалаш воситасига айлангани эътиборлидир.

Бироқ, назаримизда, муаммонинг бошқа янада муҳим жиҳатлари ҳам мавжуддир. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, сўнги йиллар ўзбек романнавислари билиш фақат ақл орқали кечмаслигини теран идрок этишмоқда. Зотан, истиқлол даври эркин фикри билишнинг онгсизлик ёки аксинча, ақлдан юксак турувчи (*супраментал онг*) боскичлари ҳам борлигини англаб етди. Чунки, инсон руҳий фаолияти ҳамиша ақлдан ташқарига чиқади. Масалан, ирода ва интуиция, онгсизлик ҳоллари нораціонал табиатга эга. Аслида, иррационализм ўз табиатига кўра жуда қадимийдир. Унда мистика, тасаввуф, йога, буддизм, интуизм, психоанализ кабилар бирлашади. Жумладан, ҳақиқат олий реалликка сингиш, у билан уйғунлашиш эканлиги ҳақидаги ғоялар мумтоз адабиётимизнинг асосини ташкил қилади. Тасаввуф таълимотида илгари сурилувчи *сингиш*, яъни онгнинг ёришуви (*широқ – Тангри васлига етишиши*) экани бунинг ёркин далилидир. Шарқ адабиёти инсон табиатини тақдир фалсафасига боғлаб изоҳлаб келган. Ҳаётни инсон интеллекти иродасига бўйсунмайдиган даражада беқиёс ва мураккаб, чексиз яширин имкониятларга бой деб англаган. Демак иррационалликнинг теран миллий илдизлари мавжуд бўлиб, миллий романчилигимиз ўша сарчашмалардан озикланиш эвазига ўз тараққиётини таъминлашга уринмоқда.

Асад Дилмурод тарихий қиссалари, хусусан “*Шердор*”, “*Мулк*” ва “*Гирих*”даёқ ислимий-ҳандасавий нақшлар услубига хос бўёқлар уйғунлигини муайян даражада ўзлаштирган эди. Адиб бу борада тўплаган тажрибасини “*Ранг ва меҳвар*” да кенг қўллайди, натижада гўзаллик роман руҳий оламини намоён этадиган муҳим эстетик унсурга айланади. Қолаверса, реал ва ирреал воқеалар кўпинча рамзий-мажозий тарзда ифодалангани бу борада қўл келади. Романдаги манзаралар кўлами, фақат жозибали табиат жилвақорлиги тасвирлари эмас, айни пайтда, ижтимоий муҳит тимсолидир. Зотан, Комрон Вали бу кўламга

муайян ҳис-туйғу ва ғоявий мазмун сингдиради. Ижодий тамойилида ўзи ва устозларининг табиатга бўлган муносабатини бетакрор йўсинда акс эттиради, хусусан, безакларга хос ритмни топишга уринади, ана шу ритм матн ритми билан уйғунлашиб кетади.

Бу ҳол шуни кўрсатадики, адиб инсон, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва табиий ҳодисаларнинг ишонарли ва таъсирчан бирлигини вужудга келтириш орқали сўз санъати билан тасвирий санъатни бир ўзанда бирлаштиради. Инсонни ана шу уйғунликни кучайтирган табиатнинг таркибий қисмига айлантира олади. Демак, манзара романда доимий тарзда янгилашиб турувчи табиат ва олам қонунининг умумлашмаси даражасига кўтарилади.

Романда ўрни билан тасвирий санъатнинг ҳайкалтарошлик турига ҳам мурожаат қилинади. Носир Охун ва Тарғил, Тўра Охун ва Дўлвор тасвирларида борлиқ ҳажмли шаклларга кўчирилади. Романдаги ҳайкалларнинг тасвир объекти инсону ҳайвонлар эканлиги рамзийлик миқёсини янада кенгайтиради.

Муҳими, Асад Дилмурод қаламга олган анималистик (*ҳайвон*) қаҳрамонлар кўтаринки руҳда тасвирланади. Бу усул сохта кўтаринки пафосни танқид остига олиш имконини беради. Адиб мазкур асарлар ёрқин истеъдод маҳсули эмаслигидан озор чекар экан, бу озор матн замирига кўчади.

Янада муҳими, романда ҳаққоний мазмундан маҳрум, табиат, муҳит ва меъморий иншоотлар билан ўзаро уйғунлашмаган, воқелик бутун борлиғи билан ишонарли акс этмаган, инсон руҳиятидаги нозик ўзгаришлар илғанмаган, инсон ички кайфият-кечинмалари холис очиб берилмаган, ҳаракат ва ҳолатлар тўғри танланмаган, ниҳоят, нурсоя ўйини орқали таъсир кучи оширилмаган (*қуннинг турли қисмида нур тушишига кўра ҳар хил товланиб, жилвакор жозоба ва файз бағишлаши*) сохта яратилган умри калта экани ва дилга бегона экани узлуксиз тасдиқлана боради. Мақсад ноаниқлиги етмагандек, муаллиф ҳиссиёт-кечинмалари ҳам юктирилмаган бундай “асар”лар ижтимоий ҳаётда ҳам, тасвирий санъат оламида ҳам кадр топмайди, ҳар доим улар чинакам нафосат, улуғворлик ва таъсирчанликдан маҳрум бўлиб қолаверади.

Комрон Вали тарафидан тасвирий санъат моҳияти хусусида киноя-инкор тарзида ўртага ташланган бу мулоҳазалар аслида Асад Дилмуроднинг рангтасвир, монументал ҳайкалтарошлик асарлари

воситасида тарихий воқеа-ҳодиса ва шахсларга бўлган муносабатини ифодалайди. Бинобарин, аини ўринларда ёзувчи адабий-эстетик концепцияси илгари сурилади.

Романда Асад Дилмурод руҳни дунё хиёбони ғубору тўзонларидан омон олиб ўтмоқ ва эгасига илинмоқ учун хушёр бўлмоқ лозимлигини уқтиради. Ҳаёт гўзал ва боқий. Умр эса ганимат. Қалбда умид муқим яшагани учун инсон барча мураккаб тўсиқлар ва машаққатларни енгиб ўта олади. Илло, ёлғоннинг умри қиска, хиёнат ва макр охир-оқибат фош бўлади. Шундай экан, ҳар бир сонияни эъзозлаш ва ардоқлаш жон хотиржамлигини таъминлайди. Демак, боқийлик ва нафосатни эгизак ҳисоблаган адиб ўз эстетик концепциясида жону тан омонат, кадр қимматини англаган, эътиқоду имонини бутун сақлаган инсон умрини ўткинчи ҳою ҳавасларга совуриши гуноҳи азимдир, деган қадим Шарқнинг мағзи тўқ ҳикматини тасдиқлайди.

Нуктаи назар: Марсель Пруст ва Асад Дилмурод

Асад Дилмурод XX аср француз адабиёти онг оқими романи асосчиси Марсель Пруст (1871—1922) нинг “*Йўқотилган вақтни ахтариб*”¹⁰ романлар туркумидаги сингари олам қиёфаси маънавий ўзгаришини ёқлайди. Комрон Вали ҳаётий воқеа-ҳодисалар ва изтироб-туйғулар орқали ўз-ўзини англаш ва кашф этишга интилиши фикримиз далилидир. Аммо, “*Ранг ва меҳвар*” да кўхна дунё гоъвий-мафкуравий қиёфасига кучлироқ эътибор қаратилган. Зеро, мазкур эстетик жараёнда адиб интуитив билим билан бирга ақл-идрок иштирокини ёқлайди. Яъни, ақл-идрок ва интуицияни бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар деб билади. Маънавий покланиш ақлдан ташқарида кечмайди. Моҳият нафақат ҳис қилиниши, балки англамоғи лозим. Алоҳида олинган одам жавҳарида илоҳий нур тажаллийси мавжуддир. Шундай экан, унинг ижодий имкониятлари

¹⁰ Марсель Прустнинг “Йўқотилган вақтни ахтариб” романлар туркуми еттига асар: (“Сван томон сари”, “Гуллаган қизлар соясида”, “Германлар томонида”, “Содом ва Гомморра”, “Асира”, “Қочоқ қиз”, “Топилган вақт”) дан иборат. Адиб ҳаёти ва ижодий услуги К.Мориак, Э.Анрио, А.Моруа, Р.Барт, А.Жермен, Ш.Брюнон, В.В.Набоков, С.Г.Бочаров, М.К.Мамардашвили, М.В.Толмачёв каби ёзувчи ва адабиётшунослар томонидан муайян даражада ўрганилган. Айрим ўзбек адабиётшунослари ҳам бу мавзуга қўл уришган. Бу ҳақда қаранг: Холбеков М. Марсель Пруст прозаси. “Шарқ юлдузи”. Т., 2012 йил, 2-сон, - Б. 118-131. (Китобни ёзиш асносида биз М.Холбековнинг М.Пруст романлари ҳақидаги фикр-қарашларига таяндик ва уларни муайян даражада ривожлантиришга уридик - И.Ё).

фаол ҳаракатгагина боғлиқ эмас. Субъект идроки чекланган. Шундай бўлса-да, у сабр-бардош билан олға интилиши лозим. Кўринадики, ёзувчи ҳодиса меҳварини аниқ тасаввур қила олади. Аммо, ирода манбаини, реал дунё билан бир қаторда, йўқлик оламига ҳам боғлаб тушунтиради.

Асад Дилмурод бадий образ характериға хос қарама-қаршиликлар курашини ақл-идрок ва кўнгил муносабатларини келиштира олмасликда кўради. Адиб учун санъат асари гўзаллик мушоҳадаси сифатида гавдаланади. Зотан, бу гўзаллик асл жавҳар ва унинг барча узвларида намоён. Ўзбек адиби бадий мушоҳада оркали ягона борлиқ мавжудлиги “мен”ликни йўқолишга маҳкум қилишини англиштири кўзлайди.

Асад Дилмурод ўша объектни, дунёнинг сертўлқин оқимидан ажратмай, уйғунликда мушоҳада этади. Шубҳасиз, воқеа-ҳодисаларни билишдан ғояларни англаш сари боради. Умуман, адиб қадим дунё моҳиятини, инсон тасаввурлари эмас, балки илоҳий ирода маҳсули сифатида англайди. Санъат асари иррационал моҳиятини инкор қилмайди. Турли тасаввур, хулоса-тахминлар ва мушоҳадаларга кенг ўрин ажратади. Этикаддан маҳрум кимсалар символик образи ўзига хос туркумини яратади.

Дарҳақиқат, романда марку ҳийла ва ёлғон тўрини тўқувчи ҳаёлий-мистик Санам образи, Тўра Охун, Носир Охун, Тарвуз домла, Азлар Ниёз, Зокир Ғиёсий каби нафс бандалари тимсоли маҳорат билан чизилади. Бундан ташқари оддий халқ маънавий даражаси, ижодни тушуниш борасидаги нўноқлиги психологик таҳлил этилади. Ана шу боис, “*Йўқотилган вақтни ахтариб*” асари каби, “*Ранг ва меҳвар*” ҳам интеллектуал роман тарзида гавдаланди. Чиндан ҳам иккала ромanning образлари талқинида фалсафий-эстетик қарашлар кенг ўрин эгаллайди.

Демак, Асад Дилмурод ижодий индивидуаллиги Шарқ маънавияти негизларига асосланади. Комрон Вали хотиралари ва изтиробалари кенг миқёсли туркумга айланишида эпик баён муаллиф шахси билан узвий туташади. Аммо афсуски, беғубор болалик ва бўз йигитлик даври катта ҳаётий тажрибали инсон руҳий-психологик кечинмалари призмасидан кузатилади. Сван ва Жильберта каби Комрон ва Нафиса муҳаббати ҳам кутилмаганда тугайди. Аммо, айрилиқ йигитни оғир изтироблар кучоғига ташлайди. Носир ва Тўра Охунлар қайбир

жиҳатларига кўра герцог Германтский, барон Шарлюс, княгиня Пармскаяларга менгзайди.

Бу шу билан изоҳланадики, ҳар икки романда инсоний ҳис-туйғу ва интилишлар шаффоф поэтик йўсинда тасвирланган. Вақт тушунчаси индивидуал онг, ҳиссий мушоҳадага боғлиқ деган фикрга диққат қаратилган. Ҳар иккала роман хотира-хаёл-туш-реаллик ўзаро қўшилиб-чатишиб кетиши жиҳатидан ҳам ўзаро яқин туради. Уларда ташқи дунё кетма-кетлик асосида, маконий ва замоний чамбарчас боғланмаган хотира-хаёл-туш-реаллик синтезида тасвирланади. *Туркум* таркибига кирган ҳар бир картинани чизиш асносида Комрон Вали бир неча бора маънавий жиҳатдан қайта туғилади. Зеро, ҳар бир таваллуди психологик покланиш, яъни ўзига хос “мен”ликдир.

Асад Дилмурод инсон маънавиятини нозик қалб билан узвий боғлайди. Унинг етакчи қаҳрамони фикрий ва руҳий-ҳиссий идрок этган беғараз ҳамда бениҳоя нафис туйғулар биз билган реал дунёга мутаносиб эмас. Аmmo адиб талқинича, Комрон насл-насаби тоза экани боис ўз қалбини юксалтира олган. Ғарб адабиётида бундай жиҳат кузатилмайди. Жумладан, Марсель Пруст романларида инсоннинг жамиятдаги мавқеи, мартаба-унвонлари ва генетик илдизлари кескин инкор этилади.

Тўғри, Асад Дилмурод ҳам бугуннинг ғам-ташвишлари билангина яшовчи худбин қавмни кескин қоралайди. Манфаат илинжидаги заминий эврилишлар фожиасини Санам кирдикорлари орқали ўқувчига етказди. Санам ва у ҳомийлик қиладиган Тўра Охун ва Носир Охун қиёфасида сохтакорлик, қабихлик, фисқ-фужур, бағритошлик, ахлокий бузқулик, қалб нодонлиги ва тубанлашув мужассам эканини, айна шу иллатлар инсонни жаҳолат сари етаклашини тасдиқлайди.

Комрон Вали – излаганини муҳитдан топмаган, топиш имконсиз эканини англаган қуйинчак қаҳрамон. Бироқ унинг эртанги кундан умидворлиги, ишончи сўнмаган. Хусусан, ўзбек романида айнан ўша майл – инсонда кечадиган мутлақо умидсизланиш ва ишончдан айрилиш туйғуси ифодасига кенг ўрин берилмаган. Чунки, ўзбек адаби инсонни, жамиятдаги мавқеига кўра эмас, балки маънавий-руҳий дунёси нечоғлик бутун эканига кўра фарқлайди. Марсель Пруст эса, ўз қаҳрамонлари Шарлюс, Вердюрэн, Одетта, Албертиналарни умиддан маҳрум қилиб кўяди ва улар камолга етган ижтимоий муҳитни буткул рад этади.

Марсель Пруст насри поэтикаси, дунёқарашига хос модернизм тамойиллари, ижодида кузатилувчи модерн услуги муайян назарий асосларга таяниб шаклланган. Жумладан, вақтни мутлақ абадий эмас, балки тасаввурлар оламига мансуб деб билган адиб олам яратилгани ва унинг Яратувчисини инкор этади. Чунки, у фақат олабий ироданигина тан олиб, илоҳий иродани рад қилади. Шунинг учун ҳам ёзувчининг айрим асарларида тушқунлик руҳи яққол ҳукмрон бўлади.

Иддаомиз куруқ бўлмаслиги учун айрим фактларга мурожаат қилганимиз маъқулдир. Масалан, Марсель Пруст дунёқарашига ҳамда услубига интуитивизм ва ҳаёт фалсафаси (*интуитив метафизика*) намояндаси, Шарқ таълимотларини юнон фалсафаси билан бириктиришга интилган Анри Бергсон (1859-1941) асосий ғоялари кучли таъсир этган. Бу *онгнинг психик ҳаётда узлуксиз ўзгариши* ҳақидаги қарашдир. Ёзувчи фикрича, материя, вақт, ҳаракат *давомий* эканлиги бизнинг тасаввуримизда ифодаланади. Уни фақат интуиция (*ғайришуурийлик*) орқали билиш мумкин. Шунинг учун ҳам у, инсон табиатан ижодкор зот, лекин ижод қилиш иқтидори фақатгина хослар аъмолдир, деб билди. Ўз асарларида инсон ақл-идроки орқали англаб олинадиган ассоциация (*тасаввур*) ва хотира (*мушоҳада*) нинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

Таъкидлаш ўринлики, Ги де Мопассан ва Оскар Уайльд сингари улуғ ижодкорлар билан самимий суҳбатлар ҳам Пруст ҳаёти ва ижодида муҳим из қолдирди. Маълумки, француз ёзувчиси Ги де Мопассан ўз қаҳрамонларини табиий феъл-хусусият ва ҳис-туйғулари орқали ёритишга интилди. Маънавий қашшоқ, мунофиқ кимсалар образининг бутун бир силсиласини яратди. Адиб асарларида маиший турмуш ва мол-дунёга хуруж кўйган мансабпарастлар, шунингдек, ўзлигини йўқотган аёллар тимсоли маҳорат билан чизилди. Маънавий юксак оддий кишилар алоҳида қадрланди. Мопассан “*Ўлимдек кучли*”, “*Бизнинг қалб*”, “*Ҳаёт*”, “*Азизим*” сингари психологик руҳи кучли асарларида ватанпарвар, олижаноб ва жасоратли инсонларни улуғлади ҳамда умумбашарий мавзуларни қаламга олди. Инглиз ёзувчиси ва мунаққиди Оскар Уайльдининг “*Дориан Грей портрети*” асари интеллектуал романнинг гўзал намунаси эканлигини ҳам яхши биламиз.

Таъкидлаш ўринлики, Марсель Пруст ирода фалсафаси йирик намояндаси А.Шопенгауэрнинг “*Дунё бу менинг тасаввуримдир*” деган

ғоясидан қаттиқ таъсирланди. Шу боисдан дунёни уни қабул қилувчи субъектга боғлаб талқин этди. Ҳаёт фалсафаси асосчиларидан бири Ф.Ницшенинг ҳаётгий реаллик иррационал моҳияти, яъни оламни бадий-эстетик интуиция орқали ўзлаштириш мумкинлиги ҳақидаги қарашларини ўзлаштирди.

Адибнинг *“Кўнғил хушлиги ва кунлар”* новеллалар тўпламига муқаддима битган Анатолий Франс унинг ижодида кузатилувчи ғам-андуҳ символик ифодасига алоҳида эътибор қаратганди. Бу мутлақо тасодифий бўлмайд, ҳар иккала адиб ижодига хос руҳий яқинлик нишонаси эди. Агар, Анатолий Франс қаламига мансуб *“Жаноб Жером Куаньярнинг мулоҳазалари”* синчиклаб кузатилса, донишманд ва дайди аббат Куаньяр ва бошқа образлар талқинида, сюжет ва воқеа эмас, фалсафий мушоҳада ва талқинлар муҳим мавқега эгалигининг гувоҳи бўламиз. Бундай ҳол *“Гул тагидаги сўхбатлар”* асарида ҳам кузатилади. *“Пингвинлар ороли”*, *“Худодлар хоҳиши”*, *“Фаришталар исёни”* романлари тасвирида эса пессимистик руҳ ёрқин кўзга ташланади.

Агар солиштирсак, Асад Дилмурод ва Марсель Пруст романлари конфликт психологик жараён ҳамда реал воқелик тўқнашуви асосида юзага келиши жиҳатидан ўзаро яқинлигини сезамиз. Зотан, ҳар иккала адиб ҳам муҳаббат, вафо, садоқат, самимият, меҳр, оқибат каби юксак инсоний туйғулар заволи сабабларини излашади. Аммо ўша сабабни бири жамият, иккинчиси эса иймон-этикод орқали изоҳлашга майл билдиради.

Қизиғи шундаки, бу адиблар ҳазил-мутойиба, киноя-истехзо ва аччиқ заҳархандаси оломон учун табиий кўникмага айланган ҳаёт тарзига қаратилган. Улар тор дунёқараш, қўпол муомала, бемаъни ғурур, ўринсиз иззатталаблик, олифтагарчилик, заиф нафсоният, нодонлик ва худбинликка бўлган нафратини яширишмайди, айна пайтда, эзгуликка ундовчи табиий нафосатни ёқлашади.

Нафосат Асад Дилмурод учун учун халос этувчи кучдир. Адиб бу куч фириб маликаси ва иблис синглиси бўлган Санамни, Санам макру ҳийласидан қувват оладиган Тўра ва Носир Охунларни, уларнинг атрофини қуршаган одамларни маҳв этишига ишонади. Шунинг билан бирга, адиб уларни адолат ва эзгуликка б е г о н а санар экан, ижтимоий ҳаётга жиддий таъсир ўтказаяётган бу бегоналикни мудҳиш манба саналган шайтоний нафсга қуллик замиридан излайди.

Эътироф этмоқ жоизки, Марсель Пруст заҳматкаш, ҳуқуқсиз ва итоаткор халқнинг жўн турмуш тарзи, орзу-интилишларини теран англамайди. У халқ дунёқараши, оламу одамни тушуниш, ҳис этиш йўсинини яқиндан билмайди. Бундай маънавий-руҳий б е г о н а л и к эса, адибга уларнинг эрка ташна олижаноб қалби, метиндай мустаҳкам иродасини тўла кашф этиш, юксак қадрлаш – психологик портретини чизиш имконини бермайди. Унинг ғариб назарича, дунёни бир томондан серҳашам ҳаёт, дабдабаю асъаса, айш-ишрат ва хирс; иккинчи томондан мутъеларча итоаткорлик чулғанган. Шубҳасиз, бундай сохта ва нурсиз муҳитда яшалган умр беҳуда елга совурилган, соғлом тафаккур б е г о н а л а ш ган, қимматли вақт эса беҳуда йўқотилган бўлади. Маънавий қашшоқлик охир-оқибат жамиятни заволотга етаклайди.

Изланиш жараёнида Асад Дилмурод ҳам айни шу мураккаб ҳолатлардан б е г о н а л и к туяди. Бирок, унинг ранг ва оҳанглар дунёси бир қадар сержилолиги билан диққатни тортади. Негаки, ёзувчи нуқтаи назари, жамиятга эмас, инсон қалбидаги жавҳар ва унинг иждокорига қаратилган. Шунинг учун ўзбек адиби барча орзу-умидлар саробга айланишига ишонмайди. Масалан, Комрон Вали сабр-тоқат билан чизган суратларига хос ранг ва оҳангларга пессимистик руҳ бағишлай олмагани адиб эстетик концепциясининг энг муҳим қиррасини ифода этади.

Марсель Пруст қаҳрамонлари бу хислатдан маҳрум, яъни доимий умидсизлик, тушкунлик, бепарволик кайфиятига берилади ва натижада ўқувчидан узоқлашади. Айрим романларида инсоний қусурларни туғма инстинкт ва феълү атвор зиддиятлари билан боғлаб изоҳлашга уриниш, эзгулик мезонини бузиш, разолат тизгинини қўлдан чиқариш ҳоллари ҳам кузатилади. Хусусан, ахлоқсиз, бадбин ва бебурд Морель, қабиҳ ва аблаҳ Шарлюсдан буткул нафратланмаслик, уларни сунъий равишда идеаллаштириш – ахлоқсизлик ва ёвузликни инсоният маънавий ҳаётининг ибтидосига боғлашга уринишдек совуққон нигоҳи билан истаганча мунозарага киришиш мумкин. Зотан:

Биринчидан, маънавий-ахлоқий кадриятларга эътиборсизлик замиридан гуманизмга зид ғоялар сирқиб туради.

Иккинчидан, инсоний жозиба ва тароват рашк, ёлғон, ўзаро ишончсизлик ҳамда шафқатсизлик билан алмашинуви китобхонда нохуш таассуротлар уйғотади.

Учинчидан, биз туркумнинг илк романларида беғубор ҳис-туйғулар, олижаноблик ва мурувват, чин инсонийликни ёқлаб, унинг антиподларига қарши курашган Марсель Прустни сўнгги романларида таний олмай қоламиз.

Тўртинчидан, ёзувчи соғлом ақлни тинимсиз излаб, шахвоний мавзуларга ҳар қанча эътибор қаратмасин, “Асира”, “Қочоқ қиз”, айниқса, “Топилган вақт” романида унинг нуқтаи назари табиат ва самовотга хос тиниқлик ва шаффофлик томон йўналади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам йўқотилган вақт изидан таъкиб этаётган адиб бетиним оқиб бораётган вақт моҳиятини санъат ва ижодий жараёндан топади.

Демак, Марсель Пруст учун санъат ва ижод, Асад Дилмурод учун эса, бунга қўшимча тарзда, покиза иймон-эътиқод ҳам ягона қадрият саналади. Агар “Йўқотилган вақтни ахтариб” романлар туркуми негизига бош мавзу қилиб адабиёт ва санъат қўйилса, “Ранг ва меҳвар”да ўзлик саҳросида адашмаслик – кўнгил иморатини асровчи иймон-эътиқод меҳварини эъзозлаш масаласи қўйилади. Албатта, ҳар иккала адиб ҳам ҳаёт маъносини ижодий фаолият билан чамбарчас боғлашади. Аммо, Комрон Вали учун – ижод Яратувчи олдидаги масъуллик, У инъом этган истеъдодга бўлган эҳтиром, қавмдошлари хотираси олдидаги бурч. Бинобарин Мерган, Вали бахши ва Комрон Вали Марсель Пруст романларидаги мусаввир Эльстир, бастакор Вентейл, ёзувчи Бергот сингири санъатдан ташқарида ўзини тасаввур қилолмайдиган муҳибларгина эмаслигини алоҳида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Шубҳасиз, ҳар иккала адиб яратган бадий-эстетик тимсоллар анча ёрқин тасвирланган. Таъкидламоқчи бўлганимиз шуки, ана шу ижодкор қаҳрамонлар ва улар яратган асарларга муносабат асносида Марсель Пруст ва Асад Дилмурод бадий-эстетик концепциясининг ўзаро яқин ва фарқланувчи жиҳатлар ҳам яққол намоён бўлади.

Умуман, ҳаётий тасаввурлар моҳияти, йўқотилган ҳис-туйғу ва кечинмалар айнан бадий ижодда қайта жонланади. Бадий ижод доирасида инсон муайян лаҳзаларда объектив борлиқ, замон ва макондан юксалади. Гўзал таассуротларни қайта кечиниш лаззатидан мислсиз завқланади. Бинобарин, бадий ижод лаҳзани абадиятга муҳрлар экан, ҳиссий ассоциация ва ҳаётий таассурот ўзига хос руҳий эквивалентини интуитив англашни юзага чиқаради.

Бизнингча, Марсель Пруст ва Асад Дилмурод *субъектив* эстетик назариясида санъат тор ва кенг маъноларда тушунтирилади.

Тор маънода: Марсель Пруст учун санъат на ижтимоий ҳаёт, на объектив воқелик – макон ва замонга боғлиқ эмас. Чунки, у субъектив ҳиссиётлар дунёси. Ёзувчи учун ижодий жараёнда қайта тикланган ҳаётни тасвирлаш эмас, балки интуитив англаш муҳим. Асад Дилмурод субъектив англами эса, Яратувчи иродаси, меҳру марҳаматидан ташқарида эмас. У ҳиссиётлар дунёсини мантик тарозусига қўйиб, хотирада қайта тикланган ҳаётни санъатга кўчиришдан руҳий сокинлик излайди.

Кенг маънода: Марсель Прустда санъат реал ҳаётга боғланмайди, аксинча, ундан ажралади. Чунки унинг эстетик дастури биз кўниккан: “*Санъат объектив дунёни билиш ва акс эттиришининг ўзига хос шакли*”, деган ақидага мувофиқ эмас. Асад Дилмурод ўша қарашни мазмунан бир қадар кенгайтиради. Яъни санъатни инсон ботини ва жамият бирлиги негизида тушунади.

Ҳар иккала адиб ижодида кузатиловчи *онг оқими* фаолиятида ҳам муштараклик ва тафовутлар мавжуд: Масалан, улар учун *онг оқими*, биринчидан, тасвир объекти. *Иккинчидан*, реал воқелик образларини ўзига хос талқин этиш усули. Зотан, ёзувчилар XX аср манфаатпарастлиги, маънавий қашшоқлиги ва дағаллигини қабул қила олишмайди. Марсель Пруст моддий-маънавий қимматлар негизига шахсни қўяди. У француз интеллегенцияси маънавий-руҳий ёлғизлигини психологик таҳлил этади. Бундан фарқли ўлароқ, Асад Дилмурод иймон-этикод бутлиги шахс барқарорлиги омили эканини тасдиқлайди.

Ранг ва оҳанглар меҳвари

“*Ранг ва меҳвар*” романи қаҳрамони устоз рассом Мерган баттол ёв билан савашиб қайтгач, ўзганинг этагини тутиб кетган бевафо аёли, гирмон балоси ва ундан-да қаттол шўро малайларини тиз чўктиришга қасдланиб, эзгин хотиралари, орзу-умидлари ва хўрсиникларига чулганиб мўйқаламга юкинади. Фронтда дажжол ҳамласига ем бўлган рус мусаввири кўнглиги юктирган дард уни ҳамиша ҳақиқат юзига тик қарашга ундайди.

Масалан, Мерган чизган *Гирмон* картинасида тасвирланган бақбақадор тўнғизга нигоҳ ташлайлик. *Ёввойи чўчқанинг япалоқ пешонасида кўзойнак йилтиллайди. Узун тумшуғи ўз луқмаси сари чўзилган. Луқма эса, қилтириқ тимсоҳ боласи. Тўнғизнинг думига милтиқ кўндоғи боғланган. У ўзини балчиққа урган. Ботқоқ эса, дунё харитасига менгзайди.* Харитадаги бижғиган балчиқ ва ботқоқ нимани англатишини теранроқ тушуниш учун образларга диққат қаратиш лозим. Тўнғиз – бақбақадор, думига боғланган матоҳ – милтиқ кўндоғи, қобон тумшуғи – узун, у чўзилган луқма – қилтириқ, устига-устак тимсоҳ боласи, унинг макони – балчиқ, балчиқ – дунё харитаси.

Маълумки, яшил дарахтларидан жудо бўлган ўрмон, сув остида қолган ўтлоқ ёхуд саёзлашган сув ҳавзаси ботқоқликка эврилади. Бунинг учун сув ва ҳаво режими ўзгариб, замин шўрланиши, узоқ вақт нам ва зах бўлиб ётиши, ўсимликлар ривожлана олмай нобуд бўлиб, ярим чирик ҳолига келади. Демак, ботқоқлик – табиий меъёр ва мувозанат бузилиши ҳосиласи.

Асад Дилмурод ана шу табиий ҳолатни ижтимоий мазмун ташишга йўналтиради. Жумладан, тиш-тирноғигача қуролланган *семиз гўдаклигига ҳам парво қилмай ориққа беомон қирон келтириш пайида бўлади. Сурларча бақбақасини осилтиради, яъни ўз қилмишларидан заррача ор қилмайди. Шунинг учун адиб, бундай ёвузни тўнғиз деб атайди. Бундай талқин Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Барча жониворлар покдур, магар тўнғизким нажасул айндур”¹¹*, деган қарашларига тўғри келади. Қолаверса, *тимсоҳ* гирмон балоси гўдаклигидаёқ янчиб ташлашга аҳдланган коммунизм вабоси, *балчиқ* эса ўша тузум маъносида келади. Зеро, тимсоҳ ориқлиги фуқаро оч-юпун ҳолига ишорадир.

Кенгроқ мазмунда олиб қаралса, ёвузнинг тумшуғи балчиққача етиб борибдими, демак, у аллақачон ўзга манзилларни ғорат қилиб бўлган. Мерган учун бутун дунё ботқоғу балчиқ, ёвузлар тўнғизу тимсоҳ бўлиб туюлиши бежиз эмас. Ахир, одам боласи қайси замон ва қайси маконда тўнғизу тимсоҳни хушлаган дейсиз.

Англашиладики, кузатувчан рассом бани одам болалари нафс илинжида бир-бирига қирон келтираётган, буқаламундай эшилиб-эврилаётган даврни тасвирламоқда. Назаримизда, бу тасвир моҳият эътибори билан макон ва замон чегараларини ҳам ёриб ўтади.

¹¹ Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат (Рух ҳақиқати) Т.: “Адолат”, 2005.- Б. 144.

Инсоният тарихининг ҳаёт табиий оқимида меъёр ва мувозанат бузилиши кузатилган барча даврларини қамраб олади. Олажуз қавми тақдири мисолида умуман одамзод тийнатидаги барча ноқисликларга урғу берилади. Илло, роман қаҳрамони донишманд Вали бахшининг соддагина *гирмон* атамасидаёқ нафақат фашизм, балки ёвузлик ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўриниши қамраб олинганди. Кўринадики, роман услубида киноя, истехзо ва заҳарханда оҳанги учқунланиб туради.

Мерганнинг шогирди Комрон Вали Зарбанд тоғ тизмалари этагида ястанган кичик бир шаҳарчанинг дўппидек тор: бир ярим газлик ходалчалар билан ўралган, ҳам ётоғу ҳам устахона вазифасини ўтайдиган ҳовлисида яшайди. Хонадоннинг кўзга кўринарли жиҳози эскириб кетган, омонат маймоқ дивандан иборат, холос.

Нафс тимсоли бўлмиш Санам Комрон Вали кўнгли тубидан муқим жой олиб, тасаввурларини банд этган. Бутун хужайраларига ўрнашиб олган бу меҳмон гоҳ ошқора, гоҳида эса пинҳона тарзда ўз мезбонини маҳв этиш пайида. Фитнакор соҳибжамол Санам ғамзалари, эшилиб эврилишлари, тан эмас, балки жон талабида. Бирок, ўз дардига санъат ҳомийси бўлмиш Олимп худоси – соҳибқаромат Апаллондан шифо истаган қаҳрамонимиз моддий дунё неъматларига маҳлиё бўлмоқчи, яъни Санамга осонгина енгилиб, қалби қабул қилмайдиган димиққан муҳитга мослашмоқчи эмас. Чунки унинг мужоҳадаси дил лашкарини танимоқ, сўнгра риёзатини камолига етказиш орқали руҳ ҳақиқатини англашдан иборатдир. Риёзат шартларини имкон қадар бажариб, маърифат ҳосил қилишдан мурод эса ҳидоятга иймон келтирмоқдир. Илло, дил ҳақиқатинини таниган кимса ўзини танигай. Таъкидлаш ўринлики, романда гўзал ва барно, нозанин аёл қиёфасида келувчи Санамга исм танлашда адиб инсон қиёфасида зеб-зийнатларга бурканган бут (санам) ни ҳам назарда тутган. Чунки, исломда сифиниш объектини моддийлаштириш қораланади. Унга сажда қилиш эса, ақл ва кўнги чалғишини англатади. Бинобарин, санамга сифинмоқ – тўғри йўлдан адашмоқ.

Комрон хаёл одами бўлиб туғилган, шу боис улғайганда ҳам хаёл воситасида хотираларига ғарқ бўлади, илк чизги-тархлари эслаб, бир кулса, бир куйнади. Дастлабки, яъни ўсмирлигида чизган ва анчайин думбул чизги-тархларида ҳам, тажрибали рассом даражасига етганда ҳам чизган картиналари ҳам реал ҳаётга мутлақо зид ҳолатларни акс

эттиргани билан характерланади. Уларда воқелик хаёлий жозоба билан уйғунлик касб этади, жумладан, *кунда – курук ёғоч эмас, аксинча, у ажаб тарзда ним пушти гуллайди; дарахт*” – илдизлари билан эмас, балки *шоҳлари билан ерга санчилади*. Илдизлари эса, ҳавода муаллақ туради. *Афсунгар* – оғздан илон тортиб чиқаради. Демакки, барча илонлар унинг ичида. Тил забонли қуш – *тўтининг тумшуги елимқозов билан боғланган*. Дунё пасту баландидан беҳабар *болакай* ҳеч тап тортмай, беозор *мусича қанотларини қирқади*. Ўзлигини намоён этиши мумкин бўлган *пахлавон* – кураш майдонида эмас, аксинча, надоматга кўмилганча тикан уюмида чалқанча ётибди, илло, *яланғоч баданини девпечак ўраган...*

Кўринадики, бош қаҳрамон Комрон Вали амаллари зоҳиран бир қадар телбавор туюлади. Муҳими шундаки, у мўйқалам раъйини синдирмайди. Бошқачароқ айтганда, кўнгли даъватига бўйсиниб тер тўкади, кўнглини ғуборлардан пок сақлай олади.

Хўш, Комрон Вали борлигини алғов-далғов қилиб юборган даҳшатлар кўламини тўла қамраб, сезимларимизни мувозанатдан чиқара олдимикин? Келинг, яхшиси рассомнинг *тошқин* билан боғлиқ туркумига кирувчи манзаралар, аниқроғи уларда ифодаланган ранглар жилосига назар ташлаб, оҳанглар кўнғироғига қулоқ тутайлик. Кези келганда таъкидлаш ўринлики, ушбу туркум ўн учта картинадан таркиб топган, бинобарин, улар романда алоҳида бадий-эстетик қатлам ҳосил қилувчи ва адиб илгари сураётган мақсад, яъни чинакам санъат асари учун хос гўзаллик халоскор қудрат эканини мужассам этган эстетик идеални рўёбга чиқарувчи *Жилга, Қўзичоқ, Қалхат, Оғуш, Ошиқ ва Маъшук, Дўлана, Чизаноқ, Ғунча, Хулқар, Чумоли, Ҳомила, Қўкантой, Қарвон* каби рамзий-мажозий номлар билан аталади. Қуйида биз уларнинг ҳар бирини алоҳида ва яхлитликда тутган ўрнига кўра кўриб чиқамиз.

Беором туйгулар

Жилга картинаси. Сурмаранг чўққилар тоқда фалак бўйлаб сокин сузаётган тўлин ой. Замин белида қалашик задир-будир тошлар ва патталаган томирларни ювиб оқайтган зилол сув. Манзарани кўргач, кўз ўнгимизда *тоғу-тош, ер, илдиз, ой, сув* образлари намоён бўлади. Ҳисларимизда бўёқлар тиниклашади. Улар ажиб бир тусда

жимирай бошлайди. Гуёки жонланиб шовуллаётган олам манзаралари тасаввуримизни банд этади. Шаффоф осмон гумбази паноҳидаги замин осуда, юрт хотиржам. Азалу абад меъмори олажуз қавмига атаб бунёд этган Зарбанд тоғ тизмалари фалакни болиш қилиб мудрайди. Долқоя дараси эса хаёлни йироқларга судрайди. Шунинг учун ҳам, идрокимиз қатларида муаззам борлиқ ва инсон ҳақидаги фикрлар гўжгон ўйнайди. Тинмасак хаёлимиз эса, беғубор ва бокира болалик сарҳадлари сари муттасил ошиқади, талпинади. Роман бош қаҳрамони ҳам ана шундай беором ўй-мулоҳаза ва кечинмалардан бегона эмас, қолаверса, у кўкси увалган, дили куйган хаёл одам бўлгани, фантазия кўчаларида кезишни турмуш тарзи деб билгани учун ҳам ўй суришга маҳкум – ўз ёғига қоврилиб ётади.

Шу тариқа адиб бизни мўйлаби сабзалаб, овози шира торта бошлаган чайиргина Комроннинг бўз йигитлик даври билан таништиради. Унинг кўнгли орзу-умид, кайғу-ҳасрат, алам-армон каби қоришиқ туйғулардан ўртанади. Булар ижтимоий ва индивидуал характерга эга. Нафс илинжида эврилган зўравонлик ва ёлғону макр тимсоли бўлмиш Санам, Тўра ва Носир Охунлар иккинчи жаҳон уруши йиллари олажуз қавми бошига кўз кўриб, кулоқ эшитмаган кулфатлар солишган. Ўша мудҳиш муҳитда, не-не азаматлар умрига завол бўлган машъум уруш даҳшатларидан кўра, улар намоеън этган ёвузлик хавфи ортиқроқ бўлган. Натижада эзилган улус дилида ғам-алам, армон ва ҳасрат, нафрат ва надомат маддалайди, сўнгра бу кечинмалар ёмғиру дўл бўлиб табиатга кўчади-да, кўз кўриб, кулоқ эшитмаган маҳобатли тошқинга эврилади ва у романда, алоҳида муҳим қатлам пайдо қилиш билан бирга, ёвузлик натижасида туғиладиган мудҳиш оқибатлар рамзи сифатида гавдаланади.

Қиёмат-қойимни эслатадиган тошқин, фақат олажуз қавми макон қилган қишлоқ эмас, не-не орзу-умид, хошиш-истак, қувонч ва эзгу ниятларни ҳам ғарқ этади. Аммо офат мислсиз андуҳ ва надоматлар комида қолган Комрон Вали иродасини бука олмади. Фақат ўзи ва қавмдошлари тақдирида мудҳиш из қолдирган ўша фалокатли онлар даҳшати хотирасига муҳрланиб қолди.

Комрон Вали тошқин, қавмдошлари тақдирини, некбин орзу-ҳавас ва инжа нозик кечинмаларга бой навқиронлик фасли поймол этилганини сира унутмайди. Шу боис ўша олис хотираларни тарихга зарблаш ва жувонмарг кетган ёру биродарлари арвоҳини шод этиш

тилагини кўнглига тугади. Ният эзгу ва холис, тузилган ижодий режа эса аниқ, фақат бўйнидаги масъулият юки чакана эмас. Режани рўёбга чиқариш ҳақидаги ширин хаёллар Комрон Вали вужудига сурур ва шижоат, юрагига қувват ва илҳом бағишлайди. Зеро, у ёвуз пўртана ҳайбатини қайта-қайта туяди. Яратилажак туркум гами ва қувончидан масрур бўлади.

Турмуш аравасини аранг ториб келаётган, кун ивитилган қоқ нонга қолган телбаваш фақир мусаввир бундай мураккаб вазифани уудалай олармикин, силласи қуриб, толиқиб қолмасмикин, турли ҳою ҳавасга чалғимасмикин? Ахир, атрофда гоҳ Санам, Тўра Охун, гоҳ Носир Охун (*“охун”лик романда ўқимишли, илмли киши исмига қўшиладиган сўз эмас, аксинча, унинг зиддини англатувчи лақаб маъносига қўлланган. И.Ё.*) ялтоқилик қилади, мудом уни хушомад ва ёлғон рутбасини кийишга ундашади. Эзма рассом Шодмон Чўтирий, маҳмадона журналист Аливой Салим мудом баланд дорга осилишни хуш кўрадиган, бир йигитга қирқ хунар кам ақидасини шиор қилган, ғийбатчилик бобида устаси фаранг – худбин, истеъдодсиз ва фирибгар рассом Азлар Ниёз, шунингдек, комати ғундалак, юмалоқ қорин, шокаладни хуш кўрадиган Мулла Ширин (*Тарвуз домла*) чалғитиш бобида улардан қолишмайди. Қолаверса, вазиятга қараб турланувчи бу буқаламунлар, нафс лашқари измидаги бу андишасизлар мансабини бой берган кимса номини тепкилаш, янгисини илиқ сўзларга буркаш ва кўкларга кўтаришдан заррача ор қилишмайди. Яъни, *“Қирол ўлди, яшасин қирол”* қабалида иш тутишади. Эвазига бир-бирлари кўзини ўйиб ейиш, бир-бирларини пайт пойлаб чалиб йиқитишга тайёр туришади, қаттол ва омонсиз рақиблар – эмикдош бойваччалар бўлмиш Тўра Охун билан Носир Охун ўз манфаатларини кўзлашгани сабабли уларнинг кўни-кўнжини совға-саломга тўлдиришади.

Сохталиқ ва хушомад йўлини танлаши эвазига, Комрон Валига ҳам шон-шухрат, юқори мартаба ва бойлик ваъда қилинади. Аммо кўнгли ва эътиқодидан бошқасига бўйсунитишни ор биладиган рассом ён бермайди, бинобарин, дамига зоғора пишгувчи кимсаларга маъқул келадиган лофлар урмайди, улар соясига салом бермайди, пойига поёндоз мисол тўшалмайди. Муҳими, улар кутганидек таҳсинга лойиқ “баркамол” асарлар яратмайди. Ўз дунёсидан чиқмайди, чиқишни мутлақо истамайди. Чунки Комрон зуваласи ҳалоллик ва покликдан қорилган. Эл дардини куйлаган Вали бахши ва Мерган хумдонида

пиширилган. Онаси Роҳила отин маҳзун нолалари, суюқлиси Нафиса армонлари дийдасига нақшланган. *Тошқин* унинг ўсмирлигини горат айлаб, бағрини доғладигина эмас, айна пайтда армон сандонида тоблади ҳам. Шу боис, Камрон ўз мантқиқ ва йўриғига эга. Зеро, сира эскирмас маҳзун нидолар дилида айрича бир тугён кўзгайди, акс садо беради. Бинобарин, у аламу армон тоғи остида кўзлаган мақсади-ла бахтиёрлиги боис – Комрон. Вали баҳши зурриёди экани учунгина эмас, балки, валойати (*авлиё сифатли экани*) туфайли – Вали(й).

Ана шундай хислатга эга бўлгани туфайли Комрон Валининг қалб кўки ложувард эмас. Кўнгил самосида мудом момақалдирок гулдираб туради. Кўксига қабоҳат найзаси санчилган. Ўша найза захридан доим сим-сим ўртанади. Бутун борлиги уруғ-аймоғи арз-додио синик хўрсиниклари, нола-афғони зарбидан титрайди. Куйган дийдаларга сиғмай сочилган ҳадсиз аламлар дил сарҳадларига дўл аралаш жала бўлиб қуйилади. Улар тажовузкор тарздакўпириб-тошиб, рассом руҳини тутдек тўкади. Хиёл қарахт жисми руҳини чулғаган мавжларда чўкиб-чўкмай оқиб боради.

Ана шу жараёнда ишвакор сузилганича, эшилиб-эврилиб қаҳқаҳа ураётган Санам малоҳатида пинҳон жоду Комрон Валини масту масрур этолмайди. Аксинча, макр-ёлғон, хушомад ва хиёнат маликаси нозу истиғнолари асабларини қақшатади. Адоқсиз ўйлар лахта-лахта қон бўлиб бўғзига тикилиши, кўксида ҳайбатли пўртаналар пишқириши, муттасил жўшаётган ўрамаю ўпқонлар наъраси бутун борлигини қамраб олишига сабаб бўлади. Натижада ҳеч бир ўзанга сиғмас бу шиддат сезимларини остун-устун қилиб юборади. Тошқин суронию шовқинлари, қавмдошлари нолалари, юрак гумуришлари зарби, шуур қатларида туғилиб ўсган рўё иссиғу совуқ ранглар қиёфасида матога кўча бошлайди.

Англашиладики, ана шу тариқа романда Комрон Вали зиммасига юклатилган эстетик вазифа, кенг маънода эса, Асад Дилмуроднинг бутун вужуди, хуш-хаёли ва ақл-заковатини банд қилиб, оромини ўғирлаган эстетик концепция ва эстетик идеал – ҳақиқий ижодкор кўнгли ва самимияти, имони ва эътиқоди, бурчи ва масъулияти, ихлоси ва позициясини ўткинчи ҳавасларга қурбон қилмаслиги, ҳар қандай шароитда Ҳақ ва ҳақиқатга содиқ қолишини ифода этадиган ғоялар тизими қамраб олинади.

Аллегория ифодалаган моҳият

Кўзичоқ картинаси роман мазмун-моҳиятига алоҳида шукуҳ ва таъсирчанлик бағишлайди ва адиб мақсадини янада теран очишга хизмат қилади. Мана, эътибор беринг: *Майсалар гиламдек поёндоз. Муқаррар хавф-хатарни сезган кўзичоқ нолон маърайди. Бақувват пәнжалари билан озгингина малла мушукчани эзгилаб, мағрур боқаятган, манглайида бир жуфт мугиз бўртган шалпангулоқ тарғил тусли ит* нимаси биландир дилга ғашлик солади.

Энди образларга эътибор берайлик. *Кўзичоқ* – табиатан беозор яратик. У ёш ва навқирон. Унинг наздидапоёнсиз олам – ям-яшил майсазор. Борлиқ гўзал, ҳаёт ширин. Ташвиш йўқ. Туйқус, бечоранинг қалби яқинлашаётган хавфни туйди. Астойдил бақиради, ўкириб имдод истайди. Аммо, бу нолон ҳайқириқ кенг майсазор бағрига сингиб кетади. Фалокат эса аримайди. Кўзичоққа хавф солган ким? Муаллиф уни ҳеч тап тортмай ИТ деб атайди. Ахир, элу элатнинг азамат ўғлонлари (*Мерган*) қаттол фашизм вабоси билан жон олиб, жон бераётган паллада ранги зафарон оналар (*озгингина малла мушукча*), химоясиз сингиллар (*кўзичоқ*) бошида паноҳ бўлиши лозим бўлган кайвонилар – одам қиёфасидаги очофат махлук (макр устаси Санам, *олчоқ Тўра ва Носир Охунлар*) бокира бир қиз (*Нафиса*) номусини тупроққа қорса, мислсиз тарзда худбинлашса, уни ўзгача аташ мумкинми? Йўқ, албатта. *Ит*, соғлом мантиққа кўра, кўзичоқни кўриқлаши лозим. Аммо у бундай килолмайди, у йиртқич, боз устига, пешонасидан шох ўсиб чиққан, зотан, мугузли махлук қавмдошларига менгзамайди. Ранги ҳам тарғил. Бунақа ранг азалдан кўпинча бузоқларда учрамасмиди? У қайси *амманнинг бузоғи* бўлдийкин?! Англашиладики, манзара кўниқилган мантиққа зид. Миллий маданият контекстида одам боласи учун хос *кўзичоқлик* беозорлик, *итлик* эса гайриинсоний сифатларни ифодаловчи маънолар ташийди.

Демак *Кўзичоқ*, *Ит* ва *Мушук* – аллегорик образлар. Улар маълум тоифадаги кишиларни англатади. Шунинг учун ҳам, уларнинг тасвир плани билан мазмун плани ўзаро мутаносиб келмаслиги табиий. Зотан, бу типдаги образлар ўзини эмас, балки муаллиф кўзда тутган маънони ифодалайди. Дарҳақиқат, асл моҳият аллегорияда. Илло, адиб романда мавҳум тушунча ва ҳодисани конкрет нарсага кўчирган.

Қароқлар қаъридаги бўз

Калхат картинаси. Комрон Вали мўйқаламига мансуб бўлган расмларнинг ҳар бир ифодаси қаҳру ғазаб аралаш ҳажв ўтини жамлайди. Масалан, у Носир Охун ва Санамни *кўршапалак қиёфасидаги алвасти* шаклига менгзатиб чизади. Муқофотига уни калтак билан сийлаб, Долқоя дарасига улоқтиришади. Ўшанда ўлим билан олишаётган Камрон тепасида Калхат чарх урган, кўзлари ёки юрагини ўйиб ейишга шайланган. Бироқ иттифоқо фикри айниб, самода учаётган турналар карвонини тўзғитган ва бирига човут солиб нафсини қондирган эди.

Биламизки, калхат йиртқич, турна беозор кўчманчи қушлар оиласига киради. Турналарнинг мавсумий миграцияси фасллар алманишуви даврига тўғри келади. Уларнинг кўчиб келиши баҳордан, қишлаш учун кетиши эса куздан мужда беради. Картинадаги турналар карвони муайян манзилни кўзлаб йўлга чиққан. Аммо, ногаҳоний ҳамладан аҳил саф тўзғийди. Ярадор турналар ҳаво босимини енгиб аранг қанот қоқади. Улар баданидан сизаётган лахта-лахта қон алвон дарё янглиғ товланади. Бирпасда мофий уфқ бўйлаб ёйилади. Жадал тарзда кенгайиб, сукутга чўмган қир-адир, чангалзор-яйловлар оша олажуз қавми бошпанаси бўлган қишлоқни буткул қамраб олади. Заррадан то япроққа қадар лов-лов қизариб ёнади. Ҳовуч-ҳовуч кул бўлиб сочилади. Демак, *Калхат* асарига турналар йиғисига мөнанд бўзлов оҳанги мужассам.

Бироқ, биз эътиборимизни картина марказини эгаллаган йиртқич қушга қаратмоғимиз керак. Ҳайратланарли манзара. Калхат туби йўқ кўкда салобат тўкиб юзмоқда. Тану жонида шижоат ва қудрат мужассам. Қанотли махлуқ кўзларига қаранг. Уларда мағлубият эмас, айнан ғалаба қучишга бўлган иштиёқ гавҳардай ярқирайди. Йиртқич заминуну коинот дахлсиз сарҳадларини бемалол бузиб, тит-пит қилишга қодир ҳужумкор қароқчига менгзайди. Энди қушнинг хиёл кўтарилган бақувват чангалига тикиламиз. Нигоҳимиз нолон бўзлаётган тумшуғи узун турнада тўхтайдди. Бечоранинг олайган кўзларини бир олам қайғу ва ҳасрат қоплаган, катта очилган оғзи ва тўзғиган патлари қонга беланган, демак, жароҳатидан қон силқимокда ва, мовий бўшлиққа хос сокин жимирлашлар йитиб, тасаввуримизда бутун уфқ тим қизил шафақ рангига чулғанади.

Картинанинг сал куйирок тарафига боқсак, сўлим жойда тўшалган анчайин тўкин дастурхон ёнидаги нафис қадаҳ тутган ака-укаларга кўзимиз тушади. Қадаҳлардаги нафислик, Тўрабой ва Носирбойлар нигоҳидаги мамнуният, юзларидаги завку шавққа чалғимаслигимиз лозим. Санамнинг бўлиқ сочлари, дуркун кўкси ва Тарвуз домла ирғишлаб шодон қичкиришларига ҳам андармон бўлмаймиз. Думалок қоя панасида писиб олган шалпанг қулоқли озгин йигитчани зингил солиб кузатамиз. Чунки, у Комронга ўхшайди. Аммо, ҳозир гап бу ҳақда эмас, зеро, сир ўша йигит кўнглига қил сиғмас даражада хомуш эканида. Ахир, унинг юқорига миҳланган кўзлари жовдираган, улардан тиркираган ёш ёқасини ҳўллаган. Нега ҳамма шоду хандон-у, фақат шу *зумраша* дили хун ва бағри бирён? Манзара бир хил, кайфият эса икки турли. Демак, моҳият ўша мудҳиш манзарага муносабат орқали очилади. Калхат ҳайбати ва боқишига фавқулодда шиддатли тус берган виқор ва қатъият ногоҳ бағримизга тигдек санчилганини туйамиз. Қолаверса, лавҳада зоҳиран осмон ойнаси акслангандек туюлса ҳам, унинг меҳварида мушфиқ заминда кечган воқелик ўз ифодасини топган.

Калхат картинаси *тошқин* туркумининг ажралмас шахобчаси эканини унутмаслик керак. Қолаверса, картина олажуз қавми гермону шўро фарқига бормаи гарангсиз қолган ва *тошқин* келиб чиққан машъум давр фожиасидан сўзлайди. Асл моҳиятида хуну бийрон бўла-бўла охири лим-лим тўлган бегуноҳ юраклар ноласи, ўн саккиз минг олам қадар чексиз ҳасрат-надомат бўҳронлари акс этган. Шу жиҳатдан олганда, дил яраларидаги вужудни сиркиратгулик оғрик, алам ва армон, чорасизликда изланган сўнгги чора рангларни ҳаракатга келтирганини англаймиз. Ўша ҳаракат ритми эса, кўнгишларга маънос бир оҳанг бўлиб оқиб киради ва тузалиши маҳол жароҳатларга малҳам бўлиб босилади.

*Калхат*да реаллик ва номаълум сирли ўлчамлар ўзаро узвий туташади. Чунки картинага астойдил тикилар эканмиз, йироқ бир сарҳаддан эшилиб нола чекаётган дўмбира овозлари ва ранглар оҳиста ингроғини тинглаймиз. Калхат жонли чизилгани боис, у нигоҳ илғамас тубсизлик қаъридан ваҳимали потирлаб учгандек туюлади. Шубҳасиз, у ўлжа илинжида. Йиртқич жияксиз митти кўзларининг яшимтир ёнаётгани, нохуш кийқириғи бунга ошкор этади.

Бошқача айтганда, асар тилсими унда ҳар бир чизик ўзаро уйғунлик касб этганида. Шунинг учун ҳам бўёқ ва оҳанг бирлашиб наъра тортади ва муқаррар хавфдан огоҳ этади. Демак, биз ранглар жилвасинигина кўрмаймиз, балки бир маромда баралла таралаётган нолиш оҳангини ҳам тинглаймиз. Англаймизки, Комрон Вали расмлари ботини ва зухурига, *дарё ва денгиз тошса қирғоқ, аммо ўксиган ва куйган кўнгиш тошса бутун олам чўқади*, деган мазмун сингдирилган экан. Бинобарин, бутун туркум маъзи, рассом изланишлари меҳварида ўша мазмун мужассам. Айтиш мумкинки, бу фалсафий ҳикмат Комрон Вали эзгу муддаоси ва, ниҳоят, Асад Дилмурод ижодий концепиясини белгиловчи бош шiorдир.

Кўҳна дунё кенг ва улуғвор. Аммо, у турфа жумбоқлар ичра мудрайди. Энг катта жумбоқ – шарафланган мартабасига нолюйк тарзда алмойи-алжойи қилгиликларга майл билдирган ва ҳануз ўзлигини топмаган, тополмаётган инсон. Рассомни қамраган иштиёқ ўша мудроқ дилни уйғотмоқ дарди. Зотан, рангин бўёқлардан Нафиса ёноқлари латофати, соф чинни жарангидек тиниқ кулгуси, Мерган мулоҳазакор гудранишлари, Вали бахши бўғзидан оққан хиёл зўриққан мунгли ингроқ, дўмбира ноласида аксланмиш Ғўрўғлию Алпомишлар наъраси, ўспириин Комроннинг андак дўриллаш бошлаган довуши шалоладай тўкилади. Биз яшилу фируза, пуштю сарғиш ва яна юзлаб ранглар воситасида вкорли чўккилар сукути, бир-бирини қувлашиб учаётган тўда-тўда қушлар сайроғи, адирларни қоплаган ям-яшил майсалар саси, тонгги шабнам титроғи, шохлардан банди узилиб тўкилаётган барглар шитирини эшитамиз. Муҳаббату вафо, самимияту садоқат, эрк ва истиқбол бўстонини поймол этиш тилагида Зарбанд тоғ тизмалари этаги ва Долқоя дараси бўйлаб изғиётган мудҳиш шарпа ниятидан воқиф бўлиб, таҳликага тушган бу оҳанглар аввало дилбар ва хуш. Сўнгра эса, эзгин ва исёнкор, салобатли ва вазмин. Шу боис ҳам бизни мафтуну маҳлиё этишга қодир.

Роман моҳиятидаги бадиият меҳвари билан расмлар сирли оламига тегишли хислатлар муайян ўлчамда кесишади. Шу боис биз сувратлар бағрида ниҳон ранглар жилоси нафосатидан энтикамиз. Чиндан ҳам улар бетакрор мусиқий жаранг, ғамгинлигу жўшқинлик қоришиқ ўзгача бир рух таратишга мойил. Ранглар кўмагида турфа тароналар сеҳрини туярганмиз, қийноқ ва яйраш гашти хаёлимизни сеҳрлаб,

руҳимизни ажиб сурурга чулғаб, бизни шу пайтгача туйилмаган чегарасиз манзил-маъволарга юксалтиради.

Кўринадики, Вали бахши, Мерган ва Комронлар шўро малайлари бўлмиш бетамиз ва беқарор нусхалар каби нафс ҳамда кундалик ташвишлар билан яшашмайди. Уларнинг ҳаёти ва ижод қийноқларида вазиятга қараб турфа никоблар кийишга ҳозир у нозир кимсалардан узоклашиш, замондан юксалмоқ умиди мужассам. Зотан, тоғораси тешик кўхна дунёда ўз ботинидаги маккор махлуқ – нафс ҳоврини босиш тилагида туядек лўкилловчилар камми? Рўё-ёлғон, хиёнат ва разолат хизматига камарбаста суллоҳлар – тирноқ остидан кир кидирувчи худбинларнинг танқайган бурунларини мушт билан уриб манқа қилмоқ имконсиз. Аммо уларнинг фуқаро дилида не-не алам ва армонлар уйғотишдек маңфуруна одатларига бефарқ қараб ҳам туриш инсофдан эмас. Ахир, сабр косаси тўлғач, андуху аламлар келгусида ҳам дўлу жала бўлиб сочилиши, сўнгра мудҳишона ёввойи мавжларга эврилиши муқаррар эмасми?! Кейинги ана шу икки савол мағзида адиб эстетик концепциясининг яна бир қирраси жамланган.

Чингиз ога таваллоси

“*Ранг ва меҳвар*” ни ўқир эканмиз, беихтиёр тарзда ҳаёлимизда Чингиз Айтматов қаламига мансуб “*Ўтар қуш ноласи*” ҳикояси жонланади. Негаки, романдаги турналар билан ушбу ҳикоядаги қуш талқинида эстетик муштараклик кўринади, бинобарин, ҳар иккала адиб ҳам, жўнгина *нола* эмас, тақдир ноласини назарда тутуди.

Маълумки, Чингиз Айтматов ҳикояда този итга ҳам *Уچار* деб ном беради. Бу билан учқур иту қушлар сингари дунё ҳам ўткинчи демоқчи бўлади. Атоқли адиб қаҳрамони ўсмир йигитга Эломон деб исм бериши ҳам тасодифий ҳол эмас. Чунки, ёзувчи Толчуй водийсида босқинчи жунғорлар билан бўлган жанг бутун бир халқ тақдирига дахлдорлигини теран англаган, эл-юрт тинчу омонлиги ҳақида қайғурган эди. Халқ ору номуси, уруғ шаън-шавкати ҳимояси учун қирғин-барот муҳорабага отланган жангчи исми Қўйчиман бўлиб, бу исм ҳам чорвадор элнинг тўкин-сочинлик, қўй-қўзилар сурувини кўпайтириш, осойишта турмуш ҳақидаги орзуларини ифода этади. Эътибор берилса, юксакликда чоппар уриб, ўз шодон қийқириқлари-ла осмонни бошига кўтараётган эркин қушлар ҳам Қўйчиман сингари олис ва хатарли сафарга

отланишган. Демак, ҳар қандай айрилик, айниқса уруш ва ўлим, умуман инсон боласининг энг залворли ғурбати. Оғир дамларда унинг кулфатларига шериклик эса қондошлик бурчидир.

Эҳтимол, шунинг учун ҳам, Кертўлга она қарилигига қарамай, қалби беҳад тўлғовли, яъни безовта. Боз устига, у мушкул вазиятда кўкрак кериб ўртага чиқишга қодир. Заифа қадамларида ўзгача салобат ва тантанаворлик мужассам. Чунки, у дунёга илоҳ қудрат-жамолини акслантирувчи зоҳирий кенглик деб қарайди. Ўйноқи сув ва қорли чўққиларда Яратувчи қудрат-ҳикматини кўради. Демак, онаизорнинг ҳамиша самодан кўз узмайдиган Иссиққўлга мурожаати, аслида, олти аймоқли қирғиз халқи тақдири, умуман инсон қисмати ҳақида Тангрига муножот, зеро, ўзга нажоткор йўқлигига қатъий имон келтирган кишининг орзу-ҳаваслари рўёбига қушойиш, дард-аламларига малҳам тилаш илинжидаги таваллоси. Бинобарин, ибодатдан мурод эртадан умидворликдир.

Муҳими, Кертўлга она инсон жисму жони билан узвий чирмашиб кетган азалий Сўз қудрати барча тўлғовларни аждодлардан авлодларга олиб ўтажигига комил ишонч билан қарайди. Шунинг учун ҳам кенжатои Эломонга Сўзни (*бу ўринда “Манас” эпоси назарда тутилган – И.Ё.*) асраб-авайловчи куч-қудрат ато этишни Тангридан илтижо этади, ташвишли хитоб қилади. Ажабо, вақти келиб илтижолари ижобат бўлиши, кенжатои гулдирак овозида янграган “Манас” элдошлари қалбига нолакор мунг ва тизгинсиз ифтихор уруғини экажагини Яратганнинг ўзи унинг қалбига солган эмасмикин? Ҳар ҳолда, Кертўлга она илтижоларида таскин ва енгилмас халқ руҳининг улуғвор нафаси баралла уфуриб туради. Зотан, Эломон онасининг ўша дуоси билан бошлайдиган, югурик вақт ва замон довулларини менсимайдиган буюк Сўзда халқ умрбоқийлиги, оламу одам гўзаллиги тараннум этилади.

Тенгсиз кадрият саналган Сўзда поёнсизликдаги чегара ҳамда йўқликдаги мавжудият мужассам. Унда қисқа ва омонат умрни мангу хотира қаърига жо эта олмоқ, фикр ва туйғуни абадиятга муҳрламоқ қудрати намоён. Бинобарин, она сайёрамиз қиёфаси эврилиши муқаррар, аммо Сўз абадийдир. Илло, сўз сўзни туғади, фикр фикрга қўшилади, қўшиқ қўшиққа уланиб, эртақ чўпчакка дўнади. Холоскор эл фарзандлари ҳақидаги муборак Сўз шу тахлит яшашда давом этаверади. Сўз орқали биз ота-боболаримизнинг овозини эшитамиз.

Тангри мархамати бўлмиш буюк Сўз воситасида ботирларга ҳамду сано айтамыз, тирикларни шарафлаймиз, хоинларга эса нафрат изҳор этамыз. Илло, ҳақ сўз – ҳаёт-мамот жарчиси.

Дарҳақиқат, мусаффо туйғулар билан тўйинган Сўз – инсонни абадиятга боғловчи мустаҳкам ришта. Сўз – қалб ва шуур маърифатини алқаб, жаҳолатни қабрга тиқишга бел боғлаган баҳодир. Сўз – душман қиличи чополмайдиган қўл. Сўз – нафс ботқоғидан руҳ осмонига элтувчи қудрат. Сўз – самога талпинган юрак парвози. Сўз – бепоён муқаддас ватан, ўтли мухорабага отланган ва мағлуб бўлмас қудратли лашкар. Сўз – халққа бўлган кўнгил ардоғи, борликни ишғол этадиган уқур хаёл, зотан, эзгу амаллар ибтидоси, кўнгилга ибодат ҳиссини ўйгувчи наққош, меҳр ва шавқат, ўзлик, нажот, юпанч, дил гавҳари эътиқоддир.

Демак, ижод аҳли ўз ичкин кечинмаларини фақат фусункор Сўзгагина юкуниши мумкин. Рангин дунё, олис ва яқин тарих, нурли истикбол, сиз ва мен ҳақимдаги орзулар сўз сеҳри-ла шахсийлик сарҳадларини ёриб ўтажак. Шунинг учун ҳам сўз қадри ва сеҳри, ҳарорати ҳамда тафтини теран ҳис этган элимиз азал-азалдан алласию ялласи, орзусию армонини шеърга солган, қалбини мусиқий оҳанглар жилвасига ишониб топширган. Бу гўзал анъаналар ҳамон давом этиб, нафосатли калом замондошларимиз кўнглига йўл топаётгани ғоятда қувончлидир.

Келинг, Эломоннинг Толчуй водийси йўналишига бурилган жаҳонгашта кушларга қарата: “*Бизнинг отамиз ўлди! Қўйчимаан акамга айтинглар, отамиз вафот этди! Отамиз ўлди, ўлди!...*”, -- деган нолакор қичкиригига диққат қилайлик. (382 б.) Шубҳасиз, унинг нақадар юксакларни соғиниши, довлар ошишга иштиёқмандлиги ва акаси қошига қушдай учиб боришга ҳозирлигини англаймиз.

Минг афсуски, Толчуй водийси ва Чуй дарёси мислсиз қонга беланган. Сўз қудрати-ла, қулоқларимиз остида отлар дупури, ботирлар ҳайқириғи янграйди. Еру осмонни қоплаган чанг-тўзон аро учар қуш нигоҳлари билан водийга боқарканмиз: қирғинбарот жанг садолари, ваҳшиёна наъралар, бўқиришу ўқириқлар; чинқириш ва аламонк ингроқлар, от кишнашларию пишқиришларини эштамиз. Омонсиз қирон ва қон ҳалқобларини кўрамыз.

Наҳот, бир-бирини бўғизлаётган йиртқич қашқирлар эмас, балки одам болалари. Наҳот, муаззам дарё сувини тўсган шунчаки жўн матоҳ

эмас, балки мурдалар. Нахот, унинг тиник рангини қирмизи тусга буркаган алвон лолалар эмас, балки қон. Бу мудҳиш манзарадан юраклар орқага тортиб кетиши, саросимага тушиб, гангиб қолишимиз тайин. Машғум маскандаги бахтсизлик беадоқ, бандаси бетадбир бўлса илож қанча.

Ўлаксахўр кузгунлар базмини бошлаб берган олис мозийдаги оломон қилмиш-қидирмиши эмас, балки эндиликда бўлажак ваҳшийликлар учун ҳам самовий қушлардан кечирим сўраб илтижо қилаётган Чингиз Айтматов: “*Қушлар, кетинг бу ердан, бу мудҳиш жойдан узоқ-узоқларга учиб кетинг*”, дея ҳайқиради. (384 б.) Демак, сизу бизга, бани одам ҳаёти нима учун шундай, нега она заминда шунча ўлдирилганлар ва ҳануз ўлдирилаётганлар мавжуд, деган ўртагувчи саволлар билан муурожаат этади.

Чингиз Айтматов таъкидлаганидек, коинот чексиз, вақт тинимсиз ҳаракатда. Аммо, инсон тириклиги моҳияти узлуксизми? Тўғри, турли нарсалар табиатида ўзгармаслик кузатилади. Бироқ, инсон табиатида шу имкон мавжудми? Ахир, беқарор курраи заминга фароғат бағишлаш айнан унинг зиммасида эмасми? Сайёрамизни ёвузлик ва худбинлик макони эмас, эзгулик, яхшилик ва адолат масканига айлантириш ақлга мувофиқ-ку!

Умуман, одамзод қилмишларидан ранжиб, мусаффо кенгликларни соғинган Чингиз Айтматов ва Асад Дилмурод ўзларини парвоз қилаётган турналар сафида сезишар экан, умр бевафолигини яхши англашади. Муҳими, улар қушлар овозида эзилган ва хўрланган диллар хўрсиниғи ва ҳасратини туйишади, улар ноласи орқали руҳий тебранишлар оламига кириб боришади.

Ранглар тили

Оғуш картинаси. Эмин-эркин ўтлаётган қўй-қўзи ва эчки-улоқларга оч нигоҳларини тиккан гала-гала қузғун. Санам қучоғида баҳайбат касратки жойлашиб олган. Касратки бўйнига Носир Охун узунчоқ хумга монанд боши пайвандланган. Яъни, одам бошли жонзотни кўриб турибмиз. Унинг тишлари сўйлоқ ва сарғиш, узун думи эса бурама ва гадир-будир.

Тошқин туркумига кирган бу суратни холисона кузатиб, тафтиш қилишга уриниб кўрайлик. Олдин кенгликларга хос осудаликка

этибор қаратганимиз маъкул. Зотан, сердарахт ўтлоқ яшил ва мовий тусланади. Уни карч-карч чўққилар ўраб турибди. Тоғ, дарахтзор ва ўтлоқ куёш ёғдусига гарқ. Кўнғир дўнгликлар бир маромда нафас олиб мудрайди. Чумолидек майда кўринса ҳам, шувоқзор оғушида ўз ризк-насибасини тераётган жониворлар эмин-эркинлигини англаш қийин эмас. Демак, илк маъно, осуда борлиқ ва унинг барча узвларига хос сокинлик нафосатида намоён бўлади.

Ўткир нигоҳли кузғунлар кулранг булутларга ёндашиб осуда парвоз этишмоқда. Аммо, улар зоҳиран ҳар қанча олис ва безарар кўринишмасин, куйига қадалган очкўз нигоҳлари асл истак-ниятларини фош этиб қўймоқда. Эҳтимол, бу гал жангари қушларнинг тилаклари анча жиддий, ваҳшати минг чандон ортиқдир. Чунки, улар гала-гала бўлиб олишган. Бу аҳил-иноқлик кўзланган мақсад-муддао ягоналигига ишора. Қизиғи шундаки, ўша йиртқичлар ажриққа ағанаган ғалати махлуққа ётсираб қарашмоқда. КАСРАТКИ – ОДАМ нинг бўртиқ кўзлари бақрайган. Кўзларини чақчайтириб тикилишида эса, ҳайрат эмас, балки ғзаб алангаси ошкор. Чунки у ҳеч нарсани назар-писанд қилмайди. Ўзини, гўё кўхна дунёни лаҳзада пойига тиз чўктиришга қодирдай сезади.

Кўринадики, *Оғуш*да нафс этагини маҳкам тутгани боис халқи ва юртига хиёнат қилишдан ҳам чўчимайдиган Носир Охунга асосий зарба берилган. Агар биз: энди унинг бели майишиб кетади, деб ўйласак, хато қиламиз. У гирмону барча ножинс махлуқотдан чарчаган фукародан узр сўрамайди, ўзлигини ҳам англамайди. Шунинг учун биз масрурлик онлари шуқуҳини нишонлашга шошилмаганимиз маъкул. Зотан, ҳозирча Носирбой имонини сотган кимсалар орқали *Оғуш* картинасидан хабар топиб, уни бурдалаб сойларга оқизиши ёки ёқиб юборишга қодир. Биз яхшиси, карикатура увол бўлгач, омадсизлик қаршисида Комрон ниҳолдек букилиб қолмаслиги ташвишини қилганимиз маъкул.

Кузғунлар галаси хумбош хизматида. Демак, роман қамраган бадийий замон доирасида, у ёлғиз эмас. Сўйлоқ тишлари иршайган ликилловчи думлар иссиқ оғушни тарк этиши, ўз хузур-ҳаловатидан воз кечиши анчайин мураккаб. Эҳтимол, бунинг учун ўша саргайган тишларни поклаш, думдаги ғадир-будурларни текислаш, атрофини шумғиялардан тозалаш лозим бўлар.

Кўринадики, романнинг ботиний мазмуни ғоятда теран, фалсафий миқёси кенг. Зотан, мусаввир ранглар тили дил қушини қафасга гирифтор этиб, завқ-сафо гаштини сураётган нокаслар хас-хашагини очиб ташламоқда. Умуман, халққа ҳамдарду ҳамнафас рассом кетаётган сўқмоқ беҳад узун ва нотекис. Шубҳасиз, ният йириклиги боис, азият ҳам мўл бўлажак. У бундан чўчимайди, фақат манзилга элтадиган йўл кўнгил гўшаси орқали ўтишини англаши ва бунга ўзини ҳозирлаши керак.

Бўёқлар хотиралар асосида олдиндан пишитилган аниқ мақсад йўналиши бўйлаб фаол сафарбар этилаётгани, фикр-истак ва туйғулар уйғунлашиб қоғозга зарбланаётганига қараганда ташвишимиз ўринсиз кўринади. Илло, қаршимиздаги навбатдаги картинада шакл ва мазмун мутаносиб экан, ташвишга не ҳожат, бинобарин, ранглар тилини дилдан тушунган рассом ҳеч қачон ортга чекинмайди.

Нафс ва қурбон

Ошиқ ва Маъшук картинаси сохта эътиқод инсон шаънига доғ бўлиб тушишини ифода этади. Эътибор қилсангиз, бу мазмун унда буртиб туради: *қорни қозондек тарвайган кимса Носир Охун. Унинг елкалари тор. Қуриб-қақшаган ёғоч тахлит улаб қўйилган қўллари эгри-бугри. Боз устига, жун босган, сертомир ва йўгон. Бўйни эса гозникидек ингичка ва узун. Унга уланган калладан ўсиб зовлаган матоҳ соч эмас, аксинча, гумай ва шўра аралаш чақир тикан. Пешона тор ва ботиқ. Жияклари ним қизил, бўртиқ ва сарғиш кўзлар бўзариб Санам томон интиқ боқади. Санам эса, майсазорда товусдай товлиниб, саллона-саллона қадам ташлайди. Ажабки, у тўқ сиёҳи ва напармон тусли майин патларга кўмилган. Рафтори гул баргидек нафис. Малак нигоҳи ажиб назокат билан чўғлиниб порлайди. Уларда пинҳоний оғу қудрати ошкор.*

Расмдаги Носир Охун өчиқ гўрдан қочган арвоҳ каби кўрқинчли ва кулгили. Санам эса ёвуз. Чунки, бу ҳажвий картина – карикатура. Амалдаги талабларга кўра ўхшатма кулгили ва беўхшов бўлмоғи лозим. Нега, найрангбоз ҳамтовоклар Ошиқ ва Маъшук аталган? Буни англаш учун инграниб ёнаётган ифодалар жозибасига алоҳида эътибор бериш лозим. Мавлоно Муқимий ҳам: “*Ош есалар ўртада сарсон илик,*

Хўжа чироқ ёғиyo Ҳакимжон пилик"¹², дея шу қавм вакиллари кўксига ҳажв ништарини санчган эди. Демак, хилватда аҳилона оғиз-бурун ўпишаётганлардан бири – нафс, иккинчиси – қурбон, ахир, сувратдаги кўли эгри, боши ғовлаган мешқорин нафс қурбони бўлмай яна ким бўлсин.

Йўқ, ҳали ҳажвпараст рассомни олқишу қутловларга кўмиш учун шошмайлик. Чунки, бу валломат зафар туғини баланд кўтариш гаштини суролмади. Картина ғижимланиб оловга улоқтирилди ва муаллиф мағлубият аламини тортди. Бу ҳол Комрон бағрида нишлаётган умид ва илинжни ҳам ёқиб юборгандир. Аслида Мерганнинг *нияти бузуқ, қилиги совуқ* шогирди кимлар устига *мағзава* ағдармоқчи бўлаётганини билса бўларди. Йўқ, Комрон *маза-матрасиз чўтчақлар* тўкиш ва Ошиқ Маъшуқлар чилдирмасига ўйнашни хаёлига ҳам келтирмайди. Ориятли, иззат-нафси баланд бўлгани учун ҳам бўйин эгмайди эътиқодини сақлаб қолади.

Бошқача айтганда, майна бўлиб бурни қонаган, пок номи балчиққа беланган, яъни пешонасига *бузуқбош деган* тамға урилган бўлса ҳам, Комрон тиз чўкмайди. Ўз эзгу ниятлари, армону ҳасратлари билан видолашмайди. Тақдир кўкида қора булутлар куюқлашиб сузган нохуш кунларида ҳам тасаввур ойнаси хиралашмайди. Чунки, Вали бахши қалбидаги ғалаён, Роҳила отин чеккан мунг ва андух, қирқ кокилига жамалак таққан Нафиса дийдорига интиқлик, айниқса, устози Мерган дилига солган умид ва шижоат унга қудрат бағишлайди. Сезимларига қувват, қарахт вужудига куч индиради. Унинг тошдек қаттиқ тугилган кўллари, дадил ҳаракат ва чўғланган ўткир нигоҳлари қаршисида турки совуқ ношудлар ҳар мақомга билтанглашдан ўзга чора тополмай ўртанишади. Ҳатто Санамнинг гул баргидек нафис рафтори, назокат-ла чўғланиб порлагувчи қаттол кўзлари ҳам ўз қаърида пинҳон оғуни яширолмай қолади.

Кўринадики, ранглар воситасида тирилтирилган ҳар бир ҳолат Комрон хотираларининг бир бўлаги. Шунинг учун ҳам, романда гоҳ махзун, гоҳ қувноқ ранглар кўшиғи мисол янграйди. Муҳими, мазкур оҳанглар оҳорли ва залворли. Оҳангларки, унинг зоҳир нигоҳимиздан пинҳон титранишлари кўнглимизга хуш ёқади. Чунки, ошқору пинҳон ҳар неки омил борки, беғубор оҳанглар жўрлигида қуйланади. Бизни умид ва қатъият туйғуларини мустаҳкамлаш сари ундайди. Зотан, рангу

¹² Муқимийнинг "Танобчилар" сатираси назарда тутилмоқда.

оҳанглар меҳвари ижодкор дил тубига қўрғошин янглиғ чўккан азиз хотиралар, соғинч изтироблари – сизу бизга ишониб топширилган қалб дунёсини ошкор этади.

Микродунёда кечган муҳораба

Дўлана картинаси. Роман услуби ва бу услубни аввалдан интиҳога қадар бир маромда тутиб турувчи поэтик ритмда нозик ишоравийлик мажассам. Масалан, Комрон йўлсизликдан қийналиб, урина-сурина тентираб бораркан, инграб арз қилаётган кундалардан бирига тўқишиб йиқилади. Қараса, қишлоғи яқинидаги Долқоя дараси зийнати саналувчи ёппасига куртаклай бошлаган дўланазор сидирғасига ер тишлатилган экан. Маълумки, раънодошлар оиласига мансуб дўлана чамандек гуллайди, шифобах мева тугади, ром этувчи гўзал манзара ҳосил қилади. Қизиқ, тоғларда ўсувчи шу ёввойи дарахтларга қирон солиш қайси ғофил касга зарил бўлиб қолди экан.

Келинг, яхшиси ерда бемаврид бежону бенаво чўзилиб ётган дарахтлар – мурдаларга нигоҳ ташлайлик. Гули, чиройи ва танасидан ажралган кунданинг инграб арз қилиши табиий. Зеро, манзарадан таъсирланган Комрон нигоҳи орқали дўланалар аччиқ кўз ёшларини кўриб, дил нидоларига қулоқ тутарканмиз, бу ҳол бизда ҳам мунг ва хўрсиниқ уйғотади. Поэтик тасвир моҳиятидаги ишорага диққат қилсак, ўша дўланалар шўрлик Мерган ва Комронлар каби ўз эртасидан умидвор яратиклар эканини англаймиз. Зотан, дўланалар шу қадар чийирки, тошу харсанглар бағрини ёриб кўкка ўрлайди. Шоҳлари тобора қалин ва мустаҳкам бўла боради. Меваси тирамоҳ (сентябрь ойи охирлари) да етилиб пишади. Дўлана нордон ва тотли маҳсулотини кенглик ва баландлик ошуфтаси бўлмиш қушлару одамзодга беминнат илинади.

Шубҳасиз, бунинг бари кони савоб. Бироқ, Носир Охундай кибрга берилган кимсага эрка талпиниб, тобора чайирлашиб борётган, ўзидан ҳатто салгина баланд туриши мумкин бўлган бирор гиёҳ маъқул келармиди. Зотан, бу ҳол унинг дилига шодлик-ғурур эмас, балки ваҳм ва ҳасад туйғусини солади. Шунда, у ҳамлага ташланган қоплондек безовталанади. Айни камолга етаётган қудратли жозиба пайини қирқиш эса, унга лаззат бағишлайди.

Тасодифни қаранги, биттагина дўлана арраю болталар дастидан омон қолган. Айрисига ёпишиб олиб дағ-дағ титраётган бўз йигит жонига ора кирган бу бакуват ва навкирон дарахт ниманинг рамзи саналур? Ҳар ҳолда, ўша азамат мардоналиги дилимизда айрича эҳтиром, ифтихор ва ҳавас уйғотади. Шунда ногоҳ англаймизки, ёлғиз дўлана бу – қатъият рамзи экан, аниқроғи, Асад Дилмурод эътиборни қаҳрамони Комрон иродасини тошни ёриб ўсишга қодир дўлана каби тоблаши зарурлигига қаратади.

Аҳамият берсак, Комронни бир томондан Санам, иккинчи ёқдан эса Мерган таъкиб қилади. Ғойибдан эшитилаётган Санам овозлари нафс экани, ғофилик олами сари судрашини яхши биламиз. Шундан келиб чиқилса, Мерган даъватлари ижод оламида қолишга бўлган ички масъуллик, эрк-ихтиёр жиловини қўлга олиш, фикран чалғимасликни англатади. Илло, хаёл бош мақсад ижросидан андак чалғиши ҳам мумкин эмас. Чунки, аҳду қарор унутилса, кўнгил туркум ташвишидан олислашади. Зеро, ўзга ўлчамларда ҳар қанча сайр этмасин, рассом барибир ўз оламида яшайди. Фақат, унинг олами Аливой Салим, Азлар Ниёз, Зокир Ғиёсий, Шодмон Чўтирий, Тарвуз домла юкинадиган дунё каби файз ва жозибадан маҳрум эмас.

Бошқачарок айтганда, инсон қалби – микродунё. У ўзига бутун макроолам – борликни бемалол сиғдира олади. Бу оламда дард ҳам, уни тингловчи ҳам, дармон ҳам мужассам. Мир Алишер Навоий ҳазратлари ҳам: *“Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас, Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас”* байти орқали ўша қобик (макроолам) га ёндошган ва моддий дунё рутубатидан ёзғирган эдилар. Алишер Навоий *истаган ёр* меҳридан умидвор. Чунки, исталган нарса нажоткор ҳабиб. Ўзига ҳакамлик қилган кишигина нотавонлардан кўнгил узиб, ҳар бир онда Яратган назарида эканини ҳис қилади. Бундай кезларда унинг дили *дўстлар* давраси эмас, балки сайри боғ тилайди. Чунки, тоғу адирлар салобати кўнгилга таскин бериши, мусаффо ҳаволар дилдаги ғубор ва рутубатни аритиши мумкин.

Жисман шаҳар ҳудудидан узилмаган, фикран олис-олисларга талпинган кезларда Комрон Вали вақт ва ҳаракат ихтиёридан ташқарида қандайдир номаълум манзил-маконда қолгандек туюлади. Кези келганда таъкидлаш лозимки, Омон Мухтор романларида ҳам қаҳрамон ўз-ўзи билан ёлғиз қолган онлардаги вазият-ҳолатлар сирли

кўл, мўъжаз оролча, хароба уй, жажжи тешиқдангина ўтиш мумкин бўлган гаройиб манзилларда тасвирланади.

Одатда, бунақа пайтларда муносабат билдирилайётган ҳодисанинг конкрет замони мавжуд эмаслигига ургу берилади. Масалан, бемаъни кибр ва ғурур. Бетартиб оломон табиатига хос лоқайдлик ва жоҳиллик. Одамзоднинг модият ва маънавият мувозанатини таъминлай олмай неча минг йиллардан буён изтироб чекиши ва б. Кўз ўнгимиздан липиллаб ўтаётган узуқ-юлуқ хроникал тасвирлардаги одамлар бизга мутлақо бегона ҳам, у қадар қадрдон ҳам эмас. Бироқ, биз уларга муайян муносабат билдира оламиз. Аниқроғи, издиҳомга хос мудроқ кайфият бизда ачиниш, ғазаб ва ҳатто нафрат ҳиссини уйғотади. Унинг сархушлиги эса бу хис-туйғуни янада кучайтиради. Шу тарзда биз Асад Дилмурод эзгу мақсадига яқинлаша борамиз. Зотан, адиб ушбу жараёнлар зоҳиридаги фусункорлик алдамчи эканини дилимизга солмоқ тилагида.

Демак, оломондан б е г о н а л и к туйғуси китобхон руҳий оламига кўчса, бадийий асардан кўзланган мақсад рўёбга чиқади. Яъни роман бадийий ҳақиқати амалга кўчади. Зотан, Шарқ адабиёти азал-азалдан бандани гумроҳликдан халос этишни бош вазифа деб билган. Фузулий ва Румийлар: кўҳна дунё бозор, борар манзилинг мозор, сен аввал кўксингда қабр қазигин деб уқтиришган ва нафсни тийишга чорлашдан чарчашмаган.

Кузатишлар кўрсатадики, роман қаҳрамонлари ўз-ўзи билан курашаётган пайтда тобора муросасиз бўла боришади. Ички олишув асносида масофа муҳим аҳамият касб этмайди. Чунки, Жалолиддин Румий айтганидай, инсоннинг тан кемаси руҳ денгизи кенгликларида кезади. Демак, кенглик инсон кўнглига беҳад улуғ сурур ва ҳикмат бўлиб қуйилиши бежиз эмас. Кенгликда эрк, сукунат ва мағрурлик мужжасам. Масалан Нуҳ тўфонини кенгликлар сиғдиргани ва метин қоялар тўсгани табиий ҳолдир.

Яна дарахтга қайтайлик. Юқорида таъкидланганидай, дўлананинг танаси чайирлик нишонаси. Назаримизда, бу ҳолат ҳар бир ижодкор қалбига туташ. Агар, дахлсиз кўрғон (кўнгил) даги шу қатъият бўлмаганида, адабиёт неча минг йиллар оша мақр болтаси ва ҳийла аррасини писанд қилмай, инсон кўргуликлари, алам ва армонларига қалқон бўлолмасди. Нафосат ва шиддатнинг боқий жарчисига айланмасди.

Демак, Комрон Вали жунуний илхоми самарасида Носир Охун ва Санам майл-истакларининг инкори ётади. Бинобарин, унинг зухури ва ботинида инкилобий кайфият яширинган. Дўлана тасвири баҳона кўнгил сари интилган мусаввир турфа ранглар оғушида ўзи ҳам рангга айланган, ақлу идрок ўзанида туйғу бўлиб оққан. Айни шу ҳолатда даҳшатли офат ва мустаҳкам ирода ўртасида кечган муросасиз тўкнашувга ишора бор. Мусаввир изланиши ва дадил ҳаракатлари излари мужассам. Кинояга мойил бўёқларда руҳий мувозанатни бир меъёрда саклай олган, ҳар бир ифодага заргарона сайқал беролган киши завқ-шавқи муҳрланган. Ҳажвий руҳ шарҳи нафс туғёнларидан баланд тура олган инсон шижоатидан сўзлайди. Рассом қалби думи гажак чаёнлар (Носир Охун ва Тўра Охун) феъл-атвориға хос беқарорлик ва сурликни фош этиб наъра тортади. Картина тўқислиги китобхонни дунё пасту баланди, иссиғу совуғи хусусида чуқур ўйга толдиришида намоён бўлади.

Кўринадики, ранглар қатидаги Комрон Валининг залварли хаёллари шууримизга, руҳий туғёнлари эса сезимларимизга чўғ ташлайди. Чунки, у оқсоч дунёнинг араваси инсон кўнгил иклими бўйлаб ўтиши, бу йўл нафақат ўнқир-чўнқир, балки поёнсиз соғинч водийси орқали кечишидан огоҳ этади. Натижада, еру осмон чегараси само гумбази сарҳадларида эмас, балки бизнинг орзиққан кўнглимиз ҳайрат кенгликларида туташади. Энди вақт ҳам ўз аҳамиятини қисман йўқотади. Чунки, учқур хаёл лаҳзада неча юз ва минг йилликларни қиличдай кесиб ўтиб, курраи арзга етади. Шунда нозиктаъб, жангари ва телбаваш мусаввир туйган мусаффо баҳорий кўркамлиқ шуъла каби қароқларимизга кўчади, руҳимизни тиниқлаштиради. Чунки, нафақат жабр-жафо ва кин-адоват, балки ноз-фироқ ва шод-хуррамлик ҳам соғинч ҳиссидан буюк эмаслигини англай...из. Зотан, бир кун келиб кўрку камол ва ҳусну жамол ҳам йитади. Илло, “мен”лик барҳам топади. Аммо, кўхна чархнинг шалдироқ араваси ғаму қувончни юклаганча бетўхтов илгари босаверади.

Умуман, яшнаб турган дўланалари, яъни жону жигарларидан жудо бўлган Долқоя дараси йиғиси аламангиз нидодир. Унда ўз суюқлисидан айрилган, барча умид, орзу-армонлари поймол этилган, истеъдодли фарзандлари сургун ва қатли ом қилинган, хўрланган халқ аламу армонлари мужассам. Асад Дилмурод журъати, қатъияти ва маҳорати шундаки, у ишоравий мазмун замирига ичидаги ғараз ва риё тафтини

босолмай, эл-улус устига гирмон янглиғ лашкар тортган мунофиқлар додини берувчи рангу оҳангларни жойлай олган. Демак, муаллиф ифодалар ортига интиқом тифига маҳкум ва нафратга лойиқ манфур сиймоларни яширган. Бизнингча, ўзига хос бу манзаравий асарнинг юзага келиши осон кечмаган, яъни адиб бўёқларни ўзаро қовуштириш ва мақсадини рўёбга чиқариш учун улкан хаёлий муҳораба майдонини кечиб ўтган.

Ижод қийноғи ва кўнгил ардоғи

Чиганок картинаси психологик портрет яратиш, эстетик мақсад моҳиятини теран очиш, зиддиятларни янада таранглаштириш ва туркумни бойитишга хизмат қилади. Маълумки, чиганок -- умуртқасиз жондор, шиллик қурт (молюскалар, бўғимоёқлилар ва елкаоёқлилар) косаси. Ҳайвонлар бу зирх танага зич ёпишиб турмаса-да, чиганок уларни қоплаб, химоя функциясини бажаради. Қадим-қадимдан чиганок ичидаги садафли қаватдан зийнат буюмлари тайёрлаш ўзлаштирилган. Шунинг учун ҳам, одатда бадий адабиётда чиганок маржон маскани саналиб келинади. Масалан, Муҳаммад Али “*Улуғ салтанат*” романида Севинч бика (Хонзодабегим) руҳиятини кенгрок планда очиш учун жониворнинг айнан шу сифатидан баракали фойдаланган.

Асад Дилмурод романида тасвирланган беҳад улкан сарғимтир чиганок эса, ўзига хос ғаройиб хилкат. Унинг вақт довуллари чандик солиб буриштирган қобиғи қуёш нурларида сокин товланади. Чиганок жисми (яъни, организм қисман ташқарига чиқиши мумкин бўлган табиий тешик) гўё ўткир тиг билан қоқ иккига айрилган. Унинг қобиғи ҳар қанча чандикларга бой ва буришиқ бўлмасин, ичидаги жондор вақт довулларида ҳам асл моҳиятини йўқотмайди. Пайдо бўлиши лозим бўлган маржон ҳамон шиллик қуртлигича қолса ва ҳатто баданида қони бору йўқлиги ҳам белгисиз туюлса, ажабланамиз албатта.

Демак, чиганок сокинлигида макон ва замонга нисбатан беписандлик руҳи мужассам. Алалхусус, Носир Охун ва Санам чиганок ичидан илжайиб, аранг сирғалиб чиқаётган шуллик ёки чувалчангдан андоза олган бўлса, биз нени илғаймиз? Даставвал, чиганок ялтирашидаги совуқ нафасдан сесканамиз. У инсон тийнатидаги кибру ҳаво яшовчанлигидан дарак бериб туради. Сийрак соқоли гирдига

маржон тизган Носир Охун ва бўйнига нафис кўшалок тилла кўнгиروقча осган кўриқчи ит ҳолатида ўзаро яқинлик мавжуд. Тилла итга нечоғлик нокерак бўлса, маржон ҳам соқолга шунчалик номутаносиб. Ҳар иккаласи афту ангоридаги талтайиш, улар аини ҳолатни англамаганини кўрсатади.

Умуман олганда, *Чиганоқ* картинасидаги таъвия табиатан Носир Охунга, унга илакишиб турган сузук кўзли, маккорона бокувчи малак эса Санамга қондош. Демак, асарда кибру ҳавога берилган Носиру Тўра Охунлар, фитна уруғини қадаш билан машғул Санам ва нафсига ўт тушиб суяк ғажииш илинжида улар атрофида мўлтировчи Тарвуз домла сингари кимсалар психологияси ва генеологияси фош этилган. Бундай каслар гўзалликка дахл қилолмаслиги, эзгулик қошида ҳамиша ожиз қолиши хусусида бонг урилган. Зотан, фақат гўзаллик ва эзгулик мунофиқ кимсалар хошиш-иродасидан ташқарида, мустақил ва эркин умргузаронлик қилишга қодир. Шундай экан, носирлар, тўралар ва санамлар охир-оқибат бу ҳақиқатни эътироф этмоғи, башарасидан қони қочмоғи, кулгиси илжайиш, кўшиғи аламноқ бўғилиш, югуриши иложсиз судралишга дўнмоғи тайин.

Чиганоқ тошқин жазаваси, бинобарин, паймол бўлган орзу-умид, ихлос ва имонни шарҳ этишга мутаносиб ранглар излаётган Комрон ҳасрат китобининг янги саҳифасидир. Илло, рассом бекордан-бекорга зарра-зарра сочилиб жисман бошқа дунёда-ю, руҳан бошқа оламда кезинмайди. Бизнингча, бу ҳол қаҳрамон, кўнгил хурлиги сари ҳар қанча талпинса ҳам, кўнглига эғалик қилолмаган кезлар (экстрем вазият-ҳолат) кўпроқ бўй кўрсатади. Зотан, шаклу шамойили йўқ шарпага эврилган, яъни бир лаҳзада юзлаб марта тусланадиган Санам бутун борлиғи ва руҳини чирмашга қасдланиб, таманно билан сузилиб киприк қоққан кезларда у иложсиз қолади. Шунда тушовланган тойдек бир жойда депсинмаслик учун диққинафас шаҳардан тоғу даралар сари бош олиб кетади.

Ахир афт-ангорини Тўра Охун ёки Носир Охун қош-қовоғига қараб эвриш: хожа қаҳр-марҳаматига мутаносиб шаклга кириш ва ўз садоқатини кўз-кўз қилиш эрк-ихтиёр кабутарини қўлдан учуриш эмасми? Баски, Комрон Вали гумроҳликни тиламас экан, елка қисиб яшай олмай. Илло, ўз истеъдодини найрангбоз ва худбин кимсалар оёқлари остида пайҳон қилиши, илоҳий марҳамат меваси бўлган истеъдодига хиёнат билан баробар.

Риёкор ғаламислар эзгулик тантанаси учун ёлғиз ўзи қилич яланғочлаган, яъни ҳаёлни алғов-далғов қилиб юборувчи расмлар чизаётган саркаш ва матонатли мусаввирга хусумат ва ҳасад назари билан боқишади. Чунки, улар ичида хусумат, ғазаб ва ҳасад мадда бойлаган. Демак, сабр-бардош-ла чидашлари даргумон. Теран мантик кудратига дош беролмай ёрилишлари муқаррар. Бинобарин, нобақор кўллар *Чизаноқ* картинасини бурдалаб ташласа, олов ёхуд дарёга улоқтирса зинҳор ажабланмаслик керак. Зотан, бандаси дидлари турфа хил экан, уларнинг таскину тасалли топмоқ, осуда гўшаларга интилмоқ йўсини ҳам шунга уйғун тарзда кечади. Афсуски, ижод кийноғи ва кўнгил ардоғи ёдгорининг машғум тақдири Комрон дилини муздек рутубат ва ҳасрат билан тўлғади. Чунки, нолақор картина арзимас латта эмасди. Бу мукамал асар эстетик қиммати шунда эдики, унда мафтункор гўзаллик ҳажв билан бирикиб эзгуликка ундовчи ҳилкатга айланганди. Илло, санъат оламидаги арзимас йўқотиш ҳам кўтариш маҳол бўлган оғир мусибат. Шундай экан, энди ғаму надоматлар юкидан кўкси пора-пора бўлиб ингранаётган Комрон Вали шамол қайирган ниҳол янглиғ эгилишига сал қолади.

Демак, сиз ўз-ўзига четдан назар солибгина қолмай, ичдан тафтиш этувчи Комрон Вали ва худбину ҳовликма тўралару носирлар ўртасида ҳатто ақл-идрок ишғол этиши маҳол чегарасиз масофа ётишини англадингиз. Бизнингча, муаммо асл моҳияти улардан бири қалб ва жон риштасини нафсга пайвандлагани, иккинчиси эса эзгулик хизматиға сафарбар этганида намоён бўлади.

Англашиладики, яратилажак асарлар жозибаси кўнгилга қадалган ният уруғи қанақа эканига боғлиқ. Шундай экан, биз туркумни кўздан кечириш асносида ёруғ дунё дарду қувончлари қандай идрок этилганига диққат қаратишимиз лозим. Чунки, туркум шунчаки томошабоп картиналар йиғиндиси эмас. Туркум таркибига кирган асарларга термулиш ўзига хос мароқли машғулот. Машғулотки, биз изланиш жараёнида Комрон Вали туйган кечинмалар оламида яшаб, дилимизни ғуборлардан поқлаймиз.

Аёнки, ифода сохта ва ранглар номутаносиб бўлса, кўнгил гулшанимиз ёришмайди. Чунки, файзу тароватдан бегона тасвирдан ҳафсаламиз пир бўлади. Унга ҳасрат аралаш киноя билан кўз учида қараймиз. Амалимиз соғлом мантикка мутлақо зид бўлса-да, қиёмига етмаган, томошабин дилини ларзага солишга ноқобил картинага ҳаёлий

ислохлар киритишга уринамиз. Чунки, ҳаракат, тил-забондан маҳрум ушбу дағал бўёқ ва бесўнақай чизгиларда укувсизлик ошкорлигини биламиз. Шу боис, биз уларни ардоқли арзандамиз бўлишга муносиб кўрмаймиз. Демак, Носир Охун коллекцияси Комрон Валига беҳад кўркисиз, мазмунсиз туюлиши бежиз эмас.

Кўринадики, оғир изланишлар беиз кетмаган, улар Комрон Вали фазлу камолига хизмат қилиб, санъаткорлик нигоҳи ва дидини ингичкалаштирган. Бошқачароқ айтганда, роман қахрамони динамик ўсиш ва ривожланиш жараёнида тасвирланган. Билгакс, асар персонажларидан бири Аливой Салим айтганидай, Комрон *ёруғ дунёни надомат чоҳига маҳкум этиб янада руҳланаётган гумроҳу каззобларни бошлаб тузлаш* уддасидан чиқолмас эди. Демак, роман бизни фикрлашга мажбур этади.

Муҳими, Комрон Вали бир мавзуда турли вариантда яратган расмлар шакл ва мазмунида фалсафий жиҳатдан жиддий ўзгаришлар ва ўзига хосликлар кузатилади. Улар теран ижтимоий-ахлоқий, маънавий-руҳий пўртаналар ҳосиласи ўлароқ юзага келган. Масалан, Комрон барча бедодлик йўлини тўсишга имкон излайди. Охири тугал англаб етадики, илқида ягона имкон бор экан. Бу йўқотилган Чиганок туфайли туркумда юзага келган кемтикни тўлдириш учун некбин ишонч билан киришиш – руҳан букилмаслик.

Тўғри, ижодкор инсон бир дардни қайта-айта туймоғи – дўзахий қийноқ. Бироқ, ўша қийноқ жисму жонни армон тоғи остида эзиб, маломат исканжасида яшашдан минг чандон гаштли. Қолаверса, бу мўйқалам ва бўёқ сеҳрига ошуфта қалб даъвати. Агар мулоҳаза қилиб кўрилса, англашиладики, рассомнинг *Чиганок* картинасини қайта яратиш аҳдида холислик устувор. Ахир, у бундай қатъий тўхтама келиш учун даставвал ўз бош мақсади ўй-фикрларини обдон пишитиб олди. Яратилажак картина ҳар бир ифодасини хаёлан муҳокама чиғирғидан ўтказди. Қалб оғриқлари ва изтиробларини зарбловчи ритмик маром топди. Асосий эътиборини Санамга қаратгани боис уни тасвир марказига олиб чиқди. Рамзий образ қалбида уялаган макр ва риёни миқёсли тасвирлаш учун уни моддийлаштирди. Ҳақиқатан ҳам тасвирда илк қарашда Санам фариштадай туюлади. Афсуски, ўша алдамчи ташқи чирой ботинида мушфиқ заминни ғорат қилишга қасдланган Иблис яшайди.

Кўринадики, қалб кўри сингдирилгани, муаллиф таъбири билан айтганда, *қудратли Аналлон амрига интизор гўзал фаришталар Чиганоқни меҳру муҳаббат чойшабига йўрғаклаб олишгани* учун ҳам янги асар олис кечмиш тўфонлари ҳақида тўлиқиб айтилган розга айланди. Розки, унда барча қавмдошлари дарду ҳасратлари, Ватан ҳар бир узвидан туйилган ҳайрат, теран мазмун ташиган бўёқлар ноласи мужассам. Муҳими, тасвир асносида Комрон хаёлан ўспиринлик даврига қайтади. Бўз йигит нигоҳи эса, картинада туйғу бокира, кечинма пок, муносабат губордан холи бўлишини таъминлайди. Ҳар бир чизиги нафис нур таратади. Зотан, рассом сония ичра сония бўлиб яшаган лаҳзалари туйган ингроқларини ўша нафис ифодалар бағрига майин тарзда қовуштира олган. Шунинг учун ҳам бўёқлар қатида исёнкор руҳ мавжуд. Демак, картинага бир одамнинг олис хотирага айланган ўтмиши деб қарамаслик керак, умуман, Комрон хотиралари томирлари олис мозийга туташ макон қувончи, ифтихори ва ғамидан сизиб чиққан учун ҳам характерлидир.

Холоскор куч

Гунча картинаси Комрон Валининг тошқинда нобуд бўлган норасида укаси, бинобарин, ўша гўдакни қутқариб қолиш илинжида чўкиб кетган онаизор Роҳила отин ҳақида ранглар тили билан сўйланган маҳзун алёрдир.

Соғинчу армон бағрни ўртаган кезларда дилни не-не хаёллар чулғамайди дейсиз. Масалан, баъзан: мангу осудалик ҳукмрон охират макони шу норасида билан тўйиб қолдимикин, деган андак шаккокона хаёллар ҳам кўнгилга меҳмон бўлади. Шубҳасиз, ўшандай кезларда Комрон Вали қаттол чарх нотанти қилиқларидан куйганча сеҳргар бўёқларга юкунишдан ўзга чора тополмай қолади. Зотан, у тақдири тақдирига туташ ўша бахти қаро ўғлон билан фақат ижод онларидагина ғойибона юзлашади.

Ўшанда ёлдор тўлқинлар шунчаки бешиқни эмас, балки Роҳила отин умидлари, бахту тахтини ҳам ўз ихтиёрига олганди. Ахир, онаизор бешикка беланган масъум гўдак ортидан талпиниб, қутурган пўртана қаърига абадий шўнғиганди. Демак, Вали бахши дўмбираси бекорга бўзламайди. У бағри фироқ тиғида тилинган соҳибининг дил розларини ошкор этади. Рассом мақсади эса хотира қаъридаги волидан меҳрибон

аччиқ қайғуга ботган лаҳзаларни рангларга ишониб топширмақ ва уни қайта тирилтирмақдир. Бунинг учун рассом ўз кўнглида мавжланиб пишқираётган тошқин билан мурасасиз курашиб офат чангалида онаизор туйган туйғулар оғушида яшаши, у чеккан кечинмалар шаклини матога кўчириши керак.

Аммо, бунга эришиш осон эмас. Ҳар сония минг ўлиб, минг тирилиш, қанча-қанча номаълум ўлчамлар сарҳадидан руҳни омон олиб ўтиш – ўзликдан адашмаслик лозим. Яъни тақдир чорраҳасида ақлу идрок ва кўнгил бирлиги таназулга юз тутмаслиги керак. Вақт занжири парчаланиб, масофа кенгликлари забт этилсагина кўнгил ва шуур қутби яхлитлигидан пайдо бўлган улкан доира нигоҳ илғамас олис нуқтаси бағрида мудраётган ибтидо ва интиҳо сиру савдолари уйғонади. Зулмат комига йўл солганини англамай, ўзича қуймаланиб умргузаронлик қилаётган ғофил қавмни заволот чангалидан тортиб олиш имкони туғилади. Демак, картина ўшандай холоскор куч мавжудлигига ишонч маҳсулидир.

Ҳидоят ва зарбулмасал

Ҳаёт оқими нақадар тезкор, зеро, ҳаёт ҳар қадамда минг хил жумбоқ ва муаммони пеш қилади. Турли-туман манзара, ҳодиса, ҳикмат ва ҳаҷгомани ҳар бир махлуқот ўзича тушунади. Романда ҳаёт моҳиятини тушуниш мураккаб эканлиги, негаки, бу ҳол унинг ботини билан зоҳири орасидаги масафа ниҳоя билмалиги билан боғлиқлиги алоҳида масала қилиб қўйишида, бинобарин, айна шу масала романдаги рамзийлик хусусиятларини тўларов гавдалантиради.

Романда келтирилган ва халқимиз донолиги сарчашмасидан олинган бир нечта зарбулмасал борки, улар мажозийликка ургу бериш билан бир қаторда, алоҳида эстетик қатлам яратади. Асар мағзига сингиб кетган ана шу қизиқарли ҳикоятларда турли мифологик образлар қатнашади.

Келинг, беозор кўринган, аммо туйқус мудҳиш қопқонга айланган ўра ҳақидаги зарбулмасални назардан кечирайлик. Чигирткани емиш қилиш илинжида хандаққа сакраб қорнини тўйғазган Сичқон ундан чиқишни эпполмай ёввойи мушук чангалига тушади. Бароқ ҳам ортга қайтишга йўл тополмай талваса ва афсус оғушида қолади. Чуқурдан чиқишни ўйламай, мушукни еб нафсини қондирган тулки мусибати

бундан ҳам оғир бўлади: бўри емишига айланади. Арзимас луқма эвазига қўланса чуқурда қолган бўри эса, қоплон чангалида жон таслим қилади. Ниҳоят, ўзини мутлақ ғолиб санай бошлаган қоплон чуқурдан енгиледи ва тинчиб қолади. Ажабо, ўша Хандақ ҳам вақт тўфонларига дош беролмай титрайди – кўмилиб кетади. Унинг ўрнида қабрга ўхшаш мўъжазгина Тепалик қад ростлайди. Қабр ўртасидан уч берган ниҳол тез улғайиб муаззам олма дарахтига айланади. Дарахт дурқун қиз ёноғидек лўппи-лўппи нақшин олмалар беради. Мажозийлик касб этган ана шу мевалар ботини ва зуҳурида бир қарашда нафис туюладиган нафс балоси жамлигини ҳис этиш лозим.

Диққат қилинса, ҳалокатга учраган жондорларнинг ҳаммаси ҳам тўкин ҳаёт ва эртанги кундан умидвор. Улар фожиасини бирлаштириб турувчи жиҳат фикр-ўйдан бегоналик. Доно халқимизнинг енгилтак сичқонга қарата: “*Ўзи сиғмас унига, ғалвир боғлар душига*”, деган нақли ҳам бежиз айтилмаган. Ёки чигирткани олайлик, митти холига ботирлик даъво қилувчи бу зараркунанда ҳар бир тирик жон ўз кушандаси билан яратилганини англамайди. Чунки, қорин ташвиши уни бутунлай сўқир қилиб қўйган. Сичқонни ямламай ютган мушук ҳам басирликка мубтало. Мушук қачонки қорни тўйгандан кейингина ортга йўл излайди. Омади чопганига ишонган тулқивой, ҳар қанча айёр бўлмасин, нажотни қўлдан чиқарган эди. Бўри ўз ғалабасини қисқагина уйқу билан нишонлайди, лекин қувончи узоққа чўзилмайди. Ўзини ёруғ дунёнинг хўжайинига менгаздиган қоплон эса арзимас тўсиқни бўйсундира олмай букилади.

Кўринадики, ў р а шунчаки моддий нарса эмас. У макон ва замон танламайдиган нафс ўпқони. Дарҳақиқат, чархнинг азалий ўйинлари қошида сичқону чигиртка гўллиги, мушук ёввойилиги, тулки айёрлиги, бўри йиртқичлиги, қоплон киборлиги боис абасдир. Тақдири азал шамоли эса, зоҳиран бемажол кўринса ҳам, ўз ботинида бўри увлаши ва қоплон наърасини яшириб тинимсиз эсаверади. Ахир, ғофиллар шамолнинг тепалик остида янграйдиган мунгли ингроқ ва ғазабли ўкирикларни олиб кенг дашту далалар бағрини саросар кезаётганини кайдан билишсин?!

Аммо, Комрон Вали тамоман бошқа масала. Юқоридаги масалда у захматқаш рассом сифатида диққат қилиши лозим бўлган муҳим жиҳатлар бор. Масалан, дарахтнинг жадал улғайиши ёруғ дунё сурури ҳамда саодатига ташна жондорлар шираси ва сахий куёш шуъласини

эмгани билан чамбарчас боғлиқдир. Аслида, бу ҳолат ҳам унчалик муҳим эмас. Чунки, ҳамма гап – рамзийлик касб этган ўша улкан дарахтдан узилаётган қизили тарам-тарам нақшин олмаларда. Ахир, улар Комрон Вали пешонаси аралаш қаншарига кескин тарсиллаб урилмоқда. Шундай экан рассом, руҳан хотиржам бўлиши ва ўзини овутиши учун, худди юнон механиги ва математиги Архимед сингари *эврика* деб юбориши лозим. Бинобарин, ўша мева таркиби мўъжаз қабрга кўмилган нафсдан иборатлигини билиши – ўзлигини англаб, жаҳолатга қўл силташи лозим.

Танишганимиздай, масал фалак ва заминнинг ақл бовар айламас сиру савдосидан хабар беради. Кўҳна чарх алмисоқдан қолган бино экани, бандаларига инъом қилинган тўғри йўлдан адашиш залолатга кетиш, муқаррар ҳалокат ва қаҳру ғазабга дучор бўлиш эканига ишора қилади. Демак, солиҳ ва солиҳаларни эзгулик билан эгизак бўлган ҳидоят мақомини эгаллашга чорлайди.

Кўринадики, роман таркибига сингдирилган бу зарбулмасал сайёр сюжет асосида яратилмаган. Асад Дилмурод рамзли ҳикоят хулосасини матал сифатида келтирмайди. Чунки у ошқора насиҳатбозлик йўлидан бормайди. Муҳими, мазкур қистирма эпизод мажозий маъно, киноя ва рамз етакчи бадий восита экани, кўпқатламлилиги жиҳатидан қадимий масал ва маталларга яқин туради.

Романда жанрлик хусусиятини йўқотиб, бадий восита мақомида қатнашган масаллар яна учрайди. Бизнингча, улар асар ғоявий ва бадий-эстетик мазмунини қиёсий йўсинда тўлдирувчи параллел поэтик линия ташкил этади. Демак, улар ёзувчи ахлоқий-фалсафий концепциясини ифодалаш воситасидир. Умуман, истиқлол даври романчилигида рамзли ҳикоя (*притча*) ларга мурожаат қилиш ўзига хос ижодий анъанага айланиб бормоқда.

Тақдир ва тадбир

Романда қистирма эпизод сифатида келтирилган ва табиатда безозор қушлар сифатида эътироф этилган *тўрналар* тақдирини ифода этадиган, асосий поэтик қатламлар остидаги мўъжаз қатлам бўлган яна бир ривоят бадий-эстетик жиҳатдан характерлидир.

Маълумки, атокли адиб Пиримқул Қодиров Лочин образи орқали малика Гавҳаршодбегим қийноқлари ва ўртанишлари ишончилигини

таъминлаган эди. Устоз тажрибасини ўзлаштирган Асад Дилмурод ҳам шу йўлдан боради, бинобарин, нар ва мода турна тимсолида ўз ижодий позициясини олга суради.

Романдаги тасвирга кўра, аҳил-иноқ яшаётган қушлар бошпанаси кўкка елка тирган қоя тепасида – сокин жимирловчи фалак токига яқин жойда ўрнашган. Таассуфки, ўша мўъжазгина уяда ҳам ўзига яраша қувонч ва ташвиш ҳукм суради.

Бир-бирига суяниб қолган ва фафат шажара ташвишини чекадиган нар ва мода турналар тухумидан чиққан илон тақдирга тадбир йўқлигини тасдиқ этади. Бироқ, улғайиб қавақда яшаётган бу турқи совуқ барибир ўз аслига тортади. У дастлаб сигир эмчагига тиш ботириб, қон аралаш ним қизил сут эмади. Сўнг саватсимон уяга тирмашиб, палапонларни авраб тинчитади. Ғазабнок мода турна бўлса, шип-шийдам уяда кулча бўлиб ётган ғанимини бурдалаб, жиғилдонига жойлайди. Аммо олишув пайтида заҳарлангани боис у ҳам жон таслим қилади. Жигарбандлари ва жуфтидан айрилган, барча умидлари чилчил синган, ёлғизликка мубтало нар тепада қийиллаб чарх урган тумшуғи билан тупроқ қаърига шўнғиган ҳолат билангина ривоят яқунланмайди.

Нар турна қабридан бир ниҳол униб чиқади. Ниҳол жадал ўсиб, нопормон лолага эврилади. Лола ўз нафосати билан атрофга файз бағишлай бошлайди. Жайронлару қушлар доим унга ошифта бўлиб талпинадилар. Аммо, Носир Охун гулни шартта узиб сой бўйида сочларини ўраётган Нафисага тутади. Айни мана шу ҳолатда намоён рамзийлик роман бадий салмоғини оширади, зеро, ўша совға-гулда қон ҳиди борлигини унутмаслик керак.

Энди бадий образларни кузатайлик. Илон қавақда яшайдиган турқи совуқ махлуққина эмас. У ваҳший газанда бўлиб, нафақат кенг яйлов, балки ўзганинг мулки – қуш уясида ҳам ўзини эмин-эркин тутади. Беозор сигир ва ҳимоясиз палапонларга зинҳор шафқат назари билан боқмайди. Аксинча, уларни маҳв этади. Пировардида ўзи ҳам муносиб жазосини олади. Афсуски, ҳатто ўлаётиб ҳам беозор бир жон умрига зомин бўлади.

Мўъжазгина қабрдан униб чиққан ва атрофга файз бағишлаган лола ранги зътиборни тортади. Нопормон тусда бўлган лола айни шу ўринда бир ўлчамдан иккинчи ўлчамга кўчган мусибат рамзи тарзида

гавдаланади. Қолаверса, кўхна олам (азал ва абад) бири кам эканидан огоҳ этувчи тимсол даражасига кўтарилади.

Аён бўладики, ривоят роман лейтмотиви, ижодкор эстетик концепцияси билан чамбарчас боғланган. Муаллиф ривоятни *Ғунча* ва *Ҳомила* картиналарининг сурурий кайфият уйғотувчи драматик таранглигини таъминлашга хизмат қилдира олган. Туш воситасида берилган ўша кистирма эпизод Комрон Валига асл моҳиятни ўз дилида пишитиш учун туртки беради. Демак, Асад Дилмурод ундан сезгиларга чуқур таъсир этувчи кучли бадиий-эстетик ва маърифий эффект чиқаришга муваффақ бўлган.

Ғунча ва *Ҳомила* картиналари замирида пинҳон бадиий-эстетик ва маърифий эффект роман сирлилигини таъминлайди. Сирлилик туркумдаги барча картина, жумладан, шу икки картинага хос афсунга монанд жозибадан бошланади. Маълумки, улар мислсиз кўнгил тебранишлари ҳосиласи, бинобарин, ижодий жараёнда етилган фикрий ва сурурий ифода нишонасидир, улар шаклу шамойилида жам улугворлик *тошқин* даҳшатига аниқроқ ургу беради.

Ғунча ва *Ҳомила* кўрку таровати ва салобатига суяниб айтиш мумкинки, ижодий концепция аниқ бўлганда мўйқалам ҳам равон юра бошлайди. Қалбда мавж ураётган ажиб кечинмалар турфа рангларга эврилиб, мато сарҳадлари бўйлаб ёйилади. Таралаётган оҳанг созлари ва ранг розлари рамзий ўзанда туташади. Биз ифоданинг буюк қудрати боис сувратдаги безовтаҳол шивирлар, қаҳру ғазабли нидолар, чақалоқ йиғиси ва онаизор оҳу фарёди кўрқинчли шовуллашга кўшилиб янграётгани учун изтиробга тушамиз.

Аниқроқ айтсак, Комрон Вали муттасил чеккан тоғдай залворли дарду ҳасрат, мўйқалам ва бўёқ билан сирлашиб тиним билмаган беором кун-тунлар самарасидир. Зотан, у машаққатли ижод онларида тўлқин кифтида лопиллаб сузаётган бешик ва титраб-қақшаб унга талпинаётган Роҳила отин қадду бастини, ўзини жардан ташлаётган Нафис ҳолатини бемалол кўрмаса, ифода бу қадар етилмас, мўйқалам ҳам эмин-эркин ҳаракат қилмасди.

Ижодий жараёнда Комрон Вали эътиқоди мустаққамланиб бориши ҳам роман поэтикасига ижобий таъсир ўтказади. Хусусан, бош қаҳрамон: “*Ёлгон соясида соялаб семиргандан кўра, гараздан холи рост чангалида бўғилиб ўлган афзал*”, дея таъкидлаши эстетик концепция таъсирчанлигини оширади.

Кенгроқ ёндошганда рассомлик, аввало, сарвари олам ато этмиш улуғ сарват экани англашилади. Қолаверса, янги асар мунофиқлар даврасида ўтириш ва улар ялоғидан ювинди татиш азобидан қочиб, холи масканда чекилган руҳий зўриқиш, теран идрок ҳамда ҳодиса кўламини аниқ-тиниқ ҳис этиш пайтида туғилади. Илло, санъаткор адашмай нишонга урмоғи жўн юмуш эмас. Юқоридаги омиллар ўзаро уйғунлашсагина сўнгсиз дилгирлик ва оғриқларни ягона нуқтага жамлаш, нозик ифодалар билан майин қовуштириш ва мақсадга етишиш мумкин. Ахир, энди ёввойи тошқин пишқириғини олис ўлчамлардан ранглар зоҳири ва ботинига кўчириш керак. Шундай ифода лозимки, у нафақат асов тошқин янглиғ кўнглимизда тўполон кўзғасин. Балки, дўмбира ноласи ва тоғу тош наъраси билан узвий бирикиб, маҳзун илтижо бўлиб янграсин. Бинобарин, рассом шунчаки ранг танламайди. Ширин уйқу баҳридан ўтилган ижод ва илҳом лаҳзаларида у ҳовуч-ҳовуч дардга эврилади. Одатда, бундай кезларда унинг ихтиёри ўз назоратидан чиқади. Шунга кўра, адабиёт ва санъат аҳли табиатида кузатилувчи андак савдойи феъллик, жасорат ва башорат қилиш хислати жунун йўргагидир. Демак, ижод, шунчаки ширин орзиқишгина эмас, айни пайтда, ифода жозибаси билан куч ва ирода бирикувидир.

Имдод

Кажрафтор чарх ўйинлари алмисокдан қолган ва бу ўйинлар ҳамон сирлигича турибди. Романдаги дон-дун бозори ёхуд қушхона тасвири ана шунга ишора беради. Тасвирга кўра, ўша ерлар савдо-сотик билан овора оломон билан тигиз. Каппону саллоқхонадаги шанғиллашлардан қулоқ қоматга келади. Дастлаб Асад Дилмурод мазкур майдондаги иккита манзарага диққатимизни жалб этади. Улардан бирида кимдир *занг босган пичоқ тигини така бўғзига зўр бериб ишқалаётгани*, иккинчисида эса, аллаким *хуш-хандон қўшиқ хиргойи қилиб дудам*а нўлат ханжар чархлаётгани акс этган.

Агар син солиб қарасак, темиртак пичоқни қулликланган така бўғзига сермаётган кўса қассоб унинг бўғилиб маърашларига мутлақо бепарво. Биз чархланаётган ханжар бежирим сопига эмас, балки юпқа ва кескир дамию чархловчининг укки кўзларига қарайлик. *Ажабо*, ханжарлардан *бирини занг босган бўлса*, иккинчиси яп-янги.

Эгаларидан бири кўса бўлса, иккинчиси уккикўз. Кўса жон олишга зўр бераётган бўлса, уккикўз бу юмушга обдон ҳозирлик кўрмоқда. Бинобарин, унинг чархи ҳам алмисоқдан қолган. Буларнинг асл мақсади хосиятсизлик, айёрлик ва алдамчилик белгиси бўлмиш кўсалик ва йирткичлик рамзини билдирувчи чакчайган кўзларга ишора қилиш орқали ифодаланган.

Энди диккатимизни ўша манзара-ҳолатдаги яна икки нуқтага қаратайлик. Биринчиси, бўғизланаётган таканинг пешонаси. У қора ҳам, оқ ҳам эмас, балки ола-була. Яъни така толеи кулган ҳам, пешонаси шўр ҳам эмас. Чунки, адиб ҳаётни фақат оқу қора рангларда кўрмайди. Аслига мутаносиб бўлмаган бундай нигоҳ унга ғоятда жўн туюлади. Зотан, ҳаёт ғоят мураккаб, инсон хатти-ҳаракатларини ҳамиша ҳам тушунтириш ва изоҳлаш мушкул.

Иккинчиси, чархланаётган пичоқдан пориллаб учаётган нарса. Бу одатдагидай қизғиш учқунлар эмас, балки нўхатдек кўм-кўк муз парчалари бўлиб, савдо-сотик билан овора халойиқ пойига сочилмоқда. Қизиқ, барчаси ноодатий ҳоллар. Бирок, ҳамма гап ўша муз ва унинг ботинидан уфураётган изғирин ғоят лоқайд ва бепарво қарши олинаётганида. Ахир, оломон бепарво экан, пичоғини қайраётганлар хуш-хандон кўшиқ хиргойи қилмай нетсин. Демак, авжига чиқаётган шовқину шангиллашлар бари кундалик ташвишлар, узокни кўра олмаслик аломати. Бинобарин, бозорга ҳам қадами бехосият бўлган Санам оралаган. Шундай экан, унинг тупроғи тиззадан келмай, йўллари текис ва равон бўлсинми.

Комроннинг нигоҳи беихтиёр кунботарга оғади. Зотан, Ғарбда пастқам панжарали чайлалар тизилган. Уларнинг бари силлиқланган ёғочу тахтадан ясалган. Эътибор беринг, ҳарқанча силлиқ бўлмасин, ёғоч-тахта у қадар мустаҳкам хомашё эмас. Нега шу қадар кўп омонат чайлалар пастқам қилиб қурилгану барчаси панжарали. Шубҳасиз, буни англаш учун ичкарига нигоҳ ташлаш керак. У ерда биз кийгир, қузгун, туякуш, қурбақа, ёнарқурт, кўршапалак каби жондорларни учратамиз.

Қийгиру қузгунлар ғоятда безовта. Улар ҳатто бир-бирини патлашга ҳам ҳозир. Кўкрагида тожи бўлмаса-да, кекса туякуш ҳаволанади. Ўзи ҳеч қачон учишни эпполмаган, боз устига бир пайтлар бақувват бўлган оёқларидан мадор кетган бўлса ҳам, жондорларга парвоз фанидан сабоқ бериб чуғурлайди. Ола-бужир бақа қуриллаши

бировагу хуш ёкмаслиги аён. Бироқ у кучаниб вақилламоқда. Эҳтимол, ўзи яшаётган сассиқ кўлмак ёхуд тановул қиладиган ҳашоратлари таъмини алқаётган бўлса керак. Жимжилоқ тахлит жондор ёнарқурт ташвиши ҳам оламча бор. Қолаверса, унинг кадрдони кўршапалак на ҳашорат, на қуш эканини билиб бўлади. Кўршапалак ёруғ дунёни ҳеч қачон тўқис кўролмаё, эшитганини рост билиб кетаверади. Мусаффо тонг ва нурли кунни эмас, балки шому туннигина севади. Макони ҳам қандайдир ташландиқ ковак ва пана-пастқам жойлар. Ажабо, жимити ёнарқурт не муддаода ва қандай лукма илинжида кўршапалак билан суйканишмоқда.

Биз кирғий ва қузғунлар қанотидаги мис ва кумуш ўйинчоқлар, туяқуш тўшига қадалган тўғнағич ва маржон зиммасидаги вазифадан хабардормиз. Шунинг учун ҳам бақа ниманинг илинжида эканини англаб етамиз. Демак, ёнарқурт ва кўршапалак мўлтираган нигоҳлари шаффоф баргли нилуфарга тикилгани шубҳасиз, илла безовта потирлаб сакраш, бемаъни гурур ҳамда тизза буқиш, суйканишу мўлтирашлар бариси нафси бало илинжида экан, зеро, тамагирилик ҳеч қачон макону масофа билмайди.

Фаҳмимизча, Асад Дилмурод кунботардаги омонатлик, сирти ялтироғу ичи қалтироқликдан шунчаки сўз очмаган. У китобхон нигоҳини Шарқнинг дунёни ёруғ рангларда кўрувчи юксак фикри, мусаффо тонг ва нурли кунларга талпинган жўшқин кўнглига қаратишни тилаган. Бинобарин, адиб қалби ер тубига чўккан беҳисою ўпқонлар гувиллаши ва самовий бухронлар оҳанрабосини аниқ-тиник ҳис этади. Безовта ҳолда заминга осудалик, инсонга далда беришга шошади. Фалакнинг бирон буржиги сариқ атиргуллар бодрокдай ёғилмаслиги, яъни хушомадгўйлик, ваҳшийлик, хиёнат ва жаҳолат урчимаслиги учун камарбасталик масъулиятини туйгани боис, имдодни манъавий-руҳий кадриятларимиз булоқларидан топади. Нафосатнинг муқаддас булоғу анҳорлари шаркираб оқиб туриши ва ташна диллар чанқоғини қондиришини истаёди. Китобхонни эзгулик ва ёвузлик, ҳақ ва ўзликни таниш, яхшию ёмонга фақат кўнгил кўзи билан қарашга даъват этади. Шунинг учун, ғофил сафсатабоз (демагог) ларга бўлган нафратини ҳам яширмаёди. Бундай кезларда у Румий, Навоий, Машраб каби классик шоирлар ижодидан айрим байтлар келтириб фикрларини тасдиқлайди ва эстетик концепциясини мустаҳкамлайди. Масалан, Бобораҳим Машрабнинг ушбу байтига қулоқ тутайлик:

*Қилди бу чархи фалак расвои даврон оқибат,
Бор-йўқим бўлди охир ерга яксон оқибат.*

Чарху даврондан шикоят қилинган ушбу поэтик гўзал байтда тирикликдан кўзланган асл мақсад: ҳақ ва ҳақиқатни топмоқ – ўзликни таниш эканлиги ғояси илгари сурилган. Шунинг учун адиб унинг таърифидан сўз очганида: “*Заргар сандигида авайлаб асралган мўъжаз ёмбидек гўзал, баҳорий абри найсонлар шиддатига тўйган шалола каби жўшқин ва равон байт... руҳни поклашга хизмат қилувчи сара ва жонли сўзларда, фақат теран мазмун эмас, нафис товланувчан бўёқлар ҳам жамлиги айниқса ҳайратга молик*”, деб ёзади.

Кўринадики, Комрон Вали мумтоз ғазал бўстониغا интиқ назар солиб, унинг сеҳрию меҳридан мутаассир бўлган. Нафақат ғазал, балки азиз алла, лазиз термаю дostonларимиз табиатига хос рангу оҳанглардан баракали фойдаланиб, *тошқин* оқибатларини намоён эжтувчи туркум кўркини оширишга интилган. Чунки, *тошқин* биринчи навбатда Яратувчи қудратининг нишонаси. Демак, маданий меросимиздан баҳрамандлик зулму жаҳолат пичоғини қайраётган кимсаларга улуғ қудрат ичра пинҳон қаҳру ғазаб нақадар қаттол ва аёвсиз эканини англатиш, улар устидан ҳукм чиқаришда жуда қўл келган. Рассом руҳини тиниклаштирган, тафаккурига қанот берган, кўнглига ҳовуч-ҳовуч оидин шуълалар тўкиб, мўйқаламига куч бағишлаган.

Асад Дилмурод б е г о н а л а ш у в фалсафий мантиғини инсоннинг ақлию кўнгли ўртасида довдираб яшашида кўради. Шунинг учун ҳам туркум ёлқини ғўр оломонни теран мулоҳазакорлик, ақл ва кўнглини уйғунлаштиришга даъват этади. Адибнинг ошкора панд-насихатдан холи танбеҳу таъналари ҳар қанча аччиқ бўлмасин, китобхонни ранжитмайди. Аксинча, бениҳоя ўз ўрнида қўлланган, самимий хайрихоҳлик руҳи билан йўғрилган сўзлар шивири қулоғимизга аниқ-тиниқ чалиниб, бизга руҳий далда, илиқ маънавий мадад беради.

Тугён

Хулқар картинаси Комрон Вали устози Мерган феъл-атворини чуқур шарҳ этувчи улуғвор асардир. Дилни ром этувчи ва мураккаб

қурилмали бу манзара-лавҳада *тошқин* хуружига сабаб бўлган қабоҳатли воқеалардан бири бор бўй-басти билан намоён бўлган. Дўмбира маҳзун оҳангларига чулганган *асар марказида поёнсиз кенглик ичра алоҳида кенглик бўлган Хулкар – Дамин полвон тулпори тасвирланган. У ложувард осмон гумбази ва муаззам замин оралигида. От ёллари майин ва бўлиқ.* Бир пайтлар мағрур чопган кезларида улар худди қиз сочларидек ҳилпирарди. Илло, Хулкар пойга ва улоқда доим голиб чиқиб, хожасига чексиз ғурур бағишлаган.

Бўёқлар туғидан ўт чақнаган бедов кулликланиб, бўғзига пичок тортилаётган пайтда юракларни чулғаган ғусса ва ҳасратни ифода этиб ҳаракатга келади. Улар саман хирқирашидан кўксини чоклаб юм-юм кўз ёш тўкаётган Мерган ноласи ва ақиқ лабларини сирли табассуму ажиб қониқиш безаган Санам ҳамда боқишида кибру ҳаво акс этган Носир Охун мамнун шивирларини жонлантиради. Натижада фожиа моҳияти яққол намоён бўлади.

Дарҳақиқат, Хулкар картинаси тошағрлик билан ҳалимлик тўқнашуви боис ҳосил бўладиган ботиний садони шарҳ этувчи санъат намунасидир. Қолаверса, унда оромидан айрилган Комрон Вали дилини чулғаган, кечмиш оғриқларидан огоҳ этаётган туғёнда турфа овозлар жўрлашиб янграйди. Энг баланд пардадаги бўзлов – суюкли тулпоридан айрилган Мерган ноласи. Бинобарин, картинада улкан рамз мужассам. Зотан, Хулкарнинг ўлими – эл умид боғлаган барча бахту тахт кулаши нишонаси. Чиндан ҳам фашизм вабоси ва шўро малайига айланган ака-укалар жоҳиллиги, ниҳоят, уларга ҳомийлик қилган Санам ҳийлалари туфайли нажот тилаб инграган не-не умидлар бўғизланган эмасмиди?!

Сезимлардаги тебранишлар

Чумоли картинаси. Киндик қони томган кадрдон қишлоғини бир умрга тарк этароқ, қалби нотинч шоири аъзам Машраб: *Булбул эрдим қилди ғам охир гулистондин жудо*, дея мардона ва моҳирона лутф этганди. Бу ҳикмат сўлим бўстонини офат сурони маҳв этган Комрон руҳиятидаги мусибату туғёнларга эш. Рассом яратилажак асар ботинига бутун вужуди билан сингир экан: *Оҳима маҳшаринг била ҳам етти дўзахинг қуяр* сатрларидаги машрабона изтироб ва ғамни теран ҳис этади. Неча аср муқаддам туғилган сатрларда гирмон ғавғосига

эргашиб келган тошқин туфайли бутун олажуз қавми ва унинг бир халқаси бўлган Комрон оиласи қисматида рўй берган ўпирилишу чўкишлар моҳиятига нозик ишоралар мужассам эди. Уларни қалбига нақшлаган рассом бағрида сиркирайдиган эски яраларга малҳам, тилимланган юрагидаги ачишишлардан халос бўлишга далда, ўзгача меҳру муҳаббат, сеҳр ва малҳам туяди. Машраб сетори фиғони ва Вали бахши дўмбираси нолишлари ўзаро қўшилиб рассом сезимларида ковушади. У ҳар бир сонияда вужудини чулғаган эҳтирос ва кийноқлар зарбини туйиб нафас олади. Комрон алам ва армон ўтида тобланган ижодкор қалб улкан кашфиётлар қилишга қодир эканига имон келтиради. Сўздаги ботиний рангларни кўнгил кўзи билан кўрган, оламу одам қисмати бўёқлар меҳварида барқарор эканини англаб, ҳайратини яширолмай қолган ва эзилган кезларда мардона наъра тортади. Қадимий ва жафокаш дунё ҳамдарди бўлган газал ва мусиқа жодусига хос бўёқлар Роҳила отин қисматини моҳирона чизишга камарбаста бўлади.

Онгли зўриқиш шундай кечадики, Комрон Вали, хаёлини олис кечмишдан узмаган ҳолда, жонини сетору дўмбира нолаларига жўр онаизор қалби ўртасига тикиб мотамсаро дамларга хос хўрсиник ва санчиқларни ягона фокусга жамлайди. Тўлиққан рух ғуссакаш ифодаларни безовтаҳол ҳаракатга келтиради. *Алалоқибат елкасига бесўнақай қоя ортмоқлаб, олисдан-олис манзилни кўзлаб бораётган жимитидай Туячумоли картинаси* пайдо бўлади.

Асад Дилмурод туячумолини мажозий образ сифатида танлаши ва талқин қилиши бежиз эмас. Дарҳақиқат, туячумолидаги имконсиздай туюлган юмушни бемалол уддалашга қодир бардошлилик, қатъият ва меҳнаткашлик хислатлари романда илгари сурилаётган эстетик концепцияга мувофиқ тушади. Айниқса, унга хос бўлган қаноат ва ғайрат-шижоат ифодаси асар мазмунини чуқурлаштиради, рамзийлик белгиларини тиниқлаштиради.

Кўнгил кўзи билан кузатсангиз сезасизки, сувратдаги уқпар булутлар бағрини ёриб ўтаётган нур толалари ғоятда нозик. Ва нозик бўлгани учун ҳам Комрон Вали назарда тутган муддао мантиғини теран ёритиб юборган. Демак, шуурий зийраклик руҳий тўлғовларга мунтазамлик мақомини бериб, туғёнлар бутун бўй-басти билан матога кўчган. Натижада, *тошқин* ҳақидаги марсия – туркумга доир *Чумоли* картинаси юзага келган.

Чиндан ҳам, Румий ҳазратлари айтганидай, кўнглида адашмай ижод дардини чекаётган инсон руҳи – чақмоғу гулдирақлар ваҳима солиб бош кўтарган уммон, жисми – ногаҳоний ҳолдан руҳланиб олға интилаётган кема. Демак, Румий маснавийлари ва Машраб ғазалларида пинҳон маъно ва латиф оҳанг рассом дилини мафтун қилади. Шунинг учун ҳам у бутун кўз нури ва юрак кўрини битиқлар оҳанрабосини нафис бўёқларга жо этишга сафарбар эта олади. Ранг ва бедор оҳанглар уйғунлашувидан сайқал топган картина гўё ягона мусиқий куйга эврилади.

Не-не энтиқишлардан сўнг, тириклик уйи ва кўнгил иқлимини сабру қаноат офтоби ёритади. Албатта, мароқли лаззат онларидан сўнг жунун шашти сусайиб, рассом осуда тортиб қолади. Бироқ, рангу оҳанг бўлиб матога кўчган сўз ва маъно қолади. Демак, инсон руҳи илҳом қучоғида мовий осмон кенглиги, тоғлар салобати, боғу роғлар яшиллигига хос ажиб мусаффолашган дамда олис кечмиш аро поёнсиз йўл очилади. Бу йўл кўнгил иқлими қоқ ўртасидан, аммо аччиқ оғриқ, оғир кийноқ, ажиб титранишлар билан ўтади. Ҳа, охиратга армон тоғини орқалаб кетган онаизор паришон чехраси ва мунгли нигоҳлари билан бир зум дийдорлашиш учун ранглар дахлсиз чегарасини бузиб ўтиш, ифодаларга жон бағишлаш лозим. Бироқ, токи изтироблар зарби туйилиб, ифодага кўшиб юборилмас экан, у зинҳор жонланмайди. Шарҳ тўқис бўлиши жўн юмуш эмас. Астойдил интилаётган одамга маънавий мадад лозим. Комрон учун Худонинг қўллови, мозийдан келажакка назар ташлаган Машраб сингари боболар руҳи ана шундай имдод вазифасини ўтайди.

Дарҳақиқат, юрак кўри тўкилган суврат рассомнинг соғинчдан орзиқиб тўлиққан дилига юпанч. Аммо, бу тасалли галдаги чегарасиз кийноқлар дебочаси ҳам. Чунки, туркум тўла яқунланмас экан, Комрон сезимларидаги тебранишлар тиним билмайди.

Картина алёри ва ранглар рақси

Ҳомила картинаси орқали *тошқин* руҳида жам барча оғриқлар залвори қайта туйилади ва у мантиқ тарозисида тортилади. Жар қиргоғидан аламзада-ярадор лочин мисол қулаган ва мўлтираб жони узилаётган Нафиса. Гулдек сўлиётган дамларда унинг рухсорини қуршаган соя тасвири. Бу шўрликни мудҳиш ният сари ундаган

изтироблар, бағрини ўйган дард-алам сабабчилари ҳийла-найранглари ифодаси. Севгилиси қалб туғёнлари, ўша пайтда унинг дилида акс садо берган беҳол ингроклару аламли нидолар жаранги. Хуллас, ифодалар қатига инсон кадр-қиммати ва ор-номуси билан унинг кушандаси бўлган ёлғону кибр ўртасидаги омонсиз кураш тушунчаси сингдирилган.

Қалблардан тўкилган қайғу-алам, ситам ва армонлар жала-дўли пайдо қилган *тошқин* билан боғлиқ оғриқларни кўплар аллақачон нутишган. Аммо, ўша дамлар имон-ихлоси сарбаланд, ғайрат-шижоат, сабр-бардош билан тер тўкаётган, имони саломат Комрон хотираларида ҳамон тирик. Бўғзигача ташвиш ва ғурбатга кўмган, сал бўлмаса суягини сил қилаёзган дардлар фаросат тарозусида тортиб, фахму идрок нигоҳи билан кўради. Туркум тизимининг ҳар бир муҳим халқаси ёруғ дунё билан юзлашганида терисига сиғмай қувонади ва янги ишни бошлаш учун енг шимаради.

Ана шундай пайтларда биз Комрон Валига кўшилиб гоҳ севинамиз, гоҳ қайғурамыз. Ботин қулоғимизда марҳумлар дилида кечган ва бутун борликни қамраган нидою видо, беҳол ингрок, оғир хўрсиниклар жаранги акс садо беради. Ичкари қулоғи қар тўралар, носирлар, санамлар, азларлар, зокирлар, аливойлар, ширинлар, чўтирийлар, семизвойлар сингари гумроҳлар эса, расмлар алёрини, зеро, наърасию афгонларини тинглашга ожиз. Демакки, уларга ранглар сеҳрига ипсиз боғланган мўйқалам соҳиби чеккан дарду ситамлар, юрак ютишлар ҳам, боқий ҳаёт зийнат-жозибаси замирида халоскор қудрат завқи мужассам экани ҳам б е г о н а. Ахир, улар олам меҳвари нафосатдан иборатлиги, ҳаёт гўзаллик туфайли боқий ва муқаррам эканини қаердан билишсин?

Дарҳақиқат, бўёқлар – дунёни маърифатга ундаб, қалбни адолат кўёшига ошно этувчи қудратли омил. Изтиробли сўзга кўчган бўёқлар эзгулик ғалабаси ва жаҳолат мағлубияти муқаррар экани ҳақидаги ҳикмат ниҳолини китобхон қалбига қадашга кодир. Масалан, Ҳомила картинаси ҳар бир чизгисига чимдим-чимдим сингдирилган орзиқишу надомат, эзгинлик ва нафрат, жозибаяу ҳайрат, жасорату соддалик, қувонч ва эҳтирос зарблари фикримизни тасдиқлайди.

Комрон Вали чор атрофда хол-хол сочилиб ётган турфа ранглар билан тиллашади. Чунки, ўша ранглар одам боласи табиатида мужассам барча нафосату дағаллик, ғаму қувонч, эзгулиғу разолатдан

ийманиб роз айтади. Ранглар дарду дунёсидан эса, оҳанглар ситилиб чиқади.

Бизнингча, Санам кувноқ қаҳ-қаҳқаси ва Комрон мунгли нидоси азал ва абад ҳикматидан сўзлайди. Масалан, биз қисқа масофа (*макон*) ва бир инсон умри (*замон*) ни олиб кўрайлик. Одам боласи умри ўша вақт ва қисматга тобе эмасми? Келинг, энди вақт ва масофани узайтириб кузатайлик. Энди шу икки тушунча қаршисида нафақат кенгликлар ситилиб ёрилгани ва тоғлар чўккани, балки юксакларни бодрокдай қоплаган ёритқичлар ҳам бетўхтов суратда бир-бирини маҳв этишига шоҳид бўламиз. Ҳа, чиндан ҳам мўъжиза! Агар, ўзимиз ҳам ана шу ғаройиб олам ичра бир сурат эканимизни англасак, ҳайратимиз чандон ортиши шубҳасиз.

Шошманг, аслида, биз қайси манзилда муқим эдик. Наҳот сарғая бошлаган ўт-ўлан, қовжираган ниҳол ва тиканаклар қоплаган нотекис сайҳонлик сари инган бўлсак. Ёки калхатлар гўшасига бош олиб кетдикмикин? Эҳтимол, шундайдир. Ахир, ҳозиргина йиртқич жон ҳолатда кичкирганини эшитдик-ку. Ана, у қирралари оч пушти, хошиядор баҳайбат қанотларини силкитмоқда. Қанотлар бир дам куёшни елпиғич янглиғ тўсиб ўтади. Во ажаб, сиз ҳаво ҳам хиёл тебранганини илғадингизми?

Андак ошиқдик шекилли. Ахир, калхатлар диёрида издиҳом не қилсин? Аммо, у безовта чайқалаётгани ва атрофга ваҳима солаётгани аниқ кўриниб турибди-ку. Манави дуркун, камон қошли барно қиз ким бўлди экан? Ахир, бу дилдор нега издиҳомга қўшилмаяпти. Боз устига, мунгайганича хаёл сурмоқда. Унинг гўзал кўзлари меҳварига чўккан не бўлди. Наҳот, беадад алам ва армон бўлса. Унда биз айрилиқ жабру жафосида мислсиз ўртанган ҳижронзада ошиқлар диёри, яъни сароб водийсига келган эканмиз-да. Шошманг, сулув қаршисида паришон турган йигит лабларидан учган шивир зарбига оғир титранган не бўлди. Сира ажабланманг. Ахир, ошиқ нидоси маъшуқа кўнглини орзиқтирган ва қароқларида ўт чарақлаган онда бутун борлик титрамасми.

Манзаралар айқаш-уйқаш бўлиб кетди дейсизми. Йўқ, азизим, ундай эмас. Сизнинг қаршингизда мозий, бугун ва эртанги кундан сўйловчи турфа бўёқлар юзмоқда. Ахир биз туркум лавҳа-манзаралар қаршисида ўй сураямиз, яъни тирик, уйғоқ ва курашчан ранглар рақсини томоша қиляпмиз. Танишдикки, ранглар уйғунлигида

мувозанат бузилмаган. Ҳар бир чизги аниқ кайфият-ҳолат ифодасига камарбаста ва улардан бизни мозий суроналарига ўраб-чирмаб ташлайдиган маҳзун куй таралмоқда.

Ана шу куй сабабли кутилмаган турфа хил ғаройиб ҳолатларни кечираётганимиз табиий. Ўзингиз ўйланг. Банданинг жисму жони бор бўй-басти билан оламга тегишли эмасми. Орий рост. Аммо, қанчалар муаззам бўлмасин, борлиқ ўша жисму жоннинг ҳар бир ҳужайрасида муқим яшаши ҳам аини ҳақиқат. Тасаввур қилайлик, романда тасвир этилган ва юқорида эслатилган сароб водийси аслида кўнгил иқлимидан жой олган. Ўша маконда кўрган-кечирганларимиз моддий ва руҳоний дунёмизга бирдай тегишли. Бинобарин, улар азалий ҳамда абадий мўъжизалар силсиласига ҳамнафас. Унда Комрон Вали худу беҳудлигида ҳеч қандай қовушмайдиган жиҳат йўқ. Бошқачароқ айтганда, Комрон Вали турли товланадиган рангларга хос сеҳру жозоба бутунлиги пайтидагина мавжуд бўла олади. Демак, аини бир қахрамонда ўтмиш, бугун ва келажак (хотира, реаллик ва эҳтимол тутилган реаллик); туш, хаёл ва ҳақиқат қоришиб кетиши табиий жараён. Бинобарин, инсон мураккаб яратик ўлароқ, ўз дунёсига турфа оламларни сиғдира олади.

Тўра Охуннинг қишлоқ зийнати бўлмиш қандак ўриқларнинг асалдек ширин мевасидан татиганда қорни оғриб, уларга кучаниб тош отиши, илдиз-пилдизи билан кўпориб ёқиш ва кулини кўкка совуришга фармойиш беришида илмоқли сўз ва иборалар мужассам. Зотан, Вали бахши эккан бу ўриқлар бекорга қишлоқ файзи эмас. Ана шу ўриқлар қиёфаси, қолаверса, тушида уларнинг мевасини татиганда Тўра Охун қорни қулдираши, бу холи тушида ҳам такрорланиши, бундан Санам хавотирланиши ҳолатида рамзийлик мужассам.

Чунки, бу ўринда асосий гап, шунчаки мева эмас, балки Вали бахши халқ дилига эккан туғён дарахти хусусида кетмоқда. Муаллиф ўша исёнкор куч қаршисида ҳар қандай нокас доводидаши муқаррарлиги ҳақида сўзламоқда. Қизиги, дарахтлар кесилгани учун ғабланган ўсмир Комрон фожиа тасвирини эмас, балки томошабин (китобхон) да ғашлик кайфиятини уйғотувчи, ғуссали можарога мойил карикатурага қўл уради. Ҳазиломуз қитмирлик билан душманларни бепичоқ сўйиш хатарли йўл, албатта. Бироқ, дилини ўртаётган аламу армон ўтининг тафтини босишни тилаган рассом ака-укаларни кемирувчи сичқон қиёфасида чизишдан тийилолмайди. У ўзаро қовушган, ўйчан ва

истехзоли ранглар марсияси меҳварига умиду тасалли уйғотувчи ғуссаю армонларини жойлайди.

Фано ва бақо оралигида

Назаримизда, юкоридаги шарҳларни теранроқ тушунмоқ учун ёзувчининг “*Фано даштидаги қуш*” романидаги Бўзтой билан “*Ранг ва меҳвар*” даги бўзбола Комрон бир-бирига икки томчи сувдай ўхшашига диққат қаратиш лозим. Чиндан-да, улар ҳақ йўлдан адаштирилгани, ноҳақликдан тинкаси куриб таскин истагани жиҳатидан эгизак. Қайғули хотиралар бўғзида аламли бўз бўлиб қотгани, беун бўзлагани учун бўзбола. Юрагига аламу армон ёшлари милт-милт томаётгани учун кўкалдош...

Дарҳақиқат, Асад Дилмурод романчилик бобидаги услубий изланишларини янада теранлаштириш учун интилар экан, “*Фано даштидаги қуш*”¹³ романидаёқ жаҳон романчилиги тажрибаларини ўзлаштиришга, уларни Шарқ адабиёти, хусусан, Алишер Навоийнинг “*Лисон ут-тайр*” асари, Жалолиддин Румийнинг “*Ичингдаги ичиндадур*” рисоаларига хос фазилатлар билан уйғунлаштиришга, фикр ифодасида тимсолларга таяниб иш кўриш, мажозлар тилида сўзлашга ҳаракат қилган эди.

Маълумки, “*Фано даштидаги қуш*” романида инсон руҳиятининг икки олам ўртасидаги талпинишлари, нафс комида ўз-ўзида адашган, алданган ва аслига қайтишга интилаётган кимса изтироблари қаламга олинади. Худбинлик, хиёнат, қабоҳат, журъатсизлик кескин қораланади. Келажакка ишонч, эътиқод бутлиги, ирода мустаҳкамлиги улуғланади. Тарихий шажаралар билан пайвасталик, кўнгил тилаги йўлидаги фидойилик, болаликка хос покликни асраш, Яратганни танишга интилиш руҳият манзаралари орқали ифодаланади.

Ёвуз ниятли кимсалар томонидан ўтмишидан жудо қилинган, болалиги ўғирланган, ўй-мушоҳададан маҳрум этилиб, жаҳолат комига ташланган, ақидапарастлик гирдобида маънавий инқирозга гирифтор қилинган Саидбек Умар ўз-ўзини тафтиш этади. У Ёдгор валий кўмагида – воситали таъсир остида ўнғланади.

Ҳар бир босган қадамида иштиёқ ва ғайрат намоён, дилида Қуръони Карим жо бўлган Ёдгор валий Саидбек Умарни ҳидоят сари

¹³ Асад Дилмурод. *Фано даштидаги қуш*. Роман. Т., “Шарқ”, 2002.

бошлайди, кўнгил иқлимига олиб киради. Натижада, Саидбек дилида азалдан мавжуд, аммо ғубор босган майллар уйғонади. Унда қутлуғ она тупроқ, илохий шафоат ва саодатдан яралган ўн саккиз минг оламини таниш, Яратганнинг қудрати олдидан итоаткорлик ҳам эхтиром пайдо бўлади. Дилига тушган илохий нур тажаллийси шуурини ҳам уйғотади, тасаввурини ёритади. Шунинг учун ҳам у роман воқеалари кечаётган давр – яқин ўтмишда туриб олис мозий ва келажакни ўз кўнглида бирлаштира олади.

Кўнгил кўчасида адашган Саидбек Умар ўтмишнинг улуғвор хотираларига қайтиб, ота-боболар меросидан дилида таскин, руҳида қаноат, қалбида ғайрату сурур туяди. У мозий сабоғи орқали ўзида теран бир қатъият уйғонганлигини англайди. Натижада қаршисида бир пайтлар шафқатсиз тақдир ҳукми ила ёпилган қопқалар қайта очила боради. Хотираларида эса ўз болалиги тенгқур дўсти Бўзтой киёфасида жонланади. Сахий ва холис ҳомий Энабоши, яъни Эна Кўкбўри кўнглига шиддат ва шижоат бағишлайди. Алал-оқибат, унинг қалбида эртадан умидворлик туйғулари куртак ёзади. Бошқача айтганда, роман қаҳрамони Аллоҳни ҳабиб-дўст-хамдам тутиб, азиз ажодлар руҳидан мадад олиб, билиб-билмай қилган гуноҳларига тавба қилади.

Мухими шундаки, Аллоҳ меҳри туфайли ўзи ва кўнглига қайтган Саидбек Умар болалигини ўғирлаган, умр йўлини нотўғри ўзанган солган ноқаслар билан алоқасини буткул узишга аҳд қилади. Хиёнат саҳросини тарк этиш орқали икки дунё саодатига ноил бўлишдан умидланади. Кўнгил иқлимига теранроқ киргани сари, ардоқлашга лойиқ азиз бисотларини йўқотганлигини, уларни қайта топиш қийин эканини англай боради, афсус-надомат чекади. Эндиликда нафақат ўзи, балки олам ва одам тақдири хусусида қайғура бошлаган Саидбек эзгу ниятлари рўёби учун мурувват сўраб Тангрига ёлборади. Яратганга шукрона билдириб, гуноҳларига истиғфор айлаган қаҳрамон бутун борлигида илохий бир куч, шижоат пайдо бўлгани, истиқболи нурафшон кўрина бошлаганлигини илғайди.

Саидбек Умар хаёлан ўз тасаввуридаги кечмиши саналмиш Бўзтой ва инсониятнинг эртаси Чақалокқа интиқ ҳолда яшайди. Хаёлидаги ҳабиби – Ҳабиба, турмуш йўлидаги йўлдоши Моҳина, Бўзтой ва Чақалокқа кўнглини ёради, уларга фақат рост сўзлайди. Зеро, ўзида ўлмоқ, яъни поклик билан қайта туғилмоқни тилайди. Бу борада у шайх Ёдгор валийдан андоза олади. Кўнглига яқинлашиб, бу бепоен иқлимни

забт этган сари қаршисида саодат эшиклари очилаётганлигини кўради ва ҳис этади. Олдинлари туйилмаган осудалик ва сурур кўнглига далда беради. Худбинона интилишларидан йироқлашган сари кўнгил кўзи кенгроқ очила боради: қарахтлик ғурбатидан қутулиб, иймон ва инсоф кишисига айлана боради.

Роман воқеалари ва қаҳрамонлар хатти-ҳаракатлари гоҳ-гоҳ бошқа ўлчамлардаги оламларга, хусусан, реалликдан йироқ ҳаёлий Саодат мамлакатига кўчади. Бундай лаҳзаларда ҳам қаҳрамонларни ўзаро иноқлик ва қатъият, инсоний меҳр-муҳаббат, эртадан умидворлик сифатлари гўзаллаштириб туради. Машаққатларга бардошли бу бандалар пировардида Буюк қудрат эгаси томонидан муносиб тақдирланадилар. Руҳий эврилиш босқичини ўтаган Саидбек Умар бундан теран қониқиш туяди, фано ва бақонинг ўзаро пайвасталиги ҳам аслида Яратган эгамнинг қудрати нишонаси эканлигини англаб масрур бўлади.

Рухоният, тасаввур ва хотира-эсдалиқлар олами билан реал дунё воқеа-ҳодисаларининг қоришиқлиги китобхондан бирмунча фикрий мушоҳадакорликни, мажозий образлар моҳиятини англаш йўлида ижодий зўриқишни талаб қилади. Демак “*Фано даштидаги қуш*” романи ҳам руҳий олам ҳақида, аниқроқ айтганда, руҳий-маънавий тобелиқдан келиб чиқувчи жаҳолат, манкуртлик – ЁРТИЛИК фалсафаси инкори ва БУТУНЛИК ҳақида битилган асардир. Ишонч билан айтиш мумкинки, “*Ранг ва меҳвар*” адибнинг шу йўналишдаги изланишларида янги чўққи бўлди. Шу маънода, иккала романни ўзига хос дилогия санаш мумкин.

Истеҳзоли шиора

Юқорида кўрдикки, романда турли-туман ҳайвонлар мажозий образлар сифатида ҳаракат қилади. Шундай образлардан бири бўлган шимпанзе айниқса эътиборни тортмади, аниқроғи, қизиқувчан ва жуда эмоционал бўлган бу махлуқ тасвири ўзига хос жиҳатлари билан юракни увиштириб юборади.

Асад Дилмурод шимпанзегга салмоқли бадий-эстетик юк юклагани кузатилади. Қизиги, қафасдан қочган урғочи маймун, бир неча аёл эплолмаган ишни адо этади, аниқроғи, беланчақдаги онасини қўмсаб йиғлаётган гўдакни эмизади ва овутади. Махлуқ думини ликиллайтиб

иршайгани ва тепакал киши тиззасига кўниб тилини осилтиргани ҳам таажжубга молик ҳолдир. Сўнгра Маймун атрофида ҳаммаси бир хил кийинган ва сочлари қиртишланган аёлларни кўрамиз. Улар шўхчан алёрга ирғишлаб ўйнашади. Кўлларига даста-даста сариқ атиргул тутган қоши камон, юзи ширмон жононлар гунча лаблари ҳазилу пичинг, ғийбату фасоддан бўшамай қикирлашади. Қийик кўзларини ишвали сузишади. Шунда биз рассомнинг: *асл хурлик ишқий эҳтирослар қули бўлишда эмас*, деб уқтираётганини англаймиз. Беихтиёр қай бири одаму қай бири маймунлигини ажратиш маҳол бўлган сулувларнинг ҳар бири бир Санам эмасмикин, дея ўйлаб қоламиз. Қичиғи авж куй ва кўшиқлар оҳанги орқали Асад Дилмурод ўзидан адашган издиҳомга истехзоли ишора қилади. Шунда биз Назар Эшонкулнинг *“Маймун етаклаган одам”* китоби ва шу номдаги ҳикоясини эслаймиз. Чунки, адиб эътиборидаги айни ҳодисага пинак бузмаётган муғанний ва хонандалар (кенг маънодаги қиёфасиз оломон) таажжубимиз ва ғашлигимизни янада орттиради. Бинобарин, Назар Эшонкул куйиниб: *“Адабиёт инсоннинг оғриқларидир”*¹⁴, деб ёзгани ва *“Қора китоб”* да инсон эътиқодини кўр-кўрона ва шафқатсизларча инкор этувчи жамиятни *“ёлгон ва фаҳш салтанати”*¹⁵ тарзида идрок этгани бежиз эмас.

Хўш, ясама кўтаринкиликдан холи мунгли ва вазмин оҳанг ботинида қандай залворли маъно яширин. Назаримизда, муаллиф билиб-билмай кўнгил кўрғонини хиёнат ва риё ихтиёрига топширган айрим аёллар ҳаёти, мунгли тақдири, аянчли ва мавҳум умрига ишора қилинаётгандек туюлади. Агар зоҳиран қаралса, поэтик тасвир меҳварида *адабий беодоблик* намоён бўлгандек туюлади. Эътибор беринг, наҳотки аёл зоти қиёфасини *иршайган маймун* қиёфасидан фарқлаш маҳол бўлса. Қолаверса, уларнинг *ҳаммаси бир хил* экани қайси мантиққа сиғади. Лекин, биз тасвирланаётган ўша аёллар кўлидаги даста-даста *сан-сарик атиргул* (бевафолик рамзи) ни, улар *сочи қиртишлангани ва ирғашлаб ўйнаётгани* ҳолатини эътибордан соқит қилолмаймиз.

Демак рамз-ишоралардан эсаётган хуш насимлар ташиётган ботиний мазмунга кўра: камон қошлар пайкони аниқ нишон сари

¹⁴ Эшонкулов Н. Маймун етаклаган одам. Т.: “Янги аср авлоди”, 2004. - Б. 20.

¹⁵ Эшонкулов Н. Маймун етаклаган одам. Т.: “Янги аср авлоди”, 2004. - Б. 82.

отилган. Ширмон юзлар жилвасида таъма илинжи ошкор. Ғунча лаблардан учган розу ҳазил-пичинлар сайёднинг сайд таъмасида ташлаган тўри. Барча ғийбат-фасод ва қикирлашлар оний лаҳзанинг алдамчи қувончига шайдолик – фикрсизлиқ нишонаси. Қийиқ кўзлар ишвали сузилиши эса, ўзига хос чорлов.

Англашиладики, Асад Дилмурод урғуни умуман жинс (аёл) га эмас, балки айрим тоифа (тип) га қаратган. Тип эса, умумлашма образ ўларок, ҳар мақомга йўрғалаши: хотиржам ёки беором тарзда *тилини осилтириши* ва *думини ликиллатиши* мумкин. Демак, романда бадий ифода табиийлиги ва жонлиги таъминланган, зеро, айрим аёллар феълу атвори ва одатларида кузатилувчи муқим белги-сифатлар умумий тарзда акс эттирилган.

Бинобарин, тип яратиш бундай усулида шахс индивидуаллиги муҳим бўлмаса-да, умумийлик муҳитга хос муҳим хусусиятларни ташиди. Илло, бугунги кунда бадий характер ва тип бир хил тушунчалар эмаслиги англаб етилди. Шундай экан, сўнги давр романларида кузатилувчи, хусусан, Асад Дилмурод яратган адабий типларга хос умумий хусусиятларни жамловчилик мақомида қабул қилиш лозим.

Тўғри, улар ёзувчи илгари сураётган ғоявий-бадий ниятни ифодалайди. Аммо, улар Павел Власов, Павел Корчагин, Ғофир, Йўлчи сингари ўзгалардан устун турувчи бадий характерлар ҳам, реал воқелиқдаги инсоннинг тўғридан-тўғри романга киритилган схематик нусхаси ҳам эмас. Чунки, муайян ҳодиса-ҳолатга хос характерли жиҳатларни индивидуаллаштирган муаллифнинг бадий идрок этиш принципида символ муҳим восита ролини ўтайди. Символда эса, хусусийлик ва умумийлик ўзаро уйғунлашади. Ижтимоий муносабатга хос ҳаётий ҳолатлар реалистик ифодаланади.

Истиқлол даври романлари сахнасига кириб келаётган бундай қисмат эгалари образларида руҳий ҳолат ифодасини кучайтирувчи тимсоллар кучли. Муаллиф кўзда тутган бош мақсадни акс эттиришга хизмат қилувчи поэтик ишора ва қабарик тимсолларга асосланувчи образлар китобхон юрагида ғашлик, кўнглида беҳузурлик кайфияти уйғотишга қодир. Чунки, уларда ёзувчи мавҳум қисмат эгалари устидан ўқиган шафқатсиз бадий ҳукм ўз ифодасини топган.

Айни пайтда, Асад Дилмуроднинг алақачон барбод бўлган не-не умрларга нисбатан нафақат нафрат, балки раҳм-шафқат назари билан

караганини ҳам унутмаслик лозим. Чунки, айнан ўша раҳм-шафқат сабабли сувратдан кўтарилиб чиққан тошқин юрагимизни ёзувчи хаёлидаги манзил сари чорлайди. Ўз қалби олис водийсига хижрат этган Комрон Вали умр сувратидаги ёвузлик дунёси ва манфуруна туйғулардан қочиб шаффоф манзил сари интилаётган руҳ ҳақида, ғулуга тўла руҳий ғалаён ҳақида чуқурроқ ўйлаш ва мушоҳада юритишга мажбур этади. Натижада адиб қалбидаги ёруғлик зулматни ёритувчи дилимизни шафқату мурувватга чорловчи маёқ эканини англаймиз. Кўнглимиз ором олиб, ишқ ва ишонч, шижоат ва мақсад, имону шафқат сингари турфа эзгу туйғулар ила тўла боради.

Романни ўқир эканмиз, у тасвирий санъат, бу санъатга юкунган жафокаш мусаввир мадҳияси, яшаш ва курашиш сари даъват эканини илғаймиз, ниҳоят, ўзини ахтариб гоҳ қисмат саҳроси, гоҳ надомат кўчаларига қум ёки тариқдек сочилган Асад Дилмурод сон-саноксиз “мен”ларини жамлашга уринамиз. *Жиноятчи, жабрдийда* ва *ҳакам “мен”* ларни (Ф.Нитше) бир манзилга тўплаб, адиб кўнгил уйидаги суд жараёнини кузатамиз. Муросасиз мушоҳададан кейин ўз-ўзига ўқилган шафқатсиз ҳукми тинглаймиз. Зотан, соғлом ақл-идроқкина, темир интизомга бўйсунадиган эътиқодгина одамзод ғаними бўлмиш нафс хирмонига ўт кўя олади. Мағрур қолган заковатгина ибратга лойиқ қалб иморатини тиклашга кодир. Эркин руҳ эса айнан ўша қошонадан парвоз этади.

Романни қайта-қайта назардан кечирар эканмиз, қулоғимиз остида сабр-қаноат, орзу-алам, ғусса-қувонч, шижоат-бардош қоришмасидан туғилган маҳзун оҳанглар сокин оқади. Бу қўшиқ куйлари муаллиф қалб торларидан таралаётганига шубҳа қилмаймиз. Чунки, у етмиш қават парда ортига яширган киноя мазмунида қат-қат изтироблар мужассам. Изтиробларда эса инсоннинг тақдир олдида ожизлиги, нафс ўпқонига ботган кимсалар қалбини ислоҳ қилиш Яратувчи ҳукмида эканлиги эътирофи акс этган. Адиб ҳукми ички “мени” таваллуд топмаган, ўй-фикрдан бегона, лоқайд одамлар устидан чиқарилган. Романда инсоният тақдирига дахл қилиш банданинг иши эмаслиги ўқтирилган. Одамзодни бесамар мақсад сари етаклаган шўролар тузуми ва унинг малайларига энг катта айб қўйилган.

Асад Дилмурод фикрича, одам боласи ҳар қанча хўрлик ва зўрлик билан кўрқитилса ҳам, маънавий-руҳий интилишларида инсоний эътиқод ва жасорат тирик яшайди. Инсонни ўз хаёлий олами, хотираси

ва гўзал туйғуларидан ажратиш мумкин эмас. Чунки, Яратган иродасига кўра, ички кечинма-майлллар – тоабад муқаррар бўладиган дахлсиз дунё. Яқин ўтмишдаги босқинчи зўравонлар эзугулик ва маърифатга ташна миллатимиз вакилларида итоаткор манқуртлар яратмоқчи бўлишди. Улар мудҳиш ниятлари йўлида таҳқирлашнинг ақл бовар қилмас бешафқат ва тубан усулларида фойдаланишди, ҳатто ингроқлар, азоблар, айрилиқ ва фарёдлардан завқ-шавқ, лаззат ва рағбат олишди, аммо ҳар қанча уришинмасин, фидокор ва доно халқимиздаги курашчан, ижодкор ва бунёдкор руҳни сўндиришга қурблари етмади.

Эврилиш фалсафаси

Юқоридаги сингари белги-сифатлар Назар Эшонқул ҳикоя ва кассалари, хусусан “Гўрўғли”¹⁶ романида ҳам кузатилади. Адибнинг романи аслида ўтган асрнинг 90-йилларида битилган. Унда инсон ботиний қувватини сўриш эвазига яшаган, қулаш арафасида турган собиқ шўро империяси сўнгги кунлари қаламга олинади. Муаллиф сўзлари билан айтганда бу роман: *“Ўзининг тириклигини, мавжудлигини исбот қилиб беролмаган, инсоннинг тириклиги ва мавжудлигини тан олмаган, инсонийлик шаън ва гурурини хўрлаш ва ҳақоратлаш эвазига яшаган ўша мустабид тузумдан чиқариладиган кичик бир сабоқ”*¹⁷ дир.

Роман номини эшитишимиз ҳамон шууримизда бу ном Яқин ва Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ халқлари орасида кенг тарқалган халқ оғзаки поэтик ижоди ёдгорлиги – қаҳрамонлик эпоси, дostonлар туркуми¹⁸га дахлдор эмасмикин? деган савол чарх уради. Агар биз, “Гўрўғли” дostonлар силсиласини кузатсак, улардаги мавзу асосини озодлик, адолат ва халқ бахт-саодати йўлида курашувчи баҳодир Гўрўғли (*ғарбий версияда Кўрўғли*) жасоратлари ташкил этишининг гувоҳи бўламиз. Пўлкан шоирдан ёзиб олинган “Гўрўғлининг туғилиши” дostonида бўлажак қаҳрамон ўлик она ҳомиласидан гўрда туғилади.

¹⁶ Назар Эшонқул. Гўрўғли. Роман. Шарқ юлдузи. 2012, 2-сон., -Б. 14-38.

¹⁷ Назар Эшонқул. Гўрўғли. Роман. Шарқ юлдузи. 2012, 2-сон., -Б. 14.

¹⁸ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. М., 1947; Каррыев Б.А. Эпические сказания о Кер-оглы у тюркоязычных народов. М., 1968; Эпос «Горюгли» Т., 1984 ва б.

Гўрўгли чексиз куч-қудрат ва шижоатгина эмас, балки ақл-фаросат сохиби ҳамдир. Муҳими, у ҳар қандай адолатсизликка нисбатан мурасасиз. Шунингдек, Райҳон араб, Бектош араб, Хунхоршоҳ сингари ташқи душманларга қарши аёвсиз курашчи. Қаҳрамоннинг енгилмас баҳодир, талабчан мураббий ва одил ҳукмдор сифатидаги кирралари: халқ ва ватан тақдири, эл фаровонлиги борасида қайғуриш, уни душманлардан ҳимоя қилиш, ботир ўғлонларни тарбиялаш каби жиҳатларда кўринади. Халқ ботири ўз тадбиркор-ҳомийлик функциясини баъзан чўпон, отбоқар, дарбадар бахши, қаландар, дуохон, фолбин сингари қиёфаларда ҳам амалга оширади. У барпо этган афсонавий Чамбил юрти эрк ва фаровонлик ҳақидаги орзулар рўёбга чиқадиган шартли макондир. Туркумнинг сўнгги достони “*Эрўгли*” да эса, кексайган эпик қаҳрамон Сулдузи тоғида ғойиб бўлади. Кўринадики, фольклорда Гўрўгли образи мардлик, жасорат, эл-юрт манфаати йўлида курашувчи енгилмас қаҳрамон тимсолидир.

Назар Эшонқул романи қаҳрамонлари эса мухташам маҳкама бошлиғи измидаги итоаткор хизматчилар. Зотан, раҳбар ўз ходимлари билан фақат иш ҳақида гаплашиши, барчадан бир хилдаги жавоб кутиши тайин. Бас, шундай экан, ишчининг *K*, *N* ёхуд *T*, *Ў* қабалида чақирилишига қандайдир чалкаштириш деб қарамаслик, бунини мутлақо аҳамиятсиз ҳол деб тушуниш лозим. Демак адиб роман қаҳрамонларига: “*Н*”, *Раҳбар*, *ёрдамчи*, *котиба*, *хизматчи*, *ҳисобчи*, *сартарош*, *қоровул*, *жувон*, *тепакал*”, *новча*, *семиз*, *бақалоқ* қабалида шартли исмлар танлаши ҳам бежиз эмас. Таассуфки, раҳбарларнинг тасодифий чалкашиш ва адашиши Н. ҳаётини бутунлай ўзгартириб, бошқа оқимга буриб юборади. Англашиладики, асарда Гўрўгли деб номланувчи кимсани учратмаймиз.

Бош қаҳрамон Н. ўз лавозимига кўра шифтгача тахланган ҳужжатларни титиб ўтирувчи, у қадар жиддий эътиборда бўлмаган оддий бир ходим. Одатда, қўл остидагилар билан деярли гаплашмайдиган *Раҳбар* уни тасодифий йўқловидан ходимлар типирчилаб қолишади. Кимдир ҳавас қилса, иккинчи бири ҳасад ўтида ўртанади. Зотан, *Катта* ҳамиша ҳам ҳаммани, айниқса паст лавозимдагиларни қабул қилавермайди. Ҳеч бир рисолада ёзилмаган қоидага кўра: *Раҳбар* олдида ходимлар иш билан боғлиқ муаммолардан сўз очмаслиги, имкон қадар ўзларини сипо тутиши, мақтов сўзлар қуюнини ёғдириши лозим. Жумладан, унга ходимларнинг барча ишлар

режадагидай ва ҳатто яхши кетаётгани, яратилган “*шароитлар*” дан гоётада мамнун экани хусусида сўзлашлари, мўлжалга тегувчи аниқ жавоблар айтишга юраги бетламаслиги жуда-жуда хуш ёқади.

Ахир, бутун идора ишчилари ўз *раҳнамо*” сидан миннатдор бўлиб, ялли эхтиромда эканини таъкидлаб туришса, *Раҳбар* мавжудлиги ўз тасдиғини топади-да. Қолаверса, унинг диққат-назарига тушиш одам боласи ҳали эътиборда экани нишонаси. Боз устига, катталар ишончига кириш мумкинлиги муждаси. Бинобарин, нуфузли кишилар эътиборида бўлиш “*яхши*” лар сафида эканинг эътироф этилишини туйиш ва мансаб пиллапояларидан юксалмоқ умиди. Илло, жон куйдириб астойдил тер тўксангу сени ҳеч ким назарига илмаса, меҳр-оқибат кўрсатмаса, бундай бепарволик, лоқайдлик кишига алам қилади.

Пайкаганимиздай, корхонадаги бўғиқ муҳит сабаб, бу масканда кечаётган кундалик ва мунтазам давом этувчи воқеа-ҳодиса, мулоқот-муносабатлар ғирт майнавозчиликдан иборат. Чунончи, қайсидир ходим бир хоналик уйда саккиз нафар оила аъзолари билан тиқилиб яшаётгани, кекса ишчига эътибор суствлигидан сўзлаши, шахсий дардини дастурхон қилиши мумкин эмас. Аслида, ҳарқанча голибона чиранишига қарамасдан, Раҳбар ҳам бир айланса, ҳамма нарсани ямлаб ютишга қодир муаззам чархпалакнинг бир парраги холос. Шунинг учун ҳам, бу масканда барча ишлар алоҳида шахс хоҳиш-иродасига кўра белгиланади, амалга оширилади. Унинг қош-қовоғига қараб турилади. Шахс роли ва ўрни тарихий жараёндан ажратилгани боис, одам боласи истақлари, инон-ихтиёри - эркин ижодий фаолияти эмас, балки нечоғлик итоаткор ва мутъе экани кўпроқ қадрланади. Инсон эркинлигига даҳл қилинган ҳолларда эса, ҳақсизлик, ҳуқуқсизлик бўй кўрсатади. Илло, инсон ҳис-туйғулари ноҳақ таҳқирланса, етказилган маънавий-руҳий зарар қопланмаганидек, жабр-зулм ҳам жазоланмайди. Чунки, масъулиятсиз ва манфаатпараст ижрочи кимсалар виждон, иймон, инсоф, бурч каби муқаддас тушунчаларни аёвсиз топташади. Н.Эшонқул рутубатли, авзои бузук, қор учқунлаб турган об-ҳаво, тўзон остида қолган шаҳар ҳаёти - қутилмаган табиий айнишдан сўзлаши бежиз эмас. (17 б.) Чунки, *романда таназзул ёқасида турган шўро жамияти зўравонлиги, инсон қадр-қимматига нисбатан беписандлиги фош этилган.*

Роман вақти камраб олган муҳитда зиғирча ҳаяжон, жаҳлга берилиш зинҳор кечирилмайди. Норозилик оҳангидан ҳатто С

маҳкамаси деворлари ҳам зириллаб кетиши тайин. Бинобарин, Н нинг ўз ҳамкасбига қарата айтган: “ *Исм – бу одамга ўзини ифода этиш учун берилган. Менинг исмим – бу менинг ўзим, яъни бу мен. Шундай экан, мен ҳеч қачон мени К. Ў. ёки сиз айтгандай, Т. деб чақирилларини истамайман. Мен Н.ман. Н. бўлиб қолганини истамайман. Менга ҳам Н. деб мурожат қилишларини, айтиши шу Н. исмим орқали мени танишларини талаб қиламан. Раҳбар ҳам мени К. деб эмас, айнан Н. деб чақирилишини истамайман*”, кабилидаги оҳангидан исёнкорлик туйғуси яққол сезилиб турувчи муждаси меҳваридаги ошкора талаб-истаклар одамларга тинч шаҳарда кўтарилган тўзон янглиғ таъсир этиши, катталарни эса довдиратиб қўйиши аниқ.(18-19 б.)

Н. ўз ишига масъулиятли. Ёзган ҳисоботлари асосли, аниқ, мантикий далилланганлиги жиҳатидан ҳамкасблариникидан ажралиб туради. У нозиктаъб, хушмуомала ва бамаъни, ишидан мамнун, тартиб-интизомли ходим. Ўзини ҳурмат-эътиборда деб билар, нуфузли идоранинг улуғроқ мартабасига кўтарилишга лойиқ ҳисобларди. Бинобарин, у ҳали ҳаётдан безмаган. Шу боис, маъюслик унинг табиатига б е г о н а эди. Гарчан ёш ва навқирон бўлса ҳам, сўққабош бу кимсани шахсий ҳаётда бахтиёр,- дейиш қийин. Бироқ, қаҳрамон ўзгалар бебахтлигини ҳис этиб, уларга шафқат, мурувват ва ҳамдардлик назари билан қарай олади.

Наздимизда, Н. жамият ахлоқи талаб қилганидай эмас, балки кўнгил тилаги бўйича яшашга интилади. Шунинг учун ҳам, исқирт ва сууюк жувон Ҳавога уйланмоқ илинжида унинг олдида ўзини маликадан имдод кутаётган қаролдек тутати. Қаҳрамон бир ўринда Ҳавога қарата: “*Мен сени бу ҳаётдан бутунлай узиб олмоқчиман*”, (22 б.) дейди. Чунки, Ҳаво азоб-укубатлари Н.учун мутлақо б е г о н а эмас. Мабодо, Н. ёрдамга муҳтож бу жувон қошидан лоқайд ўтса, унинг ҳаёти ўз мазмунини йўқотади. Шунинг учун ҳам Н. Ҳаво тасодиф туфайли тушиб қолган чоҳдан уни халос этиш йўлида жон нисор этмоққа ҳам ризо. Назаримизда, роман қаҳрамони теран мулоҳазалар сўнгиди оломонликдан ажралиб, ўзгача фикрлашга ўтган айти лаҳзадаги кўнгил талпинишини англамоқ учун ҳазрат алишер Навоийнинг: “*Кимки бир кўнгли бузукнинг хотирин шод айлагай, Онча бўлгайким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай*”, - деган пурҳикмат сатрларини эслаш лозим кўринади.

Шубҳасиз, жувонга қилган таклифи ҳарқанча самимий бўлмасин, мавжуд шароитда тан олинмаган, реалликдан йироқ бундай ҳаёлий ва ғайриоддий таваккалчилик туфайли у майна бўлади. Бундай кезларда Н.нинг табиатида Сервантес “*Дон Кихот*” романидаги замонасига ҳамқадам бўла олмаган, аммо ҳақоратланган ва эзилганларга ҳомийлик қилишга интилиш орқали дунёвий дард-иллатларни бартараф этишга чоғланган Ламанчилик дворянга хос сифатлар кўзга ташланади. Ҳар иккала қаҳрамон ҳам юксак ҳис-туйғулар билан реал ҳаёт фактларини уйғунлаштира олмай ўртанишади. Чунки, уларнинг тафаккур тарзи, кўнгил интилишлари қайсидир маънода, ҳаёлий-фантастик оламга дахлдор.

Роман марказида инсонга мурувват ва шафқат назари билан боқувчи Н. образи туради. Тасвир асносида унинг қаршисида: “*юқори*”-нинг ҳар қандай кўрсатмасига итоаткор, уларга хуш ёқиш ва таъмағирлик илинжида чақимчилик, хушомадгўйликдан ор туймайдиган, ҳар нарсага ҳадиксираб қаровчи - журъатсиз ва кўрқок кимсалар кўйилади. Англашиладики, *адиб ҳаёт ҳақиқатини инсон қалби ўйинлари: мурувват ва ҳасад кураши фониди очади.*

Оломон киёфасизлиги шундаки, барча раҳбарлар расман ўлдига чиқарилган Н.нинг қутилмаганда маҳкамада пайдо бўлишидан хурсанд бўлиш ўрнига астойдил малолланишади. Ҳатто довдираб қолишади. Улар ногаҳоний юз берган бахтсиз тасодиф билан боғлиқ англашилмовчиликни дурустрок суриштирмайди. Чунки, бу ҳақда аллақачон газеталарда ёзилган ва вазирликка хабар қилинган. Идора анча чикимдор бўлиб, дафн маросими учун зарур барча нарсаларни ҳозирлаган. Демак бу муҳим тадбирни қолдириш - идора янглишганлигини эътироф этиш катталар мавқеига соя солиши, идора шаънига эса доғ бўлиб тушиши муқаррар. Бинобарин, бундай йўл тутиш асло мумкин эмас. Ахир, не-не казо-казолар олдида бебурд бўлишсинми.

Тўғри, буйрукни шошилиш бажаришга бел боғлаган бу азаматлар ҳаётдан кўз юмган ўша шахси номаълум кимсани ҳужжатида кўра Н. деб қабул қилишган. Аммо, исми шарифи ҳарқанча чалкашмасин, Н. ҳали тирик. Унда кимни кўмишади. Наҳотки, расмий ҳужжатларда ўликлар рўйхатига киритилиш одамни бирпасда мутлақо б е г о н а кимсага айлантурса. Ишни бирон соат тўхтатиш шу қадар улкан фожиа эдимики, азбаройи юмушни ўйлаб, шоша-пиша Н.нинг ўрнига янги

ходим олинса. Ахир, инсон олий қадрият эмасми. Йўқ, якин ўтмишда инсонга фақат ишчи кучи деб қараларди холос. Демак Н.Эшонкул поэтлик маҳорати истехзони кучайтириш орқали фожиа кўламини теранлаштиришда намоён бўлади. Айни пайтда танганинг тескари томонига назар ташланса, ўзгачароқ ҳолат ҳам намоён бўлади.

Биринчидан, “марҳум” кутилмаганда, ҳеч нарса бўлмагандай ишхонада пайдо бўлиши ҳар кимни ҳам ажаблантирувчи ҳол. Илло, кўнгилга: бу арвоҳ эмасмикин, деган ҳадик оралайди.

Иккинчидан, Н.нинг астойдил тайёрланган шунча одамни қабристонга боришдан маҳрум қилиши мумкинлиги истихоласида хижолат чекиши ҳам асосли. Зотан, Раҳбар бош қўшган ушбу дафн маросими вазирлик билан келишилиши, Вазирнинг ўзи қатнашуви кутилаётганию шунча жиддий тайёргарликлар ўлигинга бўлса-да, юксак эътибор белгиси эмасми. Ишхона бўлса, шунчалик эҳтиромли бўлади-да. Шундай экан, Н.нинг ташкилий ишларни қаттиққўллик билан бошқараётган Раҳбарга меҳри товланмаслиги, кўрсатилаётган алоҳида иззат-ҳурмат, ардоқланаётган кадр-қимматидан ғурур туймаслиги мумкинми.

Учинчидан, ўз дафн маросимингда иштирок этаётганингни айтмаганда, ходимларнинг тақаллуф қилиш орқали ўз муҳаббатини изҳор этиши ҳам инсонга эътибор белгиси.

Тўртинчидан, Вазирнинг ўзи сенинг худкушлик қилганингга ишонмаса. Содир бўлган жиноятни бутун идорага ва вазирликка нисбат берса. Азбаройи, қабринг хор бўлмаслиги ташвишида унга мармартош ўрнатишга қарор қилса. Улгуролмаган ишларингни давом эттириш, номингни унутмасликка қасам ичса. Айниқса, сен ҳақингда: “*ҳаммамиз учун қадрли дўст*”, “*ғоят хушмуомала, одобли, гайратли ва келажаги порлоқ*”, “*фавқуллода маданиятли йигит эди*”,- деб тўлқинланиб гапирса. (28 б.)

Бешинчидан, Раҳбар сени бағоят севса, келажагинг порлоқ эканига ишонса. Ҳатто, мутлақо танимайдиган кимсалар ҳам бу фожиа юракларини пора-пора қилганини қайта-қайта таъкидлашса. Бунчалар юксак эътиборга айримлар ҳасад қилса. Жўн бир ходим ҳатто тушига кириши ҳам маҳол бўлган иззат-ҳурматдан таъсирланмаслиги, кўнгли вайрон бўлмаслиги мумкинми.

Бироқ, чуқурроқ ўйласак, зоҳиран самимийдек туюлган ўша гапларнинг эндиликда Н.га мутлақо дахли йўқлигини англаймиз. Чунки

Вазир ҳам, Рахбар ҳам барча баландпарвоз хитоб-таъкидларини ўз “мен”и эмас, балки “биз” кўпчилик номидан изҳор этишмоқда. Зотан, улар учун айни фожиа алоҳида бир одам бахтсизлиги эмас. Шунинг учун ҳам уни дилларига яқин олишмайди. Аксинча, уларни шу кўнгилсизлик сабаб вазирлик ва идора шаънига доғ тушиб қолиши эҳтимоли кўпроқ хавотирга солади. Чунки, эл назарида эътиборсиз ва лоқайдликда айбланиш ёхуд иссиққини ўрнини бой беришдан чўчишади. Бинобарин, уларнинг пайтавасига курт тушган. Н. га ҳаётнинг бирор сўқмоғида суянчиқ бўлмаганидек, оғиз-бурун ҳам ўпишмаган кимсаларнинг “*ёр-дўст*”га эврилиши ҳам бесабаб ва беиллат эмас. Илло, улар катталарга ёқиш, улар назарига тушиш илинжида ёлгонни ямламай ютишга тайёр букаламунлар.

Демак, Н.нинг ўлими ва дафн маросими англашилмовчилик ҳам, рўё ҳам эмас. Бу икки кунлик улкан саҳна. Саҳнаки, минг бир тусда эврилаётганлар қиёфасизлиги намойиш этилмоқда. Чунки, қабристонда гўрга тиқилган кимса аслию зоти билан икки пуллик иши йўқ бу калтабин махлуқлар заррача пинак бузмай, киприк қоқмай, бир инсон покиза номини тириклар сафидан буткул ўчириб, обрў-эътибор, шаън-шукуҳ талашади. Ҳа, чиндан-да, Н. номи энди тириклайин гўрга тиқилган. У на ўликлар, на тириклар сафида йўқ. Демак ҳамма аллақачон ўлдига чиқариб бўлган, ҳеч ким тириклигини тан олмаётган Н.ни бемалол Гўрўғли дейиш ҳам мумкин.

Одамдан қоғоз муқаррам бўлган жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисалар олдида ожиз ва бетадбир қолган Н. нима қилсин. Ҳаётида кечган ва уни оғир ҳаёллар гирдобига ташлаган ҳодисалар мағзини англаш, уларга жўяли ечим топиш мумкинми. Ёки энди бари беҳудамикин. Умуман, борар манзили, бош урар макони ноаниқ бўлган кезларда кундалик ҳаёт маромини бузишга одатланмаган киши руҳиятида мислсиз тушқунлик бошланмасмикин. Йўқ, Н. “*англашилмовчилик*”ка аниқлик киритишга куч ва қурб топиб, ўлими ҳақидаги хабар - некролог босилган “*Ҳаёт*” газетаси таҳририятига йўл олади.

Тандаси арқоғига мос деганларидек, дим ва бадбўй бу масканда ҳам ҳужжат одамдан мўътабар. Мансаб-мартаба талашувчи, саводсиз, ҳасадгўй ва таъмагир кимсалар ин қурган. Шунинг учун ҳам, муаллиф ишоравий оҳангда: “*Улар турли ёшда, турли қиёфада бўлса-да, негадир сочи тўкилган бошлари бир-бирига ўхшаб кетарди*”, деб ёзади.

(33 б.) Нимага масъул эканини тузукроқ англаб етмаган бу мутасаддилар кўникмага айланган турмуш тарзидан воз кечишни хаёлига ҳам келтиришмайди. Бош муҳаррир измидан ташкари бирор иш қилиш ҳуқуқидан маҳрум ходимларга ойдаи кўриниб турган ҳақиқатни англаиш, хусусан Н.нинг тириклигини исботлаш амри маҳол. Бу турқи совуқ сурбетлар ҳужжат билан тасдиқланмаган ҳарқандай даъвони ишончли асосга эга бўлмаган бўхтон мақомида қабул қилишади. Қолаверса, кимнингдир ўлгани ҳақида ёлғон хабар босган газета, энди ўз тупугини қайта ютиш орқали обрўсига путур етказишни истармиди. Ахир, унда кимдир жазоланмоғи муқаррар эмасми. Бинобарин, мурувват ва саҳоват туйғусидан бегона, ёлғону ростни ажратиш маҳол бу маскан Н.нинг ўликлар сафида қолишидан манфаатдор. Акс ҳолда, қаршингда турган одама: *“Сиз расман ўлгансиз”*, дейиш мумкинми.(34 б.) Китобхон романи мутолаа қиларкан, бундай ўлик муҳит – қабристон, ходимлари – Гўрўгли эмасмикин, деган хаёлга боради.

Бизнингча, Асад Дилмурод ва Назар Эшонқул бадий тафаккурини мазмун ва мантиқ нуқтаи назаридан ёвуқлаштирувчи жиҳатлар қуйидаги ҳолларда намоён бўлади:

-- *турфа ўлчамлардаги олам ва ўзига хос мафтункор сир-тилсим бўлмиш одами рассом нигоҳи билан кўриш. Борлиқдан ранг ва оҳанг излаш;*

-- *инсон хотираси ҳамиша тирик деб билиш;*

-- *кўпинча хаёл ва ёлғизлик билан ҳамдам бўлиб, китобхонни гафлатдан уйғотиш ташвиши билан бандлик. Зотан, улар ҳар ким ўз-ўзига қарата: -- Мен кимман? -- саволини беришини тилашади;*

-- *дунёга боланинг кўзи билан қараш;*

-- *қаҳрамон руҳий ҳолатини бўрттириб тасвирлаш;*

-- *вазият-ҳолатга мутаносиб ифода танлаш;*

-- *ғайриинсоний ҳолат (қисмат) лар аламидан келиб чиқувчи фарёд ва нидоларга хос тизимли (давомий) лик;*

-- *маънос ва вазмин мусиқий оҳангдорлик;*

-- *таъсирчан, ва мушаҳадакор фикр-ўйлар, уч-қуйруқсиздай туюлувчи хаёл парвозлари;*

-- *тимсолий маънолар кўпқатлам эканлиги;*

-- *бадий асарни арз-ҳол деб билиш;*

-- *миллий қадриятларимиз илдизлари ҳароратидан баҳрамандлик;*

-- ҳаётбахш умидворлик, яъни яшариб, янгилаиб бораётган эътиқод тасвири.

Сукунат жаранги

Кўкантой картинаси ботинида кенглик, эркинлик ва жасоратни ёқтирадиган жониворга хос қудрат имконини яширгани билан ажралиб туради, зеро, адиб яратга жонли поэтик тасвир бунга бизни яққол ишонтиради: *енгилишни истамас икки бақувват қора қўчқор мурасасиз жанг қилмоқда. Тенада эса беҳад ўткир кўзлари газабнок чақнаган йиртқич қийғир – Кўкантой осуда юзмоқда. Шохлашаётган бу қайсар махлуқларнинг ҳар бир жуни интиқом найзасига айланган. Қаттол туёқлари остидаги беҳисоб майибу майриқ гавдаларнинг яраларидан тим қизил қон томчилаб қўлмак ҳосил қилган.*

Картинада сукунат тасвирланган. Аммо, у ҳайратомуз ҳикоят сўзлайди. Сукунат қаъридан саркаш қўчқорлар маъраши, тўкишаётган шохлар қасирғаси, эзилган фуқаролар оҳ-фиғонлари янграйди. Ва ниҳоят уларни кузатганча тепада парвоз этаётган Кўкантой ёввойи қичкириғи жаранглайди. Важоҳати бузук йиртқич гўё макону замон билан келишишни истамаган қаҳри қаттиқ ажал фариштасига менгзайди.

Бинобарин, мўйқалам жасорат ва иймон бутлигидан яралган бу картинада худбинлик охир-оқибат адолат қадрини поймол этади ва эзгулик ҳамда адолат кошонасини ёқиб кул қилади, деган маъно мужассам. Қирпичок бўлаётган махлуқлар Тўра ва Носир Охунлар тимсолидир. Демак, унда ақлу хушини шайтоний майллар нашидаси маҳв этган ака-укалар ва Санам дунёсига ўт қўйиш орзуси – келажак билан туташган ўтмиш акс этган. Комрон кўнгли, ақл-идроки ва бир жиҳати Машраб нидоларига туташ ҳаёлотуи уйғунлашган. Борлик ва йўқлик олами ўзаро туташган. Рассом вужуди ва дили тасвир билан бирлашгани боис, Комрон туёқлар остида эзилган гавдалар ёнидаги беҳол жуссалардан бирига эврилади.

Демак, **Кўкантой** картинасида тошқин арафасида вужудга келган таранг аётий номутаносиблик ифодаланган. Шунинг учун ҳам ажиб маҳобат ва сирли жозиба маҳсули Комрон Вали қалбига овунч ва ғурур бағишлайди. Ашаддий рақиблари бўлмиш Санам, Тўра ва Носир

Охунлар кўнглига эса кўрқув индиради. Улар хунобини ошириб, шуурини шоширади ва сезимларини сирқиратади.

Чўпчак замиридаги ҳикмат

Увиллаётган шамол Асад Дилмурод кулоғига гуноҳу савоб эртагини сўзлайди. Келинг, яхшиси романда келтирилган ушбу мўъжазгина чўпчакка эътибор берайлик: Кеккайган хўроз сарик кўнғизни ўз луқмасига айлантларар экан, ҳаддидан ошган ғаламиснинг таъзирини берганига заррача шубҳа қилмайди. Аммо, омад юз ўгирганидан тамомила беҳабар лўккиллаётган хўроз салдан сўнг панада пойлаётган тулқивой жигилдонига жойлашажагини ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди.

Хўрозни ғажиган тулки эса, митти жонзотларга озор берувчи, доғули махлуқ танобини тортиб кўйганига тўла ишонади. Ашаддий муртад пайини қирқишдай муҳим юмушни енг ичида битириб, кичиклар соябони бўлиш бурчини беками кўст уддалаганидан мамнуният туяди.

Матонатли жарчи бўлмиш дўсти хўроз ёди учун астойдил қайғурган сиртлон эса, қилвир тулкини тановул қилади. Шу билан фитна, адоват, қитмирлик ва айёрлик уруғини қуритганидан беҳад шодланади. Чунки, тажовузкор додини бериб, тўқайда осойишталик ўрнатган эди-да. Бинобарин, валломат касоскор ҳар қанча гердайса арзирди.

Аммо, тулқивойнинг ўлими кўнғир айиқ томонидан катта жудолик сифатида баҳоланади. Тадбиркор ва укувли дўстини қурбон қилган қонхўр сиртлоннинг тумшуқ кўтариб юриши оғир-босиқ бу махлуқ иззат-нафсига тегади. Ҳаёт мамот жангида сиртлон, бўйни ва бели синиб, айиқ луқмасига айланади. Бу айрилиқ хабарини эшитган йўлбарс матонатли ва ботир ўртоғи ҳимоясига отланади. Очофат айиқ билан телбавор мухораба бошлайди...

Дўнгликка айланган ҳайвонлар қабридан ўт-ўлан ва ингичка ниҳол униб чиқади. У кейинчалик ҳайбатли дарахтга айланиб, барча гурбатларни жамлаган шода-шода мевалар тугади. Майналар чўқиган ҳил-ҳил нашвати бандидан узилиб қуйига шўнғийди ва одамзод қаншарига урилади.

Кўринадики, ҳар жонзот ўз қилмиши учун охир-оқибат тегишли ҳақ тўлайди. Фақат, афсуски, қилмиш – кидирмиш эканига ҳеч бирининг фаҳму фаросати етмайди. Қолаверса, ҳар жабҳадаги ҳаддан ошишлару манманлик Улуғ соҳиби кудрат адолати ва қаҳру ғазаби қошида абас. Илло, чақмоқ чақиб, ўрмонга ўт кетса, шубҳасиз, ҳўлу қуруқ баравар ёнғай.

Эртақдаги аллегорик тимсоллар воситасида адиб дунё омонат, борликнинг ҳар бир унсурида тириклик нишонаси мужассам экани хабарини беради. Бизни турфа ҳангома ва шовқинлар ҳикматидан огоҳ этади. Яратувчи марҳамати ва ҳайбати, меҳр ва жазоси ҳайратланарли даражада мукамал қилиб берилганини уқтиради. Қаттол нафсни жиловлаш лозим эканини, сўнгги пушаймон – душман бўлишини ишоравий мазмунга сингдиради. Етилиб пишган нашватини чўкилаётган чуғурчуқ, ҳийлакор дунё аслида улкан найрангбоз эканидан сўз очади. Ҳаётдаги арзимас ва нотугал амалларни мазохлаб сайрайди. Демак, роман мажозий мазмуни қадим Шарқ фалсафаси, хусусан, *Қуръони Карим* жамлаган айрим ҳикматларига туташади. Қисман эса, ҳиндуизмнинг коинот даврли мавжудлиги ва сансара (*унга кўра жсон абадий ва ўлмас бўлиб, у кўчиб юради*) таълимотига бориб тақалади.

Дарвоқе, нашвати кичик, аммо зарб залворли, чунки, тўқай ҳангомасида заминую самовот ҳикмати мужассам. Мунтазам олишув ва мудҳиш ёнғин ғоявий мазмуни инсон шуурини рутубатлардан поклашга йўналган. Бир-бири пайини қирқиб яшаса ҳам, барибир ўлжа бўлишдан қутулолмайд доғда қолган махлуқлар қисмати бежиз келтирилмаган. Улар китобхонни ўзини юлдузни бенарвон урувчи ва пихини ёрган Тўраю Носир Охунлар, ҳийлакор Санам, шунингдек, бефаросат ва лоқайд қавм : Тарвуз домла, Зокир Ғиёсий, Азлар Ниёз триадасидан юксалтиришга қаратилган. Ёзувчи аксиома даражасидаги қадимий ҳикмат мағзини англамаган Тарвуз домлани: *миясининг қатиги ачиган қари тулки, очиққан айиқ*; Зокир Ғиёсий ва Азлар Ниёзларни: *дўттибоз кўр, туллаган кўтпак* дея кесатишга журъат этади. Ҳатто, нафрати қўзиган Мерган тилидан: *энаси байталлар*, дея ошқора сўқади. Ўз қобиғига ўралиб қолган бундай қурбатсиз, олчоқ ва гумроҳларга зид ўлароқ, Комрон Вали қалбидаги зиё ва сурурни туг қилиб кўтаради.

Тўғри, Комрон ҳам осий банда ўларок, гуноҳу уволлари ортилган эски аравасини судраб юрибди. Муҳими, у нигоҳ илгамас бу оғир юкдан халос бўлиш имкони борлигини англаган мўмин сифатида жиддий оқилона тадбир кўллаш ҳаракатида. Шу боис Бобораҳим Машрабнинг: *ёруғ дунёга келиб лойига билмай бота қолдим*, деган холига ҳамоҳанг оҳ-фиғон чекади. Савоб амалларини кўпайтиришга бош қўшади. Худога таваккал қилиб илдам олға босади, Қодир эгам иродаси, меҳру муруввати орқали яратиклари холоскорлик вазифасини бажаришига умид боғлайди. Демак, ғофлат ва аросат даштида қолиб кетмайди. Армон ва умид қоришиқ кўнгил водийсига ҳижрат қилиб нафсини жиловлайди – ўзлигини топади.

Оломонлик генеологияси

Карвон картинаси тошқин даҳшатларини ифода этувчи туркум марказида турувчи, бинобарин, ахлоқий-маърифий масалаларга фаол муносабат билдирувчи асардир. Эътибор берсангиз, бунга ўзингиз ҳам яққол ишонасиз: *устида шинам тахти равон – кўшк кўндирилган улкан тошбақа. Оёқлари харидек йўзон ва бақувват. Аммо, улар оҳиста титрамоқда. У ҳар қанча қудратли, шижоатли бўлса-да, имиллаб ва хансираб илгарилайди. Кўкси ва бўйнини тутган хол-хол доғлар замирида лоқайдлигу ҳадик пинҳон. Лаб-лунжсида малол аралаш киноя учқунтайди.*

Айни қиём пайти. Ола-байдоқ саф Мағриб ёхуд Машрикқа йўл солгани номаълум. Туя зотига кирон келгандай, тахтиравон имиллаётган тошбақа кифтига ўрнатилишида ҳеч қандай сунъийлик йўқ. Чунки, одамзод тарихи қадар кўҳна чархи дун ҳаракати учун айнан тошбақа мос образ. Бақувват бу жондор имиллаши ва хансираши унинг ҳаракатланиш табиатига мос, айни пайтда беадок йўл чарчоғи билан боғлиқ. Титраши ва хадиксираши эса, донишмандона сийратига ишоралар беради. Қолаверса, у инъерция билан мавҳумлик сари талпинаётган карвон аҳли англамсизлигидан озурда. Ҳадеб тентираб юраверишдан малолланади. Чунки елкаларида кимни олиб кетаётганини билади ва киноядор жилмаяди. Кўк билан ранг талашаётган кўшкдаги тулки қиёфали басавлат махлук бир қўлида силлиқ жилов, иккинчисида эса заранг гаврон ушлаб олгани тошбақа

учун ғоят таниш манзара. Ахир, бу елкалар дунёнинг мазмуни жиловни кандай ушлаш ва говронни қай тахлит ишлатишда деб билган не-не “мўътабар” зотларни оркалайвериш қотиб кетган, ҳатто тошга айланган. Афсуски, уларнинг бемаъни ғурури олам тузилишига ислох киритмади. Умрлари писта пўчоғидай пуч бўлиб чикди. Қадрли лаҳзаларини хасу хашакка сарфлаб хазон қилишгани қолди холос. Дунё моли пучак пулга арзимаслигини англамай ўтаверишди, ўтаверишди. Ниҳоят ушбу узундан узун, бемаънидан бемаъни бефаҳм оломон карвони пайдо бўлди.

Тасвирга кўра, тошбақа оломон тундек қора олис ўтмиши ва шўро мафкурачилари даврига хос ҳолини яхши билади. Шундай экан, шошиб қаёққа ҳам борарди. Тизгинни кўлига олган Тўра Охун ўз ҳукмини қандай ўтказиш восита ва усулларини билади-ку! Афсуски, Тўра Охун ташки виқори унинг ички безовталигини яширолмайди. Ахир, ўйлаб кўрилса Вали бахши, Мерган, Комрон каби саркашлар бор экан, сардор малолланиши табиий. Демак, ёзувчи эзгин ва залворли куй ритмига улкан мазмун юклаган.

Муаллиф ғовлаган бош ва япалоқ пешона Тўра Охун сохта виқор ҳамда ёлғон салобати, силлиқ рафтору макр-ҳийласини фош этаркан, қадимий ҳикматларга мурожаат этади. Мавлоно Фузулий: “*Даҳр бир бозордур, ҳар ким ўз матоин арз этар.*” деб ёзган эди. Шу сатрлардан туртки олган Асад Дилмурод очофат зағчаю чумчуқ чаҳ-чаҳласа, мусичаю кабутарга йўл бўлсин қабилда кесатади.

Асад Дилмурод тасвирлаган эски арава гупчагию шотилари чириб ёрилган, ичи эса бўм-бўш. Билқ-билқ тупроғи тўпиққа чиқадиган йўл эса, ўйдим-чуқур. Бутун орлиқни чанг-тўзон қоплаган. Сочу соқоли патаклаб кетган бўйчан йигит ёрдамга шошади. Биз дарҳол Комрон Валини таниймиз. Рассом инсоният айб-уволлари ортилган чарх аравасини кузатади. Арава гуноҳлар залворидан майишганини билади. Уни пишқириб оқаётган кўприксиз дарё (*пулусирот*) дан қандай ўтказиш ташвишини чекади. Шунинг учун ҳам кемтик дил, ночор кўнгил билан оху фиғон чекади. Шовуллаётган дунё, чувиллаётган оломон ва ўз ҳолига сиртдан қарайди. Кўксида ғофиллигини англаувчи овоз акс-садо беради. Бинобарин, Комрон ўзини ўша сафдан ажратмай, ўзлигини танишга талпинади.

Демак, Комрон Вали лаҳзанинг ўзида оломон карвони билан бир сафда ва айни дамда ундан ажралган. Чунки, Комрон ўз карвонини

кўнгили сафарига йўналтира олади. Кўринадики, адиб ҳажвга йўғрилган ифода залворини оломонлик генеологияси драмасини кучайтиришга хизмат қилдира олган. Бинобарин, *Карвон* картинаси поэтик жозибаси мазмун-мундарижанинг янада кенгайгани, жанговор руҳ салмоғи ортганида кўзга ташланади. Ёзувчи унинг замирида пинҳон оҳ-нола, изтироб-огриқ ва исёнкорлик моҳиятини туркум таркибига кирган бошқа асарлардаги шу хил туйғу моҳияти билан уйғунлаштиргани кузатилади. У макр-ҳийла тўрини тўкиётган Санам чилдирмасига ўйновчи касларни фош этиб, яхлитликда англашилувчи моҳиятга мислсиз қудрат бағишлайди. Натижада шуурини ғафлат моғори қоплаган аросат кимсалар фитнаю фасоди инсоф-диёнат, имон-этиқод, инсоний кадр-қиммат, уят-андиша тарозусида тортилади. Тақдир фалсафаси ва Тангри иродаси эътироф этилади, Мавлоно Жалолиддин Румий ҳикмати билан айтганда, Комрон Вали зоҳир кўзини юмиб, кўнглини кўзга айлантира олган.

Дарҳақиқат, Комрон Вали руҳини чулғаган зориқиш умидбахш сурурга эврилади. Айнан ўша сурур бутун сезимлари ва вужудини қамраб, руҳига қувват бағишлайди. Ижод онларидаги ажиб тароват сеҳрига чулғанган рассом ҳаёлотнинг поёнсиз кенгликларига кезинади. Ичкин дарди дунёсини рангу оҳангларга ишониб топширар экан, кўҳна чарх ғам-ташвишлари, изтироб-қувончларига уйғун, эзгуликка ундовчи ипақдай эшилган мусиқий оҳанглар кучоғида қолади. Қалбига нурдек куйилган тароналар таъсирида хайрат бармоғини тишлаб, ранглар асирига айланади.

Айтиш мумкинки, Комрон Вали пурвиқор тоғлар этагидан илгарилаётган карвон тасвири аро мустақил тимсолга эврилади. Эски аравалар шилдираш, масикқан отлар кишнаши, бўрилар улиши рассом кўксига акс-садо бериб жаранглайди, алқисса, картина ботини ва зоҳирига хос мантиқ латиф бир қабариклик билан аксланади.

Ранглар қатидаги ҳайрат

Умуман, романда Асад Дилмурод бениҳоя ҳайбатли – самовий ва оламий шовуллаш садоларини тинглайди. Беҳад сирли бу овоз гоҳ сокин ва оҳиста, гоҳида эса ғоятда гувиллаб янграйди. Баъзан сукунат бағридан узилиб баланд пардаларда жаранглайди. Гоҳида, Тарғил ва Дўлвор бўғзидан таралган дағал овозлар якка дарахт шивирларига

кўшилиб тобора кучая боради-ю, бизни мувозанат синиқларига рўбарў этади. Омонат – омон – аҳли ом!!!...

Кўксимизга урилиб қайтаётган акс садолар нафсу тама, хушодаду бўхтон, хиёнату хато шаклларига эврилиб бениҳоя каттлашади. Ёлғон ва макр дунё шакл-шамойилида муқимлашади. Қаршимизда қиёфасиз пандавақио фаҳми пўстак ғаламислар олами қад ростлайди. Атрофни гарду тўзон қоплайди...

Асад Дилмурод ўз оромини бузган дардларни сабру бардош, кунт ва қатъият билан муттасил изланиб, умид билан сатрларга тўқаркан, ундан эсган насимлар олис-олисларда гувиллаётган муаззам уммон тўлқинлари садоси ва Нуҳ кемаси хабарини етказди. Ғўнгилаши билан бадга тегаётган чивинни қайларгадир учуриб кетади. Бетига чарм қопланган касларни эса, Нуқра ғоридаги илону чаёнлар ялоғига улоқтиради. Қадр майсаларини силаб-сийпаб, эзгулик дарахтини аллалайди. Шу кез идрокимизда жасур бир дарға жонланади. Бўғиқ минғирлашлар йўқлик қаърига сингиб кетади. Кўксимизда мотам марсияси эмас, балки ҳайрат марши янграб, жўровоз ҳайқирик жаранглайди.

Эндиликда ҳаёт чилдирмаси, чилдирмачиси ҳатто раққоси ҳам ўзгарган. Дил фуқароси бўлишни олий матлаб санаган ижодкор кўнгилга имконлар эгаси солган улуғ қудрат шундаки, у ғофил шўрликлар аъмолини бир ҳовуч хазон ёхуд тупроқ янглиғ супуриб ташлашга қодир. Бўёқлар олами исёнга келиб, марҳамат ва ихлос уйғунлигидан чиқарилган баркамол ажр кўнгилда ачиниш эмас, балки энгил бир қониқиш ва шукроналик уйғотади. Ҳар қанча эзгин оҳангларда янграмасин, дўмбира саслари қулоққа майин ва мағрур эшитилади. Сетор ва дўмбира садолари жўрлашиб дилга чексиз ғурур, завку шавқ улашади. Руҳимиздан ғуссаларни қувиб, уни умидворлик осмони сари юксалтиради.

Дарҳақиқат, шижоату заковат-ла бунёд этилган асл санъат асари ҳайрат-салобати ва жозибаси ана шу нуқтада намоён бўлади. Чунки, унинг шакл ва мазмуни орасида ҳаётий мантик ҳамда сурур ястаниб ётади. Изтироб ва санчиқлар безовта дил тафти билан меъёр тамойили асосида уйғунлашади. Бинобарин, зиддиятли ва мураккаб жараёнлар талқинида ҳеч қандай сохта зўриқишга ўрин қолмайди. Сайқал топган нафис ифодалар бағридан муаллиф самимияти сизиб чиқиб, холислик шабадалар уфуради.

Хуллас, “Ранг ва меҳвар” романида ҳар бир япроғу бутук, майсаю бинафша, шудрингу ёмғир, дўлу жала сахт-сумбатига яраша рангу оҳангга чулғанади. Шовуллашлар заминий ва самовий ўлчамларнинг қат-қатларига урилиб қайтади. Борлиғу йўқликни саросар кезиб чиқиб, кўнгилда акс садо беради. Натижада, нафақат макону замон, балки жамийки унсурлар ҳам айни лаҳзага бирлашиб, латиф шивирлар ҳосил қилади. Хаёлу тасаввур тулпори елганида қулокка чалинган бу симфонияда ҳикмат ва ғурбат оҳанглари коришиқ. Шу боис улар гоҳ хомуш кайфият, гоҳида эса ғурур ва сурур улашишга кодир. Муҳими, ҳар иккала ҳолатда ҳам вужудимиз, дилимиз ва раҳиятимизни алғовдалгов қилиш – сезимларни мувозанатдан чиқаришни уддалайди.

Юқорида кузатганимиздек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи А.Дилмуроднинг “*Ранг ва меҳвар*” романида мураккаб композиция қурилмаси: бугунда туриб тарихий ўтмишга муроҷжат этиш йўли билан воқелик ва қаҳрамонлар хотира-кечинмалари, конкрет ҳодиса эволюциясини кўрсатиб бериш шакли етакчилик қилади. Ёзувчи кино санъатига ҳос усул (*репро*) дан фойдаланиб воқеаларни жонлантиради. Персонажлар характер-хусусиятларини даврлар силсиласидаги ҳаёт мантиғига монанд тарзда кўрсатиб беради. Ретроспектив тасвир усули экстремал вазият-ҳолатларга ҳос ички драматизм орқали характерни тугал ва яхлит тасаввур қилдириш имконини беради. Адиб Комрон Валини жўн аламзада, ҳақ даъвосидаги қасоскор эмас, балки издан чиқққан ва чиқаётган қадимият, қадриятни ўз ўзанига солишга интилаётган фидойи ШАХС сифатида тасвирлайди. Уни маънавият, ахлоқ, инсоф, диёнат, адолат, ҳақиқат, муҳаббат, вафо ҳимоячиси, демакки, жамият барқарорлиги курашчиси сифатида ифода этди. Ахлоқсизлик, виждонсизлик, нопоклик, жиноят сингари бошбошдоқликларни одам боласи тийнатидаги шайтоний инстинктлардан қидиради. Инсон характери ўз интеллектига кўра ғоятда мураккаб, бениҳоя ингичка, баъзан ўта зиддиятли эканини англади, англантишга интилди. Раҳмоний гўзал сифатларни олқишлади. Шу маънода, бемалол айтиш мумкинки, Асад Дилмурод бадиий талқин жараёнига бетакрор замонавий руҳни сингдирган.

Шубҳасиз, асар айрим маромига етмаган ўринлардан ҳам холи эмас. Масалан, адиб номарғуб қаҳрамонлар -- Санам, Тўра Охун ва Носир Охун, Тарвуз домлани ҳам ўз ҳаёт йўли мазмуни ҳақидаги теран

ўйлар гирдобидан олиб ўтмайди. Агар шундай йўл тутилганида, инсон ҳаётининг мантиғи ҳақидаги асар фалсафий моҳиятини янада чуқурлаштириш мумкин бўларди. Ифода асносида кузатилувчи бундай ғоявий-бадий диссонанс (*уйғунликнинг бузилиши*) Комрон Вали қаршисида турувчи қаҳрамонлар тасвирида бирқадар схематизмни юзага чиқарган. Ёзувчи эстетик идеали ҳамда поэтик тафаккурида шаклланган томонлардан бирини тасдиқлаш ва иккинчисини инкор қилиш муносабати, характер ва тип яратиш, уларга хос белгисифатларни умумлаштириш жараёнига таъсир этган. Чунки унинг ижтимоий тип ҳақидаги мулоҳазалари таққослаш, реал нисбатларга роя этишга эмас, азалий қарашларимизда қолиплашган тасаввурларга асосланади. Шаксиз, Носир Охун ва Тўра Охун типдаги қаҳрамонлар эътиқодий асослари жиҳатидан бир хил. Аммо тип қиёфасизлиги тасвирида санъаткорона таҳлил ва бадий талқин мантиқи бузилмаслиги лозим.

Ёзувчи *тошқин* билан боғлиқ туркумга негадир Комрон чизган барча сувратларни киритмайди. Чамаси, улардан айримлари шафқатсиз тарзда йўқотилгани бунга халакит берган бўлса керак. Бироқ, тахайюл кудрати билан уларнинг барчасини ягона нуқтага жамлаш мумкин эди. Таъкидланганидай, романда беғубор болалик ва бўз йигитлик катта ҳаётий тажрибали инсон руҳий-психологик кечинмалари призмасидан кузатилади. Шунингдек, баъзан адиб турли ўлчамларда кечаётган бадий воқелик ичида фикран чалғийди.

Яна бир мулоҳаза: Асад Дилмурод тумор ва ханжар тимсолларига юклаган ишоравий маъно инсон зотида ҳамон танлов имкони мавжудлигидан мужда беради. Муҳими, адиб кимнинг ижодий тажрибасини ўрганиш эмас, балки қандай мақсадда, не маслак сари интилиш ва қай йўсин курашиш муҳимлигини яхши англаган. Тангри кўнглига солган ният ижросидан қаноат туйган.

Бемалол айтиш мумкинки, эркин ҳаволар кенглигига чиққан истиқлол даври ўзбек романий тафаккури илғами Асад Дилмурод идрок қалами билан огоҳлик хитоби бўлган ҳикмат китобларидан бирини битди. Истиқболи янада нурафшон бўлажаги ҳақидаги майин шивирлари ила замондошимиз кўнгил кулоқларини эркалади.

Абдулла Қодирий “*Ўткан кунлар*” романида Юсуфбек Ҳожи, Мирзакарим қутидор каби иймон-этиқодли кишиларнинг бетакрор характерларини яратди. Шунингдек, “*Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан*” асарида замона уламолари Мирзасалимсоқ Охунд ва унинг фарзанди Маҳзум домла образларини чизишда ҳам қаҳрамонлари инсонлик шарафини тўғри этиқод, яратувчи кудрат-ҳикматини тафаккур қилиш, хурофот-иллатлардан асраниш масалаларига боғлаб талқин қилди. Бунинг зидди билан машғул кимсалар ботил қарашлари ва нотугал амалларига, тийиксизлик ҳамда нопокликка бўлган нафратини яширмади.

Адиб ўз асарига Маҳзумнинг дилгир руҳият-кайфиятига монанд услуб танлади. Фикр одами нигоҳи билан дунёни кузатгани боис унинг қаҳрамони ўтган умрини теранроқ англашга интилади ва замонасини тушунишга уринади. Меҳр-окибат соғинчидан туғилган ҳолат-кайфиятларини изҳор этади. Ёзувчи образ моҳиятини унинг қалби маънавий-руҳий ҳолати узвига айланган ғоя-ҳукмларга хос мезонлар асосида ифода этади. “*Фитна замон*” ноҳушлиklarини кўрган Маҳзум характерида айрим ҳолларда кузатиловчи қаҳр-ғазабнинг беҳад алангаланиб кетиш ҳоллари унинг тийнатида миллий-генетик хусусият ҳукмронлиги боис, табиий қабул қилинади.

Кўринадики, Абдулла Қодирий қаҳрамонни ҳатти-ҳаракатга даъват этувчи ва фаолиятини рағбатлантирувчи дастурни белгилаб берувчи кучни беҳато аниқлаган. Образ ишонарли ва жонли одам сифатида қабул қилинишини таъминлаш мақсадида унинг айрим “*шалтоқ*” ишларию ўзини идора қилолмай қолган ҳолатларидан кўз юммаган. Назаримизда, характернинг инсоф ва диёнатли нигоҳини янада ёркинроқ кўрсатишда муаллиф қўллаган кесатик-истехзолар, ҳатто бирқадар шаккокона мулоҳазалар ҳам муҳим ўрин тутаяди. Китобхонга ишонч билан қараган Абдулла Қодирий “*ҳар замон жамиятнинг қитигини излаш*”дан чарчамай, характерлар кулгуси яратиш орқали миллий ҳажвиётни кескинлик ва ўткирлик ҳисобига янада бойитган. У: “*Сиз ўқуғучининг бир озгина фикри салимингиз бўлса ўзингиз ҳам иқрор тарсиз... Сўз бир мантиқ устида айтилса киши ҳеч вақт дард дилмайди*”, дея таъкидлашни ҳам унутмаган.

Бадий насримизда бундай ҳол, яъни қаҳрамонни табиий майллари: нафратомуз, фожеий, кулгули ва ибратли ҳоллари (*юмористик, сатирик, трагик ва дидактик пландаги тасвир*), вазият-

шароит ҳукми, дунёқарашига монанд тарзда ҳазил, нимтабассум, имо-ишора, киноя-кесатик, қочирик, пичинг, қистирма гап, истехзо, захарҳанда каби кулгининг хилма-хил товланишларидан фойдаланиб ифодалаш анъанаси ҳамон давом этаётгани дилимизни қувонтиради. Илло, ҳамиша ҳам у ёхуд бу образ моҳияти, ифода услуби бу каби серқатлам асарлар етакчи пафоси, уларда ифодаланган характерлар ҳаракат мантиғи ранг-баранг ифодалар гармонияси орқали англанади. Қахрамонлар хотира-таассуротларида кузатилувчи холис танқидий нигоҳ эса, қаламга олинаётган даврнинг мураккаб ички зиддиятларидан тортиб, табиий инсоний қувончу ташвишларгача (*руҳий драматизм*) бўлган тасвир объективлигини таъминлайди. Ҳажв тиғи ва кулгулилик қаратилган объектлар замиридаги аччиқ ҳаётий ҳақиқатларни англаш имконини беради.

“*Ранг ва меҳвар*” романи ифода йўсинида туш, реаллик, ишоравийлик, мажозийлик ёрқин кўзга ташланади. Шу боис романни теранроқ тушуниш ва эстетик талқин қилишда бу каби омилларни назардан қочириш мумкин эмас. Эрих Фромм инсон ички оламидаги меҳр-муҳаббат туйғуси етарлича эътиборга олинмаётгани, эгоизмнинг келиб чиқиши ва жамиятдаги бегоналашувга катта аҳамият қаратгани бежиз эмас. Олим “*Инсон жони*” асарида таъкидлаганидек, “*Мажоз тили – ташқи дунё ички дунёнинг тимсоли, қалб ва ақл тилини ифода этувчи тилдир.*”¹⁹ Олим ўз фикрини давом қилдириб, мажоз тили инсон ботиний ҳоллари ва борлиқнигина эмас, балки содир этилган ва амалга оширилажак ҳаракат симптомларини ҳам ўзаро қиёслаш ва ҳис қилиш воситаси эканини алоҳида таъкидлайди. “*Мажоз тили шундай тилки, -- деб ёзади у, -- бу тил ички ҳолатимиз ва атрофимизни ўраган моддий борлиқни, нимага асосандир қилган ёки нимага асосандир қиладиган ишларимиз билан қиёслаган ҳолда, сезги аъзолари орқали ҳис қилиш имконини беради.*”²⁰

Танишганимиздай, “*Ранг ва меҳвар*”да ёзувчи деярлик мажоз тили орқали сўзлайди. Комрон Вали фикр-ўйлари, туш ва хаёлоти ифодаси мажозий мазмун ташийди. Аниқроқ айтганда, улар орқали макон ва замондаги ташқи воқеликка ишора қилинади. Бинобарин, зоҳиран ҳақиқатдан йироқдек туюлган фантастик ифода мажоз тилига кўчирилгани боис ботинан аниқ ва реал турмушни акс эттиради.

¹⁹ Фромм Эрих. Душа человека. М., “Республика”, 1992, С. 185.

²⁰ Фромм Эрих. Душа человека. М., “Республика”, 1992, С. 292.

Бизнингча, роман қаҳрамони тушлари ҳам муҳим мазмун ва моҳият ташийти. Чунки инсон патологик ёхуд реал хатти-ҳаракат ва ҳолат мотивлари унинг онги ва онгости оламида зухурланади. Туш табиати унинг инсон *онг ости* фаолияти билан боғлиқ воқелик эканини кўрсатади.

Демак, Асад Дилмурод инсон билишининг мазкур икки хил типи уйғоқлик (*онгнинг ташқи олам билан боғланган ҳаракати*) ва специфик ҳолат – туш кўриш (*ўзлигини ғайришуурий тарзда англаш*) жараёнлари, яъни алоҳида одамнинг физиологик ва психологик кирралари ўртасидаги ўзаро муштарақликни ягона нуқтага бирлаштиради. Шу орқали характерлар руҳий дунёсини тўлақонли очишга эришади. Илло, инсон бир-бирини тақозо этувчи бу икки кутбдан хорижда мавжуд бўлолмайди.

Адиб роман қаҳрамони Комрон ижодкор шахс экани боис унинг ички табиати инсоният мифогенетик ва ахлоқий тажрибасига мутаносиб жиҳатларига урғуни кучайтирган. Шу орқали одам боласи қалби ва борлиқнинг руҳий олами ягона эканини тасдиқлаган. Бинобарин, инсон онги ва онгсизликка мансуб муаммоларни фалсафа тарихи, шеърият, диний ва маданий ёдгорликлар асосида кўриб чиққан К.Юнг (1875-1961)нинг ботин оламига кира олган инсон қалб кўзининг чексиз кенгайиши – ўз-ўзини англовчи *психик энергия* ҳақидаги талқинларига яқинлашган. Тафаккурни сўз билан боғлаб, *онг ости* қатламларини моддийлаштиришга эришган.

Бошқачароқ айтганда, Комрон ички олами бутун жаҳонни қамраб олади. Мазкур жараёнлар ботинида давом этади. Чизган тарҳларидаги образларга кўчади. Ҳатто айрим суратлар ғайришуурий кудрат назокати ва залвори остида юзага келади. Муҳими, у яратган образлар бир-бирини шу қадар мустаҳкам боғланиб кетадики, натижада ягона ҳаётий оқимни ташкил этади. Асл бадийий-эстетик моҳият ҳам *тошқин* ҳақидаги туркум таркибига кирган картиналардаги характерлар психологизми орқали намоён бўлади. Диалектик бирлик ва маънавий изчиллик таъминланиши эса, бадийий-эстетик таъсирчанликни юзага чиқаради.

Шўро даврида айрим гумроҳлар томонидан адаштирилган ахлоқий кадриятларни улуғлаш руҳида битилган “*Ранг ва меҳвар*” романида насримиздаги қодирийона ижодий анъаналар муваффақиятли давом эттирилди ва янада ривожлантирилди. Ақли салим, ростгўй, диёнатли,

юрт тақдири ҳамда инсон фожиасига юраги ачишадиган ёрқин характерлар яратилди.

Таъкидлаш ўринлики, нохуш ҳоллардан ҳазар қилган Комрон ўз ўтмишдоши Тошпўлат тоға (*Қодирийнинг “Тошпўлат тажанг нима дейди?” асари қаҳрамони назарда тутилмоқда*) сингари баъзан вазият тақозосига кўра андак чапанифеъл киефада намоён бўлса, баъзида ижирғаниб сўзлашдан ҳам тийила олмайди. Зотан, унинг табиатида оқибатсизлик, ахлоқсизлик, бетамизлик, хиёнаткорлик, қаҳри қаттиқлик ва адолатсизликка қарши исёнкорлик мужассам. Умуман, романда шўро ҳукумати сиёсати, унинг олифта малайлари миллий қадриятларимизга етказган мислсиз зарарлар асл илдизлари фош этилган. Адиб миллат, ватан ва халқ ташвишини ифода эта олган. Роман қаҳрамонлари мунгли нолиш, қаҳрли оҳлари ва асар ҳажвий ифода йўсини чин ҳақиқатлар драмасини юзага чиқаради. Бу мунгли ва изтиробли *роман-айбнома* китобхонда мискин элдошларимиз қисматига ҳамдардлик, жаҳолат, оқибатсизлик, ёлғон, тенгсизлик ва адолатсизлик ҳукм сурган яқин ўтмиш замонасига эса нафрат туйғуларини уйғота олади.

Роман поэтик тили, услуби ва ритми ўзига хос. Ёзувчи Санам, Тўра Охун, Носир Охун; Тарвуз домла, Азлар Ниёз, Зокир Гиёсий; Вали бахши, Мерган, Комрон; Роҳила отин, Комрон, Нафиса ва бошқалардан иборат қатор триадаларни ўзаро яхлит психологик занжирга пайвандлайди ҳамда мантиқий боғланишда очади.

Туркумнинг *Ғунча*, *Ҳомила* картиналарида тасвирланга Роҳила отин ва Нафиса образлари кўзларидан ғоятда кучли ғазаб ва нафрат ёлқини сачрайди. Бу олов шу қадар қудратли эдики, у дунёни мурдор, инсон қалбини занжирбанд қилиб, ёлғон ва макр пойдевори узра *қайта қуриш* учун қасд қилган, ҳатто *азроил билан битим* тузиб, ўзини абадиятга дахлдор билаётган ва тошқинлар сабабчиси бўлган Санамни ёндириб юборади. Санъатнинг улуғ қудратини қарангки, ундаги ҳақиқат, қолаверса, Машрабнинг юқорида эслатилган сатридаги оҳу фиғон билан бирлашган гўзаллик разолат тимсолини, бир ҳовуч кул ҳам қолдирмай, буткул махв этади ва олам халоскорига айланади.

Хуллас, Асад Дилмурод “Ранг ва меҳвар” романида ўртага ташлаган ҳаётий зиддиятлар, садоқат ва эътиқод, қаноат ва диёнат, хиёнат ва хато, хунрезлик ва худбинлик, ниҳоят, муқаррар жазо хусусидаги оқилона хулосалар талабчан ва зийрак китобхонни бефарқ

қолдирмайди. Умуман, асар лейтмотивини, *дунё кўҳна, зеро, у моддий ва руҳий олам меҳвари атрофида айланади, айланаверади тарзидаги* теран фалсафий ҳикмат ташкил этади.

ЯНГИЛАНАЁТГАН БАДИИЙ ТАФАККУР

Замонавий ўзбек романи билан боғлиқ муаммолар ҳамиша адабий танқидчилигимиз диққат марказида бўлиб келмоқда. Бу борада “*Ўзбекистон адабиёти ва санъати*” газетаси “*Бадий наср тили ва давр*” мавзусида ўтказган давра суҳбатида адабий жараённинг долзарб муаммолари тилга олинди. Баҳс-мунозара асносида бадий наср тили билан боғлиқ анъаналар, бугунги глобаллашув даврида поэтик тафаккурда юз бераётган ўзгаришлар, янгиланишларнинг насрдаги кўринишларига Б.Назаров, У.Норматов, Қ.Йўлдошев, Б.Карим, Д.Қуროнов, И.Ғаниев, У.Ҳамдам, Ғ.Карим, А.Алимбеков каби адабиётшуносларнинг турли авлоди томонидан фаол муносабат билдирилди²¹. Жумладан, академик Б.Назаров бадий тил алоҳида асарлар ва алоҳида адиб учун хос ҳодиса эканлигини таъкидлайди. У.Норматов эса, бадий наср тилини замон, қалб, тафаккур кўзгуси деб биледи. Қ.Йўлдошев сўз муносабат воситаси эканлигини қайд этса, Б.Каримов сўзни ҳис этмоқ эстетик дид билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратади.

“*Шарқ юлдузи*” журнали таҳририяти ҳам ҳозирги шиддат билан ўзгараётган замоннинг ўзи мустақиллик даври адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги олдига қўяётган кескин ва долзарб муаммоларни англаш, хусусан роман муаммоларини ўрганишга муттасил диққат қаратиб келмоқда. Зотан қалам аҳлининг давримиз солномасини яратишдаги ўрни, адабий жараёнда кечаётган тозаришлар атрофида йиғилиб қолган муаммолар, ижодкор шахсияти, маънавий интизомига хос изчиллик масалалари кўплаб баҳс-мунозараларга объект бўла олади.

²¹ Қаранг: Бадий наср тили ва давр. Ўзбекистон адабиёти ва санъати., 2008 йил, 19 декабр, Шукур Содик. Асарнинг жозибаси тилида эмасми? Ўзбекистон адабиёти ва санъати., 2009 йил, 9 январ, Ғаниев И. Мурося кўзи билан қарамайлик. Ўзбекистон адабиёти ва санъати., 2009 йил, 20 феврал, Алимбеков А. Тилшунослар, фаоллашинг!, Ўзбекистон адабиёти ва санъати., 2009 йил, 3 апрел ва б.

XX аср ўзбек романчилиги тажрибаси шуни кўрсатадики, ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий мавзулар кўлами кенгайиши умуман ижобий ҳодиса бўлгани ҳолда, муаммо кўтариш роман поэтикаси учун етарли хусусият бўла олмас экан. У ёхуд бу роман муаллифи миллий ва умуминсоний моҳиятда ҳис қилган ҳақиқатларини инсон қисмати орқали ифода этолсагина, китобхон таваққурини поклаш, руҳиятини ингичкалаштиришга эриша оларкан. Афсуски, шўро даври замонавий мавзудаги романлари аксариятида ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий ҳаётда демократик нормаларнинг бузилиши ўша тузум “*айрим номукаммал қирралари*” тарзидагина баҳоланди.

Шубҳасиз, монографияни мустақиллик даври берган улғ имкониятлар боис янгича йўсинда ёзилган “*Ранг ва меҳвар*” ҳақидаги фикрлар билан тугатиш мумкин эди. Бироқ, юқоридаги каби адабий-эстетик муаммоларга бўлган муносабатимизни муҳтарам китобхонлар билан ўртоқлашиш ниятида унга ушбу фаслни ҳам кўшишни лозим топдик.

Назаримизда, инсон омили куч-қудратига чамбарчас боғлиқ бўлган ижтимоий жараёнлар зоҳирий ҳамда ботиний асосларини иқтисодий-сиёсий ва маънавий тараққиётдан ташқарида изоҳлаш маҳол. Зотан, ҳар қандай ўзгариш фикр ва кайфиятдан ибтидоланади. Воқеа-ҳодисалар ривожда узлуксизлик мавжуд экан, ижтимоий жараёнлар муайян омил ва манбаларга нисбатан сабабу оқибат сифатида намоён бўлади. Демак даврнинг инсон фикру кайфиятига таъсири ҳам узлуксизликда олиб қаралмоғи, унинг миллий ва минтақавий аҳамияти умуминсоний, умумбашарий қадриятлардан хорижда кузатилмаслиги керак.

Маълумки, ҳар қандай ўзгариш ҳаракатдир. Шундай экан, ўзаро таъсир ва мураккаб алоқадорликдан ташқарида нафақат табиий, балки ижтимоий ўзгариш ҳам содир бўлмайди. Илло, ҳодисалар ягона қонуниятли оламий ҳаракат жараёнидан иборат. Биламизки, қадимий афсонаю эртақлардан эпик асарларгача халқимизнинг эрк ва озодлик ҳақидаги орзу-ўйлари акс этган ва бу жараён бирор муддат тўхтамаган. Демак, таваққур (*бутун*) ва мустақиллик (*натижа*) ўртасида бевосита ва билвосита тарзда доимий сабабий алоқадорлик мавжуд. Шунинг учун ҳам эркка ташна таваққурий интилишлар ўтган асрда гоҳ маърифатпарварлик, гоҳ жадидчилик сифатида бўй кўрсатиб, ниҳоят мустақиллик тарзида тотли мева берди. Айни пайтда, бу ижтимоий

ходиса миллий тафаккурни жаҳоний миқёслар сари юксалтирди. Зотан, сабаб ва натижа бир-бирига ўтиб туриши билан характерланади.

Бугун тобора юксалаётган тараққиёт шиддати инсон ва жамият муносабатлари, хусусан уни поэтик идрок этиш шаклларини бир қадар мураккаблаштирди. Бизнингча, бу ғоятда табиий жараён. Чунки ҳар қандай ривожланиш ҳаракатнинг сифат жиҳатидан янги турларини вужудга келтиради. Демак поэтик ижод ҳам мураккаб алоқадорлик маҳсули. Объектив ёндашув унинг шаклий кўринишларидаги муҳимни номуҳимдан ажратиш, табиий-функционал, ижтимоий-генетик ва поэтик жиҳатдан далиллаш асосидагина кечиши мумкин. Шундагина бизнинг билимларимиз илгарилаб боради. Миллий эстетик тафаккуримиз адабий ходисаю жараёнлар ўртасидаги теранроқ ва умумийроқ алоқа-муносабатларни аниқлашга йўналтирилади. Шубҳасиз, адабий-эстетик билим илмий муҳокама ва мушоҳада йўсинидаги махсус соҳа, сўз санъати лекин унинг фанлараро алоқаси ва ўзаро таъсири тобора мустақамланиб бораверади. Ҳатто ундан чегарадош фанлар ҳам ўсиб чиқади.

Мустақиллик йилларида яратилаётган асарларда ижод аҳлининг фикр ва кечинмалари акс этмоқда. Бизнингча, қаламкашлар ижодий идроки мазмуни бир хиллашуви мумкин эмас. Улар табиий сийрати, маънавий-маданий даражаси, кизиқиши, бадиий маҳорати, шунингдек билим савияси, маслагу дунёқарашини шакллантирган ижтимоий-генетик факторларга боғлиқ тарзда юзага қалқиб чиққан мотивацияси ҳамда эстетик идеалга ёндашув позицияси (*апперцепция ҳодисаси*) муайян фарқланишни келтириб чиқаради. Бу жараёнда ижодкорнинг эмоционал ҳолати (*ҳис-туйғу – кайфияти, руҳланиши, шижоати шиддат-суръати нечоғлик давомийлиги*) ҳам муҳим роль ўйнайди.

Шубҳасиз, ёзувчи, шоир, драматург зарур ахборотларни замон ва макон шакллари ёрдамида қабул қилади. Бироқ, ижодий феномен имконлари муайян объектив вақт бирлиги билангина чегараланмайди. Илло, бадиий адабиёт адабий қаҳрамон ёхуд лирик меннинг алаҳлаш, босинкираш, йўқ нарсаларни кўриш ва эшитиш (*голлюцинация*), янглишиш, адашиш ва сахв-хатолари (*иллюзия*), нимагадир ортиқча маҳлиё бўлиш жиҳатлари (*аттракция*), олдиндан яққол кўриш, ғойибдан аниқ хабар олиш ҳоллари (*ясновидение*) кабиларни ифодалашга тўла имкон беради. Шундай экан, бадиий идрок предметли, танланган, яхлит структуравий, ўзгармас ва анланган

жараён. Демокчимизки, поэтик ижодни вақт, ҳаракат ва фазога кескин боғлиқ тарзда англаш унинг қонуният ва механизмларини тўла тасаввур этмаслиқдир. Ижтимоий борлиқ ва ижтимоий (*шу жумладан, адабий-эстетик*) онг яқин ўтмишда мутлақлаштирилган эди. Бизнингча, бугунги кунда адабий-эстетик тафаккур ўзида маданият тизимига кирувчи: ахлоқ, дин, санъат ва фанни қамраб олган жамият салоҳият даражаси, интеллектуал потенциалини белгиловчи муҳим эстетик категория сифатида идрок этилмоғи лозим. Шундагина жамият моддий ва маънавий томонлари узвий алоқадорлик, ўзаро таъсирда доимий ўзгариб, ривожланиб бориши тўғри англанади.

Адабиёт воқеликни ҳиссий-эмоционал ўзлаштиради. Гўзаллик ва эзгулик уйғунлигини тараннум этади. Табиат ва инсон, жамият ва инсон, инсон ўзлиги моҳиятига хос илоҳий гўзалликни улуғлайди. Санъатдаги гўзаллик Ҳақ ва ҳаққонийликка самимий садоқатни теран англаш ва нафис ифода этиш билан тирик. Адабиёт тарихи – халқ интеллектуал тафаккури тарихи. Бадиий адабиёт барча замонларда умумэстетик маданиятни шакллантиришга хизмат қилиб келган. Бозор иқтисодиёти даврида умумэстетик маданиятни юксалтириш эҳтиёжи ҳар қачонгидан ортган экан, адабиётнинг комил инсонни тарбиялаш функцияси чуқурлашиб, миллий санъатимиз ижтимоий ҳаётдаги роли ортиб бораверади.

Ҳар бир ижодкор оламни ўз билим ва кечинмалари, мулоҳазаю дид-фаросати, орзу-интилишларига кўра субъектив тарзда маънавий-руҳий тарзда англайди. Унга бадиий-эстетик муносабат билдиради. Бу муносабат ижтимоий ҳодисалар: ахлоқ, сиёсат, ҳуқуқ, дин, фалсафадан хорижда кечмайди. Бинобарин, бадиий-эстетик онг воқеликни гўзаллик, олижаноблик, фожиалилик ва кулгулилиқ категориялари асосида қайта ишлайди, ундан санъат асари яратади. Шунинг учун ҳам бадиий асар субъектив воқелик, яъни ўз ижодкори ички дунёси, хаёл-тасаввури инъикосидир. Дунё индивидуал тарзда қабул қилиниб, муносабат алоҳида тарзда билдириллар экан, ижодий кредо ҳам индивидуалдир. Ижтимоий-ғоявий жиҳатдан фарқланувчи муайян адабий авлод ва унинг ғоявий-эстетик мавқеи ҳақида сўзлаш ғоятда нисбийдир.

Бадиий асар ижодкорнинг борлиқ билан муносабати маҳсули экан, адабиётда энг кам ўзгарадиган нарса мавзу (*ҳаёт материали ва бадиий идрок этиш учун қўйилган проблема*) дир. Чунки, ҳар бир қаламкаш ўз-

Ўзига берадиган: “*Мен кимман?*”,-- деган саволдан ташқарида биронта мавзу бўлиши мумкин эмас. Тарихий категория бўлган адабий жанр муттасил ҳаракатда яшаши билан характерланади. Бадий ижод табиати мазмунан ўзгарар экан, у ўзига хос шакл ва ифодага эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳамиша янги жанрлар вужудга келган, такомиллашган ёхуд истеъмолдан чиққан. Айни пайтда, ҳар бир алоҳида жанр табиатида муттасил сифат ўзгаришлари содир бўлиб келган. Бадий ижодда индивид роли муттасил ортиб борар экан, муайян жанр анъанавий канонлари ҳақида гапириш ўринсиздир. Зотан, жанр хусусиятлари конкрет асар ва унинг табиатига кўра намоён бўлади. Мустақиллик даври адабиёти жанрлар тизими ранг-баранг бўлиб бораётган экан, бу мавжуд анъаналар ўзлаштирилаётгани ва адабий алоқалар фаоллашгани натижасидир. Англашиладики, муайян давр адабиёти жанрлар тизими синхрония/диахрония аспектларида ўрганилмоғи лозим. Мустақиллик даври ўзбек адабиёти миллий бадий-эстетик тафаккурнинг ҳаракатдаги босқичи. Бинобарин, ҳали муттасил ўзгаришда бўлган жанр канонларини қатъий белгилаш ва жанрлар системаси ҳақида тугал назарий қарашларни илгари суриш мумкин эмас. Демак гап жанр бадий воқеликни ташкиллаш принциплари (*поэтик матрица*) нинг энг умумий, нисбатан турғун эстетик белги-хусусиятлари ҳақидагина бўлиши мумкин.

Поэтиканинг муҳим категорияларидан бири бўлмиш услуб жамият бадий-эстетик талаб-эҳтиёжлари, умуммаърифий ва маданий савияси, эстетик дид даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. У ижодкор шахс индивидуаллигини белгиловчи бош омил. Зотан, у ёхуд бу асар ўзида ижодкор шахсини ифодалайди. Услуб бадий яратик шаклий қурилишини белгиловчи хусусият сифатида унинг барча сатҳларида намоён бўлади. Адабий-эстетик принциплари ўзаро яқин бўлган ижодкорларга нисбатангина адабий давр услуби ёки адабий йўналиш ҳақида гапириш мумкин. Илло, ижод жараёни алоҳида ижодкоргина эмас, балки адабий жараён билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Ижтимоий-руҳий воқелик ва борлиқни яхлит идрок ҳамда поэтик ифода этаётган сўз санъаткори адабий-бадий анъанадан ташқарида ҳаракат қилолмаганидек, унинг доирасида қолиб ҳам кетолмайди. Чунки илдиз, дарахт танаси, шохлари, барги ва меваси ҳар бири алоҳида-алоҳида моддийлик. Ҳатто ҳар бир яроқ бир-бирини зинҳор тақрорламайди. Аммо асл моҳият илдизда. Зотан мустаҳкам ва теран томир бўлмаса,

юқорида саналганларнинг биронтаси ҳам мавжуд эмас. Бинобарин биз ботин нигоҳимизни томир ришталаридан узмаган ҳолда, ҳар япроқда кўринган, ҳар қатрада жилваланган олам атрофида чарх ураётган барча оламларни идрок эта олишимиз лозим. Шундай экан, услуб курук ерда пайдо бўлмаганидек, у янгиланмас экан, ижодий индивидуаллик ҳам мавжуд эмас. Демакки, конкрет ўқувчи тафаккур даражаси ва эстетик дидига мўлжалланган яшовчан асар ҳам юзага келмайди.

Ижод эркинлиги қалам аҳлининг инсонлик моҳиятини англаш, эстетик идеали ҳақидаги фикр-туйғу ифодаси йўлида кўнгил истаги бўйича иш тутиши, яъни маърифатли кишилар билан маънавий мулоқотга киришувидир. Бинобарин, у ижтимоий макон учун масъуллик ва миллий эстетик онг ривожини олдидаги бурчдорлик, маънавият ҳамда ахлоқ билан чамбарчас боғлиқдир. Демак ижодий тафаккур ва руҳ эркинлиги доимо мақсадли, анланган ва бинобарин чеклангандир. Адабиёт-санъат ўз табиғига кўра ижтимоий, дунёни бадиий-эстетик қабул қилиши ва ифода этишига кўра ҳамшиша модерндир. Шундай экан, ҳеч бир миллий адабиёт ҳеч бир даврда кенг маънодаги “синтез” дан хориж бўлолмайди. Миллий поэтик тафаккур ҳосиласи бўлган бизнинг бугунги адабиётимизда ҳеч қандай “изм” йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Агар мавжуд бўлса, у ўзбекизм деган дилимизга яқин ифодадир. Бинобарин, ўзбек адабиёти ҳар бир яратилганда мавжуд анъаналар негизда туриб ўзини фикран, руҳан, ифодавий жиҳатдан янгилайди. Шу тариқа миллий-эстетик тафаккур жаҳоний миқёслар сари кенгайиб, тозариб бораверади. Ўз навбатида, дунё адабий-эстетик фикрини ҳам муайян даражада ўзгартиради.

Юқоридаги фикр-қарашларимиз орқали биз ўз-ўзидан адабиётнинг зиммасига тушган хос мақсад-вазифа (*миссия*) си масаласига етиб келдик. Ҳар қанча либоси мавзун кийдирилмасин, миллий адабиёт пировардида ота-боболаримиз ўлмас обидаларида битиб қолдирган, муқаддас китобларда келадиган жавоблар дурустлигини тасдиқлайди. Чунки ҳар бир авлод бадиий-эстетик онгию қалби ўз инсонлик моҳиятини англаш, ҳис қилиш сари йўналгандир. Ҳар бир ижодкор ўз “мен” лиги кўнгил ҳоллари, шуурий миқёслари қамраган ҳудудларни маҳорати даражасига кўра ифодалайди. Демак гап анъанага кийдирилган либос нечоғлик ярашиқли, фикр ва туйғу қамрови миқёслари қанчалик энига, бўйига ўсган, теранлик касб этганлиги ҳақида бўлиши мумкин.

Санъатнинг дилни энтиктиргувчи сеҳрли дунёси воситаси ила ботинга саёҳат қилмоқ, маънавияти бутун кимсалар аъмолидир. Демак соғлом мантиқ шуки, ижод ва ижодкорлик мавжуд экан, адабиётдаги “*жсанг*” бирор муддат тўхташи мумкин эмас. Поэтик маҳорат амалий тажриба асосида ўзлаштирилишига қарамасдан, асл истеъдод ва иқтидор Яратганнинг инояти – ёлқиндан улуғ қалбга тушган шуъла. Сўз – тингловчига муҳтож қалбнинг ўз ҳоллари ҳақида қардоши билан мулоқоти. Унинг ногаҳоний тарзда ёришган кўнглидаги завқ ва хайрати, хаёл ва хотираси, номаи аъмоли ҳақида Тангрига муножоти. Даҳо сўз санъаткорлари айтганидек, *панжасига панжа урмоқ* маъносида қаламнинг аъмоли курашдан иборат. Бинобарин, мазкур кураш муайян ғоя ва ижтимоий манфаатлар ҳимоясидангина иборат эмас. Чунки ижод – кўнгилга тушган уруғ ниш уриши, онгдаги фикр ва қалбдаги ҳис-туйғулар асрори, алоҳида инсон муҳаббати ҳамда изтиробли адашув ва тазаррулари баёни. Ижод руҳда туғилган кайфият ва ҳайрат ифодаси эканлиги учун, чинакам ижодкор ҳаёти ўз асарлари таркибий қисмидир.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳаракат ташқи воқелиқдан ботинга кўчди. Мустақиллик йиллари бадий тафаккуримизда улкан ўзгаришлар содир бўлди ва бу жараён ҳануз давом этмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, дунёни бадий-эстетик қабул қилиш мезонларимиз, поэтик завқимиз ҳам шиддат билан ўзгарди. Адабиётимиз илгариги босқичларида яратилган асарларга ўхшаган ва баъзан мутлақо ўзига хос битиклар юзага келди. Дунёни рамз ва ишоралар тилида идроку ифода этишга интилиш кучайди. Зоҳиран бир-бирига унчалик боғланмаган моҳиятга ишора қилиш ва китобхон қалбу тафаккурини ўша ишоралар билан мулоқотга чорлаб, унинг сезимларию онгига таъсир этиш орқали англамларини шакллантиришга уриниш кучайди. Бундай яратиларда муаллиф онгу руҳониятидан ибтидо олиб аксланаётган моҳият индивидуал китобхон фаол иштироки, бадий-эстетик баландлик даражасига кўра турли ракурсларда бўй кўрсата бошлади. Чунки эндиликда, одам боласи босиб ўтган тафаккур йўлини фикран ва хаёлан кечинмоқ воқелиқни қаҳрамон ботинига кўчирди. Шу боис, муайян асар салмоғи ҳам ўқувчи ички нигоҳи нечоғлик теран ҳамда диди қанчалар ингичкалигига боғлиқ тарзда намоён бўла бошлади. Адабий қаҳрамон ва муаллиф хаёл-хотира-туш-реаллик синтездан иборат борлигини қайта кечиниш акти ўқувчи фаол

ҳаракати (*интеллектуал зўриқиш*) ни тақозо этмоқда. Замон ва макон тиғизлиги сабаб ифодага кўчган мажозийлик устоз Қозоқбой Йўлдошев таъбири билан айтганда, фикран *томчида уммон, қатрада дунё, дарахт ортида ўрмонни кўриш* заруратини талаб этади.

Бунинг учун эса, шубҳасиз, ҳар битта рамз ва ишорага калит топмоқ лозим. Муаллиф ва қаҳрамон руҳиятию онгига таъсир этган барча факторлар инобатга олинмас, асл моҳият қамралмас, тафаккур зўриқтирилмас экан, осмондан чалпак ёғмагани сингари бундай калит ҳам ўз-ўзидан илкимизга тушиб қолмайди. Демак бадий яратик (*масалан, роман*) қатига сочилган маъни, қаърида пинҳон асрорни тушуниш китобхонлик даражаси, унинг тафаккур ва руҳ иқлимига хос жиҳатларга боғлиқ. Адиб тафаккур ва хаёлот кенглиklarини қамрамоқ, шартланганликдан яхлитлик сари дадил бормоқ жўнгина юмуш эмас. Бу фикрдан ташқари, илғам ва ҳиссий кечинмага эш тарзда кечувчи мураккаб жараёндир.

Ўтган асрнинг 60-80- йилларидаёқ Европа ўз бадий маданияти мазмуний ўзгаришларини қайта фикрлашга эҳтиёж сезган эди. Шубҳасиз, постмодернизм поэтик тафаккурга у ёхуд бу ҳодиса ўз ички сабабларга кўра (*спонтан*) юзага келиши, субъект ва тасодифларга алоҳида эътибор қаратиш каби катта имкониятлар олиб кирди. Унинг ҳақиқат бениҳоя кўп (*вариатив*) ва субъектив. Дунё англоувчи субъект (*плюралистик борлик*). Предмет ва ҳодиса микротаҳлил қилиниши, матнни тушуниш муҳимлиги ҳақидаги аксарият қарашлари асосли. Чунки муайян асарда тасвирланган воқелик моҳияти аввалдан мавжуд эстетик қанонлар асосида эмас, балки муносабат негзида англонади. Биз уларни кўриш ва ҳис қилиш асосида тафаккур қиламиз. Демак нуқтаи назар ракурсни белгилайди. Нуқтаи назарлар қанча бўлса, асардаги воқелик ҳам шунчадир.

Бироқ постмодернизм ҳозирги цивилизация ижтимоий-маданий ва фалсафий асослари (*рационализм, тарихийлик, объективлик, мантиқийлик, макон ва замон, қадрият, анъана, тажриба* ва б.) га танкидий рефлексиядир. У турлича қарашлар: марксизм, ницечилик, фрейдчилик қоришмасидан иборат (*экликтик*) мураккаб жараён. Постмодернистик инъикос умумийлик мумкин эмаслигини исботлашу метафизикани инкор қилишга йўналтирилган. У алоҳида қисмлар механизмлари функциясини очиб беришга бел боғларкан, инсон интилиб келган барча нарсаларни сароб деб билади. Шу маънода,

унинг “*манифести*” бизнинг классик фалсафий тушунчаларимиз, Ҳақ ва ҳақиқат ҳақидаги эътиқод-маслагимизга мутлақо зиддир.

Бизнингча, ҳар бир миллий адабиёт муайян заминда бир пайтлар яшаган ҳамда ҳозирда умргузаронлик қилаётган халқнинг турли қатламлари маданий илдизлари, турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий муаммолари, урф-одатлари, маънавий-руҳий олами кўзгусидир. Шубҳасиз, жаҳон адабиёти илғор аъёнларига хос *адабий шамоллар* эпкинни эркаламаган ҳар қандай биқик адабиёт ўз тасвир усул-воситаларини янгилай олмайди, яшовчанлигини йўқотади. Аммо, ўз замини насимларини ташувчи миллий қиёфага эга қаҳрамонлари мўралаб турмаган, улар безовта қалб ва қиёфалари рўйи рост акс этмаган адабиёт ҳам эстетик таъсирчанликдан маҳрумдир.

Шукурки, миллий адабиётимизда юзага келаётган аъёнлар ва ноаъёнлар асарлар, хусусан роман типлари хоҳ реал, хоҳ нореал тарзда бўлсин, *инсон мавжудлигини олам уйғунлиги негизда янги ракурсда идрок этмоқда*. Миллий роман тараққиётининг айна босқичида яратилаётган аксарият асарларда реаллик ва ирреаллик синтезлашмоқда. Масалан, Муҳаммад Алининг аъёнларий йўсинда битилган “*Улуғ салтанат*” тетралогиясини миф, эртак, дoston сингари жанрлар ва туш мотиви табиатида кузатилувчи ҳаёлий нореал тасвирлару рамзий ифодалардан ажратиб тушуниш қийин. Чунки бу ўринда адиб аъёнага янгича ёндашиб, нарсаларнинг миллий қаҳрамон тийнати ва умуминсоний моҳиятига монанд жиҳатларига эътибор қаратган. Умуман, ўзбек романий тафаккури халқ ҳаёт тарзи, маънавияту эътиқоди талаби, бениҳоя рангдор ҳаёлоту, руҳи ҳамда фикрлаш тарзи доминантлиги заминида дунёвий шаклларда оламу одамга муносабатини ўзгартирмоқда. Ўзбек романнавислари илғор авлоди “*Авесто*”, “*Қуръони Карим*” сингари мўътабар китоблар, шунингдек, Яссавий, Амир Темур, Навоий, Мирзо Бобур, Румий, Оғаҳий, Машраб, Махтимкули каби ўнлаб маънавий устозлари изидан боришмоқда. Улар инсоннинг ўз Яратувчисига, дунёга, жамики мангу ва ҳудудсиз нарсаларга муносабатини ифодалашга интилишмоқда.

Адабий танқид - фан ва санъат уйғунлигидан иборат ижтимоий-фалсафий ва эстетик ҳодиса. Адабий танқидий тафаккур (*мулоҳаза-муҳокама-муносабат: таассуротлар асосида ютуқ ва камчиликларни аниқлаш ҳамда гўзалу бенуқсон сўзнинг жамият ва инсон камолотидаги ўрнини белгилаш, этика доирасида баҳолаш, изоҳлаш,*

саралаш ва ҳукм чиқариш) сўз санъати намунаси бўлган бадий асар пайдо бўлиши ва унга баҳо берилиши замиридаги эстетик узвийликни таъминлайди. Адабий танқид янги пайдо бўлаётган поэтик асарларни халқ ҳаёти ва китобхон бадий- эстетик эҳтиёжи асосида талқин этади. Унинг вазифаси бадий воқелик ҳамда характерлар руҳияти нечоғли нафис, ишонарли, оҳорли тарзда акс эттирилгани, эришилган ютуқ ва йўл қўйилган нуқсонлар туб сабабларини кўрсатишдир. Демак у ҳаракатдаги адабий жараён тараққиёт тамойиллари ҳақида хулоса чиқариб, янги мезонлар шаклланишига таъсир этади. Танқид янги эстетик тасаввур ҳамда поэтик идрок ифодасини шу куннинг эстетик талаблари асосида тезкорлик билан ўқиш, ўқиш, талқин қилиш ва баҳолашдир. Айни пайтда, у ўз объектига тарихий-функционал жиҳатдан ёндашар экан, ўтмиш бадий қадриятларининг бугунги адабий жараёнга таъсирини ҳам ўрганади. Масалан, мустақиллик йилларида Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Ғ.Ғуллом, Ойбек, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор, Миртемир, М.Шайхзода, А.Мухтор; В.Маҳмуд, А.Саъдий, Миёнбузрук Солиҳов, О.Ҳошим, Ғози Юнус ва б. ҳаёти ва ижодий меросига янги ёндашилди. Шунингдек ўтган аср бошлари адабий танқидчилиги, жаҳид драматургияси, XX аср насри, назми, ютуқ ва нуқсонлари янги илмий концепция ва методологик тамойиллар асосида умумлаштирилди. Олий таълим даргоҳларида ўзбек адабий танқиди тарихини ўқитишга мўлжалланган дарсликларнинг янги авлоди юзага келди.

Танқид тарихининг бадий адабиёт тарихи (*мурожаат этилувчи манба*) босқичлари билан узвий алоқадорлиги унинг ўз табиатига хос жозиба: таҳлил, талқин усул ва услублари - специфик хусусиятлари мавжудлигини инкор этмайди. Адабий танқид бугунги кунда бадий таҳлил қилишнинг *социологик, структур, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик* шакллари билан бир қаторда, жаҳон адабиётшунослиги илмий мактаб ва йўналишлари: (*гипотетик, психоаналитик, мифологик, онтологик, экзистенциалистик, герменевтик, постструктурал* ва б.) га хос талай жиҳатларни ҳам миллий асосда ўзлаштирмоқда. Дунёвий илғор мезонлар, услубий йўналишлар ўзлаштирилиши таҳлил усуллари бойиб боаётгани, янги эстетик тафаккур тарзи (*илмий-методологик тамойиллар, концепция тип*) шаклланаётганини кўрсатади.

Аслида, янгича тафаккур тарзи ўтган асрнинг 80-йиллари сўнггида юзага кела бошлади. Ўша йиллардаёқ адабий танқиднинг асосий тадқиқот объектлари, мавзу йўналишлари, тадқиқ ва техлил мезонлари, тамойиллари муайянлашди. Республикамиз мустақилликка эришгач бу жараён изчил тус олди. Унинг ижтимоий-тарихий, фалсафий, илмий-назарий, бадий-эстетик, маънавий-руҳий, мафкуравий-психологик асослари моҳият жиҳатидан тубдан янгиланди. Натижада устувор концепция: тушуниш, билиш ва англашга интилиш бўлиб қолди. Борлиқ ва инсон, жамият ва инсон, инсон тафаккури ҳамда дунёқараши – ўзлиги муносабатлари поэтик ифодасини англаш, таҳлилу талқин этиш, баҳолаш фан моҳиятини ташкил этди.

Шубҳасиз, воқелик моҳияти поэтик ифодасини онтологик, социологик, гносеологик, мантикий, эстетик, этик, психологик, экзистенциалистик, биографик, герменевтик, сенергетик асосларда ўрганиш муаммоси мунаққиднинг роли масаласини ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ тарзда кун тартибига қўйди. Поэтик матнни бадий-эстетик ҳодиса сифатида инсон концепцияси (*борлиқ ва йўқлик муносабатлари, одам ва олам, моддият ва маънавият мувозанати, ибтидо ва интиҳо қаршисидаги одам*) нуқтаи назаридан ўрганиш ёндашув ракурси ва талқин ранг-баранглигини таъминламоқда. Бироқ бизнинг назаримизда талқин муаммосини нуқул Ғарб эстетикасига боғлайвериш дуруст эмас. Чунки бадий матн моҳиятига муносиб тарзда тушуниш-тушунтириш, маънони англашиш-шарҳлаш, гипотеза ва таққослаш, ҳукм ва хулосалар чиқариш усуллари Шарқ-мусулмон адабиёти, хусусан миллий тафаккуримиз учун мутлақо янгилик эмас. Ота-боболаримиз муайян асарни шарҳлаш асносида унинг муаллифи мақсад-муддаоларига руҳий яқин бўлиш (*тушуниш психологияси*) ни муҳим фактор деб билишган. Улар матн бадий мантиқини теран ҳис этибгина қолмай, уни маданий анъана ва реал воқелик, ўз тажриба ва қўникмалари билан қиёслашган. Муайян асар моҳиятини нафақат сўз ҳамда унинг маъноси жиҳатидан ўрганиш ва қисмларга ажратиш, балки яхлит ҳолда қамраш ҳадисини олишган. Бадий матн маъно қатламлари орқали нафақат жамият балки борлиқни англаш тизимини яратишган. Бинобарин, интерпретация ва идентификация усуллари бизда мавжуд эди.

Демак, бадий асарни тушунишнинг замонавий герменевтик тарзи ўша қадимий асосларни контекстуал принцип (*тафсилли ёндашув*), талқин усуллари, матннинг тарихий-ижтимоий шароитдаги ўрни ва

вазифаси жиҳатидан нисбатан кенгайтирди. Илло, бениҳоя кўламли Шарқона фалсафий система қайта бунёд этилгани йўқ. Аксинча, у ўзини модернизация қилди. Зотан, адабий танқид тараққиётида шаклланган янги концепция ва методологик тамойиллар миллий-эстетик тафаккур замирида юзага келди. Бизнинг илмий билишимиз методологик плюрализм босқичига қадам қўйди.

Афсуски, аксарият файласуфларимиз талқин асносида тарихий ва бадий матн ўртасидаги фарқ, бадий ижод қонуниятларини; айрим адабиётшуносларимиз эстетик қонун ҳамда категорияларни танқид спецификасига мослаштириш, ҳиссий билиш ва ифода усулида образлиликка эътибор қаратишни замон талаблари даражасида чуқур билишмайди. Ваҳоланки, адабий танқид санъат бўлиш баробарида, муштарак фан ҳамда илмий-эстетик тафаккурнинг образли фикрлаш тарзи – *ҳаракатдаги эстетика* (В.Г.Белинский) ҳисобланади.

Демак, бу борада мунаққид индивидуал услуби ҳақида ҳам гапириш имкони мавжуд. Халқимиз ва адабиётимиз тарихида янги давр бошлангани учун соф академизмдан эссе услубидаги фикрлаш тарзига ўтиш, муайян бадий асар тарғиботини бир қадар кучайтириш ҳоллари бўриб кўриниши табиий. Эсселашув танқидчи қалбидаги эҳтироснинг образли ифодаси, бадий асарни ҳамкорликда ўзлаштириш истаги билан, тарғибот эса китобхонлар кизиқиш-завқини ошириш мақсади билан боғлиқ тарзда юзага чиқади. Тарғибот-ташвиқотни адабий танқид ёхуд мунаққиднинг сўнгги тўхтама деб ўйлаш соддалик бўлар эди. Бинобарин, бадий завқ, таассурот жонлантирилсагина таҳлил, муҳокама-мунозара жараёни бошланади. Тасаввурлар муқимлашади. Бадийят қайта яратилади, образлар олами равшанлашади, кемтиклари аниқланади. Шундай экан, адабий ҳодисага бўлган хайрихоҳ муносабатга ёт назар билан карашга анча эрта. Агар мунаққид асарни тафсилоту қисмлар тарзида ва яхлит кўра олган, ҳаётни образли англаган, “*қайта яратилган*” асносида жонли тимсоллар ижтимоий-ахлоқий ҳамда эстетик моҳиятини кашф этган бўлса, демакки вазифасини сидқидилдан уддалабди.

Бироқ БУТУН ШАХС бўлмаган жойда тарихий-адабий жараён билан чамбарчас боғлиқлик ва ижодий фаоллик йўқолади. Ижтимоий-эстетик ва ахлоқий-маърифий моҳият, ният, сўз ҳамда амал бирлиги бузилади. Профессional бурч, илмий ҳақиқат олдидаги масъулият унутилади. Оқибатда, мунаққиднинг адабиётимиз олдидаги илгариги

“хизмат”лари, ёши, илмий даражаю унвони, мансаб-мартабаси ўз аҳамиятини йўқотади. Бизнингча, ҳозирги адабий жараён муаммоларини ўрганиш, янги пайдо бўлган асарларни бугунги кун нуктаи назаридан таҳлил ва талқин этиш, баҳолашга уринаётган замондош мунаққидларимиз амалий фаолиятида кузатилувчи айрим нуксонларни бирорта мунаққид шахсиятига дахл қилиш истагидан мутлақо холи тарзда, ғоятда шартли равишда куйидагича таснифлаш мумкин:

а) Бадиий-эстетик мезонлари ночор бўлган танқидчи илмий-методологик жиҳатдан оқсайди. Унинг ягона концепцияси, шаклланган системали таҳлил услуби, тизимли асосда текшириш усули мавжуд эмас. Пировардида эса, у ҳар бир терминни “нажоткор” билиб, унинг соясига пояндоз солиш, бугун мақтаганини эртага инкор этиш ва навбатдаги асарни кўкларга кўтаришдай календарь ишларни бажаришдан ўзгасига ярамайди. *Ҳиссий мушоҳадалари қобигини ёриб чиқолмайдиган* бундай мунаққиднинг айтар сўзи Тўйтепадан нарига ўтмайди. Тўғри, у дунё фалсафий-адабий тафаккурига ҳозиржавоб тарзда мурожаат этади. Аммо ижодкорда қайсидир Ғарб ёзувчиси, шоири, драматурги, мунаққиди, эстети қарашларию ифода йўсинига туташ жиҳатларни кузатмоқчи бўлади ва шуни илм деб билади. Илло, бундай мантиқ (*аниқроғи мантиқсизлик*) нафақат ҳурфикрлиликка асосланувчи талқин, балки миллат кишиси образини поэтик кашф қилиш, одам орқали оламни англашга интилиш, маданий меросимизни бир бутун қадрият сифатида баҳолаш тамойилларидан йироқдир. Қадриятлар силсиласидан кескин ажралган ёхуд қайсидир “шедевр”га тақлидан битилган бирорта асар *модерн* ёки *постмодерн* бўлиши мумкин эмас. Зотан, ҳеч замонда тақлид оригинал бўлмаган, бўлолмаган.

б) Халқаро миқёсдаги айрим атамалар, илғор тамойиллардан адабий жараённи воқиф этишни дабдурустан *терминлар ортига яшириниш* тарзида баҳолашга шошилмаслик керак. Таассуфки, мунаққидлар орасида адабиётни фалсафа деб билиб, поэтик ҳодисани нафосатли тарзда нозик ҳис этолмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг изланишларида бадиий асар (*адабий танқид ҳам*) санъат ҳодисаси экани унутилади. Бундай ҳолларга баҳо беришда, сўз санъаткори шахс

ва ижодкор сифатидаги такомилени кузатиш, тенденциоз ҳолатларни аниқлаш лозим.

в) Яратилаётган бадий адабиёт намуналарига муносабат билдирувчиларнинг учинчи типи *соф эстетик ва ижтимоий тамойилларни кескин ажратишга уринувчилар*дир. Шубҳасиз, санъат - кўнгил ифодаси. Бинобарин, қаламкаш меҳнати илҳом сабабчиси бўлмиш ҳис-туйғу ва эҳтирослар ҳосиласи. Бироқ муносабат ҳиссий бўлиш баробарида, фикрий (*тасаввурий*) ва амалий моҳиятга ҳам эга. Гўзаллик туйиш баробарида англанади. У кенг маънодаги ғоявийликка туташади. Бўй бермасдай туюлган саркашлик бут иймон ҳамда мустаҳкам этикод сарҳадларида жиловланади. Риё ва хушомад, худбинлик ва таъма, порахўрлик ва иккиюзламачилик, ахлоқий тубанлик каби номарғуб ҳислатлар устидан поэтик ҳукм чиқарар экан, адабиёт инсон маънавиятини баркамоллаштириш, демакки жамиятни гарду ғуборлардан поклашга хизмат қилади.

г) Синчиқлаб ўқимасдан, *узиб олинган парчаларга таянибгина фикрловчиларни* тўртинчи тип санаш мумкин. Бундайларда асосан, мақтов ёки инкор позицияси устуворлик қилади. Бизнингча, бадий-эстетик ҳодисани оку қора ранглардагина кўриш энг камида ранглар палитраси сержилолигини илғамасликдир.

д) Афсуски, кейинги йилларда бешинчи бир тип ҳам бўй кўрсата бошлади. Айни бу ҳол адабий танқид амалиётига маҳаллийчилик (*провинциализм*) ва авторитаризм иллатларининг суқилиб киришга уринаётганидир.

е) Ниҳоят, сўнги тип янгиланган адабий-эстетик тафаккурга ҳамқадам бўлолмаслигини англамай, ўтган асрнинг 70-йиллар илмий-эстетик тафаккурига хос *даққионусдан қолган “тамойил”лар билан поэтик ҳодисалар табиатини баҳолашга уринувчилар*дир.

Ҳар бир ижодкор (*адабий қаҳрамон ҳам*) ўзига хос олам. Унинг қалбидаги гўзалик, тафаккури қамраган миллий ва умуминсоний қадриятлар юксаклиги ҳамда теранлигининг тийнатидаги илоҳий инъом билан бирикуви – истеъдоднинг Ҳақ, ҳақиқат билан адолатни сўзга эвриш (*бадий талқин*) маҳорати, бу юмушни қисмат деб билиш

салоҳияти, фидоийлиги индивидуал ёндашувни талаб этади. Чин ижодкор ҳаёт маъно-мазмун, инсон кадр-қиммати, эл-юрт тақдирдан хорижда бўлолмайди. Шундай ижодкорлар борки, уларнинг битиклари на тенгдошлари, на классикларимизникига ўхшайди. Шундай экан, поэтик асарларни саралаш ҳамда маънавиятимиз ҳаётбахш манбаига айлантириш биринчи навбатда, нафақат анъанавий, балки янгича ёндашув ҳамда талқин йўсинлари (*аксиологик, герменевтик, структур ва б*) га ҳам асосланган мукамал таҳлил, тарғибот-ташвиқот қолаверса муаллиф қобилиятию фуқаролик масъулиятини англаш даражасини инobatга олишни тақозо этади. Мунаққид “мен”лиги унинг илм-маърифати, аналитик фикри, мутафаккирона нигоҳи, нозик кўнгли, завқланиш қобилияти, руҳий-интеллектуал таъсирли нутки, ҳодисага индивидуал муносабати сингари кўплаб ички факторлар билан боғлиқ.

Замонавий миллий насрни халқимиз тарихи, менталитети, кечмиш-кечирмишлари акс этган шарқона ҳикмат дурдоналари -- афсона-ривоят (*притча*), нақл-ҳикоят, мақол-маталларсиз тасаввур этиш қийин. Шу фактнинг ўзиёқ аждодлар маънавий-руҳий олами, азалий кадриятларимиз билан тахайюлий мулоқот жараёни давом этаётгани, руҳий-шуурий оқим яхлитлиги юзага келаётганини кўрсатади. Айни пайтда, адабий-маънавий бисотимиз асотирий тафаккур, илоҳий манзиллар ҳаёли ва қисмат фалсафаси билангина қаноат туймоқда дейиш қийин. Гарчан интеллектуал қаҳрамон ўша кадриятлар - иймон-этиқоддан ташқарида идрок этилмаса ҳам, аклий салоҳияти, ҳаётий мантиғи, ҳақиқат учун мурасасиз курашишга иштиёқманд ҳислари, фаолият жараёни уни фикр-кечинма ва комиллик сари ҳаракатдаги одам сифатида англашга имкон беради. Шундай экан, у ёки бу қаҳрамон меҳвари теран фикр, соҳир туйғу ва аниқ таҳлулу талқин орқали кашф этилади. Зотан, ҳақиқат оддийдан мураккабга томон бориш орқали очилади.

Мунаққид порофессионализми, бўшлиққа йўналтирилган тумтарок гаплар эмас, балки аниқ адресатга қаратилган мантиқий фикр-қарашларга асосланишни тақозо этади. Шундагина истеъдод ўзлиги нисбатан тўлароқ қамралади. Ижодкор қалбидаги санъатга ошуфталик бадий матн асосида қалбдан ўтказиб ўрганилса, ҳаёт ва санъат диалектик бирлиги намоён бўлади. Қаҳрамонлари кўнгли ва дарди-дунёси орқали унинг ижодкорини кўриш мумкин бўлади. Асл яратик сөҳиблари эъзоз, кўнгили эса таскин топади. Назаримизда, шу йўл

билангина ижодий изланишлар табиати, замонавий поэтик тафаккур тарзи етакчи йўналишларини белгилаш мумкин. Илло, бугун биз инсон шахси, ижтимоий-маънавий воқелик, ахлоқий-интеллектуал қадриятлар – дунёни янгича кўриш ҳамда кўрсатишга қаратилган яхлит бадий моҳият ҳақидагина сўз юритишимиз мумкин.

Албатта, юзага келаётган ижод намуналари фазилату нуқсонлари ҳақида батафсил фикр юритиш мушкул иш. Эҳтимол бу кимгадир имконсиздай туюлиши ҳам мумкин. Бироқ бусиз ижодий изланишлар табиатини умумлаштириш, бадий йўналишларни белгилаш ва саралаш мумкин эмас. Ижод аҳли дидлари нафосатга нечоғлик ошнолик асосида шаклангани, поэтик образлар жозибаси тиниқ ва қабариклиги, ёркин, самимий ва табиийлиги, оригинал ҳамда оҳорли, туйғулар ифодаси рангинлиги ёки буларнинг мутлақо акси намоён бўлиши бадий матн таҳлили жараёнида аён бўлади.

Билимдон мунаққид инсон хилқати зоҳири ва ботинини англайди. Ранг ва оҳанглар меҳваридаги туйғулар моҳиятидан теран мушоҳадага шўнғийди. Поэтик идрок ва ифода тарзидаги шартлилик, рамз ва мажоз теранликларига нигоҳ ташлайди. Шундагина ҳаётни кўнгил кўзи, тахайюл кенгликлари билан кўради, кўрсатади. Рухий дунё иқлимларидаги пўртаналарни илғайди. Зотан, бугун реализм тамсилли идрок ҳисобига янада бойиб бормоқда. Қайфиятдан таваллуд топган туйғу, кечинмадан ибтидоланган фикр-мушоҳада ва ҳолатлар ифодасини китобхон шуурида ранглар воситасида суратлантиришга эътибор ортган.

Демак туйғулар бўёғи, ҳолатлар моҳиятини кўриш ва англаш лозим. Мушоҳада асносида маъно фикрга айланиб, унинг нафосати хотирага муҳрланади. Талқин жараёнида замонавий адабиёт ботиний табиатига хос бундай етакчи хусусиятларни назардан қочириш мумкин эмас. Акс ҳолда бадийатгина эмас, эстетик таъсирчанлик ҳам англашилмайди. Янги изланишларга кучли импульс бераётган миллий илдизлар кашф этилмай, ўрганиш ва ўзлаштириш ҳақидаги нообъектив хулосалар чиқарилади. Поэтик асар пафоси ва мушоҳадакор (*интеллектуал*) қаҳрамонларга юклатилган залвор, камалакранг туйғулар ҳақиқати ва тахайюл гўзаллиги англашилмас экан, миллий ижодкорлар маънавий-руҳий дунёси – борлиғи (*нуқтаи назари*) ни белгиловчи бош омил ўзлигимизни англашиш иштиёқ-умиди экани тушунилмайди. Чунки китобхон қалбини покловчи ҳис-туйғулар

жозибаси, кўнгилнинг чўнг ҳақиқати жилваланмайди. Демак ўзига янги йўллар қидираётган поэтик тафаккур тарзи ҳам ҳолис баҳосини олмайди.

Айрим ҳолларда, зоҳирдаги ғайриинсоний қусурлар тасвирига чалғиш, ижтимоий воқелик психологияси алоҳида шахс маънавий-ахлоқий ҳаётини белгилашини илғамасликни келтириб чиқариши мумкин. Илло кўнгил - ҳудудсиз кенглик. Бу саҳрода улуғворлик, фоживийлик, кулгилилик ораси бир қадам. Бинобарин, мунаққид зиммасига ижодкор фикр тарзига таяниб, ҳар бир тақдир (*характер*) ҳақида поэтик асар барча ички унсурларини синчков кузатган ҳолда адолатли ҳукм чиқариш масъулияти юклатилган. Илло, таҳлил ва талқин асносида мунаққид маънавий-ахлоқий комиллиги, интеллектуал салоҳият-маданияти муҳим роль ўйнайди.

Адабий танқидчилик XX аср адабиётини турли хуружлардан дадил ҳимоя қилиб, унга бўлган эҳтиромли муносабатни шакллантирди. Санъатнинг ижтимоий-маърифий ролини кўрсатишга эришди. Яқин ўтмишга оид асарларга ёдашув тамойиллари, таҳлил асносида чиқарилган хулосалар бугунги адабиётимиз равнақига хизмат қилди. Демак улар ўз мансублигига кўра адабий танқид намуналаридир. Тўғри, танқид адабий жараёнда кузатилаётган сунъийлик, чучмаллик ва яланғоч тасвирлар олдини тўсиш, улар таъсирида ўзгаришга юз тутган бадий дид, шаклланган қарашлар хавфини тўла бартараф қилишга улгурмади. Бироқ илмий-адабий иқлим ва жамоатчиликнинг бундай асарлардан ихлосини қайтаришга ўз ҳиссасини қўша олди. Қолаверса, эстетик дид тарбияси ҳақида астойдил ташвишланган, миллий чизгилар ёрқин ифодаланган асарларни сунъий адабиётга қарши қўйган ҳам адабий танқиднинг ўзи бўлди. Адабий танқид “*кичик одам*” (*микродунё*) нинг катта (*макро*) оламдан зинҳор кам бўлмаган муаммолари, аниқроқ айтганда, ўзига хос космос эканига эътибор қаратди. Инсонга шафқат, меҳр ва муҳаббат назари билан қарашни принципиал жиҳатдан ҳимоя қилди. Ҳаётни ўз табиий оқимида кўриш, кўрсатиш, инсон кундалик турмуш тарзидан теран фалсафий хулосалар чиқариш йўлидаги поэтик изланишларни қўллаб қувватлади. У бадий матн доирасида фикрлашга, инсоният мангу муаммолари ифодасидаги ҳаққоният ва самимиятга диққат қаратишга интилиб келмоқда. Мунаққидликдан ортиб ноширлик, муҳаррирлик, таржимонлик қилишга вақт ва қурб топаётган, ижтимоий-ахлоқий, маънавий-

маърифий, адабий-эстетик ҳодисаларга муносабат билдираётган устозларимиз, тенгқурларимиз ва улар тажрибасини ўзлаштириб, ўз сўзини айтишга уринаётган ёшларимиз талайгина. Бинобарин, адабий танқиднинг бош мезони, ғоявий-эстетик тамойиллари умумсанъат жаҳоний андазаларидан ажралган эмас.

Яқин ўтмишда адабий танқид мафкурабозликка эргашишга мажбур этилган даврлар бўлгани, унинг адабиёт равнақи ижод аҳли қисматига салбий таъсир ўтказгани рост. Аммо адабиётимиз тарихининг исталган босқичида чин адабий-эстетик тафаккур талқин ҳақиқати ҳамда бадий асарнинг муайян давр тенденциялари ва замонага муштарак жиҳатларини эътиборда тутувчи мустақил ижод тури, фан соҳаси бўлиб келган. У ҳамма замонларда таҳлилда изчил мантиқ, асос ва исбот қилишни муҳим санаб, илмий салоҳият ҳамда ижодий куч-қувватни инсонийлик негизида бирлаштирган. Унинг поэтик тафаккур тараққиётига асосланган далиллари мантиқий изчил, илмий яхлит, тугал ва мукамал, образли бўлган. Бадий жараён тенденция ва хусусиятларини аниқ асарлар таҳлилидан келтириб чиқарган. Поэтик асарни ички тамойил-йўналишлари, фазилат-нуқсонларига кўра тадқиқ қилиш асносида, ўзлаштирилган воқелик ва инсон табиатини эстетик талқин этган. Поэтик яратикни воқелик, фанни ижодкор, қалам аҳли ҳамда санъатни китобхон билан узвий туташтирган. Демак ўзининг аналитик фазилатини намоён этган. Миллат дунёқарashi ва эстетик дидини тарбиялаш, яъни ғоявий-маърифий, ижтимоий-эстетик вазифаларни бажаришга хизмат қилган.

Бугунги кунда адабий танқид табиатида верификация, чизиксизлик, тартибшунослик ва тартиб сингари мураккаб тизимларга хос хусусиятлар ҳам намоён бўлмоқда. Адабий танқид эндиликда нафақат фалсафа, мантиқ, тарих, эстетика, педагогика, психология, балки бадий тафаккур камрови микёслари кенгайишига кўра руҳшунослик, антропология, кибернетика, биокимё, биофизика, ген муҳандислиги, нанотехнология фанларининг ютуқларига ҳам таянмоқда. Зотан, ижтимоий пафос ва фалсафий тафаккур, эстетик ҳис-туйғу ҳамда поэтик фантазиянинг мураса фалсафаси асосидаги уйғунлашуви муносабат ракурслари турфалашувига олиб келади. Бадий адабиётни ривожлантиради ва жамият азолари эстетик диди, замон ҳамда замондошимиз моҳияти ҳақидаги қарашларини юксалтиради.

Бинобарин, адабий танқид янги мазмун билан бойиб, қайта ташкилланиш жараёнида поэтик асар ички қонуниятлари, адабиёт муҳиблари (*рецепиент*) эстетик талаб-эҳтиёжларини назардан қочиргани йўқ. Унинг тарихимиз айни палласидаги ўрни таҳлил ва тадқиқ предметидан узоқлашмасдан эришаётган изланиш-топилмалари адабий жараён, жамият-шахс-ижодкор триадасига таъсири билан ўлчанади. Шубҳасиз, ҳар бир иждоқор поэтик олами таҳлили орқали эстетик моҳиятни кашф этиш, баҳолаш, умумлаштириш ва адабиёт ривожига импульс берадиган муаммоларга диққат қаратиш, юксак санъат учун кураш, комил инсон тарбияси ҳеч қачон кун тартибидан тушмайдиган вазифалардир.

Адабий танқид *ҳаёт ҳақиқати* сифатида унинг бадий ўзлаштирилиш жараёнини назарда тутати. Тўғри, бугун адабий танқидни жуда ҳам фаол деб бўлмайди. Бироқ бу ҳол уни маънавият, бадий ва ижтимоий ҳаётдан узоқ дейишга ҳам асос бермайди. Илло, бугунги адабий-тарихий жараённи адабий танқидсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бунга иймон келтириш учун адабий танқид ютуқлари салмоғини тўғри тасаввур қилиш лозим. Биз адабий танқид умумий жараёндан илгарилиб кетди,- деган даъводан мутлақо йироқмиз. Зотан бугун адабиёт ва санъатнинг тараққиёт йўллари олдидан тайёрлаб бериш имкондан хориж юмуш. Эҳтимол, Арасту ва В.Белинский ҳаёт бўлганида ҳам бунинг уддасидан чиқа олмаган бўлишарди. Бироқ шоир, ёзувчи, драматург тафаккуридаги тозаришлар ҳам миллий адабий-эстетик тафаккур янгиланишлари экани назарда тутилса, адабий танқид яратган ва яратаётган улкан заминсиз адабиёт ва санъатнинг бугунги тараққиёти бўлиши мумкинмиди?! Ҳа, миллат ижтимоий-эстетик онги, хоҳ ошкор, хоҳ ичкин муҳокама-хулоса, изланиш-ўртанишларидан хорижда адабиёт яратилмайди.

Биз танқидчилик аҳволи ҳақида сўзлар эканмиз, миллат адабиёти умуммаърифат даражаси (*ўзлик*) хусусида сўзлаётганимизни унутишга ҳақли эмасмиз. Адабий танқид босиб ўтган ғоятда оғир ва мураккаб, айни пайтда, баракали ҳамда изланишларга бой йўлни ҳаққоний баҳолашга бурчдормиз. Санъат асари бағридаги гўзаллик ва унинг иждоқорига эҳтиромли муносабатга асосланган баркамол илмий-эстетик (*синкретик*) таҳлилгина бизни давр руҳи, услуб, поэтик тасвир воситалари, жонли образ ҳамда тамсиллар жозибасию замонамизга ҳамнафаслигини англаш сари етаклайди. Адабий жараёнда кечаётган

турфа ўзгаришлар моҳияти, дид ва нафосат тарбиясидаги кадр-қимматини аниқлаш, далиллаш ҳамда кенг аудиторияга етказиш имконини беради. Сўз санъати ички қонуниятлари, баҳслашиш маърифати, ҳаққоний умумлашма хулосалар чиқариш маданияти ҳақидаги тасавурларимизни янада бойитади. Миллий ҳаёт ва миллий тафаккур умуминсоний негизидан ташқарида эстетик инъикос йўқлигини англайди. Бинобарин, ҳолис миллатпарварликка таянган умумэстетик мезонлар бизни алоҳида асардан унинг бунёдкори услуби, феноменал ижодий кредоси, яхлит концепциясига; концептуалликдан адабий жараён етакчи тамойилларига; ундан давримизнинг маънавий-ахлоқий, маърифий-руҳий ҳамда ижтимоий-сиёсий муаммолари талқинига етаклайди.

Адабий жараён ўз маҳоратини тинимсиз ошириб, инсон образига бўлган баҳо-мезонларини такомиллаштириб борадиган санъаткорлар - ижодий индивидлар мажмуи. Санъаткорлик ҳар доим анъаналарни ривожлантириш, эстетик дидни камол топтириш билан белгиланган. Танқид санъатнинг ўз-ўзини англаш шакли. Демак ижтимоий ҳаёт билан бир қаторда давр, халқ ва миллат эстетик тафаккури умумий ҳамда ички ривожланиш қонуниятлари, ижодкор дунёқарашию маҳорати, китобхон эстетик талаб-эҳтиёжлари яхлитликда кузатилиши керак.

Афсуслар бўлсинки, “Навоий” романини қандай ёздим” (Ойбек), “Китоб шавқ билан ўқилиши керак” (А.Қаҳҳор), “Ойбегим менинг” (З.Саидносирова), “Чорак аср ҳамнафас” (К.Қаҳҳорова), “Тундаликлар” (А.Мухтор), “Назм чорраҳасида”, “Йўқотганларим ва топганларим” (С.Аҳмад), “Ойбек ва Зарифа” (Н.Каримов), “Ғафур Ғулом олами” (Б.Назаров), “Бадий асар биографияси” (Н.Раҳимжонов), “Йўл одами” (Қ.Йўлдошев), “Узун йўлакдаги икки киши” (О.Мухтор), “Ҳақиқат оғриқлар заминида туғилар” (А.Дилмурод) сингари қалам аҳли ижод лабораториясига олиб кирувчи битиклар бизда нисбатан кам. Устоз сўз санъаткорлари маҳорат мактаби ва эътирофларига бўлган эҳтиёж эса гоят беқиёсдир.

Эстетик тааммул²² таровати

Ўзни ўз соҳасининг муносиб ходими санаб зийнатланиш – инсониятнинг катта қисмига хос кайфият. Баъзан чин салоҳият соҳибларининг қадри панада қолиб ва эътирофи кам таралиб, арзирлик ҳолатда бўлмаган кимсаларнинг соҳада устунлик даъвоси оламни бузади. Яхшию ёмони коришиқ бўлиб яшаш ва ишларни шу зайл аралаш бажариш ҳам мағфиратга нолийиқ қилиниб кўйилишлик хатари ила ишончсиздир. Адабий ижод ва у ҳақдаги илмлар, адиблик ва олимликларда ҳам худди шундайликларни, турли йўлларга йўналганлик ходисаларини истаганча тадаббур қилмоқ мумкин.

“Албатта, сизларнинг ишларингиз турличадур...” (“Лайл” сураси, 4-оятдан). **“... Бу дунёда гўзал амал қилганларга гўзаллик бордир...”** (“Зумар” сураси, 10-оятдан). **“Албатта, Аллоҳ сизлардан бирингиз иш қилганда, уни яхшилаб қилишини севади”** (Ҳадисдан).

Фаолиятчининг қай йўлдалигини, қалбний, ақлий аҳволотини элга кўрсатиб турувчи белги-аломатлар бўлади. Уларни тафаккур қилгувчилар аниқ-тиник фаҳмлайди. Чунончи, олимлик нимадир? Ислому бўйича, олим – аввало, Аллоҳдан ғойибона кўркувчи, Унинг айтганига риоятчи, илму амалда олий ҳақиқатларга суянувчи, ҳақ, адолат, оқиллик таратувчи. У оламларга, борлик тартиб-интизомига, дунё ишлари ва инсон омилига шундай нуқтан назар билан қарайди. Ҳақни тушунтиради, ҳислатади, яхшилиқни ёйида, унга чақиради. Яшашни ниҳоясиз, ва лекин ҳисоб-китобли деб билади. Унинг бу дунё учун қилган ҳамма иши, аини вақтда, айнан у дунё учун ҳам қилинган бўлади. Ниятига асло риё аралашмайди. Бу йўлда, керак бўлса, ўзидаги зўравон истақларга, шубҳали майлларга-да қарши боради.

Инсонда ҳамма нарса қалбга доир. Қалбни эса ақл ислоҳ, таътир, назорат этиб боради. Аммо инсон учун ақл ҳам охириги чегара эмас. Чунки, бутун юмуш-ташвиш унга ва ҳар кимнинг ўз ақлига батамом кўйиб берилса, ҳаётда пароканда бўлмаган нарсанинг ўзи қолмайди. Ҳалокатга учралади, кунпаяқун бўлинади. Соғлом ақллар ўзидан, барча махлуқот, мавжудот, жамодот (*жонсиз жисмлар*) оламларидан устун, муқаддас ҳақ таълимотга таянади. Бундай ишончли, ҳимоягар салоҳиятга, бигмас-туганмас, қалбу онглари тўйиб чарчамас қувватга эса ҳеч бир инсоний назария, ҳеч бир инсоний йўриқнома тўла қафолат бера олмайди. Дунё ваҳий билан тирикдир. Ақлнинг ҳақиқатларга муштараклашувидан, фикрнинг масдарга – ҳаққа таслимлиги, кўшилуvidан тафаккурчанлик яралади. Қолган барча ботиний ҳоллар-ҳолатлар тафаккур қилмовчиликдир.

Дунё тарихида самовий ҳикмат-ҳақиқатларга нописанд ҳеч битта назария, мафкура, “изм” йўқки, ўзининг жунбуши, салобатига қараб, дунёга, муҳит-минтақаси, соҳа-жабҳасига гавго, галва, айирмачилик солмаган, одамларни гулув, тугён, бир ёқтамаликка бошламаган бўлса; вақти келиб, маҳдудлиги, ботиллиги, зарарлари фош бўлиб, унга кўр-кўрона эргашганлар, унинг ҳийласи, авзоийга забунлар, итоатда бўлган ожизлар надомат чекмаган бўлса. Бугун жаҳонда кўп соғлом шуурли адиблар ва олимлар ҳамма тушунчалар ҳамда нарсаларнинг илохий асосларига мурожаат, эҳтиром билдириб, эътиқоднинг нақадар оммавий нажот, руҳий-маънавий эҳтиёж эканлигини тобора теранроқ ҳис этмоқдадир.

Ва лекин ҳақ таълимотлардан огоҳликнинг, улар татбиқотининг беназир қуввати, самарасини, ўз шаҳси ва илму ижоди учун нечоғлик шарафли хидоятлигини ёки аксинча, ғофиллик, эҳтиромсизликнинг инсон шаънига қанчалар талофат, залолатлигини билмай, тушунмай ўтаётган тоифалар ниҳоятда кўп. Қолбуки, бутун инсоният ҳамма макон ва замонда, барча фаолият ва касбу хунарда уни дастуриламал тутишга буюрилган. Қолбуки, ҳар бир инсон

²² Тааммул – Фикр-мулоҳаза қилмоқ.

яралишидаги энг латиф асоснинг – соф фитрат (*аслият*)нинг асл моҳияти, майли, иродаси, хоҳиши шудир.

Таълимот мутлак тўғри таълимини бермайдиган, чин йўл-йўриги, меъёр-мезонини кўрсатмайдиган, васатий (*лўътадил*) муносабати, талкин-тадқиқи, тадбир тарзи, ечимини ўргатмайдиган ҳеч қандай иш-юмуш, дақиқ ёхуд мураккаб масала йўқ. Негаки, у – илохий, мудом ожиз колдирувчи, шавқи, хикмати адо бўлмас, собит ва мукаммал салоҳиятли дастуриламал. У мактовга муҳтож эмас, ўзи мактовдир. У бизнинг мурожаатимизга илҳак эмас, ўзи ҳамма нарсани ўзига илҳақ, муҳтож этгувчи, ҳамма муаммонинг шифосидир. Ҳар бир инсон ва соҳа унга, унга мансубликка, қўллови, муҳофазаси, илҳоми, муқофотига ҳожатманд.

У ҳаётни, ҳолат-ҳодисаларни, олам ва инсон табиатларини, ўзгаришлар, янгиликларни оқил мушоҳадалаб, қабуллаб, ҳаммасидан ибрат ё сабоқ олишни, хикматлар туюшни тақлиф этади. Идроклаш, иш тутишда моҳиятни кўздан қочирмасликни, унинг макомини баланд билишни насиҳат қилади. Энг муҳими, ҳар бир тафаккур эгасининг амалида ҳукмрон нуктаи назарнинг поклиги, ҳолислигини улкан фазл деб таълим беради. Ислом бўйича, илм бир нарсани унинг: худди ўзидек идрок қилишдир ва тушунтириб беришдир.

Инсон эотининг ботиний ҳоли ҳаётини, онг қатламларини, шаҳснинг ўзига ҳам тугал ноаён, сирли, мубҳам руҳоний жараённи дақиқ (*нозик, теран*) фаҳмлаш ҳамда уларни етакчи мавқеда бадий тадқиқлаш сифатида дунё ижодшунослигида эътироф топган онг оқими санъати, адабиёти ҳам аслида инсон соф фитратига оид ҳақиқатлар атрофидаги азалий қарашлар, зиддиятлар, талкин тарзларининг янги даврлардаги фалсафий-эстетик кўринишларидан бошқа ҳодисалар эмас. Ҳисланиши, англаниши ўта оғир, аммо кашфи, кузатилиши манфаатли руҳий иқлим манзараларига чуқур ёндашув, турфа характер, феъл-атвор, ахлоқ-одоб, ҳаёлот, кечинмага, бандаларнинг соф хилқат ва ҳанифлик бобидаги ахлолот, макомлари томонга ҳар қачонгидан кўра муфассал (*батафсил*) санъатий юзланиш – адабий-эстетик тааммуллаш тасвирий маҳорат, мантик-моҳиятга интилиш маъноларида тойинлиш эмас, фазилатдир.

Албатта, бу йўналишдаги адабий ижодда гоявий-бадий меъёрни, ифодада яширин маънолар микдор-маромини, ўқувчининг қабуллаш имкониятини белгилаш мажбурияти анъанавий йўсинлардаги адабиётга қараганда яна ҳам жиддийроқ тус олади. Ижодкорда ўзгача масъулиятларни, хусусан, фавқуллода чуқур кузатувчанлик ва оқилоналик талабини пайдо қилади. Бу хил услуби ижодчиларда бадий объекту муҳитларни поэтик идроклашнинг чуқур кетиши, ўқувчини улар тасвиридаги кетма-кет маъноларга йўллашнинг оддий ҳолдек бажарилиши кузатилади. Адабий ижод ва, умуман, инсон, тириклик, фано, бако моҳиятлари камровида олиб қараганда, ботиний ҳаётимиз ҳамда унинг тасвириоти ҳам аслида маънавий-руҳоний гўзал воқелиқдир. Ўзи ботиний жараёнларнинг изчил-узлуксиз шарҳи бўлган матн туб-тубига яна талай ботиний ғоя ва маънолар сингишар экан, тасвир руҳи ва муолажаси яхши мушоҳадавий тадориги, эрудицияси бор хос китобхонларга мослана боради. Ёзувчи интеллектуаллиги қай даражадаги ўқувчини назарда тутмасин, мураккаблик бобида муайян ҳадлардан истаганча хатлаб ўтишга ҳақли эмасдир.

Бундай ижодлар, бадий намуналарнинг илмий-назарий талқини, тушунтирилиши ҳам ижодчининг салоҳиятидан кам бўлмаган ва балки зиёдарок бўлган тафаккур босқичини, дониш тадқиқчини тақозо этади. Ахир модернистик матндаги рамз, ишорат, мажозни, руҳоний оламни, беҳуда намоён қилинмаган ҳаёлот, мавҳумотни, шуларнинг ҳаётий асосларга алоқавийлик завқини ижодчи кўзда тутган холлар, фикрлар, максаддан узоклаштириб ёки уларга номувофик маъноларга йўйиб бўлмайди. Сунъий, таҳминий таъбирлар юклаш, тушунмовчиликлар бадий ҳақиқатларни барбод, беобрў эйтиши, талқинчи концепциясига ишончсизлик туғдириши турган гап. Шунинг учун матн каърига шўнғишда, матн бўйлаб бундай шуурий юриш қилишда, табиийки, уюм, ғужгон мулоҳазаларнинг теран сарҳисоби, атроф масалаларнинг қўйма тавсифи, илмий багиркенглик каби хислат, маҳоратлар керак бўлади.

Ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги фаол ва равшанфикр тадқиқотчиларидан бири Исмолжон Ёқубовнинг *“Бадий матн ва эстетик талқин”* номли навбатдаги китоби ўз мавзуси, тадқиқий манба, материали, муҳими, муаллифининг ҳақ қарашлари, ўткир нуқтаи назари ва бошқа сифатлари билан кишини ана шундай ёрқин фикрат кенгликлари томон бошлайди. Мавзу минтақасида қаттиқ ўрнашган айрим адабий-назарий урфлар, тасавурларга нисбатан мутолаачида гоҳ хайрихоҳлик, гоҳ баҳс-эътироз уйғотиб, уни баъзи бир ёқлама қарашлардан тийилтириб, бадий матнга ёндашувнинг талай яхши, манзур усулларидан таълим таратади, фикрлатади.

Ушбу китоб, фаҳмимча, олимнинггина эмас, балки бугунги илгор миллий адабий-эстетик тафаккурнинг бадий матни уқиш, англаш, ҳис этиш, баҳолаш йўлидаги анчайин чароғон, дадиллашган изланишларидан диққатга сазовор бир далолат. Шунингдек, у яна Асад Дилмурод насрининг мазкур йўсиндаги биринчи талқинига бўлмай, шу асос воситасида рўёбга чиққан адабиёт ишлари, масалаларини тўғри тааммуллаш ва тафсиллашнинг, тамсиллий (*мисол келтирилган*) матн сирлари, мақсадларини ўзлаштириш нафосатшунослигининг амалий бир намунаси.

Олим адабий ижод маҳсулининг эстетик талқини муаммосига Ғарб ва Шарқ ижодшунослигининг синовлардан ўтган, шубҳага ўрин қолдирмайдиган таълимотлари асосида муражаат қилади. Адабий матнга мураккаб, манфаатбахш ижодий кашфиёт талаби ила, шу юксак мезондан туриб кузатилиши жоиз бўлган санъатий қурилма сифатида қарайди. Бу қурилма тақдимоти, таркиботидан ёзувчи услуби, истеъдоди, интеллектуал ҳолати, унинг ижодий ҳис-туйғу, кайфиятларини тасарруфлаш сифати, ўқувчига у тақдим этган маъноларнинг уюми ҳамда қуввати, бошқа талай ғоявий-поэтик вазифалар ижроси, ниҳоят, ҳаммасининг гўзал, санъаткорона бутунлашган тажассуми кутилади.

“Бадий матн ва эстетик талқин” китоби, айтилган вақтда, ўзининг долзарб масалани топиб, унга қаратилганлиги билан, тушунтириш манераси, бегумон тўғри фикрлари, қатъий илмий ҳулосалари, таъсирчан пафоси билан характерланади. Бу эса ёрқин қарашлар муаллифининг аввалги қўллаб асарларида намоён бўлган фазилатлар заминидан униб етуқлашганига шубҳа қолдирмайди. Чуқур мулоҳазакорлик ва адабий-эстетик тафаккур бобларидаги олим тараккий ҳолатининг туб асослари унинг ҳозиргача бўлган изланиш босқичларига бориб тақалишини ҳислотади ва хотирлатади.

Чунончи, жорий адабий жараёни инсоният эстетик тафаккуридаги энг мақбул анъаналар, самарадор тамойиллар билан узвий боғлиқликда тавсифловчи *“Ҳозирги адабий жараён”* (2005 йил) ўқув қўлланмасида Исмолжон Ёқубов давр ўзбек шеърини, насри, драматургияси поэтикасини, адабий танқидчилигимиз долзарб масалаларини, жараённинг муҳим вазифаларини янгича қарашлар асосида талқин қилган ва қўлланма далилларга бойлиги, концепцияси ўзига хослиги жиҳатидан алоҳида қиммат қасб этган эди.

Унда олим ўзбек адабий жараёнини жаҳон сўз санъати яхши тажрибаларига таяниб, ижтимоий-сиёсий, адабий-эстетик тафаккур таракқиети билан чамбарчас муносабатдаги ўзига хос ходиса сифатида тушуниб ўрганади. Бадий-эстетик тафаккурнинг даражаларини таъминлаган омилларни у адабиётнинг ички динамик ривожланиши орқали қўрсатишга интилади. Соғлом қарашлар, усуллар, самарали янгилликларнинг қўламлишиб бораётганини, ривожга ҳалал бераётган иллатларни англаш устувор кечаётганини айтади. Ва ҳоказо.

Кейинги изланишларида ҳам олим бу типдаги кузатишларини адабиёт ва унинг илмлари янгилликлари билан басма-бас бойитиш, такомиллаштириш йўлидан борди. *“Ўзбек романи тадрижи”* (2006 йил) монографиясида истиқлол йилларидаги романичилигимизнинг ёрқин хусусиятларини мустаҳкам назарий асосларда шарҳлаб умумлаштириб, қатта ўзгаришларнинг етакчи тамойиллари ва асосларини илмий ҳулосалади. Бунда ҳам тадқиқотчи адабий ҳодисалар моҳиятининг ички табиатини бутун таҳлил, талқин мобайнида назардан қочирмайди. Оламнинг ўзгармас тартиботи ҳамда ҳаёту одамлар ўзгаришлари аҳволоти билан роман жанри тадрижини

зарурий боғланишда, алоқадорликда олиб қарайди. Ўзбек романчилигини бир бутунликда, яхлит тарзда англаш, англантишга интилади.

Ушбу китоб эътирофини собит қилган фазилат ҳам шундаки, унда Ҳамза, Қодирий, Чўлпон, Ойбек романларидаги ғоявий-маърифий дидактикадан романтик талқин ва реалистик тасвирга томон силжиш мавжудиятини олим айнан дунё ҳолат-ҳодисоти фонида тадқиқ этади. О.Мухтор, Э. Самандар, Ҳ. Шайхов, Т. Мурод, Ш. Бўтаев, У. Ҳамдам, С. Вафо сингари носирлар мисолида эса роман борасидаги эндиги нореалистик изланишлар, тамсилий ифодавийлик моҳиятидан, янгича бу йўсинларнинг афзал-ноафзал томонларидан самимий баҳс юргатади. Эпик тур катта жанрнинг аънавий шаклларидан ҳеч бирини асло камситмаган ва янгичаликлари зиёда олқишламаган ҳолда барча адабий изланишларни жанрнинг динамикаси, миллий эстетик тафаккур ривожини билан зич дахлдорликда текширади.

“*Муҳаммад Али ижодида тарихий жараён концепцияси ва лиро-романтик талқин*” (2007 йил) монографиясида “*Улуғ салтанат*” тетрологиясига мансуб “*Жаҳонгир Мирзо*” (биринчи китоб), “*Умаршайх Мирзо*” (иккинчи китоб) романларининг замонавий насримиздаги мавқеи баҳоланади. Унда асар мазмун-маъинини англаш, унинг яралишига оид туртки-эҳтиёж, асос манба-маълумотлар, лиро-романтик услубнинг афзал поэтик жилвалари ўтмиш адабиётимиз тажрибалари билан сабабий боғлиқликда тадқиқ этилган. Исломжон “*Улуғ салтанат*” мисолида маъно ва пафос жозибасини, кўламдор тасвирийликни ардоқли адабий кадрятлар сифатида англантишга интилган. Адиб ижодининг миллатдошларимиз руҳияти, хис-туйғулари, тафаккур тарзларига нечоғлик сезиларли таъсир эта олганига диққат қаратган. Дарҳақиқат, “*Бугунги кеча орқали кўра оладиган, аждодларимизнинг ёвқур, мардона ва танги руҳий оламини, маънавий дунёсини кўрсатишга ҳаракат қиладиган Муҳаммад Алининг ижоди Ватан шижидани тугилган, Ватан руҳига йўрилган ва бошдан оёқ ватансеварлик туйғуси қирраларини кўйлашга бағишлангандир*” (Қозоқбой Йўлдошев).

Исломжон Ёкубов истиқлол йилларида ёзган, адабиётшуносликнинг ғоятда долзарб масалаларига бағишланган юздан ортиқ мақоласини “*Бадий-эстетик сўз сехри*” (2011 йил) китобида жам этди, шундан бир йил кейин эса “*Миллий уйғонини даври ўзбек насри*” монографиясини эълон қилди.

У халқ адабий-эстетик хотирасини – сўз санъати, адабиёт илмлари тарихини, қай даврда ва неча бор қайта-қайта ураниб бўлмасин, изчил ҳамда ҳаққоний таҳлил этиш – баркамол авлодлар тарбиятининг муҳим омили, деб билади. Айниқса, ҳар жиҳатдан оғир, машаққатли, зиддиятли кечган ва шунга оид илмий кузатувлар, муносабатлар ҳам ўзининг муракқаб бир тарихини ҳосил этган XX асрнинг адабий ҳаёти шундай бошдан-охир изчил, аниқ тадқиққа эҳтиёжли, деб ҳисоблайди. Шу боисдан ўтган асрнинг бошланғич давридаги миллий наср тарихини 1900 – 1929 йиллар маданий ҳаёти ва адабий жараёни фонида яхлит, изчил, синчиклаб ўрганиб чиқди.

“*Миллий уйғонини даври ўзбек насри*”да мустамлака ҳаётнинг миллат ва ватан учун қанчалик ҳалоқатли бўлганини ҳислаш, ўша янгича ўзбек насри одимлари ва руҳини теран билиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг бадий ифодасини кузатиш, мумтоз ҳамда тарихий ўша вақт адабиётининг муштарак ва хос жиҳатларини нафақат ғоявий, балки бадий-эстетик таҳлил этиш, пировардида, бугунги адабиёт сарчашмаларини кадрлаш илмий-назарий ният қилинган. Китоб шундай сўронли, тахликали йилларда ҳам иймонда собит туриб, замона янгилекларини эътиқодий мезонларда қабуллаган ва уларни маънавийтимизга тўғри татбиқот, тарғибот этган, халқ тафаккурини тозартиган, шарафли йўлни тутган улўғ жадидчиларга ҳаммамизнинг эҳтиромимизни яна бир бор тақдим этди. Монография адабиётимизнинг яқин ўтмишдаги бой тарихини чуқур ўрганиш, тўғри таъмул қилиш, таҳлиллаш йўлида қўйилган жиддий қадамдир.

Улкан ёки кенг камровли тақдирлар, манзараларни акс эттиришда, катта ҳаётини полотнолар чизишда роман имконият кўламининг айрича эканлиги аён. Даврлар адабиётининг аҳволотини билишда ва қиёфасини белгилашда ҳам у салмоқли мавқеда туради. Сир эмас,

бугунги кунда айни жанр табиатида чуқур ички сифатий силжишлар, ғайриурфий илгарилашлар содир бўлмоқда. Бу, айниқса, шаклий-услубий, тамсилий-ифодавий идроклаш ҳамда баёнлашда кузатилаётир. Жаҳон миқёсидаги мазкур эстетик ҳодисотни аввалги даврларда қатъийлашган тайёр назарий қоидаларгагина таяниб ёхуд янгилинишларга, жумладан, модернча усуллардан таъсирланишга нисбатан кечаётган ҳар қандай гап-сўзга дафъатан эргашиш ила тушунтириб бўлмай қолди.

Ҳатто ўта оддий ҳаётий воқеалар, жуда содда инсоний туйғулар ҳақидаги фикрлару ифодаларнинг нарсдаги салмоғи, мартабаси орди. Ва яна ижодкор ўз қалб оламини, сезимлар дунёсини манзаралантириш имконига эга эканлигини ҳар қачонгидан яхшироқ фаҳмлади. Зотан, маънавий зарурият бўлиб қалбда авжланган, қалбнинг тубларида ниҳон беором хислар, ҳаниф майллар мавжн тошмоғи, дарду изтироблар гўзал бадий баёнларга дўниши, турфа кечинмаларнинг самимий қоришиқ тасвироти китобхонлар ботинига ҳам бегона қоллар эмасдир.

Кўпчилик безган трафарет қахрамонлар, сунъий конфликтлардан инсоний ҳолатлар, кайфиятлар, табиатларнинг рамзли-метафорик ифодалари томон юз буриш, тасаввурлар уфқи кенгайиши, ҳаёллар парвози юксак бўлишининг нимаси ёмон? Жаҳон сўз санъатида, кейинги йиллар ўзбек нарсиди шунинг уддасидан чиқилган асарлар қамми? Ғоятда жўн туюлувчи оддийлигу одатий инсонийликка хос улуғворлик моҳиятларини санъат илгамаса, қай соҳа илғаб, ҳақиқатларга таъсирчан ундамоғи мумкин? Кўпинча беписанд қабулланадиган ёки одатдаги нарсалар саналиб қолган ҳодисалар, кечинмаларга, оилавий-маиший ҳаётга мансуб туб ҳақиқат лавҳаларисиз, эпик "мен" нинг ички курашию зиддиятларисиз, қувончу изтиробларисиз қандай қилиб жонли ҳаётга мутаносиблик ҳосил этиб бўлади?

Муносабатимиз тарзи оқилона белгиланиши, баҳоларимиз қайтадан одилона қўйилиши, яхшино ёмони тўғри аниқланиб айтилиши, аслидек англаниши ва аиглатилиши жоиз адабий ишлар, масалалар жуда кўп. Бирок уларнинг ҳаммасига соф эътикод таълим, йўл-йўриқлари асосида ёндашилмас экан, энг зарур муаммоларни ҳал этимоқнинг четга сурлиши, бир ёқламалик, маҳдудлик, номуҳим гапларга ўралашиб юрaveryишлик, беҳуда баҳсу мунозараларга шўнғиш, қарашларда кескин қарама-қаршилиқ, бир-бирини эътирофсизлик сингари нохуш кайфиятлар сира барҳам топмайди.

Модернистик йўсинларни қимдир керак деди, қимдир ноқерак. Қимлардир шу хилдалиқни ва унинг машҳур намояндалари ижодини мавжуд ҳолатидан зиёда қўққа қўтариб мақташ билан овора. Бу усулни ҳатто кишининг ҳеч ҳаёлига келмаган ўтмиш миллий ижодлар, асарлардан излашга уринишлар бор. Шунингдек, баъзи ижодкорлар, шоирлар, ёзувчилар ғарбона адабий ҳодисалардан меъёрли таъсирланиб, бошқачарок тарзларда, одатий нарсаларни ноодатий йўсинларда ёзмоқда экан, айни миллий ҳолларни бутунлай модернизмга йўйиб талқин қилишимиз ўзини арзимас нарсаларга қул, тобе, забун қилиб кўрсатиш бўлмайди? Ёки модернизм деб ўта тушунилмас бадий талқинга ёки мавҳумотга муккасидан кетиш истеъдодларни зоелик томон бошламайдими?

Адабий тақлид, тақор ҳавфиди омонлик хоҳиши, қўхна мавзуларни янгича жилдолантириш эҳтиёжи, ўзгача поэтик майдон, санъатий қурилма, сюжет, усулларга орзуланиш, ҳар тарафлама ҳосликка ва ҳос ижрочликка шахдланиш одамзот диалектикасининг ижодий амаллардаги қонуний кўринишларидир. Ифода тарзлари, шакллариға тегишли новаторлик туйғулари ҳам ушбу табиий ҳаракатда мудомий фаол қатнашади. Аммо қувватли ички-ташқи ағъаналар ҳамда таъсирий омилларсиз ижоднинг ҳеч бир қиррасида янгиҷалик яралмайди. Шундай экан, етарли ўйлаб қўрмай, ҳолатни ҳалол тафаккур қилмай, ҳодисалар баҳонасида мулоҳазачи ўзини ҳам тафтишлаб бормай туриб, энг керағи, вазияту ҳаракатларни ҳақ асослар тарозусида ўлчамадан ва баҳоламадан туриб, уларға нисбатан радлиб, қандайдир қолип қарашларға зийнатланиб юриш эътиқодий кўрсатмаларға зиддир.

Адабий ва илмий талкинчиликдаги барча хато, курсурларнимиз, идрокий парокандаликлар васатсизлик, номўътадилликдан. Барчаси тўғри йўллари ўргатувчи ва муҳофазаловчи, яхшиликка ва осонликка собит, салоҳиятли қилинган ҳақ таълимотга – илоҳий кўрсатмаларга, хусусан, ўзгариш, янгилик, хошу ҳолатларни қабуллаш, таъбиқ этиш, уларга қандай муомалада бўлиш одобларига риоятсизликдан. Ҳамма масаланинг ечими, ҳақиқатлари аввало илоҳий масалардан билиб олиниб, сўнг бирор гап-сўзга чоғланмоққина мутлақ яхшиликдир. Тўғрилик эса исталган маконлар, замонларда узлуксиз янги ва янгичалик демакдир.

Ҳар қандай амалда синов, ҳикмат мужассам. Ижодий муҳитда машхурланган янгичалик, таъсирланишу тамойилларга муносабат тарзларида ҳам тафаккурий даража ва ҳолатларнимиз ойдинлашади, синалади. Жараён мушоҳадаси яна бошқа мулоҳазалар томон этаклайди: баъзи даврларда маълум бир илмий йўналишларнинг худди хозиргидек пайдо бўлмоғи ажабланарли ҳол эмас; янгича мавзу-муаммолар айни масалаларга кўпроқ диққатли, ихтисослашган мутахассисларни талаб этмоғи мумкин; ишончли фикрлар, йўлловларни, барқарор хулосаларни улар юзга чиқармоқлари керак бўлади. Ҳар қалай, ҳар ким ўз соҳавий фаолиятини доимий ислоҳда тутмай туриб, ўзгаларни ҳам шунга ҳолис қорламай ва ҳодисалар ҳақиқатларини тўғри тушунтирмасдан туриб, асл натижаларга эришиб бўлмайди.

Модернистик оқимларга дуч келинган йилларда масала кўпроқ керакми-но керакми қабилда кўйилган экан, бу муҳимлик даражаси нисбатан кам бўлган вазифадан муаммонинг ечимини кидириш бошланди демак эди. Аслида эса бундай муайян эътиборга молик ҳолатларда кучни фақат ва мунтазам таъсир объектларининг яхши-ёмон томонларини илмий исботлаб ажратиб олишга, фойдаланиш меъёрларини тайин қилишга, йўналишга бевосита мансуб ва таъсиран битилган асарларни ушбу китобдагидек таҳлиллаб, баҳолаб борнишга қаратмоқ зарур. Жаҳон адабий жараёнида тезкор, кескин раддияларга лойиқ ёки тафаккур этилиб, сўнгра самарали томонларини қабул қилиш мумкин бўлган ҳодисалар доимо бор ва бўлади. Миллий адабий-назарий муҳит, бундаги умумтафаккур эса таъсирланиш жараёнининг ҳар қандай вазиятига, янгиликларига ўзининг собит, эътиқодий, илмий-эстетик қондалари, қабуллаш одоблари, тажрибалари, тўғри жавоблари ила доимо тайёр бўлмоғи керак.

Назаримда, адабий-назарий ҳаётдаги машғулияти кўп йиллик ва кенг камровли, қузатув ва изланишлари бетанаффус кечаётган, соҳаси маъсулияти ҳамда оғриқларини узлуксиз тааммуллаб келаётган Исломжон Ёқубов фикрий навқиронлики, хурлики, донишлики, тажрид (*новаторлик*) ни ва ўзга ҳамма манзурликларни фақат ва фақат ҳақиқатларда деб билгувчи ижодшунослардан биридир. Ва унинг янгича шакллар, усуллардаги адабиётга, оламу одам моҳиятлари бўйича талқинларида тамсилий ёндашуви қолиб насрга, кўпроқ Асад Дилмуроднинг бир романига қаратилган “*Бадийи матн ва эстетик талқин*” китоби бунинг ёрқин тасдиғидир.

Биргина романнинг ғоявий-поэтик борлигини бу қадар тааммуллаш ва тафсиллаш, унга шунча муфассал, узундан-узук тушунтириш бағишланг гайритабиий туюлмайти. Нега ажабсиниш хисси ҳосил бўлмайди? Бунинг боиси танланган аглаш ва аглаштиш объектининг мураккаблигидами? Гап фақат ишоравийлик билан йўғрилган образлар воситасида инсон онгининг чуқур пучмоқларини акс эттирган, олам илоҳий моҳиятига – мутлақ ҳақиқатларга рамзли, рухий воқелик асосида қараган асардагина эмас. Гап фақат катта тажрибали насир Асад Дилмуродда ёхуд ижодининг янги ўзига ҳос намунаси “*Ранг ва меҳвар*”нинг изчил, синчков идрок такозо этишида ҳам эмас. Ҳолис, батафсил тафсил – ҳар қандай тўғри илм, унда зарур топилган масала, мавзудаги марказий ва атроф-теварак муаммоларнинг доимий шартли, этакчи тамойили.

Шу маънода мен рамзу мажозлар билан тўйинган, ботиний маъни-мантиққа ғарқ, ижодий нишони қалб, шуур, ҳаёлот бўлган янгича усулли асарларгина эмас, ҳар қандай эътиборга сазовор адабий ҳодиса, бадийи намуна ва назарий масала ибрати ушбу китобда ҳам намоён ана шундай тушунтириш ҳамда илмий-эстетик концепцияга ҳақли деб ҳисоблайман. Бунда яхши ила ёмон тафовутини уларнинг худди ўзидек фарқлаш, муайян йўлни, ишларни ҳаққоний

бахолаш, беҳуда адабий ҳоллар, урфлар инкори, ожиз қарашлардан воз кечиш, юксак китобхонлик тақомили, пировардида, оламга тўғри тафаккур ила боқиш, унга матлуб муносабат, дунёқараш ва ахлоқни поклаш-сайқаллаш каби қатор маънавий манфаат мужассам.

Улкан залолатлардан бири – дунёни шахсий қаричлар билан ўлчамок. Яъни, борликдаги ҳамма нарсаининг мислсиз буюк ўлчов, интизом ила яратилганини тафаккур қилмаслик, айтилиб бўлинган самовий насиҳатларга итлоотсизлик. Бу, айни вақтда, шахснинг ўз соф фитратидан ғофил, беҳабар, ўз муқаррамлик макомига номуносиб яшамоғи демакдир. Киши ўз ботинига жо этилган асл табиатни кирласа, шаънидан олисласа, аслига қайтиш учун жидду жаҳд кўрсатмаса, ундаги улугъ неъмат – иймони ҳавф остида қолади. Яратган залолатни кимсага чиройли кўрсатиб қўяр бўлса, оламда бундан мудҳиш бирон-бир кулфат борми?!

“*Ранг ва меҳвар*” да худди шундай малъун кимсаларнинг, разиллик, ёвузлик, мунофиқлик, зулмқорликнинг моҳирона чизилган тимсоллари бор. Улар ўзлигидан батамом жудолардир ва тубан ҳолатларини ўларича жуда мақбул даража ҳисоблаб давру даврон сурадилар. Она заминни унинг ўз ўки – меҳвари илоҳий қудрат ила мустаҳкам мувозаанатда тутиб тургани мисол инсонни ҳам фақат иймон-этикод меҳвари олий, тўғри йўлдан оздирмай одимлатмоғи, ҳақиқий саодатга мушарраф қилмоғи мумкин. Буни билмас каслар эзгулик, гўзаллик ҳақиқатларининг ғанимларидир.

Мусаввир Камрон Вали эса – эътиқодий *меҳвари* жуда ҳавасбахш қаҳрамон. У сийратигаги фазлларига кўра бизда аввалги асарларидан таниш ва идрокланиб келинаётган ёзувчи шахсининг анчайин юксалган ўз сиймосидек таассурот ҳам қолдиради. Унинг диёнати, сабр-бардоши, дунёю мавжудотга, моддий ва маънавий табиатларга, яхшилик ва қабоҳатга муносабат роишлари ўқувчини ўзига ошно қилади. *Ижодчи шахсининг позицияси, нуқтаи назари дахлсиз ҳамда муътабардир, магар у ўз ҳунарига садоқат сақламаса, истеъдодини парварши айламаса, кучли тафаккур билан қувватламаса, адашса, иймонга хилоф йўл тутса, унда суботсизлик қарор топади, у нодир неъмат – ижодқорлик неъматини утқинчи, арзон-ғаров асарлар яратишга сарфлайди, хизмат қилдиради*, деган ажойиб ғоя-ҳақиқат Камрон тимсоли тасвирида бошдан-охир ҳукмрон.

Романнавис наздида, ҳақиқий тасвирий санъат асари – бирламчи мукамаллик, гўзаллик бўлиши борлик, дунё, инсон, илоҳият, руҳоният, тириклик қабиларнинг ўзига хос, ғоятда гўзал ва мафтункор кўзгуси, тимсоллари. Санъатдаги гўзаллик олий ҳақиқатларни, тенгсиз гўзалликларни таъсири тараннум этиш, тасдиқлаш, таратиш, шунингдек, жаҳолат ва ёвузликни, ёлғон ва хиёнатларни инкорлаш, маҳв этиш орқали қатта маънавий-эстетик халосқорлик функциясини адо этади.

Асардаги барча бир-бирига зид хатти-ҳаракатлар, дунёқарашлар, лавҳалар, рамзлар, ишоратлар, мажозларнинг ҳулосавий маънолари шундай донишона ғоялар камровида ботинан ажиб бир тарзда тутаниб, улар ўзаро яхлит, улугъвор, кадр-қимматли ҳақиқатларни роман пафоси даражасига кўтаради.

Исломжон Ёқубов Асад Дилмурод ижодининг айни романгача бўлган тадрижи хусусида мухтасар тавсиф-хулосалар беришни ўрнили ва маъқул кўради. Қаҳрамонларнинг *кўнгли иқлимларини нафе масаласига муносабатлари фониди тафтиш* этувчи “*Шердор*” киссасига, *иймон поклиши ва руҳ мусаффолиги ҳақидаги концепцияни тасдиқловчи* ҳамда улугъловчи, *ўқувчи онгида олам ва одам ҳақида теран мулоҳазалар уйғотувчи* “*Маҳмуд Таробий*” романига, *Ўзбек насири бўшлиғини тўлдирган, исломий эътиқоди туфайли ўтмиш мафқураси узоқ йиллар йўл қўймаган сиймонинг зоҳирини ва ботиний образини яратган* “*Паҳлавон Муҳаммад*” романига тўхталади. Албатта, ёзувчининг ўнлаб ҳикоялари, “*Мулк*”, “*Гирх*”, “*Интиқо*”, “*Меъзон буржи*” киссалари, “*Фано даиштидаги қуш*” романи ҳам “*Ранг ва меҳвар*” гача бўлган адабий тажрибаси хусусида тасаввур ҳосил қилишга, услубий ўзига хослиги тўғрисидаги қарашларни тўлдиршига қувватли.

Аммо тадқиқотнинг бош муддаоси буларнинг барчасини қамраб ўрганишга йўналтирилган эмас. Саналган маъруз асарларга оид бажарилган мухтасар шарҳларнинг ўзиёқ

ёзувчи ижодиди гоҳ анъанавий йўсин, гоҳ тарихий, гоҳ мистик-романтик, ўткир психологизм мотивлари устунлик қилиб келганини старли далиллай олади. Ва олимнинг “*Ранг ва меҳвар*” таҳлилига обдан қиришмоғи учун имконият эшигини очди. Ёзувчининг концепцияси негизда инсон омилига муқаррамлик намоёндарида қараш, барча ҳолатлар Яратганнинг ҳужмида эканлиги эътирофи, инсоният этиқоидига дахл қилиш банданинг иши эмаслиги чуқур акс этган, тасвиротида бадий услубиятининг янгича шакллари фаол қўлланилган, қахрамонларининг психологик портретларини, улар ботиний ҳаётига ҳос инжа сезимларни дақиқ кўрсата олишга эришган роман тадқиқига Исмоилжон ўз китобхонни шу тарика ҳозирлайди.

Умуман, олим ижодиди роман тарихи, захмати, такомили ва шунга тегишли кўплаб масалалар тадқиқи салмоқли ўрин эгаллаб келмоқда. Жанр ҳаёти, одимларига дохил ҳеч бир сазй-ҳаракат, воқеликни, ҳеч бир ютуқ, беҳудаликни, ижро-ижобатни ёхуд исталган даражаларни у назардан четда қолдирмаслик пайида бўлади. Бу йўлда ва романшunosликда кўрилган элга маънавий таъсири, манфаати баянд ҳоллар, аломатлардан беғубор севинади, муаммолар ва уларнинг донишона ечимлари борасида қуюнчақлик билан баҳс юритади. Жоиз топилган кезларда саҳву хатоларни беғараз танқид қилади, танбехлар тақдим этади. Қанча тўғри баҳо, мақтов, раддия содир бўлса, уларни самимият ила қаршилайди. Асосли танқидга чидамаслик ва сабоқлар чиқармасликни, бор нуқсонни яшириш ва лозим-лобуд танқидни қилмасликни касаллик билади. Олимнинг бу нуқтаи назари ҳам ҳолатларимиз ҳақидаги иймоний таъриф, ташхис, таълимлар бўйичадир ва кўп масалалардаги ожизликлар ўзини билганлар учун аслида бедаво дарлар эмасдир. Қолаверса, ишларининг ҳаммаси соҳа тараққийси йўлида, ҳақиқат, адолат мақсадларида, бериё бўлаётгани сабабли у ўз қарашларинида тинимсиз тафтиш этади, ўзини-да аямайди.

Одамлар тақдирини, инсоний муносабатларнинг гоят мураккаб диалектикасини қахрамон қалбига қулоқ тутиш орқали очиб, уларни муалифнинг юзаки истаги бўйича ёки бирор назария, мафкура раъий-авзойига забун қайфиятда эмас, балки ўз мавжудиятининг табиий оқимларига мос-муносиб яратиш, аниқ вазият-ҳолатларни психологик жиҳатдан асослаш, ҳаётий-жонли далиллаш, тасвирда турли сохталиклардан асраниш ва бошқа қатор ижодий-илмий тадбирлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларида олим адабий-эстетик қарашларининг қадри ва қиммати намоён бўла боради.

Унингча, қахрамоннинг инсонлик масъулиятлари, яшайдан мақсад-муддао бобларидаги, иймон ва виждон азобидаги ўртанишлари қалб драматизмига ҳос шиддатқорликни юзага чиқарар экан, насрий ифодадаги оригиналликни таъминлаган бу омилар ҳам ҳаётни теран ҳислаш (*ҳислатиш*), идроклаш (*идроқлатиш*) жараёнидан бўлак нарса эмасдир. Ва, демакки, характерлар моҳияти мураккаблигининг руҳий-шуурий, мантийкий асосланишлари ҳиссий идрок орқали англанди.

Унингча, бадий матни тушунмоқ муаллиф ҳақиқати ё талқинчининг англаган маъноларидангина иборат эмас. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, тадқиқотчининг асар матнини тушуниши кўплаб муносабатларнинг биридир. Муҳими, бунда тушунишнинг нисбатан аниқ-тиник бўлиши ва бадий матнга фаол ижодий муносабат орқали маънавий фойдани янада ёйиш, оширишдир. Асарга мурожаат ҳамда уни батафсил талқин этмоқ соф психологик ва субъектив жараёнгина бўлмай, тарихан шартланганлик хусусиятига эга ҳамдир. Потенциал тарзда мавжуд тағмаёно қулай шароит туғилгандагина ўзини намоён этмоғи, бошқа давр китобхони эски маънони бир қадар инкорламоғи, мавжуд янги маънони кашф қилмоғи мумкин. Бадий матн – шахс ва маданиятларнинг ўзига ҳос диалоги. Уни тушунмоқ – диалектик жараён. Унда жо бўлган ва кашф этилаётган маънолар тўқнашуви ўзлаштириш жараёни демакдир. Инсонга ҳос маъно-мазмунлар дунёси муҳим қадрият сифатида қаралса, ўзлаштирилса, ҳаётга таътиб этилсагина амалий самаралар етказилади.

Интеллектуал муносабатталаб “*Ранг ва меҳвар*”ни тушунтиришнинг ҳам интеллектуал бўлмасдан бошқа иложи йўқдек кўринади. Аслида эса унчалек эмас. Чунки, бунда ҳам ҳамма гап тафаккур соғломлиги, нуқтаи назар мусаффолигида. Баён тадбирини, фикрий тартиб,

меъёр, мезон, усуд, маромни муътадил белгилай олишдадир. Йўқса, осон нарсани қийин, мураккаб нарсани жўн, юзаки етказилиб, аслий маъно-моҳият очилмай, фойдали таъсирий қувват сезилмай қолмоғи мумкин. Исломжон Ёқубов ҳикматли олим сифатида мазкур адабий йўналишнинг хос ўқувчисини, ҳар хил савияли китобхонни тасаввурий бепоёнликлар сари бошлайди. Инсон қисса-қисматининг нитихосизлигини, ниҳосис аъша оламини, кеча, бугун, эртанинг яхлитлиги ва ўзаро монесизлигини, олий муқаррар ҳисоб-китоб масъулияти ила мезонларни идроклашга қорлайди. Китоб матни-мантиги илк саҳифалардан бошлабқ ўзига эргашган ҳар бир тафаккур қилгувчини борлик, оламлар, одамлар ҳақиқатлари борасида фаол, кўтаринки бир кайфиятда фикрлатади.

Зеро, дунёга боқиш, уни тушуниш, қабуллашнинг мутлақ салоҳиятли ва ақларни лол қолдирувчи бошқа бирон таълимоти йўқ. Ахир иймоний қондалар, кадриятларга таслимликсиз (?) азалдан то бу кун қадар ҳеч бир қомил ижод, кашфиёт, ҳеч қандай поэтик, илмий-эстетик изхорнома барпо бўлолган эмас. Агар чуқурроқ мулоҳаза қилинса, яшовчан, тўла-тўқис инсоний ишларнинг барчаси ҳақиқатларга итлоатдан, дунёдаги ҳамма кам-кўст, ноқислик, залолат, фитналар, бор глобал фалокатлар дунёқарашларнинг ботиллигидан, башарият кўп қисмининг катта-кичик гуноҳларидан келаётган кўргиликлар бўлиб чиқади. Керагича хабари берилган ва эътиқоди бутунлар риоятда бўлган воқелик одобларига заррача бўлсин беамалликнинг эса ҳар қандай иш, фаолиятда зоелик, шикастахошликни барпо қилмоғи тайин.

Ўзига хос мазмуни, тузилишли ушбу талқин китобининг асосий қисми ҳисобланган, ҳажман муъжаз, аммо мантिका бой, алоҳида-алоҳида сарлавҳа билан бойитилган ва *“Кўнғил водийсига ҳижрат”* деган фаслда муаллиф шундай ёзади: (?)

“Дарҳақиқат. ижод аталмиш гўзал маъвода буюклик чўққисига оддийлик сўқмоғи орқалигина юксалиш мумкин. Бу сўқмоқ шавкат ва дабоба ҳиди анқийолган манзиллардан йироқ, ҳалосроқ гўзаллик ифторлари бўйлаб ўтади. Безовта қалб ёққан шамчироқ руҳни нурафшон этиб, кечинмаларга ҳарорат баҳиш этади. Агар асл мақсад ўзининг кўрсатиши истаги, таъма ва ҳушомад тамоийллари эмас, балки ҳақ ва ростга йўғрилган, китобхон (тамошабин)да завқ-шавқ уйғотишига қодир бўлмаса, ифода асосида хом-хатала атала юзага чиқади. Ранглар ҳароратдан маҳрум, ҳақ ва ҳақиқатдан йироқ, нафосат туйғуси уйғотишдан мусово бўлса. маҳсулот ҳам нуфакдан фарқ қилмайди. Чунки сақов оҳанг ва совуқ ранглар ўз сўқир ижодқори маънавий оламини ошкор этади”.

Китоб мавзуси жаҳон адабиётининг танилган оқимлари табиъатга муносабатни, ўз масалалари доирасидаги талай адабий-назарий, фалсафий-эстетик тушунча ва қарашларга шарҳловлар тақдимини такозо этган. Шу сабабли унда дунёга доврғи кетган баъзи ижодий, фалсафий, психологик назариялар ҳамда насрий асарлардаги мақсадга мувофиқ ва номувофиқ жиҳатларга сиртдан қаралмайди, йўл-йўлакай жиддий муносабатлар билдирилади. Уларнинг маънавий оламидаги ўрни, мавқе-мартабаси, фойда-зарари ҳолислик, одиллик ила изохланиб ва баҳоланиб бориладики, оқилна мулоҳазалар, теран тушунтиришлар, ўринли қиёслар ва фарқлашлар, бизнингча, ортика ҳақиқат таҳлил, қўшимча далилларга эътиёж қолдирмайди.

Нарсалар, неъматлар, ҳолат-ҳодисаларнинг яхшилиғи ёмонлиғи тўғрисидаги илоҳий ҳақиқатлар айнан аслидек англамай, моддий жисмоний қучлилиқнинг афзалият сифатида қаралиши, зўравон, уддабурон одамлар ҳатти-ҳаракатининг устунлигини ёқлаш тенденцияси, одамни одамга бўри билиб ва кучли одамни ҳақ ҳисоблаб тасвирлаш, тушқун, пессимистик ғояларни тарғиблаш, заволу азобларни эътиқодсизлик, динсизлик, нотўғри тарбиялардан эмас, балки инсоннинг яралиш асосларидан излаш сингари ғарбона ботил адабий урфлар, мафқуралар муносиб танқид қилинади. Жумладан, Марсель Пруст (*“Йўқотилган вақтни ахтариб”* романлар турқуми) да инсоний қусурларни тўғма штеинкт ва феъл-атвор зиддиятлари билан боғлаб изоҳлашга уриниш. эзуғулик ва розолат меъзони тизгинини қўлдан чиқариш, қабиҳлик, аблаҳлик, ахлоқсизлик, ёвузликни инсоният ибтидоси билан боғлашга уриниш. Булар оқибатидан ҳақиқатга, гуманизмга зид ғояларнинг силқиб чиқиши ҳақидаги гаплар асло инкор этиб бўлмайдиган ҳулосалардир. Шунингдек, *“вақтни мутлақ абадий эмас,*

балки тасаввурлар оламига мансуб деб билган адиб олам яратилгани ва унинг Яратувчисини инкор этади. Чунки, у фақат оламий ироданигина тан олиб, илоҳий иродани рад қилади. Шунинг учун ҳам ёзувчининг айрим асарларида тушқунлик руҳи яққол намён бўлади” (“Марсель Пруст ва Асад Дилмурод” фаслидан).

Жек Лондон, Ги де Мопассан, Анатоль Франс, Ҳерманн Хессе, Франс Кафка, Оскар Уайльд, Иоганнес Роберт Бехер, Пауло Козльо каби ёзувчилар, Ф. Ницше, З. Фрейд, Г. Спенсер, Г. Гадамер, Г. Риккерт, М. Бахтин каби олимлар хослаларига мурожаат ва муносабатлар шунчаки матнни маълумотга зич қилиш, билиш, мутолага кўламлигини тасдиқлаб, кўрсатиб қўйиш учун эмас. Булар қўйилган зарур илмий мақсад-муаммоларнинг бевосита тақозолари ҳамда ҳолис ечимлари учундир. Ҳаммаси – улар карашларидаги қимматли, қимматсиз томонларни уқиш, ҳақиқатлар бобида ҳушёрликни сақлаш, ҳар ишда моҳиятни бирламчи тутиш, ҳақни топиб, унинг теранлигини ўзидек идроклаш учун. Колаверса, ўз истеводларини тўғри тасарруф эта билаётган миллий адибларимиздаги шу хил рамздор йўсинларнинг ҳам аксари ғарбий маданият, андозаларга таълимотий эргашиш ёхуд кўр-кўрона тақлид бўлмай, улардан шаклий, услубий воситалар сифатида таъсирланиш, фойдаланиш эканини инсофан эътироф этмок учундир.

Исломжон, Асад Дилмуроднинг ижодий ибратланув жараёнига марғуб ёндашиб келаётганини, бу хил таъсирларнинг эътиқодий ифодавийликка асло монелик қилолмаслигини, аксинча, ўзини билганга бунинг янада сержило имкониятлар майдони эканини ўз тиник таҳлиллари, дақиқ фикрлари, гоят маънили хулосалари билан етарлича уқтиради. Ёзувчининг катта насрдаги ўз услубий изланишларини тақомил топтира бориб, “*Фано даштидаги қуш*” романидаёқ тимсолларга таяниб иш кўришга, мажозлар тилида сўзлашга яхши эришганини эслатади: “*Романда инсон руҳиятининг икки олам ўртасидаги талинишлари, нафс қолида ўз-ўзида адашган, алданган ва аслига қайтишга интилаётган кимса иштироблари қаламга олинади. Худбинлик, хиёнат, қабоҳат, журъатсизлик кескин қораланади. Эътиқод бутлиги, ирода мустаҳкамлиги угуланади. Тарихий шажаралар билан пайвасталик, кўнгли тилга йўлидаги фидоийлик, болаликка хос покликни асраш. Яратганини таниш мумкин деган фикр руҳият манзаралари орқали ифодаланади*” (“Картина алёри ва ранглар рақси” фаслидан).

Олимнинг миллий насрдаги янгиланиш ходисаларига ҳар тарафлама эътиборларидан ҳам аёнлашадики, катта талқиний иш марказига асосан “*Ранг ва меҳвар*”нинг қўйилиши бежиз эмас, уни бағафсил тушунтиришга чоғланмок адабий жараённинг умум муаммоларидан айрича мақсад саналамайди. Кўзда тутилаётган кўп навқирон миллий ижодий-эстетик тамойиллар унда уйғун тажассумларига эга. Роман ҳар жиҳатдаги таъсирий омиллар ҳамда миллий асосларнинг бирма-бир шарҳланиб борилиши эса маълум маънода романнинг изчил, чуқур, ботартиб таҳлили учун тўла тадорик тadbири ҳамдир.

Бутун тасвироти қаҳрамон субъектив нигоҳи воситасида берилган, *тутқич бермас таассуротларни ҳаққоний чизишга* қаратилган, сирли ишоралар билан йўғрилган *образлар орқали инсон онининг чуқур нуҷоқларига назар ташлашга* асосланган “*Ранг ва меҳвар*”нинг на модернистик, на постмодернистик услубда битилгани, романда илгор жаҳон адабиёти ва санъати турли оқимларига хос унсурлар миллий-адабий анъаналар негизда синтезлашгани, унда ўзбекона поэтик тафаккур миқёслари доминантлик родини ўтагани қатъий айтилади. Ифода тарзида рамзий-мажозий усуллари етакчи ўзга насрий ижодлар, бадий намуналарга ёндашувлар учун ҳам мос, мувофиқ келувчи, соҳага жорий этилиши мумкиндек кўринувчи бу каби ҳақ назарий фикрлар, карашлар “*Бадий матн ва эстетик талқин*” саҳифаларида кўп. Улар кўпқатламли асарга ва ундаги эстетик мақсад-идеалларга иштиёқни, талқиннинг бориш жараёнига хайрихоҳликни орттириб боради.

Рамзлари, ишоратлари бисёр тасвирлар бизни қаён бошлаётир? Мажозий тимсолларда қандай ошкор ёхуд яширин маънолар, ундовлар, йўлдовлар мужассам? “*Ранг ва меҳвар*”даги тамсиллар, масаллар, ривоятлар, нақллар илдизлари қанча микдор чуқур кетган, қай тарафларга таралган? Бундаги бадий-эстетик мантяк, маъно хазинасининг манбаи қаерда? Матн замирида

залворли хақиқатлар мавжуд бўлса-ю, бизнинг тафаккуримиз уларни илғашда ожиз эса, аламли, аянчли бир ҳол эмасми?..

Тушунишга шавкли, майли китобхон ўз кўнглида кечаётган булар янгли тафтишгар саволларга роман матнининг раван ва асосли таҳлилидан, тамсилий унсурларнинг тааммуллари баёнидан ўзи аввал хиёл ҳислаган ё ҳисламаган ишончли жавобларни топади. Бунинг учун ўттиз уч фаслни ўқиш-уқиш, талқинчи билан баравар фикрлай бориш, ҳар адабий масала, тасвир, лавҳа зимнидаги мақсадлар ҳақиқатига толиблик керак, ҳолос. Эҳтимол, мутолаа бевосита *"Ранг ва меҳвар"*нинг ўзига ёхуд асар ҳақида асар бўлмиш ушбу китобга оид муайян баҳс, инкорий фикр, кўшимча ё тўлдирувчан қарашлар уйғотар. Ишлар шакли, усулларининг ўзгартирилари жараёнида бу хатто анчайин табиий ҳол. Мухими, ҳаммамизда ҳақни беҳато кўра билиш, таъсирчан айта олиш, у бўйлаб шаҳдам юриш, унга риоятда бўлиш туйғусининг беғубор ва безавол бўлмоғидир. Мухими, яхши гумонда бўлиш, эзулиқни кадрлаш ва яхшилиқ томон йўллаш. Бир неча мўъжаз мисоллар билан чекланамиз:

Романда ўйчан йўсинда тасвирланган дўланасидан жудо *"Далқожа дараси дарди бу – аламангиз нидо. Унда ўз суюқлисидан айрилган, барча орзу-армонлари поймол этилган, истеъдодли фарзандлари сургун ва қатли ом қилинган, ҳўрланган халқ дарди мужассам. Асад Дилмурод маҳорати шундаки, у ширавий мазмун таъмирига ичидаги гараз ва риё тафтини босолмай, эл-улус устига гирмон янглие лашкар тортган мунофиқлар додини берувчи рангу оҳанглари жойлай олган..."* (Микродунёда кечган мухораба" фаслидан).

Романдаги сичқон, чигиртка, мушук, тулки, бўри, қоплон катнашгувчи *"ўра шунчаки моддий нарса эмас. У макон ва замон танламайдиган нафс ўпқони"*. Саналган махлуқот бир-бирини шунда маъв этди. Олдинчилари сингари охири энг зўравони ҳам хандакдан чиқолмай нобуд бўлади. Вақти-соати келиб, ўпқон кўмилиб, бунда пайдо бўлган тепалик ҳам, қабр ўртасида ўсган муаззам олма дарахти-ю, унинг кизили тарам-тарам нақшин олмалари ҳам рамзий: *"... масал фалақнинг сирү савдосидан хабар беради. Кўҳна чарх алмисоқдан қолган бино экани, бандаларига инъом қилинган тўғри йўлдан адаштириш залолатга кетиши ва муқаррар газабга дучор бўлиши эканига ишора қилади. Демак солиҳ ва солиҳларни ҳидоятга чорлайди"* ("Ҳидоят" ва зарбулмасал" фаслидан).

Бош қахрамон – рассом Комрон Вали *"лаҳзанинг ўзида оломон қарвони билан бир сафда ва айна дамда ундан ажралган. Чунки Комрон ўз қарвонини кўнгли сафарига йўналтира олади..."* ("Қарвон" картинаси – Т.Ш.) мақр-ҳийла тўртини тўқийган Санам (нафсининг, инсон кўринишидаги бут, ширкнинг тимсоли – Т.Ш.) чилдирмасига ўйновчи касларни фош этиб, яхлитликда англашишувчи моҳиятга мислсиз қудрат бағийлайди. Натижода шуурини гафлат могори қоплаган аросат кимсалар фитнаю фасоди инсоф-диёнат, имон-эътиқод, инсоний қадр-қиммат, уят-андиша тарозусида тортилади. Тақдир фалсафаси ва Тангри иродаси эътироф этилади. Румий ҳикмати билан айтганда, Комрон Вали зоҳир кўзини юмиб, кўнглини кўзга айлантира олган ("Оломонлик генеологияси" фаслидан).

Зотан, инсон қай макон, замон ҳаётида яшамасин, қай касбу қор, фаолиятни тутиб қун кечирмасин, ҳақ йўллардан оғиниш, тойилиш унга залолат. Амалларда тор, биқик, тарафқаш қарашларнинг иштироки, яхши билан ёмоннинг аралаш қилиниши ҳар зайл умрни исроф қилайди, меҳнат, заҳмат маҳсулини бора-бора эғтиборлардан четлатади. Ишларнинг оқибатлари Яратгандадир. Адабий ижоду илмлар ҳам оламнинг жамийки ишларини, бинобарин, соҳавий ҳамма масалаларни ҳақ асослар ила бардавом тааммуллашдан, уларни ўз аслича тушунмоқ ҳамда ҳақиқатлар мазмун-моҳиятини таъсирчан таратмоқдан сайқал топади. Ҳақиқатлар масдари эса яналаридан ва сабр-тоқат билан унга ошиқиш, мансублик, ошуфталикни шарафли йўлдалиқ нишонасидир.

ТОҲИР ШЕРМУРОД

*Низомий номидаги ТДПУ доценти,
филология фанлари номзоди*

МУНДАРИЖА

ЎНГСЎЗ

1. Одам ва олам моҳияти.....3
2. Тарихий ҳақиқат ва бадий талқин7
3. Кўнгил водийсига хижрат16
4. Янгиланаётган бадий тафаккур120

СЎНГСЎЗ

5. Эстетик тааммул таровати (Тоҳир Шермурод).....140

ИСЛОМЖОН ЁҚУБОВ

**БАДИИЙ МАТН ВА ЭСТЕТИК
ТАЛҚИН**

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2013

Муҳаррир: Ш.Кушербаева
Тех. муҳаррир: М.Холмухамедов
Мусаввир: Э.Мажидов
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

**Нашр.лиц. АIN№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 10.05.2013 йил.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 9,75. Нашр босма табоғи 9,5.
Тиражи 500. Буюртма №51.**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bostaxonasi» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.**